

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

«ПСИХОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР» кафедраси

Аҳмеджанов М.М., Бакиева С.Н., Имомова Р.Р

«Педагогика» фанидан МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



БУХОРО - 2005

2.ФАННИНГ ТАРКИБИ:

2.1 МАВЗУЛАРНИНГ НОМИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, УЛАРГА АЖРАТИЛГАН СОАТЛАР МИҚДОРИ.

I БОБ. ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ. (8 СОАТ)

2.1.1. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ (2С)

Режа:

1. Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Педагогика фанининг қисқача тарихи.
3. Педагогика фанининг тузилиши.
4. Педагогика фанининг илмий тадқиқот методлари.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг талаби эканлиги.

Педагогика фанининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: Педагогика - таълим – тарбияга оид билимларни муштарак ҳолда жамлаб, уларни саралаб синовдан ўтказувчи ва бир тартибга келтирувчи, уларни бошқаларга ўргатувчи фандир.

Педагогика фанининг асосий вазифаси бутун дунёдаги маърифат соҳасига тегишли билимларни тўплаб, уларни дидактика кўригидан ўтказиш. Дидактика кўригидан ўтказиш деганда, педагогикага тегишли мақола, рисола ва йирик асарлар мазмуни ва моҳиятини дидактика тамойилидаги талабларга солиштириб кўриш тушунилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чоп этилаётган педагогикага оид асосларнинг 7-10 фоизи дидактиканинг тамойилларига тўғри келар экан. Шунинг учун педагогика фанининг биринчи вазифаси нашрдан чиққан педагогикага оид асосларни дидактика тамойиллари билан таққослаб, таҳлил қилишдир. Амалиётчи – ўқитувчи ва педагогларнинг вазифаси педагогик адабиётларни ўз фаолиятида кўр – кўрона қўллавермасдан, уларга танқидий ёндашиб, дидактика таҳлилидан ўтказиб қўллашдан иборатдир.

Педагогика фанининг иккинчи вазифаси, муайян асар дидактиканинг барча тамойилларига мос келиши маълум бўлгандан кейин, унинг маҳаллий шароитга тўғри келиш - келмаслигини аниқлашдир. Чунки, ҳар қандай ижтимоий воқеликда, шу жумладан таълим – тарбия жараёнида ҳам ҳукм сурувчи қонуниятлар маълум бир ижтимоий шароитнинг объектив борлигини қанчалик тўла ифода этган бўлишига қарамай, бошқа ижтимоий шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам маорифчи олимлар, ўз ҳудудидан ташқарида педагогиканинг ҳамма қонуниятларига асосланиб яратилган таълим – тарбия усул ва услубларини ўз ҳудудида қайтадан синаб кўришлари шарт.

Педагогика фанининг учинчи ва асосий вазифаси педагогик соҳада асрлар давомида тўпланган билимларни дарс беришнинг маълум усули ва

услуглари ёрдамида, тасдиқланган режа ва дастурлар асосида ўқитувчиларга бериш ва бу билимларни амалиётда қўллашни ўргатишдир.

Педагогика фанининг предмети.

Педагогика – тарбия ҳақидаги фан. Педагогиканинг асосий тушунчалари – тарбия, ўқитиш, ривожлантириш, маълумот ва уларнинг ўзаро алоқаси. Педагогика (пайдагогос – грекча «бола» ва «етаклаш» маъносини билдиради) инсонни шакллантиришда муайян тизим, фаолият ҳамда таълим – тарбиянинг мазмуни, шахси ва методлари ҳақида баҳс юритади.

Педагогиканинг анъанавий тушунчаси – ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ўқитиш.

XIX асргача педагогика тўғрисида шундай тушунча мавжуд эди. Ҳозирги пайтда педагогика предмети кенгайди, чунки янги йўналишлар пайдо бўлди. Жумладан, касбий таълим педагогикаси, ўрта махсус таълим педагогикаси, олий таълим педагогикаси.

Педагогика фанининг предмети - ўқитишнинг, таълим – тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан инсонларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан.

Ўрта - Осиёда дастлабки педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши ва унинг халқ оғзаки ижодиётида ифодаланиб фозил инсонни шакллантириш учун хизмат қилганлиги.

Педагогика фанида тарбия асосий категория ҳисобланиб, у жамият ва оилада ҳар томонлама ривожланган инсонни шакллантиришдаги муайян фаолиятни ифодалайди. Тарбиянинг илк шакллари ибтидоий жамият давридаёқ пайдо бўлган. Кекса авлод меҳнат жараёнида орттирган тажрибаларни ёш авлодга ўргатган. Қулдорлик жамиятида Шарқда тарбияга оид турли қарашлар вужудга келди. Феодализм даврида таълим – тарбия ишлари ҳукмрон феодал синфи мақсадини кўзлаб иш тутар, шунинг учун таълим – тарбия муассасаларида диний мафкура гегемонлик қилар эди. Бу асосан Ўрта Осиёдаги педагогик фикр, мактаб ва мадрасаларга катта таъсир кўрсатди.

Ўрта аср уйғониш даврида Шарқда дунёвий таълим кенг ривожланди. Бироқ кейинги асрларда бутун маданиятда бўлгани сингари таълим – тарбияда диний мафкура устунликни ўз қўлига олди. Бироқ дунёвий таълим тизимида ҳам диний таълим тизимида ҳам халқ оғзаки ижодиётидан, жумладан ривоятлар, эртаклар, масаллардан фозил инсон тарбиясида фойдаланилди. Халқ оғзаки ижодиётидаги фикрларни ижтимоий онг ва ахлоқни шакллантиришда қўллаш самарали натижа бериши замонавий педагогика томонидан тан олинди.

Педагогика- тарбия ҳақидаги фан.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, улар тарбиясини самарали амалга ошириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу эҳтиёж тарбия борасида орттирилган тажрибалар тўплангандан кейин уларни умумлаштириш, ёшлар тарбияси ҳақида қонун – қоидаларни ишлаб чиқариш заруратини тақозо этади.

Қадимдан инсон тарбиясига оид бўлган фикрлар халқ мақолларида, афсоналарда, достонларда ўз ифодасини топган. «Алпомиш», «Тўмарис», «Калила ва Димна», «Сиёсатнома», «Қутадғу билиг», «Девони луғати турк» каби достон, масал ва эртакларда ростгўйлик, ота – онага ҳурмат – эҳтиром, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби туйғулар, фазилатлар тараннум этилган.

Тарбиянинг ижтимоий ҳодиса эканлиги.

Тарбия кишилик жамияти ибтидосида пайдо бўлган ва башарият манфаатлари учун хизмат қилиб келган. Тарбия авлодлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Катталар ўзлари турмуш жараёнида орттирган тажрибаларини ўзидан кейинги авлодга ўргатиб борганлар. Кичик авлод эса фаолияти давомида янги – янги муаммоларга дуч келиб, уларни ечимини топиш баробарида билим ва кўникмаларни эгаллаб олдинги авлоддан мерос қолган билимларини янада бойитиб ўзидан кейинги авлодга қолдиради. Инсоният тарихий тараққиёт мобайнида катта йўлни, бу йўлда у турли ижтимоий босқичларни босиб ўтди. Формацияларнинг ўзгариши натижасида иш муносабати билан ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этди. Бу ҳол тарбия жараёнининг такломиллашиб боришига ўз таъсирини кўрсатди.

Тарбия ва ҳаётнинг бирлиги. Зиддиятлар тарбия манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунга келиб жаҳонга ўз номини танитди. Иқтисодий – сиёсий жиҳатдан юксалди. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, ҳамкорликдаги корхоналар кучайди. Ўзбекистон дунёнинг катта бозорига шахдам қадам ташлади. У билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида бугун ва келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди.

Мустақиллик, эркинлик, бунёдкорлик эса ижодий, амалий, назарий ташаббусда намоён бўлади. Ташаббус иқтисодий – ижтимоий ривожланишнинг, инсонларнинг янги талабига мос келадиган моддий, маънавий маҳсулотлар яратишга қаратилган таклиф, ғоя, фикр ёки амалий жараёндир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси мустақил давлатимиз ривожланиши тарихида мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамият қурилишида бозор иқтисодиётининг янги, ҳали ишга туширилмаган механизмларини ишлаб чиқиш ва ишга туширишда иқтисодий – ижтимоий тараққиётнинг янги ҳаракатлантирувчи кучларини ишга солишда ХХІ асрга кириб боровчи янги ғоялар, технологиялар сессияси бўлиб қолади. Бу тасдиқ Президентимизнинг сессияда «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» номли жаҳоншумул маърузаларидаги тараққиёт

йўналишларининг мазмунан уйғунлигидан келиб чиқади. Маънавий қадриятлар, маънавий инсоний фазилатга айлансагина инсонларнинг ҳаётлари жўшқин, бахтиёр бўлади. Меҳнатлари унумдор бўлиб, ҳақиқий фаровон ҳаёт кечирадилар.

Турк заминидида вужудга келган миллий уйғониш вакиллари – жадидларнинг аксар қисми маорифнинг мавжуд ҳолатига қарши бош кўтариб, ислохотлар ўтказиш, янги усул мактаблари ташкил этиш, туркистонликларни қисқа муддатда ривожланган, маданиятли ва фаровон турмуш кечирадиган халққа айлантириш йўлида ҳаракат қилдилар. Уларнинг эзгу амаллари, покиза ниятлари, илғор ғоялари авлодлар томонидан давом эттирилиб, 60 – 70 йилдан кейин уларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Бу имкониятни қўлдан бой бермай миллий мактаб ва унинг янги маърифат усул ва услубларини яратиш вақти келди.

Маърифатнинг қисқача тарихи таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, у қайси даврда ва қайси ҳудудда шаклланиб, ривож топганлигидан қатъи назар, қуйидаги тамойилларга асосланган:

- одамларнинг ирқидан, динидан, миллатидан ва истиқомат қилиб турган жойидан қатъий назар, уларнинг таълим – тарбияга бўлган эҳтиёжи натижасида шу ижтимоий соҳа ва унинг илм – фани вужудга келди;

- маърифатнинг бирдан бир мақсади аҳолига билим бериш ва уларни бу билимларни ҳаётда қўллай олишликка ўргатишдир;

- бундан мақсад одамларда тегишли кўникма ҳосил қилдириш, уларда ижобий - ижтимоий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- қадимги ва ундан кейинги асрларда яшаган аجدодлар учун ростгўйлик, соғлом фикр ва жасурлик, одоб ва ахлоқийлик, меҳнатсеварлик, меҳмоннавозлик, иймон ва эътиқодлилиқ асосий хислатлар ҳисобланган;

- таълим – тарбияда оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, умумийдан хусусийга бориш, кўرғазмалилик ва узлуксизликка амал қилиш, тушунарли тилда, ҳаётий мисолларда ҳамда замонавий усулларда баён қилиш.

Асосий педагогик тушунчалар (тарбия, таълим, маълумот).

Тарбия кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши билан вужудга келди. У билан бирга тараққий этди, жамиятнинг ўзгариши билан ўзгариб борди.

Педагогиканинг асосий тушунчалари (категориялари): 1) тарбия, 2) таълим, 3) маълумот, 4) ўқув жараёни.

Таълим – тарбия: ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларни тарбия вазибаларига мувофиқ билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш учун муайян мақсад асосида йўлга қўйилган, режали равишда ошириладиган иш жараёнидир.

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан

куроллантирадиган ва шунинг билан бирга, уларнинг билиш қобилиятларини таркиб топтирадиган жараёндр.

Тарбия – бола туғилган вақтидан бошланиб, мактабни битиргандан кейин ҳам давом этадиган абадий жараёндр. Тарбия деганда олинган билимлар, ҳаётий тажрибалар асосида кишида дунёқарашнинг ва хулқнинг таркиб топиши тушунилади.

Маълумот – таълим–тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуи тушунилади.

Педагогика фанлари тизими ва унга яқин бўлган фанлар.

Педагогика фанлари тизими:

1. Умумий педагогика - у таълим тарбиянинг асосий қонуниятларини ўрганади.

2. Ёш педагогикаси - ўқувчиларни ҳар хил ёш гуруҳларида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. У мактабгача, мактаб ёшидаги педагогика, мактабдан кейин, ҳамда катта ёшдагилар педагогикасига бўлинади.

3. Махсус педагогика (дефектология) – нуқсонли болаларни ўқитиб тарбиялаш.

Ўз навбатида у қатор соҳаларга бўлинади: кар – соқов ва гунг болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан - сурдопедагогика; кўр ва кўзи ожизлар билан – тифлопедагогика; ақлий жиҳатдан қолоқлар билан – олигофренопедагогика; нутқи яхши ривожланмаган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан логопедия шуғулланади.

4. Методика-муайян ўқув предметини (тил, математика, табиатшунослик ва ҳ. к. фанларни) ўқитиш; таълим беришнинг умумий қонуниятларини тадбиқ қилади.

5. Педагогика тарихи-турли тарихий даврларда педагогик ғояларнинг ва тарбиянинг тараққиётини тадбиқ қилади.

Педагогик тадқиқот методлари.

Педагогика илмининг илмий тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларга хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса, таълим – тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада ривожланади. Аммо шуни таъкидламоқ лозимки, илмий тадқиқот методлари тизими ҳали ҳозиргача фанда тўла ҳал этилган эмас, мавжуд ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий - тадқиқот усуллариға таяниб фикр юритиш мумкин.

1. Педагогик кузатиш усули
2. Сухбат усули
3. Болалар ижодини ўрганиш усули
4. Сўровнома, тест усули

5. Хужжатларни таҳлил қилиш усули
6. Тажриба синов усули
7. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш усули
8. Математика – кибернетика усули.

Педагогика фани бўйича илмий тадқиқот методлари барча фанлар каби педагогика фанининг ҳам такомиллашиб боришига, айрим педагогик ҳодисаларни текширишга, уларни тўғри ҳал этиш йўлларини аниқлашга ёрдам беради.

Текшириш учун саволлар:

1. Педагогика фанининг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?

2.1.2 МУТАХАССИС ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ТАРБИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ (2 С.)

Режа:

1. Педагогикада шахс тушунчаси ва уни ривожлантириш муаммолари.
2. Шахс шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.
3. Ўрта Осиё мутафаккирлари таълимотида шахс камолоти.
4. Давлат дастурларида шахс камолоти.

«Одам», «Инсон», «Шахс» тушунчалари ҳақида маълумот.

Одам туғилиши билан ўзида инсоний хислатларни шакллантира бошлайди. Бу хислатлар шахсий характер, мижоз, ҳиссиёт, диққат, идрок ва хотира таъсиридан ўтиб, шахсий хислат тусини ола бошлайди. Инсон секин – аста шахс деган мақомга эга бўлади. Шахслар эгаллаган билимлари ҳажми ва одамлар тақдирини ўзгартира олиш доирасига қараб оддий, кучли ва буюк шахслар тоифасига бўлинадилар.

Шахснинг камолотга эришиш жараёни мураккаб бўлиб, кишининг ирсий бирликларидаги дастури (тақдири азал), шахсий шижоати ва ташқи ижтимоий, шу жумладан мақсадга йўналтирилган таълим – тарбия муҳитларининг таъсири остида кечади.

Ижтимоий муҳит моддий ва маънавий турларга бўлинади. Моддий муҳитга киши умри давомида яшаб, кўрган – кечирган моддий олам таассуротлари киради. Буларга умри кечган уй – жойининг моддий ва маданий ҳолати, ҳудуднинг маданийлашганлиги, сайр – саёҳат қилган даврида олган маънавий ва эстетик завқи ва бошқалар киради.

Маънавий муҳит, деб кишининг умри давомида уни ўраб турган одамларнинг ғоя, фикр, ахлоқ ва одобини ифодаловчи ўзаро муносабатлар мажмуига айтилади.

Ижтимоий ривожланиш – бу одамнинг руҳияти ва вужудидаги ижобий томонга бўлган сифат ўзгаришларидир. Албатта, ривожланиш жараёнига кишининг меҳнат фаолияти, таълим ва тарбия тизими ҳамда давлатнинг олиб бораётган сиёсати фаол таъсир кўрсатади.

Педагогикада шахс тушунчаси.

Шахснинг ривожланиши қийин, мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташқи таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чиқади.

Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш деганда, биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса, деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши, ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланишининг қонуниятларини, унга таъсир этувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим - тарбия ҳамда фаолиятнинг таъсири ва аҳамиятини аниқлайди, таҳлил қилади. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Шахс ҳаёт давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, натижада шахсга айланади. Шу сабабли шахсни маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули, деб тушунишимиз лозим.

Кишилиқ жамияти тараққиётида шахсни шакллантириш муаммолари.

Педагогик жихатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, меҳнат, ўқиш, спорт ва бошқалар бўлсин шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғая борган сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради, турли ёш даврларида эса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи ҳаётида ўқиш, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятга эгадир.

Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун боладаги ривожланишнинг моҳиятини тушуниш, билиш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаш зарур. Тарбия - ҳақиқатан ривожлантирувчи омил бўлмоғи учун тарбияланувчи жамиятнинг тарбия олдига қўйган талабларини, шахснинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарур. Педагогика фани шахс ривожланишида тарбиянинг етакчилик ролини эътироф этиш билан бирга уларнинг ўзаро бир – бирига таъсирини тан олади.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма босқичларида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. Тарбия жараёнида ўсаётган авлоднинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда зарур. Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўқувчи – талабаларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари, психик жараёнлари мавжуд.

Шахс, унинг характери, хулқ – атвори, умуман жисмоний ва маънавий тараққиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жараён мураккаб ва зиддиятлидир. Шу сабабли ривожланиш жараёни бир текисда бормади, балки бунда сакрашлар, нотекисликлар ҳам содир бўлади.

Шундай экан, ўқитувчи ва тарбиячилар боланинг ёши ошган сари унинг эҳтиёжларида, интилиш ва қизиқишларида қандай сифат ўзгаришлари содир бўлаётганини мунтазам кузатиб боришлари лозим.

Шахс ривожланишига таъсир килувчи омиллар (ирсият, муҳит, тарбия).

Шахснинг ривожланиш жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Ирсият, яъни биологик омил ҳамда муҳит, таълим ва тарбия, шахс фаоллиги (ижтимоий омил) шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади.

Шахснинг, айниқса боланинг жисмоний ривожланиши, соғлиги биологик омилга боғлиқдир. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган ирсиятнинг, яъни боланинг насл – насабининг ролига олимларимиз алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар бир бола инсонларга хос туғма хусусиятлар билан дунёга келади. Шундай экан, одам боласи туғилгандан сўнг унда шахс бўлиб шаклланиши, етук инсон бўлиб вояга етиши имконияти мавжуд бўлади. Бола ўзининг авлод – аجدодларидан кўпгина биологик белгиларни мерос сифатида қабул қилиб олади, ҳатто айрим касалликлар ҳам наслдан наслга ўтади. Биологик омиллар шахснинг жисмоний ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Муҳит – бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплекси. Буларга: табиий муҳит (географик, экологик), ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият), оила муҳити ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий муҳитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари муҳим рол ўйнайди.

Шахс ривожланишига эришиш ҳар бир жамиятда амалга ошириладиган тарбия тизими орқали амалга оширилади. Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа билан шахсга таъсир этилади. Бунинг натижасида муҳитдаги воқеаларнинг тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имконияти туғилади. Муҳит бера олмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга етказиш мумкин. Бундан ташқари муҳитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанлар қайта тарбияланади.

Ўрта Осиё алломалари ва мутафаккирлари таълимотида шахс камолоти.

Ўрта осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар. Фаробий инсон камолотида таълим – тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «Муносиб инсон бўлиш учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр – қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир»... дейди.

Абу Али ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беришга ҳаракат қилади. У айниқса оила тарбиясида ота – онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: «Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак... Агар оилада тарбиянинг яхши усулларида фойдаланилса оила бахтли бўлади» деган фикрни илгари суради.

Фаробий ўзининг «Идеал шаҳар аҳолисининг маслағи» номли рисоласида таъкидлаганидек, фан ўқитиш орқали ўзлаштирилса, эзгу фазилатлар тарбия ёрдамида эгалланади. Ўқитиш фақат ақлнинг чиниқиши учун эмас, балки умумий маънавий, шу жумладан, ахлоқий камол топиш учун ҳам асосдир. Ўқитиш ва тарбиялаш ўзаро боғлиқ бўлиб, шахсни маънавий камол топтиришнинг турли йўллари дир.

Президент орзусидаги шахс.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг «Миллий мафкурамиз халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин» номли «Тафаккур» журналининг (2- сон, 1998 й) бош муҳаррири билан бўлган мулоқотида, 2000 йил июнь ойида «Фидокор» газетасининг муҳбири билан «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли мулоқотларида инсонни маънавий – амалий шаклланишида ҳаётий жараённинг ҳамма жабҳалари моҳиятли эканлигини асослаб берди.

Президентимиз «Соғлом авлод йили» ни эълон қилар экан: «Соғлом авлод деганда шахсан мен, энг аввало соғлом насли нафақат жисмонан бақувват шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон – эътиқоди бутун билим, маънавияти юксак мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман», деб таъкидлайди.

Соғлом авлод тарбияси осон иш эмас, у ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади. Президентимиз фикрларини давом эттирар эканлар: «...ҳеч шубҳа йўқ, соғлом авлод орзуси аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон – қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота – боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл – насаб, етти пуштининг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ», деб таъкидлайди юртбошимиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсули экан, у албатта болани ўраб олган муҳит таъсирида ривожланади. Шахснинг ҳаёти фаолияти давомида муҳит унга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши, ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс.

Президентимиз И.А. Каримов айтганидек: «Фуқаролар энди ижтимоий – иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчиси дир». Бундай янгича ёндашиш педагогика фанининг объекти ва предмети кенгайтирди. Энди педагогика фани фақат таълим – тарбия жараёнини назарий, методик –

амалий таъминловчи фан эмас, комил инсон шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига олган фандир. Шунинг учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таълим моделида шахсга кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий – экологик, интуитив, руҳий – ҳиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суянади. Бундан ташқари педагогика фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалар қўйилди.

Шахсга хос бўлган субъектив сифатлар: онглилик, жавобгарликни ҳис қилиш, ўз кадрини билиш, бола табиатини ўрганиш ва тарбиялаш.

Шахснинг камол топишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг хулқига, муносабатига ва алоқаларига ёши, билими, ҳаётий тажрибаси, одатлари ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Бола шахсининг ривожланиш босқичлари ва тарбияда уни ҳисобга олиш.

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик томондан ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Одамнинг муносабатлари доирасига кишилар билан алоқасигина эмас, балки табиатга, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатлари ҳам киради. Мана шу хил кўп қиррали алоқалар ва муносабатлар заминида ҳар бир шахс ўз қобилияти ва қизиқишини, ўз билими ва ўқувини намоён қилади, ўз ишига, вазифасига, бурчига, халқига, Ватанига, ўз – ўзига бўлган муносабатларини ифодалайди. Табиийки, шахсдаги бу фазилатлар фақат тарбиянинг маҳсулидир.

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда ота – оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота – онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочининг,

кўзининг, терисининг ранги, бўйи бастиси ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Ривожланишнинг индивидуал хусусиятлари.

Инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак.

Шахс камолотида болаларнинг ёш давларини ҳисобга олиш, самарали ўқитиш ва тарбиялаш омилидир. Замонавий тиббиёт, болалар анатомияси ва физиологияси, психология, педагогика фанлари болаларнинг ёш давларини қуйидагича гуруҳларга ажратади:

1. Чақалоқ даври – туғилгандан то 1 ойгача.
2. Гўдаклик даври – 1 ойликдан 1 йилгача бўлган давр.
3. Ясли даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.
4. Мактабгача таълим ёши – 3 ёшдан 6 – 7 ёшгача.
5. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар – 6-7 ёшдан, 11 – 12 ёшгача.
6. Ўсмирлик, ёки ўрта мактаб ёши даври – 11- 12 ёшдан 15 -16 ёшгача.
7. Ўспиринлик, ёки катта мактаб ёши даври (академик лицей, касб – ҳунар коллежларида ўсиши) – 15 – 16 ёшдан 18 – 19 ёшгача давр.

2.1.3. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ (2С)

Режа:

1. Баркамол авлод тарбияси мақсадлари.
2. Келажак авлод тарбиясида истиқлол мафкурасининг ўрни.
3. Шахс камолотида инсоний фазилатларнинг ўрни.
4. Баркамол авлод тарбиясининг таркибий қисмлари.

Баркамол инсонни тарбиялаш - мустақил Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади.

Инсон шаъни, аввало, ўзини ҳимоя қилиш, ўз қадрини билишдан бошланади. Шу маънода, халқнинг ўзини қадрлай билиши ғоят муҳимдир. Чунки “ ўзини қадрлайдиган халқ ҳеч қачон тақдирини бировга боғлаб қўймайди “. Ўзини билган одам Ватанига хиёнат қилмайди. Унинг қалбида эл – юртига хиёнат қилувчи ориятсиз кимсаларга нисбатан чексиз нафрат яшайди. “ Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак, - деб ёзади Ислам Каримов, - Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак. Бу мукаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига

сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак”.

Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари: мамлакат мустақиллиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, мамлакат аҳолиси ва ҳар бир оила, маҳалла – куйнинг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Миллий мафкурада халқимизнинг умумий манфаатлари, орзу – умидлари мақсад ва интилишлари ўз аксини топади. Президент Ислон Каримов миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадини шундай белгилайди: “ Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт – саодати учун доимо маъсулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойилликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир”.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно – мазмун касб этган. Одоблилик бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало, унинг ахлоқий етуклигида, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта – кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга кўринади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон – қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр – кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Келажак авлоднинг илмий, маданий - маърифий, маънавий-ахлоқий салоҳияти.

Инсоннинг азизлиги унинг ўз ҳатти – ҳаракатларини ўзи мустақил идора этишига имконият берувчи ақл – заковат ато этилгани билан боғлиқдир. Яъни, инсон ўз ақл – идроки ёрдамида оламни гуллаиб – яшнатади. Аммо бу ақл – идрокда нафақат яшнатувчи, балки вайрон этувчи куч ҳам мавжуд. Ҳаётда эзгулик ҳукмрон бўлиши учун ақл яхшиликка, адолатга хизмат қилиши зарур. Бунинг учун эса у соғлом маънавият измида бўлиши лозим. Шу туфайли ота – боболаримиз ақл – идрокни ёвузлик қўлига тутқазмасликка ҳаракат қилганлар, уни маънавият билан , иймон – эътиқод, инсоф ва диёнат билан бошқаришга алоҳида эътибор берганлар. Шу боис Темур салтанатида илм – маърифат юксак қадрланган, инсоннинг шаъни, ор – номуси эъзозланган, инсон ва унинг мол – мулки давлат муҳофазасига олинган, қароқчилик, ўғрилиқка кескин

барҳам берилган эди. Соҳибқирон бобомизнинг: “Менинг салтанатимнинг у четидан бу четига, бошида олтин тўлдирилган лаганни ёш бола кўтариб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч кимса дахл эта олмайди”, - деган сўзлари ҳаётий ҳақиқат эди.

Истиклол мафкураси кишилар онгига сингдирилиши билан уларда Ватан тақдири учун масъуллик, ягона Ватан туйғуси шаклланади. Чунки шахсий ғоя ва манфаатлар ва интилишларини акс эттиради. “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини анлагани, насл – насабини билгани сари юрагида қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртига муҳаббат, садоқат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

Жамият ва шахс камолотида иймон, эътиқод, меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб каби инсоний фазилатларнинг ўрни.

Бундай олижаноб инсоний фазилат аслида халқимизнинг қонида бор. Фақат тарихимизнинг муайян даврларида, ёт ҳукмрон мафкуралар тазйиқи остида улар тўла намоён бўла олмаган. Шунинг учун ҳам биз иймон – эътиқод, инсоф – диёнат, хайр – саховат, ҳалоллик, меҳр – оқибат, шарму ҳаё каби шарқона фазилатларни, улардаги инсон учун ибрат бўладиган жиҳатларни эъзозлашимиз, ривожлантириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаришимиз, уларни тарғиб этишимиз лозим. Бизнинг халқимизга хос меҳмондўстлик, уй – рўзғор юритиш маданияти, оиладаги, қариндошлар, дўсту биродарлар ўртасидаги самимий муносабатлар шу каби одат – удумларнинг ибратли жиҳатлари кўп. Бу қадриятларни ардоқлаб, авлодларга етказиш керак, албатта. Лекин, бу барча урф – одатларимиз ҳам бирдек ибратли дегани эмас. Айниқса, баъзи фуқароларимиз миллий қадриятларимизга зид бўлган манманлик, ўзини кўз – кўз қилиш, исрофгарчилик, ортикча дабдабозлик, юзаки хушомадгўйлик каби қусурлари билан яхши анъаналаримизга ҳам доғ туширадилар. Шунингдек, ортикча уятчанлик, журъатсизлик, ўз фикрида тура олмаслик ҳам инсон учун жиддий камчиликдир. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳар нарса ўз меъёрида бўлгани яхши. Меъёридан ошмаган удумлар ҳамма учун фойдали бўлиб, ўзида миллатнинг қалбини, қиёфасини, ички дунёсини акс эттиради;

Халқ эътиқоди ва унинг руҳи шундай қудратли таъсир кучига эгаки, у ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ижодий фаолиятига, касб – корнинг ҳалол бўлишига замин яратади. Ўзбек халқи ана шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган, ўз миллий эътиқодига эга миллатлардан биридир. Буни биз буюк инсонлар, мутафаккирлар тимсолида кўрсак бўлади. Чунки, халқ руҳи ва ундаги эътиқодни миллатнинг энг илғор вакиллари, мутаффақкирлари ифода этади. Масалан, Амир Темурнинг давлат қурилиши ва саркардалик бобидаги юксак иқтидори халқимиз руҳиятидаги салоҳият ва имконият ифодаси бўлган Алишер Навоийнинг ижоди ҳам халқ эътиқодининг ўлмас намунасидир.

Баркамол авлод тарбиясининг ақлий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий (мафкуравий), эстетик, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик меҳнат ва касб-кор, диний, бадий каби таркибий қисмлари.

Ақлий тарбия - маънавий баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми ҳисобланиб, унинг мазмунида ёш авлодни табиат, жамият тараққиёти қонунлари, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизими билан таништиришга қаратилган ва мазкур билимлари асосида, ўқувчи – ёшларда илмий дунёқараш асосини шакллантиришга қаратилган тарбиядир. Ақлий тарбия ёшларни ақл – заковатли, объектив дунёни яхлит идрок этадиган, ўзлигини англаб этадиган, ўз олдига турган вазифаларни онгли бажара оладиган, инсоний қадр – қийматни улуғлайдиган қилиб тарбиялашга қаратилган. Зеро, инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатларидан бири ҳисобланган Ҳадис китобларида ҳар бир мўмин – мусулмон учун илмнинг нақадар зарурлиги баён этилган. Ҳар бир жамият мафкурасиз бўлмайди.

Мафкура – бу бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний қарашларнинг бир тизимидир.

Истиқлол мафкураси асрий миллий қадриятларимизга ва янги вужудга келган ва келаётган, ҳалқимизнинг бугунги ва келажакдаги манфаатларини ифодаладиган фикрларга – ҳалқ тафаккурларга асосланади.

Илғор мафкура ёшлар томонидан қанчалик кенгрок ўзлаштирилса, уларнинг онгига сингдирилса шунчалик моддий куч ва яратувчанлик қудратини касб этади.

Ахлоқий тарбия – ёшларни маънавий жихатдан камолотга етказувчи, улар онгида ахлоқий қонун қоидаларини сингдириш жараёнидир. Ахлоқ тарбия инсоннинг маданий ва маънавий устунлигини, фаоллигини кўрсатишга хизмат қилади.

Эстетик тарбиянинг мақсади – ўқувчиларни воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатишдан иборат. Бу мақсад ўқувчиларда, бадий дидни ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашни вазифа қилиб қўяди.

Ҳуқуқий тарбия - инсоннинг жамиятдаги ўрни, ҳатти - ҳаракати, фаолиятини танлашда йўл - йўриқ кўрсатади. Барча миллатлар сингари ўзбеклар ҳам азалдан ҳуқуқий маданиятга эга. Жумладан, «Қуръони карим», «Ҳадислар»да қонун қоидалар асосида ҳуқуқий тарбия негизларини қуриш мумкин. Тарихдан ислом олими, фақих (қонун-қоида) Бурхониддин ал - Марғилоний 573 йили (милодий 1170-йил) ҳуқуқий тарбия борасида «Ал-ҳидоя» асарини ёзгани маълум. Асар кўпгина оврупа тилларига таржима қилинган. 1930 йилгача Марказий Осиёда ҳуқуқий тарбияга доир энг йирик манба бўлиб ҳисобланган. Шўро

ҳукумати ўзининг ҳуқуқий тузилишини барпо қилгандан кейин у шариат қонун-қоидаси сифатида бекор қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин қадриятлар тикланди. Бебаҳо асарлар қайта - қайта ўрганилиб, ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Педагогларнинг ҳуқуқий тарбия борасидаги асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат, деб ўйлаймиз. Мақсад - давлатимизнинг «Ягона демократик давлат барпо қилиш» вазифасини амалга ошириш учун қилаётган саъи-ҳаракатларига фаол иштирок этиб, ёш авлод онгига миллий ғоя ва мафкура асосларини тўғри сингдириш, мустақил фикрлай оладиган, юксак фуқаролик ҳис-туйғуларини мужассамлаштирган баркамол авлодни тарбиялаш.

Вазифалар:

1.Талабаларга ҳуқуқий тарбияга оид асар ва ҳужжатларни ўргатиш. Жумладан “Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги муваққат Низом”(1865-йил)”, Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги Низом”(1867-йил)”, Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” (1886-йил). Чор Россияси Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги тузилган шартномалар, Туркистон генерал - губернатори томонидан тасдиқланиб, хонлик ва амирлик ҳудудидаги рус фуқароларининг ҳуқуқларини, мулкларини, шахсини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳужжатлар ва ҳоказо.

2. Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқитувчилар томонидан XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»ни ҳуқуқий тарбиянинг дастури сифатида ўрганиш.

3.Талабаларда ўз ҳуқуқ ва бурчини тўғри тушунишни шакллантириш мақсадида, таълим ва тарбия ишларида «Ҳуқуқий тарбиянинг йўналишини кучайтириш».

4. Оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган янгиликлар, қарорлар, Низомлар билан талабаларни таништириб, бу борада улар фикрини тўғри шакллантириш.

5. Давлат рамзлари маъносини пухта тушунтириш.

6. «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан алоҳида ҳуқуқий тарбиявий ишлар олиб бориш .

7. Жойларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қиладиган хоналар ташкил қилиш.

8.Талабаларнинг суд, прокуратура ва бошқа давлат ташкилотлари ходимлари билан мунтазам учрашувларни ташкил қилиш .

Иқтисодий тарбия - талабаларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик хислатларини таркиб топтириш ва бу борада мустақил фикрлай олиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Иқтисодий тарбияга азалдан эътибор қаратилган. Масалан, Муҳаммад Ибн Ал – Хоразмий фикрича, ҳар бир инсон ҳисоб илмини билиши ва ўз илмига пишиқ бўлиши керак, шундагина у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин. Абу Наср Ал – Фаробий инсон ўз ихтиёрларини қондириш учун жуда кўп одамлар билан иқтисодий алоқада бўлиши кераклигини таъкидлаган. Унинг фикрича, «Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса – инсонни бебошликка етаклайди»(Ал – Фаробий. Социально – этические гранты. Алма – Ата, 1973. с 17 – 18.)

Абу Али ибн Сино таъкидлашича, иқтисодий тарбияни оиладан бошлаш керак. Талабаларга иқтисодий тарбия бериш мақсадида биз кенг ва тўғри йўналтирилган вазифаларни ўз олдимизга қўйишимиз зарур:

1. Иқтисодий география дарсларида иқтисодий тарбияга оид мавзуларни чуқурроқ тушунтириш.
2. Ҳозирги кунда ўқувчилар нутқидан ўрин олаётган атамаларни касбларга боғлаб ўргатиш.

Иқтисодий тарбия усуллари хилма - хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулотлар, саноат шаҳобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб – китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларни қай даражада иқтисодий тарбия топганликлари ўқитувчилар томонидан кузатилиб борилиши керак.

Экологик тарбияга ҳам ота - боболаримиз чуқур масъулият билан қарашган. Масалан, атроф – муҳитни ифлос қилмаслик мақсадида, ахлат ташлаш, чиқиндиларни ташлаш учун алоҳида чуқурлар қазилган, ҳожатхоналарни ариқ, сой, булоқ сувларидан узоқроқ жойда қовлашган, турли эҳтиёжлар учун фақат қуриб қолган дарахтларни кесишган, ҳайвонларни азоб бериш, қушлар уясини бузишни, гуноҳ санашган. Бу борада оилада «Сувга тупурма, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», «Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан», «Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли мўъминнинг насибаси бор», деб тарбия берилган.

Экологик таълим ва тарбия бериш тизими болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жамоаларида давом эттирилади. Бу ўринда ҳаётий мисоллар орқали ҳозирги пайтда оилаларда экологик саводхонликнинг пастлиги ўқитирилади. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, боғларда ҳатто мевали ва манзарали дарахтларга боғлаб боқадиган бўлиб қолишмоқда. Ахир ўтмишда халқимиз буни нотўғри деб, қарашган. Ёки оилавий дам олишга чиқилганда ўт – ўланлар пайҳон қилинмаган, қир – адирларда шиша синиклари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтларга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга зарар келтирилмаган.

Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
- Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги;
- Ўз ноҳиясини, шаҳрини, қишлоқ ва мактаби ҳовлисини кўкаламзорлаштиришга, ҳатто, синф, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларини ошириш;
- Атроф – муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;
- Табиатни муҳофаза қилишда ота – оналарнинг намуналари;
- Ёшларни экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.
- Оиладаги, мактабдаги табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;

Тарбиячи ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин. У айти вақтда нимани истамаслигини ҳар доим билиши керак. Агар тарбиячи буни билмаса, у кимни тарбиялаши мумкин?

Меҳнат - тарбиянинг таркибий қисмидир. У кишининг ва кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир. Меҳнат барча бойликларни манбаи бўлиши билан бирга, у инсон ҳаётининг мазмуни ҳамдир.

“Меҳнат кишилар ҳаётидаги дастлабки шарт – шароитдир», - деган эди Ибн Сино. Шунинг учун ҳам биз инсонни меҳнат таъсирида яралади дейишга маълум даражада ҳақмиз. Меҳнат – бу моддий ва маънавий маданиятнинг, ижтимоий тараққиётнинг теран негизидир.

Меҳнат тарбияси инсоннинг, халқнинг, давлатнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришни, кишиларни бунга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди.

Ёшларни касб-ҳунарга қизиқтириш ва йўналтириш педагогика фанининг бош вазифаси сифатида.

Касбга нисбатан қизиқишни вужудга келтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Меҳнат таълимини турмуш билан боғлаш, уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал – типологик, ёш давлари хусусиятлари, техник қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки, ҳар бир касб – ҳунар шахсдан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр – тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит – қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроқли деб топилади. Меҳнат таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилона, оптимал йўл билан ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида меҳнат онгли муносабатни таркиб топтириб, касб – ҳунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

2.1.4. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРБИЯ ВА ХАЛҚ МАОРИФИ ТИЗИМИ (2С)

Режа:

1. Халқ таълими тўғрисида тушунча.
2. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.
3. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.
4. Таълим ва тарбия жараёнидаги ҳамкорлик.
5. Давлат таълим стандартлари.

Халқ маорифи тушунчаси.

Халқ таълими деганда аниқ мақсадни кўзлаб мамлакат ёшларига таълим-тарбия берадиган муассасалар тушунилади. Ҳар бир мамлакат халқ таълими тизимининг тараққиёти шу мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожига ва жамият тараққиётига таъсир этадиган ижтимоий, иқтисодий масалаларга ва миллий хусусиятга боғлиқ бўлади.

Халқ таълими тизими деб, муайян мамлакатлар ички ва ташқи тараққиётига тавсиф берувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим - тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади. Фан-техника тараққий этаётган ҳозирги даврда халқ таълими тизимининг барча тармоқларини муттасил такомиллаштириш, уни оқилона уюштириш ва бошқариш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда халқ маорифи тизимининг ривожланиш хусусиятлари.

Ўзбекистонда халқ таълими тизими республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади. Халқ таълими тизими республикаимизнинг илм борасидаги куч-қувватини, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат қилинади. Республикаимиз Конституциясининг 18- ва 41- моддасида кўрсатилганидек барча фуқаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар билим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, фуқароларга бепул умумий таълим олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим беришни амалга оширишни ўқитишни ҳаёт, унумли меҳнат билан боғлаш асосида ривожлантириш негизида ташкил қилиш изоҳланади.

Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонун” (1997 й. 29 август) “Таълим турлари” хусусидаги 10 – моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

1. Мактабгача тарбия - халқ таълими тизимининг биринчи босқичи бўлиб, унинг асосий вазифаси болаларни соғлом ва етук қилиб тарбиялаш.

2. Умумий ўрта таълим- умуммактаб таълимида бошланғич мактабнинг аҳамияти муҳимдир. Чунки бошланғич мактаб умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган билим, ўқув кўникмалари билан қуроллантиради. Умумий ўрта таълим мактаблари ўрта маълумот олишни таъминлайди.

3. Ўрта махсус, касб ҳунар таълими - Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунар таълимининг асосий мақсади ёшларни меҳнат ва касб-кор кўникмаларига ўргатиш, ишчи ходимлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтказишдир.

4. Олий таълим- халқ таълими тизимида муҳим ўрин эгаллаб, ижтимоий ва илмий тараққиётни белгилаб беради. Халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларини етук олий маълумотли мутахассислар билан таъминлайди.

5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим- институт, университетлар учун юқори даражали илмий кадрлар тайёрлашни назарда тутади. Бу аспирантура, докторантура орқали амалга оширилади.

6. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш-олий ўқув юртидан кейинги таълим бўлиб, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни таъминлайди.

7. Мактабдан ташқари таълим- болалар ва ўсмирларнинг эҳтиёжларни, хохиш –истакларини тўлароқ рўёбга чиқариш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида давлат муассасалари, турли мулк шаклларига эга бўлган корхоналар, жамоат ташкилотлари илмий-бадий, илмий-табiiй, техник, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизимига амал қилинади. Ягона тизим қуйидагиларни ўз ичига олди.

1. Мактабгача тарбия.

2. Умумий таълим.

3. Ҳунар-техника таълими.

4. Ўрта махсус таълим.

5. Олий таълим.

6. Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш.

7. Кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

8. Оиладаги таълим.

9. Мустақил таълим.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.

1991 йилнинг биринчи сентябрида республикаимиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиклол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда мустақил республикаимизнинг халқ таълими соҳасида ислохот ўтказиш масаласи кўтарилиб, ислохотда қуйидаги принципларга амал қилинди:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги.
2. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.
3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги.
4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятларнинг устиворлиги.
5. Давлат таълим стандартлари қонидасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.
6. Таянч таълимининг мажбурийлиги.
7. Таълимнинг маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларини тасдиқлаш.
8. Билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш.
9. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.
10. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларининг таъсиридан холи бўлиши.
11. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш.
12. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш.
13. Амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг мустақиллиги, таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо этилади.

Таълим муассасаларининг ташкилотлар (файласуфлар, тарихчилар, маърифатпарварлар жамияти) ва жамғармалар билан ҳамкорлиги.

Ташаббускор ўқитувчилар, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Оқилхон Шарофутдинов, Сиддиқ Ражабов ва бошқалар машҳур педагоглар илғор гоёларини кенг миқёсда амалга оширдилар. Ижодий кучларнинг ўсиши ва фаоллашуви бошланғич таълим- тарбиянинг янада ривожланишида гоёят муҳим аҳамият касб этади.

Илғор ўқитувчилар ва методистлар, халқ маорифининг ташкилотчилари педагогика фани олдига бошланғич таълимни қайта қуриш вазифасини қўйдилар.

Илғор тажрибаларни синчиклаб таҳлил қилиш, методистлар, педагоглар ва психологларнинг тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олиш билан асосий педагогик мезонлар ишлаб чиқилди. Бу мезонлар концепция дастурлар, дарсликлар ҳамда методикаларда ҳам амалга оширилиб, таълимда қўлланади. Мазкур мезонлар қуйидагиларни назарда тутади:

- ўзлаштиришга тавсия этиладиган янги билимлар ўқувчиларнинг онги амалий эҳтиёжлардан келиб чиқиши, уларга қизиқиш уйғотиши керак;

--- болаларнинг ўзлаштириши уларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти шароитида амалга ошириш даркор, бу фаолиятнинг усуллари эса мунтазам равишда ўргатиш лозим;

--- ўқув фаолияти муваффақияти ўқувчиларнинг юксак даражада фаоллиги ва мустақиллигига боғлиқ, ўқитувчи эса уларга мана шу сифатларни шакллантириш мақсадида ёрдам бериши зарур. Бунинг муҳим омили ўқув фаолиятининг таълим мотивларини таркиб топтириш, болаларда билимга қизиқиш уйғотишдир.

--- ўқитиш жараёнида барвақтроқ умумлаштиришлар қилиш ва уларга ўқувчиларни жалб этиш лозим ;

--- ҳар бир дарсда билимларни фақат кенгайтиришга эмас, балки бошқача шароитларда қўллашга ҳам ёрдам берадиган янги элемент бўлиши керак;

--- такрорлаш ҳар бир машғулотда мунтазам равишда амалга оширилиши, уларда фақат эслаш эмас, балки бошқа ақлий ижодий ишлар ҳам қўлланиши зарур; такрорлаш учун махсус дарслар шаклида вақт ажратилмайди;

--- дарсларнинг материалларидан ўқувчиларни тарбиялаш мақсадларида кўп фойдаланилади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг дунёқарабини шакллантиради, уларга асосан муайян тушунчалар шаклида ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, этик ва меҳнатга доир билимлар беради, болаларда воқеаларга, фактлар ва ҳодисаларга тўғри муносабатни вужудга келтиради, уларни ўз ҳатти-ҳаракатларидан ана шу билимлардан фойдаланишга ўргатади.

Касб-хунар коллежлари таълимининг давлат таълим стандарти.

Умумий ўрта таълимнинг давлат стандарти ўқувчиларнинг тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган энг кам мезонни белгилайди. Давлат таълим стандарти бўйича таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари баҳоланади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобиляти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунитдан қатъий назар, барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

II БОБ. ТУРЛИ ТАРИХИЙ ДАВРЛАРДА ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР. (10 СОАТ)

2.1.5. ЎРТА ОСИЁДА ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ ФАНИНИНГ МАЙДОНГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ, МАНБАЛАРИ. (2 С)

Режа:

1. Педагогика тарихи фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Ўрта Осиёда таълим – тарбия ва педагогик фикрлар.
3. Қадимий маърифий ёдгорликларда таълим ва тарбия.
4. Ислон динида таълим – тарбия масалалари.
5. Шарқ мутафаккирлари илмий фаолиятининг дунёвий билимларнинг тарқалишидаги ўрни.

Педагогика тарихи фан ва ўқув предмети сифатида.

Олий ўқув юртларида педагогика тарихи курсини ўтишда фақат ўтмиш педагогларининг эмас, балки машҳур файласуф, ёзувчи, жамоат ва давлат арбоблари, диншунос олимларнинг педагогик қарашлари ҳам ўрганилади.

Бу буюк алломаларнинг ҳаёти, ижоди ва улар қолдирган маданий – маърифий мерос ёш авлод учун ибрат ва намуналар, уларнинг таълим – тарбияга оид маърифий таълимотлари ёшларни она – Ватанга, миллатга садоқат ва ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларни иймон ва эътиқодли, инсоф ва диёнатли, одоб – ахлоқли, оқил ва одил инсон қилиб тарбиялашда, ўзлигини англатишда беназир қадриятдир.

XX асрга қадар даврлардаги ижтимоий ва маданий ҳаёт тарихидан шу нарсаси маълумки, таълим-тарбияда маънавиятли, маърифатли баркамол ёшларни етиштиришда халқ педагогикасининг ўрни ва моҳияти катта бўлган. Минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келаётган халқ педагогикаси миллий педагогика тарихининг замини бўлган.

“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон... биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур”. (И. Каримов) Демак олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар миллий педагогика тарихи, инсоният тафаккури тарихи, ижтимоий ҳаёт тарихи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак.

Педагогика тарихи фанининг мақсад ва вазифалари.

Умуминсоният тарихида IX-XV асрларда – Шарқда уйғониш даврида – ижтимоий – маданий ҳаётда катта ўзгаришлар юз берган. Айниқса Амир Темур асос солган салтанат даврида ижтимоий ҳаётда юксалиш, илм-фан, маданият гуркираб ривожланган. Бу даврда яшаб ижод этган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Яссавий, Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк даҳолар жамият тарихи ва жаҳон маданияти ривожига беназир ҳиссаларини қўшганлар. Бу буюк мутафаккирлар турли фанларга оид яратган асарларида маънавий-маданий қадриятларнинг илмий-фалсафий асосларини ишлаб чиқдилар.

1917-1990 йилларда ижтимоий-сиёсий маданий соҳаларда коммунистик мафкура таълим-тарбиянинг асоси қилиб қўйилишига қарамай халқимизнинг тафаккури, маънавий даражаси, педагогик онг ривожланиб борди. 1991 йилда Ўзбекистон мустақил бўлиши билан миллий онг, маънавиятимиз манбаи – тарихи маданий қадриятларимизни ўрганиш ва тиклашга мушарраф бўлди. “Таълим тўғрисида” ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия мазмунан янги босқичга кўтарилди, инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги учун замин яратилди.

Педагогика тарихи илмининг манбалари, илмий назарий ва миллий асослари ҳамда асосий бўлимлари.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий маданияти ва маърифати умуминсоний маданият ва маърифатнинг ажралмас қисмидир. Умуминсоний цивилизацияга ҳар бир халқ ўз улушини, ҳиссасини қўшган.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган айрим мутафаккирлар ва машҳур олимларнинг таълим-тарбияга доир таълимотлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Туркистонда жадиднилик ҳаракатининг таниқли раҳбарлари Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода каби маърифатпарварлар маданиятни ривожлантириш учун маърифатпарварликка асосланиш, таълимни ислоҳ қилиш зарурлиги ғоясини олға суриб, Туркистонда ижтимоий онг тараққиётини бошлаб бердилар.

Маълумки, миллий педагогикамиз тарихи ижтимоий-сиёсий ҳаёт асосида, Марказий Осиёда яшаган қардош халқларнинг Бердақ, Махтумқули, Абдурахмон Жомий каби шоир, адибларнинг, Хорижий Шарқ ва Оврупа мамлакатларининг буюк мутафаккир, шоир ва педагог олимлари Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Жан-Жак Руссо, К.Д. Ушинский ва бошқаларнинг педагогик қарашларига боғлиқ ҳолда ривожланган.

Энг қадимги даврлардан XIII асргача Ўрта Осиёда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар.

Марказий Осиёдаги археологик топилмалар ва ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки ибтидоий жамоа ва кейинчалик қулдорлик тузуми даврида ҳам Турон ҳудудида ижтимоий – маданий ҳаёт ривожланган.

«Авесто» соф диний китоб бўлмай, ижтимоий – фалсафий, маданий, адабий – тарихий қимматга эга бўлган нодир қомусий ёдгорликдир. Унда адолат ва сулҳ улуғланади.

VII асрда Арабистонда шаклланган ислом дини VIII асрга келиб Марказий Осиёда кенг ёйилди. Марказий Осиёда араблар томонидан босиб олинди. Марказий Осиёда араб давлати – халифалиги ўрнатилиб, «Қуръон» қонун – қоидалари Марказий Осиёда ҳам амалга оширилди.

VIII аср охири, IX аср бошида араб халифалигининг маркази Бағдодда илм – фан ривожланди, юнон олимларидан Афлотун (Афлотун), Арастотель (Арасту), Сократ (Сукрот), Гиппократ (Букрот), Гален (Жолину), Евклид (Иқлидус) кабиларнинг асарлари араб тилига таржима этилди.

IX – XII асрларда Марказий Осиёда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши, деҳқончилик, хунармандчилик, бинокорлик, ўймакорлик санъатининг ривожига жиддий таъсир этди.

XI – XII асрларда ўзбеклар Мовароуннаҳрда асосий аҳоли сифатида таркиб топди. Ўша даврда «турк тили» деб ном олган ўзбек тили адабий тил хусусиятига эга бўлди.

Марказий Осиё мусулмонлари «Қуръон»ни инсонни улуғлашга, кадрлашга, уни меҳр – шафқатга, муҳаббатга, тинч – тотув яшашга, иқтисодий ва маънавий баркамолликка ундовчи ислом маърифати мужассами сифатида қабул қилдилар.

Зардўштийлик таълимотида таълим – тарбия.

Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида қадим – қадимдан турли динлар, диний ақидалар пайдо бўлди. Уларда аҳолининг ижтимоий – маданий ҳаёти, турмуш тарзи ва анъаналари маълум ўлчовга солинди ва белгиланди.

Бундай динлардан энг қадимийси ва энг машҳури зардўштлик дини, унинг таълимотидир.

Зардўштлик динининг асосчиси Зардўшт аталмиш буюк тарихий шахсдир. Зардўшт шарқнинг файласуфи, нотиғи, шоири, донишманди бўлган. Зардўшт – ўз насиҳатлари, ўғитларида адолатни тарғиб этади, яхши хулқ – одобни эъзозлайди. Унинг таълимоти уч нуқтада: Хумата – яхшилик, Нухта – тўғри сўз, Хваришита – яхши хулқларда мужассамлашган. У чорвадорлар, деҳқонлар ва хунармандлар ҳаётини бадавий кўчманчи йўлтўсарлар чопқинидан ҳимоя қилади. Адолат ва одиллик ғоясини олға суради.

«Авесто» энг қадимги маърифий ёдгорликлар намунаси сифатида VII-XIII асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий ва маданий ҳаёт, мактаб ва педагогик фикр.

«Авесто» зардўштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм – фан, ҳаётий воқеалар ҳақида мукамал маълумот берадиган энг қўхна манба ҳисобланади. Унда Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги маросимлари: урф – одат, эътиқод, ибодат, қироат қиладиган оятлар, диний маросимларда ижро этиладиган оғзаки ижодлари ҳақида маълумот берилган.

«Авесто»да яхшилик, униб –ўсиш, ерда ҳаётни сақлаш учун интилувчи кучлар билан разолат ва қабоҳат, зулмат ва ҳалокат кучлари ўртасидаги курашда мардлик, жасорат ва матонат, маърифат ва инсонийлик ғалаба қозонади.

«Авесто»да инсон тозаликка, соғломликка даъват қилиниб, уларга бадан тарбия билан шуғулланиш, кунда юз – қўлни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни олиб тозалаб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан овқатланиб, доимо тўқ юриши лозимлиги уқтирилади.

«Авесто»да таъкидланишича, қариндошлар ўзаро оила қурмаслиги, қавм ва уруғ қони тоза, авлод бенуқсон сақланиши керак, кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозим, бир йўла 2 – 3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовордир.

Исломда таълим-тарбия.

Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари–Қуръони Каримда баён этилган.

Ислом динида оналар мўътабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади. Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан

баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зеро, меҳнат – инсон ҳаётининг кўрки, безаги. Меҳнат инсонга бахт – саодат, фаровонлик бахш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан.

Қуръонда илмга катта эътибор берилган. Бунга унда «илм» сўзининг 765 марта такрорлиниши ёрқин далилдир. Илмларни ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчни адо этишдир.

Ислом дини илм талаб қилинишини ибодат даражасига кўтаради, илм талабини ихтиёрий ибодатдан юқори қўяди. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир.

Ислом таълимотида сабр ахлоқий фазилат, мусулмон кишининг руҳий таянчларидан бири ҳисобланади. Сабр мусулмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик бахш этади, алам бераётган дардига малҳам бўлади. Сабрсизлик инсонни кайғудан қутқаза олмайди: унинг ўзи куйдирувчи бир кайғу.

Ислом таълимотида вафодорлик садоқат турларидан ҳисобланади. Вафо – инсоний энг олий фазилат.

Ислом таълимотида мол – дунёга эришган ҳар бир инсон ўз бойлигини тўғри йўлда сарфлаши кераклиги таъкидланади. Ислом динида бировнинг ҳақиқа хилват қилиш, ҳалол меҳнат билан топган молини, маблағини зўрлик ва алдов билан олиш, ўғрилиқ қилиш оғир гуноҳ, кабиҳ одат ҳисобланади. Ислом таълимотида айтилишича, бахил киши оқибатда хор бўлади, кўпчиликнинг нафратига учрайди.

Ислом динида инсонга бахш этилган сифатлардан яхшиси, хушхулқдир. Хушфезллик инсон ақл – идроки, маданияти, билимлилигидан далолатдир. Хушфезл инсон самимий, мулоҳазали, покдил, иродали, сабр – тоқатли бўлади. Бундай фазилатли инсон бошқаларда ўзига нисбатан ҳурмат, самимийлик, иззат, ҳурмат ҳиссини уйғотади.

Мадрасалар ва ҳадис илмининг пайдо бўлиши.

Ислом Қуръони Каримдан кейин мўътабар саналган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг «Ҳадиси» Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб ота – онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр – оқибат, эҳсон, сабр – тоқат, камтарлик, вафо – садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Вафо ҳаётда обрў – эътибор ва муваффақиятга сабаб бўлувчи фазилатдир. Омонат ва вафо ҳаётда тинчлик ва бахт – саодат орзу қилган ҳар бир жамият, халқ, оила, инсон учун зарурий фазилатдир. Вафодорлик инсонийликдир. Фазилат фарзанд кабидир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим. Муҳаммад пайғамбар одамларга манфаатлироғларини яхши одам ҳисоблаганлар.

Манманлик хусусияти бўлган кишида гўзаллик бўлмайди. Мол – дунёси билан фахрланса, ўлганда улардан асар ҳам қолмайди. Камтарлик инсоний энг гўзал фазилатдир. Камтарлик инсоннинг маданияти, одамийлиги, мардлиги каби инсоний фазилатлар билан белгиланади. Камтар кишида ҳавои ғурур, манманлик бўлмайди, у одоб – ахлоқли, меҳр – шафқатли бўлади, ишида, сўзида қатъий туради.

Имом Исмоил ал Бухорий, Имом ат-Термизийнинг ҳадис илмининг ёйилишидаги хизматлари.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал – Муғира ибн Бардибза ал – Бухорий ҳижратнинг бир юз тўқсон тўртинчи йили шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда жума намозидан кейин (милодий ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топди. Отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, савдо ишлари билан шуғулланар эди. Ривоятларга кўра, Имом Исмоил ал – Бухорий 16 ёшга қадам қўйганда Абдуллоҳ ибн Муборак ал – Марваздий ва Вақиъ ибн ал – Жарроҳларнинг китобларини батамом ёд олган. У ёд олган ҳадисларнинг матнини далиллари ва ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга қўшиб ёд олади...

Имом ал – Бухорий Макка, Мадина, Дамашк, Қайсария, Хомс, Бағдод, Куфа, Восит, Балх, Нишопур, Аскалон, Марв каби шаҳарларда бир неча йил яшаб, ҳадислар тўплаш, ёзиш ва кўплаб толибларга илм ўргатиш билан шуғулланади.

Исмоил ал – Бухорий инсонларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси бўлишини кўрсатиб, улар ёлғон гапиришдан, ваъдага вафо қилмасликдан ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади. Инсоннинг куч – қудрати жисмонан паҳлавонлигида эмас, балки жаҳл чиққан вақтда ўзини тия олишини паҳлавонлик, деб ҳисоблайди.

У ўзининг асарларида мусулмон киши уч кундан ортиқ ўз биродаридан аразлаб, гина сақлаб юриши мумкин эмаслигини, қўшнисига озор бермаслиги, меҳмонни ҳурматини ўрнига қўйиш муҳимлиги, қариндош – уруғларга оқибатли бўлиш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб юришини таъкидлайди.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. бу мероснинг гултожи – энг ишончли ҳадислар тўплами – «Ал – Жоми ас – Саҳих» ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Саадара ат – Сулами ал – Буғий ат – Термизий 824 йили Термиз шаҳрида дунёга келди.

Имом ат – Термизий ҳам ёшлик чоғидан ҳадис мутолаасига киришиб, тезда ҳадисларни тўплай бошлаган ва бу йўлда кўплаб ҳадис олимлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг суҳбатини олган. Имом ат – Термизий Имом ал – Бухорийга шогирд бўлган. Ундан ташқари Муслим, Абу Довуд, Кутайба, ибн Саъид, Исҳоқ ибн Абдурахмон, Муҳаммад ибн Башорат, Али

ибн Хужр, Аҳсад ибн Муниъ, Муҳаммад ибн ал – Мусанно, Суфён ибн Вакиъ каби қатор йирик муҳандисларни ҳам ўзига устоз деб билган.

Имом ат – Термизий ўзининг «Сунан» асаридан ташқари яна қуйидаги китобларни ёзганлиги маълум. Чунончи: «Китоб ал – илал» («Нуқсонлар китоби»), «Китоб ат – тарих» («Тарих китоби»), «Китоб аш – шамоил аннабийя» («Пайғамбаримизнинг ахлоқ – одобларига боғлиқ оид китоб»), «Китоб аззуҳд» («Зоҳидлар ҳақида китоб», «Китоб ал – асмо валкуна» («Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб») ва бошқалар

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида болаларни ахлоқ – одобга, марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялашга даъват кучли: «Чинакам сабр – тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлигига айтилади».

Абу-Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аз-Замахшарийнинг дунёвий билимларни тарқалишидаги ўрни.

Абу Наср Форобий – ўрта аср Шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчисидир. У Сирдарё бўйидаги Ўтрор (Фороб) шаҳрида 873 йилда туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, сўнг Араб халифалигининг маркази Бағдод шаҳрига бориб, у ерда кўп йил истиқомат қилди. Юнон файласуфларининг асарларини мутолаа қилиш, турли тилларни ўрганиш билан шуғулланди. У турли соҳаларга оид илмий асарлар қолдирди. У ўз даврининг файласуфи, муסיқачиси, шоири, қомусий олими сифатида шуҳрат қозонди. У «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак?», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби 160 дан ортиқ рисоалар яратди. Фаробий таълим – тарбия бериш усуллари ҳақида ёзади. «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтиради, одамдаги ғайрат, касб – интилиш, ҳаракатга айлантиради.» Олим, дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан яқунланади, дейди, Фаробий ўз давридаги ёшларни таълим, билим, ҳунар эгаллашлари зарурлиги хусусида фикрлар билдирди. Бу фикрлар ҳозир ҳам таълим – тарбияда ғоят муҳимдир.

Абу Райхон Беруний жаҳон фанининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган зўр истеъдод эгаси ва заҳматкаш тадқиқотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон тарихида ва тараққиётида бениҳоя юксак аҳамиятга моликдир.

Абу Райхон Беруний 973 йил 4 сентябрь (ҳижрий 362 йил 2-зулҳижжа) куни Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот шаҳрида дунёга келади. У ёшликдан илм – фанга ғоят қизиқади. Хоразмда шуҳрат қозонган олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олади, фаннинг турли соҳалари билан шуғулланади, бутун шарқнинг фан ва маданиятини ўрганади, она тилидан ташқари араб, суғдий, форс, суёний, юнон ва

қадимги яхудий тилларини мукаммал эгаллайди. Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади.

Беруний ўз дидактик қарашларида табиат, жамият ҳодисаларига, турмуш воқеаларига ҳолисона баҳо бериш – инсон табиатини билдирувчи омил эканлигини таъкидлаб, кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли муносабатда бўлишга ундайди.

Олимнинг таъкидлашича, сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келади. Қўзғатувчилар бир меъёردа бўлса, ёқимли ва зарарсиз, агарда меъёрдан ортиқ бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлади.

Кўриш сезгисини нур қўзғатади, эшитиш, ҳидлаш ҳаво билан бурунга уриладиган ҳидлар орқали пайдо бўлади, таъм – озуқанинг мазаси билан вужудга келади. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи махсус аъзолар танада мавжуддир. Бешинчи сезги эса, бутун баданда воқеадир.

Беруний инсон ана шу хусусиятлари билан барча мавжудотлардан устунлигини таъкидлаб, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик кўришдир, деган ғояни олға суради.

Беруний илм – фаннинг буюк ҳомийси ва мухлиси сифатида мамлакатнинг ободончилиги, илм – фаннинг гуллаб яшнашида, одамнинг бахти эса, унинг билим ва маърифатида деб билди. Яратган асарларида ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига кўра хайр – эзгуликка интилиши, сунъий обрў, шуҳрат қозониш учун мурувват ва шафқат кўрсатмаслиги кераклигини таъкидлади.

Беруний олға сурган инсонпарварлик ғоялари, таълим- тарбия хусусидаги фикр – ўғитлари мустақиллик даврида ҳам ёшларни баркамол қилиб етиштиришга хизмат қилади.

Ибн Сино бутун мусулмон Шарқининг улкан қомусий ақли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намояндаларидан биридир. Ибн Сино ўрта аср фанининг турли соҳалари – фалсафа, тиббиёт, табиатшунослик, бадиий адабиёт бўйича ёзган асарлари билан маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирди, унинг ривожига катта ҳисса қўшди, ўз даврида «Шайх – уррайс» (олимлар раиси) унвони билан тақдирланди. Унинг 150 дан ортиқ асари маълум. Унинг «Тиб қонунлари» номи билан шуҳрат қозонган асари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам медицинада асосий қўлланма ҳисобланган. Олимнинг медицинага доир кашфиётлари, айниқса, турли ўсимликлардан кимёвий йўл билан дори – дармонлар тайёрлаш ҳақидаги фикрлари ҳамон ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Ибн Сино олим бўлиш билан бирга истеъдодли адиб ҳамдир. Унинг форсий тилда ёзган шеърлар девони, «Донишнома» китоби, араб тилида ёзилган «Саламон ва Ибсол», «Юсуф қиссаси», «Қуш» ва бошқа қиссалари бизга қадар етиб келган. Ибн Сино халқ оғзаки ижодидаги термалар асосида ёзма адабиётга рубоий жанрини олиб киради. Ўз ғазал ва рубоийларида шоир гўзалликни, илм – фанни тарғиб этади, жаҳолат, зулм – зўрликни қоралайди. Бир рубоийсида илмда камолот чўққисига етишса – да, ҳамон қадрланмаганидан шикоят қилса, бошқа бирида ўз илмий қудратини таъкидлайди:

Қора ер қаъридан то авжи Зухал,
Коинот мушкулин барин қилдим ҳал.
Кўп чигал тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал.

Ўз қиссаларида Ибн Сино мардлик, инсонпарварлик, ҳалол – поклик, меҳнатсеварликни тарғиб қилиб, мунофиқлик, сергаплик, ёлғончилик, ишёқмасликни, риёкор имомларнинг икки юзламачиликларини фош этади. Ибн Сино кишиларни илм – фанни ўрганишга, касб – ҳунар эгаллашга даъват этади.

Улуғ олим ва истеъдодли адибнинг нодир асарлари биз учун ҳамиша азиз ва мўътабардир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик қарашларида халқ билан бирга бўлиш, адолатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутати. У ҳар бир кишининг юксак камолот чўққисига етишини орзу қилади.

Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида XI асрдаги ижтимоий ва оилавий тарбия, мактаблардаги фан тармоқлари, ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини ақлий, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний, нафосат тарбиясига доир фикрлари баён этилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, инсоннинг улуғлиги, ақл – идроки, сўзлаш қобилияти, билими, ўқуви ҳунарга эгалигидир. Ўқув туғма равишда инсон руҳиятида мавжуддир, билим эса, ўқиш – ўрганиш ва меҳнат туфайли эгалланади. Агар уларнинг ҳар иккиси ўзаро бирлашса, инсоннинг қадри ортади:

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,
Билиг кимда бўлса, бедуглу алур.
Ўқушлик уқар – ул, битиглиг билир,
Билигли, ўқули тилакка тегир.

Шоирнинг фикрича, билим бир бошбоғ ёки жилов кабидир. У кишини ҳар хил нолойиқ ишлардан асрайди.

Шу хусусияти туфайли билим азиз ва мўътабардир.

Адиб таълим тизими, таълим назарияси ва амалиётига, таълим мазмунига оид бир қатор жиддий фикрларни айтади. У айрим фанларни ўқитишдаги изчилликни ҳам кўрсатиб ўтган.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонда ўқув – идрок ва билим тил, сўз орқали аён бўлишини айтади, равон тилни билишга даъват этади.

Юсуф Хос Ҳожиб тилни авайлаб асраш зарурлигини таъкидлайди. Кўп сўзлик фойдасиз машғулотдир. Шунинг учун ҳам туман сўз тугунини бир сўзда ёзиш лозим. Зеро, киши сўз туфайли қадр топиши ёки, аксинча «боши эгик бўлиши» мумкин.

Бунинг фарқига билим билгангина етади. Билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Бу ҳол унинг сўзлар маъносидаги айримини ҳам кўрмасликка олиб келади. Демак, сўз маъноларини илғаш учун ҳам билимдонлик талаб этилади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг уқтиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топтоғи керак. Бунинг учун у, туғилган кунидан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим.

Шоир ўғил ва қизнинг тарбияси ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзларига хос хусусиятига эътибор беришни таъкидлайди, бу – уларнинг келажак ҳаётлари жамият ривожига учун керак.

Юсуф Хос Ҳожиб аклий тарбиянинг баланд мавқега тутишини эслатади. Адиб тарбиянинг барча турлари бир – бири билан уйғун бўлишини талаб этади. Шундагина инсоннинг ақлан баркамол, жисмонан етук, ахлоқий – маънавий бой бўлишига ишонади. Фарзандларига турли билим ва ҳунарлар ўргатиш, уларни гўзал ахлоқли қилиб, вояга етказиш ота – онанинг бурчидир.

Юсуф Хос Ҳожиб тарбияда катталар намунаси, аجدодлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Неку тер, эшитгил синамиш қари,
Синамиш қарилар сўзи сўз қўри...

Яъни:

Кўп нарсаларни синаган қари киши нима дейди, эшитгин,
Синаган қариларнинг сўзлари сўз қўр – қути.

Юсуф Хос Ҳожибнинг Шарк ижтимоий – сиёсий, ахлоқий – таълимий ҳамда бадиий тафаккури тараққиётига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Алломанинг педагогик қарашлари ҳам бу соҳадаги улкан меъросдир. Улар тарих нуқтаи назари билангина эмас, бугунги кунимизга хизмат қилиш и билан ҳам зўр аҳамият касб этади.

Абулқосим Умар аз – Замахшарий 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилди, бошланғич билимни ўз қишлоғида олди, сўнгра Хоразм мадрасасида ўқиди. У мадрасада араб тили ва адабиётини, диний билимларни, ҳаттотлик санъатини мукаммал эгаллади, Бухоро мадрасасида таҳлил кўргач, Хоразм шоҳ саройида хизмат қилди.

Замахшарий олийжаноблик фазилатга эга бўлганларни улуг одамлар ҳисоблади ва уларни эл – юрт олқишига сазовор, азиз одамлар деб билди. «Одамларнинг, - дейди Замахшарий, - энг азиз ва ҳурматлилари қайғу – ҳасрату ташвишли дамларида билинур, гўёки бу ташвишлар улар учун туғишган опа – сингилдек яқиндир».

Замахшарийнинг фикрича, одамларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлишларида миллати, насл – насаби эмас, балки илм – маърифатли, ақлли ва заковатли бўлиши муҳимдир. Илм ўқиш ва ёзиш орқали мукаммаллашади, бу – олимнинг камолотга эришганига ёрқин далолатдир.

Замахшарий илм – фанни инсонларнинг, илм аҳлининг ўзаро мулоқотда бўлишларида асосий восита ҳисоблайди.

Замахшарий ўз педагогик қарашларида ахлоқ – одоб тарбиясига алоҳида эътибор беради. У одамларни тўғрилиққа, ҳақ йўлидан боришга даъват этади. Унинг фикрича, тўғрилиқ кучли маҳобатдир. «Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқдир».

Замахшарий аҳилликни ҳам улуғлаб, одамларни, қавм-қариндошларни ўзаро дўст, ҳамдард, хайру эҳсонли бўлишга, бир – бирларига эзгулик кўрсатишга чорлайди. Аҳиллик жамият тинчлиги, халқ фаровонлиги учун ғоят муҳимлигини таъкидлайди. Инсон иффатли, гўзал хулқли бўлмоғи лозим.

Аз – Замахшарий ҳасислик, такаббурлик, манманликни қоралайди, одамларни бу иллатлардан йироқ бўлишга ундайди, гўзал фазилатли бўлишга чорлайди. У дейди: «Гўзал сифат ва хусни хулқ сийратлари беазамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориг бўлмас» Аз – Замахшарийнинг инсонларни яхшилик, инсоний яхши фазилатларни эгаллаш, ахлоқ – одоб ҳақидаги фикрлари, панд – насиҳатлари ўз даврида кишилар, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этди, педагогик фикр ривожига муносиб ҳисса бўлди, ҳозир ҳам таълим – тарбияда хос ўринда бўлиши шубҳасиздир.

2.1.6. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎРТА ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ, ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР (2С)

Режа:

1. XIV-XVI асрларда Марказий Осиёда таълим ва тарбиянинг ривожланиши.
2. Табиий фанларни ўқитишнинг ривожланиши.
3. Ўзбек мутафаккирларининг таълим – тарбия ривожига кўшган ҳиссалари.
4. Хулоса.

XIV-XVI асрларда Моварауннахрда ижтимоий ҳаёт ва унинг таълим - тарбия, педагогик фикрга таъсири.

XIV асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда майда феодал ҳокимлар ўртасида низо кучайди, иқтисод мушкуллашди, сиёсатда қатъиятсизлик авж олди. Ана шундай пайтда Амир Темур сиёсат майдонига чиқди. У 1370 – 1405 йиллар давомида мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилди, хонлар ўртасидаги низоларга чек қўйди. Хуросонда марказлашган мустақил, қудратли давлат барпо этди. У ўз фаолиятида давлатни мустаҳкамлаш, уни бошқаришни мукаммаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш, шаҳарлар ўртасида савдо йўлларни кенгайтириш ишларига катта эътибор берди.

Марказий Осиёда рассомчилик, наққошлик, безакли – бадий буюмлар ишлаш юкори даражага кўтарилди.

XIV-XV аср асрларда ёзилган асарларда, масалан, «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий ва Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул макдур фи ахбори Темур» («Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари»), В.Чересанскийнинг «Икки тўлқин» ва бошқа асарларда соҳибқироннинг тўғрилиқ, мурувватлиқ, эл

юртга меҳр – муҳаббатлилик, адолатлилик, мардлик ва қаҳрамонлик каби инсоний фазилатлари ифодаланади.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги давларида Шохрух, Улуғбек, Мирзо Абу Саид, Султон Аҳмад, Ҳусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳ, Ўрта Осиёда Темур даврида қарор топган иқтисод ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши анъаналарни давом этдирдилар.

Мактаблар ва мадрасаларда таълим-тарбия ҳаракатлари.

Йирик шаҳарларда масжид ва мадрасаларда, масалан, Бухорода Хўжа Зайниддин, Болоховуз, Жума, Намозгоҳ, Катта масжиди ва Абдуллаҳон Кўкалдош, Муҳаммад Хўжа Порсо, Нодир Девонбеги, Абдулазизхон, Хиёбон, Жўйбори Калон, Раҳмонқулихон, Эрназар элчи, Турсунжон, Ниёзқул, Бохарзий, Маъсудия, Мир Араб; Самарқандда Бибихоним, Жоми, Кўктош, Кўчкинхон масжиди ва Шайбонийхон, Улуғбек, Шердор, Тиллақори; Хивада Матпанабой, Қутлимурод, Оллоқулихон мадрасаларида, шунингдек кейинги йилларда (XV – XVI асрларда) Қўқонда Жоме масжиди ва Мадрасаи Мир (Норбўтабий), Тошкентда Хўжа Аҳрор, Намозгоҳ масжиди ва Баракхон, Кўкалдош мадрасаларида диний таълимот асосида ислом, арўз, илми баён, мантиқ, тарих, география каби гуманитар фанлардан ташқари риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, табиёт каби аниқ фанлар ҳам ўқитилди. Таълимда шарҳлаб ўқиш, мустақил мутоала, мунозара, суҳбат усуллари қўлланди.

Улуғ Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Кошифий, Давоний каби шоир ва олимлар асарларида айtilган, олға сурилган ғоялар, қарашлар педагогик фикр ривожига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Табиий фанларни ўқитишнинг ривожланиши.

Амир Темур замонида тарих илми, тарихшунослик соҳасида муҳим ишлар қилинди. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаъ ас –саъдайн ва мажмаъ ал - баҳрайн», («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши»), Хофизии Абрунинг (1361 - 1430) «Зубдат ат - таворих» («Тарихлар сараси»), Шарафиддин али – Яздийнинг «Зафарнома» асарлари юзага келди. Бу асарларда Амир Темур ва темурийлар фаолияти, мамлакатда содир бўлган маданий ва ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар баён этилди.

Журжоний, Тафтазоний, Улуғбек, Давоний, Кошифий каби файласуф олимлар мантиқ, ахлоқ, математика, астрономия, нафосат, тилшунослик, мусиқашуносликка доир асарлар ёзиб, бу фанларни ривожлантирдилар.

Мир Шариф Журжоний (1319 - 1413), (ўз даврининг таниқли шоири, файласуфи, астрономи бўлиб, Самарқандда мантиқ, луғатшунослик, шеър назарияси бўйича «Усул улул – мантиқия», «Таржима ул қуран фани ул – муаммо» каби асарлар ёзди.

Журжондан Темур саройига келган қомусий олим Садриддин ат – Тафтазоний (1322 - 1390) мантиқ, ҳуқуқ, математика, астрономияга доир асарлар ёзди.

Гиёсиддин Жамшид Коший Мирзо Улуғбекнинг илмий ишларини амалга оширишда фаол хизмат қилади, йирик математик ва астроном сифатида «Сулам ас - само» («Осмон нарвони»), «Нусхат ул - хадоиқ» («Боғлар сайри»), «Рисола ал - мухития» («Айлана ҳақида рисола») каби асарларини ёзиб, ўрта Шарқ математика илмини юқори боскичга кўтарди.

Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг илм ва маърифат соҳасидаги хизматлари.

Мирзо Улуғбек Марказий Осиё халқлари илм – фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан, Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан биридир.

Мирзо Улуғбек, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этди, фақат ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг камол топишини таъминлашига ишонди.

Улуғбек янги – янги илмий кашфиётлар қилишини инсон учун олий фазилат, деб билди. Улуғбек ушбу ўз ғояларини амалга ошириш мақсадида Моварауннахр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму-маърифат даргоҳига айлантирди. «Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» - деган шиорни олға сурди ва мадрасасининг дарвозасига ёздириб қўйди.

Улуғбек ёш авлоднинг табиат ҳақидаги билимларини эгаллаши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, ўқувчи ҳаётида дарсликлар муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туриши кераклигини, ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли ва айни чоғда, маърифатпарвар инсон ҳам бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Мирзо Улуғбекнинг катта хизмати яна шундаки, у бевосита илмий педагогик қарашлари билан ҳам одамларни илмли ва маърифатли бўлишга даъват этди. Ўзининг фалсафа тарихи, астрономия, математика, география, адабиёт фанларига оид кўп жилдлик асарларида ўз даври учун муҳим бўлган илғор педагогик фикрларни илгари сурди, одамларни ўзаро дўст ва биродар, меҳнатсевар ва инсонпарвар, тинчликсевар ва адолатпарвар бўлишга тарғиб этди.

Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Ал- Кошифий, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг мактаб, мадрасаларни ривожлантиришдаги фаолиятлари ва ахлоқий –маърифий қарашлари.

Ўзбек халқининг улуғ мутаффакири Алишер Навоий жаҳон адабиёти, маданиятига буюк ҳисса қўшган, инсонлар бахт – саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободонлиги учун курашган санъаткорлардандир.

Алишер Навоий 1441 йил 9 – февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. «Ҳамса», «Лисон – ут - тайр» («Қуш тили»), «Маҳбуб – ул - қулуб» («Кўнгилларнинг севгани»), «Мажолис – ун - маоний» («Гўзаллар мажлиси»), («Хазойин – ул – маоний» («Маънолар хазинаси») ва бошқа

асарларини ёзади. У ўз асарларида тарихий – маърифий, ижтимоий – тарбиявий, инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, тинчлик ҳақидаги ғояларини ифодалади.

Алишер Навоий тарбиянинг кучига эътибор бериш билан бирга, кишининг қандай одам бўлиб вояга етишига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларни ҳам унутмади. Навоийнинг фикрича, жамиятдан, одамлардан ажралиб, яккаланиб қолган ва уларнинг таъсиридан ташқарида бўлган киши инсон қаторига кира олмайди, хунари ҳам йўқ кабидир. Чунки, ёлғиз киши дунёдан баҳра топа олмайди, ҳаёти емирилади.

Алишер Навоий, одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса, кишиларнинг бир – бирларига бўлган руҳий, маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади деб вояга етказишда асосий омиллардан бири – тарбия эканлигини уқтиради. Навоийнинг фикрича, яхши таълим ва тарбия олган ҳар бир киши Искандар каби бўлмоғи мумкин, бунинг учун аслзода ва шахзода бўлиши шарт эмас.

Алишер Навоийнинг фикрича, одоб одамнинг олийжаноб фазилатларидан биридир. Одоби киши очик юзли, хушмуомала, ёқимли бўлади. Бундай кишилар учун икки юзламачилик, қўполлик ётдир. Одоби одам доимо ҳурмат ва иззатда бўлади. Ота – она, ака – ука, опа – сингилни, дўстларни ҳурмат – иззат қилмоқ – ҳар бир одобли кишининг бурчидир.

Камолиддин Ҳусайн ибн Али Воиз Кошифий XV аср мутафаккирларидан биридир. У тахминан 1440 йилларда Хуросон вилояти Сабзавор вилоятининг Байҳақ туманида таваллуд топади.

Воиз ал – Кошифийнинг фикрича, яхши хулқ мамлакат мазмунини белгиловчи омилдир. Яхшилик жамият, халқ учун қилинган иш билан баҳоланади. Инсон ҳаёти равон дарёдек ўтиб кетаверади. Гап уни фойдали, мазмунли, яхши ишларга сарф қилишдадир. Инсон дунёда учта яхшилик қилиши шарт. Биринчиси: одамлар учун уй, кўприк, йўл қуриш; иккинчиси: мевали дарахт ўтказиши; учинчиси: фарзанд қолдириши керак. Чунки, бу яхшиликлар оламда собит қолади.

Кошифий ўз педагогик қарашларида болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради.

Кошифий тил одоби ҳақида сўзлар экан, яхши фикрни ифодалашни, ёмон гапни айтмасликни, ёлғон сўз сўзламасликни, ғийбат ва бўҳтон қилишдан сақланишни маслаҳат беради.

Ўрта аср Шарқ маданияти ва адабиётининг буюк намоёндаси **Захириддин Муҳаммад Бобур** 1483 йил 14 – февралда Андижонда туғилди.

Бобур ўз фаолиятида давлат ишлари билан бир қаторда маданият, маърифат, адабиёт ривожига ҳам улкан ҳисса қўшди. Бобур шеърӣ – лирик асарларида ёр ва диёр, хижронлик, ҳаёт лаззати ва шодлигини қуйлаш билан бирга, илм – маърифат, ахлоқ – одоб ва ватанга муҳаббат туйғуларини ҳам ифодалайди.

Бобур жаҳонга машҳур «Бобурнома» асарини яратди. Бобур ўз сиёсий, маданий фаолиятида илм – маърифат ривожига алоҳида эътибор

берди, илм аҳлига ҳомийлик қилди, илмни зўр ҳавас, иштиёқ билан эгаллашга даъват этди. Бобурнинг ахлоқ— одоб ҳақидаги қарашларида яхшилик, вафодорлик энг гўзал фазилат сифатида улуғланади, ёмонлик жафо келтирувчи иллат эканлиги таъкидланади.

Бобурнинг маънавий — маърифий қарашларида Ватан туйғуси салмоқли ўринда туради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз асарларида баён этган маърифий фикрлари, ахлоқий — таълимий қарашлари мустақиллик даврида камол топаётган ёшлар тарбиясида ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Мохларойим Нодира 1792 йилда Андижонда ҳукмдор оиласида туғилди. Нодиранинг инсон ва табиатга нисбатан қарашларида фақат шахсий туйғу ва муҳаббат эмас, балки инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари ҳам намоёндр. Унинг фикрича инсон барча мавжудотларнинг энг олийси, энг улуғидир. Инсон ҳаёт гўзаллигидан баҳраманд бўлмоғи лозим.

Нодиранинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари — адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўрин эгаллайди. Шоира бу ғояларни ўз ижодида изчиллик билан тарғиб қилади. У султонларга хитоб қилиб, уларни лутфу- карамли, адлу-эҳсонли, халқ кўнглини шод этувчи бўлишга ундайди.

Нодиранинг фикрича, инсонийлик, муҳаббатнинг мавжудлиги инсоннинг ҳақиқий инсон эканидан далолатдир. Шунинг учун, ҳам у инсонларни муҳаббат соҳиби бўлишга даъват этади.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдир, «Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт», - дейди шоира.

Қўқон ва боша хонликларда отинлар мактаби.

Таникли шоира, маърифатпарвар **Дилшод Отин** 1800 — 1801 йилда яқин Ўратепа шаҳрида туғилади. «Мен, - деб ёзади Дилшод... Эллик йил мактаб тутиб, ... 23 толиба тутиб, 891 қизни басавод қилдим. Алардан қарийб тўртдан бири таъби назмлари бор эрди... боз аввал охир икки юздан ортиқ назмхон шоиралар таълим олиб чиққан эрди». Дилшод отин ғазал, муҳаммас, мусаддас, хотираномалардан иборат «Тарихи муҳосара», «Хатми мунтахабул ашъор», «Замонадан шикоят», «Ҳаёт мадҳи» дostonларини яратди. Шоир бу асарларида комил инсон, вафо, соф муҳаббат ҳақида фикрлар изҳор этади, вафосизлик худбинлик, маккорлик, ҳийлагарлик иллатларини қоралайди. Дилшод ёшларни илм олишга, илм аҳли бўлишга даъват этади. Мутафаккир шоира — муаллима Дилшод отин ўзининг отинлик фаолиятида таълим — тарбияга оид қимматли ғояларни олға суриб, педагогик фикр ривожига муносиб улуш қўшади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ва унинг «Огоҳнома» қондаси.

Муҳаммад Ризо Огаҳий 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида таваллуд топади.

Огаҳий ўз ижодий фаолияти давомида Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Ҳусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Кайковуснинг «Қобуснома», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асарларини ўзбек тилига таржима

қилади, ўз миллатини Шарқ адабиётининг нодир дурдоналари билан баҳраманд этади.

Огаҳий халққа яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи, деб билди. Огаҳийнинг фикрича, оддий халққа хизмат қилиш маънавий қашшоқланишнинг олдини олувчи чорадир. Халққа холис хизмат қилган кишининг мартабаси баланд, элда қуёшдек азиз бўлади. Бу ғоя Огаҳий педагогик қарашларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Огаҳий таълим – тарбия илмларни эгаллаш ва тилни билишда муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тил инсонни бошқа мавжудотдан фарқ қилиб турадиган асосий белгидир, сўз ва тил «такаллум қилишга», «фаҳосат ва нафосатга», «кўнгил маҳзанидан жавоҳир сочиш» учун берилгандир.

Огаҳийнинг уқтиришича, инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик, табиат гўзаллиги, инсон тафаккури, маънавий дунёси ривожда ғоят муҳимдир.

Огаҳийнинг педагогик қарашларида нафосат тарбияси ҳам юқори баҳоланади. Огаҳий нафосат тарбиясини Ватан табиати, унинг гўзаллиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширишни тавсия этади, баҳор фаслини таърифлайди.

10. Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бустон» асарларида ахлоқий маърифий ғояларнинг ёритилиши.

Шарқ оламида илмий-тарбиявий ва педагогик томонидан китобхонлар диққатини жалб қилган муҳим асарлардан бири Кайковуснинг 1082-1083 мелодий, 475 ҳижрий йилларда яратган «Қобуснома» асаридир. Асар Кайковуснинг ўғли Гилоншоҳга берган панд-насихатлардан иборат.

Қобуснома 44 бобдан иборат бўлиб, булардан 4 боби диний характердадир, қолган 40 боби ҳаётий воқеаларни ифода этади. Асарда ота-онага ҳурмат алоҳида ўринни эгаллайди. У бир томондан болани ота-онани ҳурмат қилишга, уларни ранжитмасликка чақирса, иккинчи томондан ота-онани болага яхши ва тўғри тарбия беришга ундайди.

Алоҳида эътиборни Кайковус ақл тарбиясига беради. Ақлнинг ҳар қандйа давлатдан юқори туришини таъкидлайди.

Жамият тараққиётида у биринчи ўринга ўз синфининг ахлоқини эмас, балки ўша даврда муҳим ўрин тутган ҳунар ва илмни қўяди.

Кайковус халққа яқин туришни, халқ манфаатини кўзлашни фарзандига уқтиради, чунки у ўзининг эски феодал шаън-шавкатидан ажралгани учун халқ тақдирига суяниб қолган эди. У баланд мартабага эришишни насл-насаб билан боғламайди, балки ақл ва ҳунар билан боғлайди.

Кайковус ўз табақаси фарзандларининг меҳнатга қобилиятсиз эканлигини, меҳнатсиз на илмга ва на маърифатга эга бўлиш мумкинлигини ўзининг ҳаётий тажрибаси орқали тушунди. Хусусан, Сомонийлар авлодининг таназзули, уларнинг турмуш учун қобилиятсиз шахслар эканлиги Кайковуснинг кўзини очди. Шунинг учун у ўғлини меҳнат қилишга, ҳунар ўрганишга чақирди ва билимни эгалламоқ учун «меҳнат

қилмоқ, баданни ялқовлик ва бекорчиликдан қутқармоқ фойдалидур. Нединким, бекорчилик ва ялқовлик баданнинг фасод ва беморлиғига сабаб бўлур. Агар баданга роҳат бериб, уни ўзингга бўйсундирмасанг, унда тандурустлик била мартабали бўла олмассан...»

Кайковус мағрурликни, такаббурликни қоралайди. Унинг бобоси Қобус илм ва адабиёт муҳиби бўлса ҳам, ўзининг илми билан эмас, балки зулмкорлиги билан мағрурланарди. Кайковус эса мағрурликни ёқтирмайди ва кимки мағрурланса, албатта, ҳамиша пушаймон бўлади, дейди.

«Қобуснома» ҳаётий ва амалий масалаларни кенг очиб беради. Автор бу масалаларни ўз турмушида кўрган ва учратган. Бу ҳаётий муаммоларни Кайковус ҳикоялар, мақоллар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари воситасида исботлайди. Шунинг учун, «Қобуснома» XI аср Шарк педагогикаси тарихида ғоят қимматли асарлар қаторига киради.

2.1.7. ЎРТА ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ҲАМДА XX АСРДА МАОРИФ, ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР (2С)

РЕЖА:

1. Туркистон ўлкасида ислом диний - тарбиявий муассасаларнинг анъанавий тизими.
2. Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши.
3. Туркистон ўлкасида илғор педагогик фикрлар: Туркистонда жадидчилик ҳаракати. Янги усул мактабларининг пайдо бўлиши.

Туркистон ўлкасида ислом диний – тарбиявий муассасаларнинг анъанавий тизими. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида рус чоризми Ўрта Осиёни забот этди ва у ерда тарбиявий мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш билан бирга маориф матбуот, адабиётни юксалтиришга қарши қаратилган тадбирлар кўрди, озодлик, эркинлик, шунингдек дунёвий билим ғоялари билан суғорилган тараққийпарварлик оқимиға қарши курашди.

Мазкур даврда Ўзбекистон ҳудудида умуман, 400 дан ортиқ, яъни Туркистон ўлкасида 313, Бухоро амирлигида 103, Хивада 8 та мадраса ишлаган.

Ҳар бир қишлоқда эса мачит бўлиб, ҳар бир мачит қошида албатта мактаб бўлган. Шаҳарнинг ҳар бир мақалласида, ҳар бир қишлоқда мактаб бўлиб, мачит домласи болаларни ўқитган. Мактабда аввал "Ҳафтияк", кейин «Қуръон» ёдланарди, сўнг «Чор китоб»га тушиларди.

«Чор китоб» 4 бўлимдан иборат бўлиб 1- бўлим ҳақ худонинг номлари тушунтириларди, дин қоидалари, таҳорат, намоз баён этилади, иккинчиси бидон-эътиқодни англаш, учинчи бўлимда каломи наби - ривоятлар баҳс этилган. Бу китоб назм ва насрда форс тилида ёзилган. Мактабларда Ҳофиз, Алишер Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр ўрганилар эди. Мактабни битиргандан сўнг бир қисм талабалар мадрасага кира олардилар.

Мадраса - Ўрта Осиёда IX асрда пайдо бўлган олий диний мактаб. Унинг ўқув режалари вақт ва шароитга қараб ўзгариб турган. Масалан XV асрнинг 30 —40 - йилларида - Самарқанд ва Ҳирот мадрасаларида дунёвий билимлар: математика, астрономия, мусиқа ва ҳоказолар ҳам ўқитилган.

Мадраса уч бўлимдан иборат бўлган: 1- бўлимда мусулмон дини ақидалари баён қилинган китоб - араб тили ва қонунчилик ўргатиладиган эди. Бу бўлим талабаси 9-10 йил ўқиган.

2 - бўлимда қонунчилик, илоҳиёт, мушқилот - мантиқ, араб грамматикаси, нотиклик маҳорати ўргатиладиган. Унда 7 - 8 йил ўқишган.

Учинчи бўлимда илоҳиёт, қонунчилик, калом ўқитилган. Қонунчилик курсида география ва арифметикадан баъзи маълумотлар берилган. Мадрасадан мударрислар, мутаваллилар, қозилар, имомлар етишиб чиққан.

1900-йилда Туркистон ўлкасидаги 313 мадрасада 7052 киши ўқиган. (Бухоро (103) ва Хивадаги (8) мадрасадан ташқари). Қуръон билан бирга шариат ҳам кенг ўрганилади.

Шариат - диний юридик қонун бўлиб, шахсий, оилавий, ҳуқуқи жиноий ва давлат ҳуқуқи ўрганиладиган.

Ўша даврда ҳар бир ҳунар учун 40 дан ортиқ рисола - низом ишлаб чиқарган. Бу ҳунар ўрганувчилар учун қонун эди.

Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. XIX асрнинг 80 - йилларида Туркистонда маҳаллий аҳоли учун рус мактаблари очила бошлади. Аста - секин рус-туб жой мактаблари ҳам ташкил этила бошлади. Б.П.Наливкин мазкур мактабларнинг илк ташкилотчиси ва биринчи ўқитувчилардан эди.

Шунингдек, рус зиёлиларидан ташқари маҳаллий аҳолидан ҳам ўқитувчилар етишиб чиқиб, мактаб ва мадрасаларда ўқув режалари ислоҳ қилина бошланди. Ўқув хрестоматияси тузилди. 1900 йилда Жўравой қори Бухоронинг Пўстин дўзон қишлоғида мактаб очди. Лекин булар яхши натижа бермади.

Рус-тубжой мактаблари ўқувчилари учун ўзбек тилида чиқарилган биринчи дарслик «Устози аввал» Расулхожи Саид Азизов томонидан ёзилди. Бу кўп йиллар давомида дарслик сифатида ўқитилиб келиб, Ўзбекистонда янги воқеа бўлган.

Бундан ташқари, маҳаллий миллат болалари гимназияларга жалб этилди. Лекин гимназиялардаги маҳаллий ўғил-қизлар 2-3 % ни ташкил этар эди. 1879 йил Тошкентда ўқитувчилар семинарияси очилади.

Чоризм маҳаллий аҳолининг руслашишига тўсиқ бўладиган ҳар қандай илғор нарсани таъқиқлади.

Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий каби илғор кишилар Марказий Осиёнинг маданий, ҳўжалик жиҳатдан ривожланиши учун фаол кураш олиб бордилар.

Аҳмад Дониш Бухоро амири элчиси, котиб ва ўринбосари сифатида бир неча бор Россияга сафар қилиб, бу даврда Шарқ ва Ғарб маданиятларини чуқур ўрганди. У ўз вақтида ватанига қайтиб келгач,

давлат бошқармаси ва мактаб таълимида ислохотлар қилишга уринди.

Унинг «Болаларга ҳунар ва машғулотларнинг фойдаси ҳақида насихат» китобида («Наводирул вақое») педагогикага оид фикрлар баён этилган. Бунда болаларнинг:

- билим ва ҳунар эгаллаши;

-билимни онгли суратда билиб олиши;

-ахлоқий тарбия вазифалари;

-ота-оналарнинг болаларга зулм ўтказиши, эркинлик, мустақиллик бермаслигига қарши чикди;

Анбар отин (1870-1915) ўзбек шоираси ва маърифатпарвари, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. У 1870 йил Қўқонда фармонқул деган илғор киши оиласида туғилган. Маълумотни Дилшод отин (Барно)дан олади. У мактабда тарих, адабиётни ўрганади, шеърлар ёзади. Сўнг ўзи ҳам дарслар беради. У қизларга одоб қоидалари, шеър тузилиши, юксак ахлоқий малакалар ҳосил қилиш қоидаларини ўргатади. Унинг бутун ҳаёти шеърият билан боғлиқ. Уларда маърифий ғоялар илгари сурилади. Анбар отин маърифатгина шахс эркинлигини шакллантиришини билади. Унинг Фурқатга ёзган шеърий мактубида янги усул мактабларини очиш ҳақидаги таклифлари баён этилган. Анбар отин девон ҳам тузган. Анбар отиннинг дунёқарашини, фалсафий тафаккурини ўзида мужассамлаштирган асари - «Қаролар фалсафаси»дир. Асар кириш ва 4 қисмдан иборат. Ҳар бир фаслда шоира ўзининг ижтимоий-қарашларини баён қилади, аёллар тақдири ҳақида ёзади.

Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) ёзувчи, журналист, жамоат арбоби, маърифатпарвар. У мактабни битиргач, мадрасада ўқийди. Лекин, битирмасдан меҳнат фаолиятини бошлайди. Арабистон, Миср, Туркия, Россияга саёҳат қилади. 1903-1904 йиллари ўзбек ва тожик тилларида «Мунтахаби жўғрофия» («Қисқача умумий география») асарини, янги усул мактаблари учун «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом», «Аҳоли жўғрофиясига кириш», «Россиянинг қисқача географияси»ни ёзади. Шакурийнинг қишлоғидаги янги усул мактабини 1908 йил Самарқандга - ўз ҳовлисига кўчириб келади. «Бехбудий нашриёти»ни ташкил этиб, дарсликлар, «Туркистон, Бухоро, Хива харитаси» ни босиб чиқаради. «Самарқанд» газетаси, «Ойина» журналининг нашр этади.

У халқни илм — маърифатни эгаллашга чакиради, аёлларнинг илм олиш кераклигини илгари суради, янги усул мактабини очиш дунёвий фанларни ўқитишни тарғиб қилади.

Бехбудий 1918 йил «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси»нинг маориф комиссари қилиб тайинланади. Шундан сўнг ўқув режалари тузиш, янги дарсликлар яратиш, ўқитувчилар курсларини очиш ишларига қатнашади, ўзи «Янги ҳисоб» дарслигини тузиб нашр этади.

1918 - йил Тошкентга келиб, Туркистонда давлат тили ҳақидаги Декрет, миллий ишлар халқ комиссарлигининг Низоми лойиҳаларини тайёрловчи комиссиялар ишида қатнашади. 1919 йил

Бухоро амири амалдорлари томонидан Шаҳрисабзда қамоққа олиниб қарши шаҳрида қатл қилинади.

Туркистон ўлкасида илғор педагогик фикрлар: жади́дчи́лик ҳаракати. Янги усул мактабларининг пайдо бўлиши.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракат жади́дизм (арабча «жадид» сўзидан олинган бўлиб «янги» деган маънони билдиради. Уларнинг мактаблари «Янги усул мактаблари» дейиларди. Бу мактабларда болалар парталарда ўтирар эди, синф доскаси, дарс жадвали тартиб берилди.

Таълим мазмуни ҳам ўзгарди, табиий фанлар жорий қилинди, она тилида дарслик ва қўлланмалар яратилди, замонавий ўқитиш методлари қўллана бошланди.

Ўқитиш ўтган асрнинг 80 - йилларининг бошларида Тошкентда иккита, Қўқонда битта катталар учун рус тили курслари очилди.

Рус - тубжой ва янги мактаблари кейинчалик Ўзбекистонда собиқ совет мактабларини ташкил этишга замин бўлди. Масалан, Тошкентдаги Навоий номидаги II боскич 6 йиллик биринчи ўзбек мактаби, рус — туб жой мактаби, Наримонов номидаги Тошкент шаҳар педагогика техникуми ташкил этилди. Шунингдек, асримиз бошида Тошкентда ҳунар мактаби, гидротехника мактаби бор эди. Бу мактаблар кейинчалик ҳунар - техника мактабларига асос бўлдилар,

Янги усул мактабини "рушдия" деб аташарди. Бундай мактаблар, Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Тўқмоқда биттадан бор эди. Қолганларини «ибтидоия» дейиларди. Унда болалар 4 йил ўқитилар эди. Тошкент ва Қўқонда қизлар янги усул мактаби ҳам очилди.

1908-1917 йилларда эса чоризм Туркистондаги мактабларни руслаштириш сиёсатини олиб борди. 1908 йилдан янги усул мактабларига қарши кураш бошланди. 1911 йилга келиб, 50 га яқин мактаб ёпилди.

1917 йилдан товуш усули билан ўқитиш методига асосланган синф-дарс тизимидаги мактаблар пайдо бўлди: яъни, усул мактабларида фақат маҳаллий миллат ўқитувчилари дарс бериши зарур эди.

Янги усул мактаблари тарафдорларини «жадид»лар, пантуркистлар деб таъкиб қилдилар.

«Янги усул» ёки «усули жади́д» мактабининг асосчиси Исмоилбек Ғаспирали бўлиб, у бутун фаолиятини туркий халқларининг равнақи ва тараққиётига бағишлади.

Ўзбекистонда унинг издошлари кўпайди. Файзулла Хўжаев, Исҳоқжон Ибрат, Саидрасул Азизий, Сўфизода, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурый, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Исматулла Раҳматуллаев, Абдурауф Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзийлар жади́дчи́лик ҳаракатининг дарғалари бўлиб, улар истиқлол учун, миллатимизнинг илм-маърифатда дунёнинг тараққий этган миллатлари қаторида туриши учун ҳаракат қилдилар.

Лекин, мазкур даврда Туркистон ўлкасида педагогик фикрларнинг ривожланишини Фурқат, Анбар отин, Саидахмад Сиддиқий ва

бошқаларсиз тасаввур этиш қийин.

Фурқатнинг (1858-1909) хизмати шундаки, у жамиятдаги илғор ғояларни ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. «Туркистон»даги тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ёрқин намоёндаси бўлган. Дунёвий билимлар ва маданиятининг оташин тарафдори ва ташкилотчиси, ўз мамлакатининг илмий ва техника тараққиёти учун шижоат билан курашувчи инсон сифатида унинг ўз ўрни бор.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистондаги тараққийпарвар, ижтимоий - фалсафий тафаккурнинг ривожланишини Фурқатсиз, унинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фурқат Ўзбекистонда таълимнинг янги тизимини жорий этиш кераклигини тарғиб қилди.

«Гимназия», «Илм хосияти», «Виставка хусусида», «Концерт хусусида», "Суворов ҳақида" асарлари шулар жумласидандир. У ўзбек болаларига мусиқа ўргатишни жуда истар эди. Лекин мустабид даврда Фурқат бу орзуларига эриша олмади.

Саидахмад Сиддиқий (1864-1927) ҳунарманд - деҳқон оиласида туғилган. Аввал эски мактабда, сўнг рус-тубжой мактабида ўқийди.

У Европа ва Осиёга, Россияга саёҳат қилади. Самарқандга қайтгач (1903) тил ўрганиш билан шуғулланади, деҳқон ва ҳунарманд болалари учун мактаб очади. Бу мактаб рус мактабларига ўхшар эди. Сўнг катталар учун ҳам саводсизликни тугатиш курслари очилди. 1914 йилда мактаб учун ўқув қўлланмалари, дарслик ва журналлар сотиладиган «Зарафшон» номли магазин очади. У ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзар эди.

Саидахмад Ўзбекистон ва Тожикистонда илғор педагогик фикрларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

У Ўзбекистонда педагогика тарихига оид катта ишлар олиб боради. Сиддиқий Самарқандда эмас, вилоят қишлоқларида ҳам янги усул мактаблари очади, янгича ўқитиш методларини яратади, шунингдек табиатшунослик, география дарсларини табиат қўйнида, очиқ ҳавода ўтказиб, таълим жараёнида ундан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқади.

Чет эл маданияти ва адабиёти билан ўқувчиларни таништиришга катта эътибор беради.

Абдулла Авлониининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида таълим-тарбия масалалари.

Таниқли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлониининг педагогикага оид асарлари ичида унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи бор нашр қилинган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир. Бу асар мазмун томонидан муаллифнинг бошқа ижтимоий ва педагогик асарлари билан узвий боғлиқдир.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий, тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи» илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатдан қараганда бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Кайковуснинг

«Қобуснома», Носир Хусравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият», Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир. Шунинг таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида бундай асарни яратиш, миллий ғоя, миллий рух: сингдирилган таълим-тарбиявий ишларнинг тадбиқ этилиши педагогика оламидаги йирик кашфиётдир.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, оллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ, ердан туриб юлдузларга қўл узатмоқ кабилур», - дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар катта аҳамиятга эга.

2.1.8. ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА ЕВРОПАДА ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР. (СУҚРОТ, АФЛОТУН, АРАСТУ) (2С)

Режа:

1. Қадимги Юнонистонда педагогик ғояларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.
2. Қадимги Римда таълим ва тарбиянинг ривожланиши.
3. Христиан динининг келиб чиқиши ва унинг таълим – тарбияга таъсири.

Қадимги Грецияда мактаб ва педагогик ғояларнинг келиб чиқиши.

Юнонистонда ҳукмронлик қилган Спарта ва Афина давлатида таълим ва тарбия ўзига хос тартибда амалга оширилди. Спартада давлат тарбия тизими таркиб топиши билан тарбиянинг мақсади ўғил болаларни бақувват ва чиниққан жангчи қилиб етиштиришдан иборат бўлди. Давлат бола туғилган кунидан бошлаб, уларнинг оилада тарбиялашини назорат қилиб борди, кичик болаларни энага – канизаклар ёрдамида оналари тарбияладилар. Ўғил болалар 7 ёшдан 18 ёшгача махсус тарбия муассасалари – агелларда ўқидилар. Агелларда таълим, болаларни ёзиш ва ҳисобга ўргатишдан иборат бўлди. Болаларда саволларга аниқ ва қисқа жавоб бериш малакасини ривожлантиришга эътибор берилди. Тарбия бутун жамоанинг иши ҳисобланди, лашкар бошилар, давлат арбоблари болалар билан ахлоқий ва сиёсий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турдилар.

18 дан 20 ёшгача бўлган йигитлар эфебияда махсус ҳарбий тайёргарликдан кейин қўшин сафига ўтдилар ва тўла ҳуқуқли фуқаро ҳисобландилар.

Афина давлати демократик республикадан иборат бўлиб, бу шаҳарда милoddан олдинги V асрларда фалсафа, санъат, адабиёт, педагогика ривожланади.

Афинада ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия камровли равишда – узвий бирликда амалга оширилади, асосий эътибор болани маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топган инсон қилиб етиштиришга қаратилди.

Болаларни 7 ёшгача оилада энага тарбиялади, энага болаларга бадий асарларни ўқиб, улар билан турли ўйинлар ўтказади, мусиқа эшиттиради.

Болалар 7 ёшдан бошлаб турли хил мактабларда ўқийдилар, 13 ёшдан 14 ёшгача грамматист ёки кифарист мактабида таълим оладилар, грамматист мактабда ўқиш, ёзиш ва санашни ўрганадилар, кифарист мактабида ўғил болаларга адабий маълумот, эстетик тарбия берилади, улар ашула айтишни, нотиклик санъатини, мусиқа асбобларини чалишни ўрганадилар.

Қадимги Юнонистонда педагогик таълимот (Сукрот, Афлотун, Арасту) ва тарбия тизими.

Қадимги Юнонистонда педагогик назария, педагогика фалсафанинг бир узвий қисми сифатида ривожланди, Сукрот, Афлотун, Демокрит, Арасту, ва бошқа мутафаккирлар таълимотида муҳим ўринни эгаллади. Бу олим – мутафаккирлар таълим – тарбия назариясини ишлаб чиқиб, Юнонистонда педагогиканинг ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Сукрот милoddан олдин 469 йилда Афинада ҳайкалтарош оиласида дунёга келди. У бирон бир асар ёзмаган, мактабда дарс бермаган, лекин ўз шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаган. У ҳақиқатни баҳс орқали, суҳбат йўли билан билиш, англаш мумкин деган ғояни олға сурган, суҳбатда асосий эътиборни инсон онги ва тафаккурини таҳлил қилишга қаратиш зарурлигини айтган. У тавсия этган бу усул ўз даврида «Сукрот усули» деб аталган. Сукрот милoddан олдинги 399 йилда демократия душманлари томонидан ўлдирилди.

Сукротнинг фалсафий ва педагогик қарашларида тарбиядан кутилган мақсад инсонни билимларни билиб олишга эришиш, уни юксак ахлоқли қилиб камол топтиришдир. У ўз таълимотида мардлик, донолик, мўътадиллик, адолатлилик тушунчаларини белгилаб беради. Унинг фикрича, мардлик кўрқувни даф қилиш, донолик – жамият қонунларига риоя қилиш, мўътадиллик – ўз ҳиссиётларига эрк бермаслик, адолат – яхшиликни амалга ошириш йўллариини ўргатишдир.

Сукротнинг ахлоқ хусусидаги таълимотида кўра, эзгулик – билим, донишмандлик – яхшиликни билувчига яхшилик қилишдир. Ёмонлик қилувчи яхшиликни ё билмайди, ёки пировардида, яхшиликнинг тантана қилишига қаршилик қилади.

Сукрот тадбиркорликни улуғлаб, уни энг гўзал инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодон ва жоҳил одамни таълим ва тарбия қилиб, донолар даврасига, бадахлоқ фосиқларни панд, насиҳат билан ислоҳ этиб, яхшилар қаторига қўшиш энг афзал амаллардан саналади.

Афлотун (Афлотун) Юнонистоннинг машҳур, мумтоз файласуфи. У милoddан олдин 428 йилда Афинада аристократ оиласида дунёга келган. У ўз фалсафий мактабини тузади, мактабни Афина қаҳрамони Академа шарафига «Академия» деб атади.

Афлотун тарбияни ташкил этиш ҳақидаги фикрларини «Давлат» ва «Қонунлар» асарларида баён этади. Афлотуннинг фикрича, катталарнинг болаларга кўрсатган таъсири, болаларда ахлоқий сифатларнинг таркиб топишида кўринади.

Афлотун ҳис – туйғуга таъсир этиш кичик ёшдаги болаларни тарбиялашнинг асоси, деб ҳисоблайди. Кичик ёшдаги болалар ҳузур қилиш, завқланиш, қайғуриш орқали яхшилик ва бахт – саодат тушунчалари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Афлотун «Давлат» асарида болаларни ёшлигидан бошлаб ижтимоий тарбиялаш ғоясини олға сурди ва уни ташкил этишнинг муайян тизимини таклиф этди.

Буюк файласуф Афлотуннинг «Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир» - деган ҳикматлари ҳозирги давр ота – оналар, мураббийлар учун, ҳам қимматлидир.

Арасту (Аристотель) - қадимги Юнон фалсафаси фани тараққиётида янги давр яратган мутафаккир. Арасту милoddан аввал 384 йилда Стагир шаҳрида табиб оиласида туғилди, 422 йилда вафот этди.

Арасту 20 йил давомида Афина шаҳридаги Афлотун академиясида таълим олади. У мантиқ илмига оид «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи ва иккинчи аналитика», «Тоника», биологияга доир «Жон тўғрисида», «Ҳайвонлар тарихи», «Ҳайвонларнинг келиб чиқиши», фалсафага доир «Математика», ахлоққа оид «Никомах этикаси», «Эндем этикаси», ижтимоий – сиёсий ва тарихий масалаларга оид «Политика», «Полития», санъат, поэтика ва риторикага оид «Риторика», «Поэтика» асарларини ёзади. У яратган бу илмий асарлари антик дунёсининг энг улуғ ютуғи сифатида маънавий маданият ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Арасту ўзининг ахлоққа оид «Никомах этикаси», «Эндем этикаси» асарларида тарбиянинг мақсади табиат билан боғлиқ бўлган инсонни тадрижий ривожлантиришдан иборатлигини, ақл ва иродани ривожлантириш муҳим эканлигини айтади. Унинг таълимотига кўра,

болаларининг ёш хусусияти ҳисобга олинган ҳолда, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия узвий бирликда амалга оширилиши керак.

Арасту тарбия муддатини 21 йил: бола туғилганидан 7 ёшгача, 7 ёшдан 14 ёшгача, 14 ёшдан 21 ёшгача, деб белгилади. У боланинг ҳар бир даврдаги ўзига хос хусусиятини кўрсатди, ҳар бир даврда амалга ошириладиган тарбиянинг мақсади, мазмуни ва усуллари баён этди.

Арасту бола тарбияси давлат ихтиёрида ва барча фуқаролар учун бир хилда бўлишини ҳимоя қилади. Чунки, давлат тарбияда ўз олдиға аниқ бир мақсадни қўяди. Шунинг учун ҳам, тарбияға ўз хоҳишиға кўра ўқитиш ва тарбиялашни истаган ота – оналар эмас, давлат раҳбарлик қилиши керак. Ҳар бир фуқаро ўз – ўзича яшамайди, у барча фуқаролар каби, давлатға мансубдир, давлатнинг узвий бўлагидир. Давлат унинг ҳақида ғамхўрлик қилади.

Арасту дўст орттириш, дўстларға нисбатан шафқатли ва марҳаматли бўлишға даъват этади. Унинг таъкидлашича, киши иложи борича ўзига душман орттирмаслиги керак. Шундагина, у дўстлари қаторидан жой олади. Дўстларни шафқат ва марҳамат билан сарафроз қилади. Шунда улар, самимий дўст бўлиб қоладилар. Ёлғончи кишидан вафо кутмаслик керак. Кимнинг асли пок бўлса, у одам элға манфаат етказди.

Қадимги Римда тарбия ва мактаб.

Қадимги Римда милoddан олдинги III-I асрларда илм – фан, адабиёт, тарих фанлари, меъморчилик ва тасвирий санъат ривожлана бошлади. Табиий фан соҳасида милodий II асрда Птоломей «Альмагест» асарини ёзиб, унда оламнинг геоцентриқ тизимини баён этади. Диофант «Арифметика». Папп Александрийский «Математика тўплами», «Витрувий», “ Архитектура ҳақида 10 китоб ” ини яратади.

Тарих фани соҳасида Тит Ливийнинг «Рим тарихий», Корнелий Тацитнинг бадиий дидактик руҳдаги «Анналар» ва «Тарих» асарлари юзаға келади.

Квинтилиан асарларида таълим ва тарбия масалалари.

Квинтилиан ўқувчиларни ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимға эға бўлишларини талаб этади. У: «Фанда дастлабки маълумотдан нариға силжимайдиган, қалби қалбаки ишонч билан тўлган, фақат, ўзларини олим деб билган кишилардан ёмони йўқ», - дейди. Квинтилиан ҳар бир илм аҳилларини, шу жумладан ўқитувчиларни, доимий равишда ўз билимларини ошириб боришға даъват этади. Квинтилиан болаларни уйда эмас, мактабда ўқитиш ғоясини илғари суради. У мактабни тарбиявий таъсирини қайд қилган ҳолда, уй муҳитида болада ёмон хулқ ҳосил бўлиши мумкинлигини айтади: болалик чоғида ота – оналар уни эркалайдилар. Натижада бола ақлий ва жисмоний тарбиядан маҳрум бўлади. У катталардан ноўрин сўзларни ўрганади. Болалари бу сўзларни

такрорлаб, ноўрин ҳаракатлар қилса, катталар хафа бўлиб, уни койийдилар, ваҳоланки бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари айбдор эканликларини ўйламайдилар. Бола катталардан ўрганиб олган ноўрин сўзларнинг ўзига ёмонлик, нафрат келтиришини ўйламаган ҳолда, уларни мактабда ҳам такрорлайди, бошқалар ўртасида ёяди. Шу сабабли ҳам Квинтилиан болаларни мактабда ўқитишни талаб қилади.

Квинтилиан, Арасту каби, 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни мактабга тайёргарлик даври, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бола 7 ёшгача оилада тарбияланиб, она тили ва грек тилини эгаллаши керак, болалар билан мунтазам равишда турли қизиқарли машғулотлар ташкил этиш лозим. Ёш болани макташ билан кўнглини кўтариш, мукофотлаш, тарбияда ижодий фаолиятини ривожлантириш ғоят муҳимдир.

Квинтилиан таълимда кўргазмалиликка эътибор беради, таълимда узвийлик ва изчиллик бўлишини талаб этади. Унинг таъкидлашича, болага кўп нарсани ўргатишга ҳаракат қилмаслик керак, аммо билганини пухталаш лозим. Бўлажак нотик хотирали бўлиши, бадий сўзлаш малакасини эгаллаши керак.

Христиан динининг келиб чиқиши, унинг таълим-тарбия ҳамда педагогик фикр ривожига таъсири.

2.1.9. ЕВРОПАДА XVI-XX АСРДА ТАРБИЯ, МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИК ФИКР

(ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ, ЖАН ЖАК РУССО, К.Д. УШИНСКИЙ, МАКАРЕНКО, В. СУХОМЛИНСКИЙ) (2С)

Режа:

1. Я.А. Коменскийнинг педагогик қарашлари.
2. Ж.Ж. Руссо асарларида тарбия назарияси.
3. Й.Г.Песталоцци, А. Дистерверг. И.Ф. Гербарт, Р. Оуэнларнинг педагогик ғоялари.
4. Рус педагог олимларнинг педагогик таълимотлари.
5. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги даврларда ривожланган хорижий мамлакатларда таълим ва тарбия.

Я. А. Коменскийнинг педагогик тизими ва унинг кейинги тараққиёт учун аҳамияти.

Буюк словян педагоги Ян Амос Коменский 1952 йилда Чех диний жамоасида тегирмончи оиласида туғилди, жамоадаги мактабда ўқиди.

Коменский ўрта асрдаги тарбиядан фарқли ўлароқ туғилганидан бошлаб бола эгаллаган қобилиятини худонинг тухфаси ҳисоблади ва айни пайтда, бу қобилият фақат тарбия жараёнида ривожланишини уқтирди. Коменский инсоннинг ривожланишида тарбиянинг ўрни бениҳоя эканлигига ишонади ва тарбия туфайлигина ҳар қандай болани юксак ахлоқли, маълумотли қилиб етиштириш мумкин деган фикрни билдирди, болани ёшлик чоғидан жисмонан соғлом, маънавиятли қилиб тарбиялашни талаб қилди.

Коменский ўз педагогик қарашларида инсонни табиатнинг бир бўлаги, деб ҳисоблади ва табиатдаги барча мавжудотни ягона бир конунга бўйсунди, деган ғояни олға сурди. Унинг фикрича, таълимни болаларни нарс ва мавжудотлар билан таништиришдан, уларни идрок қилдиришдан бошлаш, ундан кейин уларга хос хусусиятларни ўрганишга ўтиш зарур. Коменскийнинг уқтиришича, рассом ҳам шу зайлда иш кўради. У аввал тасвирлайдиган буюмнинг умумий, хомаки расмини чизади, кейин унинг айрим қисмларини тасвирлайди.

Коменский барча болаларни билимларни идрок қилишга қодир деб ҳисоблаб, «барчани ҳамма нарсага ўргатиш» зарурлигини, таълимнинг умумий бўлишини талаб қилади. Бу таълим барчага, жумладан ўғил болалар ва қизларга ҳам таалуқли бўлиши лозим.

Коменский инсон ривожланишини тўрт босқичга: гўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик даврларга бўлади. Коменский туғилганидан бошлаб 6 ёшгача бўлган болалар учун алоҳида оналар мактабини очишни, улар раҳбарлигида таълим ва тарбия беришни тавсия этади. Унинг тавсияси бўйича, 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўқиш она тилида олиб бориладиган мактабда таълим оладилар. Бу турдаги мактаб ҳар бир жамоада очилиши керак. Илм олишга мойиллик сезган 12- 18 ёшли ўсмир ва йигитлар шаҳарда ташкил этиладиган лотин мактаби ёки гимназияга боришлари лозим. Коменский олим бўлишни хоҳлаган 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар учун ҳар бир давлатда академиялар ташкил этишни таклиф қилади.

Коменский ўз даврида биринчи бор машғулотларнинг синф – дарс шаклида бўлиши зарурлигини асослаб беради. Бунда у ўқитувчининг бутун синф билан муайян ўқув мавзуи бўйича машғулот ўтказишни талаб қилади. Олимларнинг фикрига кўра ўқув йили ҳамма ўқувчилар учун бир вақтда бошланиб, бир вақтда тугалланиши, машғулотлар кетма – кет дам олиш билан алмашилиб туриши керак. Ўқув куни турли синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мувофиқ равишда қатъий тартибда бўлиши зарур.

Коменскийнинг уқтиришича, оналар мактабида ақлий тарбия рухий таъсир воситаси орқали болаларда ташқи муҳит ҳақида билим ҳосил қилиши, уларни изчилликда билим олишга тайёрлаши, уларнинг тафаккурини ривожлантириши керак. Бола олти ёшида табиатшунослик бўйича олов, ҳаво, сув, ер, ёмғир, қор, муз, қўрғошин, темир ва ҳоказолар; астрономия бўйича осмон, қуёш, ой ва юлдузлар; география бўйича туғилиб, ўсаётган жойи (қишлоқ, шаҳар) ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, бола вақт бирликлари ва йил фасллари (соат, кун, ой, йил, баҳор, ёз, куз, қиш) билиб олиши керак.

Буюк славян педагоги ўз фаолияти давомида она тилида умумий таълим бериш ғоясини илгари суради ва унинг моҳиятини асослаб беради. Коменский ўша давр учун илғор таълим ва тарбия тажрибаларини умумлаштириб, охириги илмий ютуқ ва маълумотларга таяниб, биринчи марта халқ маорифининг ягона системасини илмий

равишда ишлаб чиқади. Бу система демократизм руҳи билан суғорилган бўлиб, омманинг билимга интилишини акс эттиради.

Ж.Ж. Руссо асарларида тарбия назарияси.

Жан – Жак Руссо 1712 йилда Женевада хунарманд – соатсоз оиласида туғилди. У ёшлик, ўсмирлик йилларида изчилликда билим олмайди, кўп вақтини Франция ва Швейцарияда ўтказди, турли хунарларни ўрганишга уринди. 30 ёшга тўлган пайтида Парижга келиб, ўша давр адиб ва файласуфлари, табиатшунослари билан танишди, мулоқотда бўлди. 1754 йилда у «Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши...», 1762 йилда «Ижтимоий шартнома» асарларини ёзди. Руссо бу асарларда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилди, давлат халққа хизмат қилиши ғоясини олға сурди.

Руссо 1762 йилда яратган «Эмил ёки тарбия тўғрисида» номли романида озод, янги одамни тарбиялаш йўллари кўрсатди.

Руссо бола туғилган кунидан бошлаб истеъдоднинг ривожланиши учун яхши шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлигини айтади. Тарбиячи болага ўзининг фикр ва мулоҳазаларини, тайёр ахлоқий қоидаларни мажбуран қабул қилдирмаслиги, табиатига кўра унинг ўсиши ва эркин ривожланишига имконият яратиши керак. Табиий тарбия – эркин тарбиядир. Бола ўзининг нотўғри ишлари натижасини, шу ишлар туфайли пайдо бўладиган зарарли оқибатларни ҳис қилиши лозим.

Руссо боланинг ёшлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, тарбияни тўрт даврга бўлади.

Биринчи давр – туғилганидан 2 ёшгача, нутқ пайдо бўладиган давр. Бу даврда болани жисмоний тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак.

Иккинчи давр – 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган давр. Бу даврни Руссо образли қилиб «ақл – идрок уйкуси», деб атади. Унинг фикрича, бу даврда асосан, боланинг ташқи олами ҳис қилиш қобилиятини ривожлантириш лозим.

Учинчи давр – 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр. Бу ёшда боланинг ақлий ва меҳнат тарбиясига эътибор бериш керак.

Тўртинчи давр – 15 ёшдан балоғатга етгунча бўлган давр. Руссо бу даврда боланинг хулқ – аторида турлича ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди.

Руссонинг фикрича ахлоқий тарбиянинг мақсади болада фанларга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш, унга билимларни эгаллаш усуллари ўргатишдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун боланинг мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантириш асосида таълим мазмуни ва ўқитиш усуллари тубдан ўзгартириш лозим. Бола ўзи яшаётган жой, қишлоқ ва шаҳар билан танишиб, географияга оид билимларни эгаллайди: юлдузлар ҳаракати, қуёшнинг чиқиши ва ботишини кузатиб астрономияни ўрганади; тажрибалар ўтказиб физикани билиб олади. Тарбияланувчи илмий тадқиқотларни кашф этадиган, билимларни тарбиячи орқали эмас, балки ўз кучи билан эгаллаши, фанларни қуруқ ёд олмасдан, уларни ўзи ихтиро қилиши керак. Руссонинг қизларни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари унинг аёллар табиатига ва вазифасига бўлган қарашларнинг ифодасидир.

Руссонинг фикрича, аёлнинг вазифаси она бўлиш, уй хўжалигини бошқариш, оилада саранжом – саришталик яратишдан иборат. Шунга кўра, қизлар ҳам ўғил болалар каби тарбияланиши керак. Руссонинг қизлар тарбияси ҳақидаги фикрларида диний ва тобеълик хусусияти бўлса ҳам, унинг педагогик ғоялари тарихан илғор аҳамиятга эга эди ва педагогик фикрнинг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Жан Жак Руссо ўз педагогик қарашларида инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ёшларни соғлом ва мустақил, ижодий фикр соҳиби қилиб етиштиришга даъват этади. У тарбияни ҳаёт, табиат билан боғлиқ ҳолда амалга оширишни, меҳнат тарбиясига эътибор беришни талаб этди. Унинг бу ғоялари педагогик назария ва тажрибанинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Дастлабки таълим назарияси ва методиканинг яратилишида Й.Г. Песталоццининг ҳиссаси.

Иоганн Генрих Песталоцци 1746 йилда Швейцариянинг Цюрих шаҳрида врач оиласида туғилди. Песталоцци тарбиянинг мақсади болаларда «Ҳақиқий инсонийликни» намоён эттиришдан иборатлигини айтади. Песталоццининг таъкидлашича, тарбия уйғун тарзда, яъни у боланинг табиати, руҳиятига уйғун ҳолда амалга оширилиши керак. Унинг фикрича, жисмоний тарбиянинг мақсади боланинг табиий, жисмоний истеъдодини ривожлантиришдан, унда кўникма ва малакалар ҳосил қилишдан ва шу йўл билан унинг жисмоний куч – қудратини ўстиришдан иборатдир. Песталоцци бу мақсад амалга оширилса, жисмоний тарбия инсоннинг шахс сифатида шаклланишига, ақл – идроки, ахлоқий ҳис – туйғуси ва иродасининг ривож топишига ишонди.

Песталоццининг фикрича ахлоқий тарбиянинг мақсади болаларда кишиларга муҳаббат уйғотишдан иборат. Песталоцци ахлоқий тарбияда тарбиячининг болаларга шахсий намуна бўлишига алоҳида аҳамият беради. Тарбиячи гўзал ахлоқли, ахлоқий тарбия ҳақида тўлиқ тушунча ва билимга эга бўлиши керак.

Песталоццининг таъкидлашича, таълим вазифаси болани муайян билимларга эга қилишдангина эмас, балки унда ақлий қобилиятни ҳам ривожлантиришдан иборатдир.

Песталоцци таълим аниқ ҳаётий кузатишларга асосланишини тавсия қилади, кўргазмалилик таълимнинг олий шarti, деб ҳисоблайди. Таълимда болаларга аниқ тушунчалар ҳосил қилиш кераклигини таъкидлайди. Тарбиячи болаларда кузатувчанлик қобилиятини ўстириб, уларни ҳаёт ходисаларини, таълим жараёнини кузатишга ўргатиши лозимлигини уқтиради.

Песталоцци таълим жараёнини соддалаштиришга ҳаракат қилди. Ҳар қандай билимнинг кичик – оддий қисмлардан иборатлигини, инсон уларни ўзлаштириб олам, борлиқ ҳақида тасаввурга эга бўлишини аниқлади, ҳамма нарсанинг сони, шакли, номи борлигини кўрсатди, билимнинг сон, шакл ва сўз каби қисмларини белгилаш (гапириш) малакаларидан иборатлигини айтди.

Умуман, Песталоцци ўз фаолиятида таълим жараёнида болалар қобилиятини ривожлантириш ва уларни ҳаётда фаолият кўрсатишга тайёрлашга алоҳида эътибор берди. У билдирган дидактик фикрлар педагогика тарихи ривожига қўшилган салмоқли ҳиссадир.

А. Дистервег

Атоқли немис педагоги **Адольф Дистервег**(1790-1866) 19-аср ўрталарида герман буржуа демократик педагогикасининг прогрессиф намояндасидир. Дистервег умуминсоний тарбия ғоясини ҳимоя қилади. Унингча, одамларга бўлган муҳаббатни умуман инсониятга ва ўз халқига бўлган муҳаббат билан бир-бирига чамбарчас боғлаб тарбиялаш керак. Дистервег, «инсон-менинг номим, немис менинг лақабимдир», дейди.

Дистервегнинг педагогик тажрибасини педагогикани тараққий эттиришнинг манбаи деб ҳисоблаш, унинг катта ютуғидир. У моҳир педагогларнинг болаларни тарбиялаш ва бу соҳадаги иш тажрибаларини ўрганиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Дистервег тарбиянинг олий мақсадини белгилаб, бу ҳақиқатга, гўзалликка ва яхшиликка хизмат қилишга қаратилган ташаббускорликдир, деб таъкидлаганди.

Дистервег ҳам Песталоцци сингари, таълимнинг асосий вазифаси болаларнинг ақлий кучларини ва қобилиятларини ўстиришдан иборатдир, деб ҳисоблайди. Лекин у формал таълим моддий таълим билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатиб, Песталоццига нисбатан олға томон катта қадам қўйди. Дистервег умуман соф формал таълим бўлмайди, лекин, ўқувчининг ўзи мустақил олган билимлари ва малакаларигина қимматга эгадир, деб уқтириб ўтди.

Дистервег, «ўқувчи ўзлаштиришга қодир бўлмаган нарсани вақти келмасдан туриб ўқитма!» ёки: «Ҳеч бир нарсани вақти келмасдан туриб ўқитма!» деган қоида илгари суради. Дистервег ўқувчилар билимининг мустаҳкам бўлишига эришиш учун уларга ҳаддан ташқари кўп маълумотлар бериб, уларни ортиқ банд қилиб қўймасдан, балки ҳамиша энг муҳим маълумотларни бериб боришни тавсия қилади. Дистервег ўтилган материалнинг эсдан чиқиб кетмаслиги учун уни тез-тез қайтариб туришни маслаҳат беради. Дистервегнинг қоидаларидан бирида «асосларни ўрганишда шошилма», дейилади.

Дистервег таълимнинг тарбияловчи функциясига асосий эътиборни қаратади. Унингча, бундай таълим боланинг ақлий кучларинигина ўстириб қолмайди, балки шу билан бирга унинг шахси иродасини, сезгиларини, хулқ-атворини ҳам шакллантиради. Унингча «Яхши ўқитган киши интизомни ҳам яхшилайди».

Дистервегнинг фикрича, маълум бир таълим методининг қанчалик самарали бўлиши бу методнинг ўқувчиларнинг ақлий кучларини қўзғотишга қанчалик ёрдам бериши билан белгиланади. Дистервег саволлар усули билан ўқитишни талаб қилади ва эвристик суҳбатни

(«саволнинг жавобини мен топдим» деган тарзда ўтказиладиган суҳбатни) бундай ўқитиш усулининг энг яхши формаси деб ҳисоблайди.

Дистервег ўқитувчи шахсига эътиборни қаратиб, ўқитувчининг ўз фанини чуқур билиши, болаларни севиши ва ўз устида мунтазам ишлаши; тарих, адабиёт, педагогика, психология ва методикага доир чиқаётган асарларни ҳамиша кузатиб боришини таъкидлайди.

И.Ф. Гербарт

Иоганн Фридрих Гербарт Германияда туғилди.

Гербарт, педагогика назарияси эгаллаб олингандан кейингина педагогик ишини муваффақиятли равишда олиб бориш мумкин, деб доимо таъкидлади.

Гербарт тарбия мақсадини белгилаб олишга катта аҳамият берди. Унинг фикрича, тарбия воситалари шу мақсадга қараб белгиланиши лозим.

Гербарт тарбия жараёнини бошқариш, ўқитиш ва ахлоқий тарбия бериш, деб 3 қисмга бўлади.

Бошқариш ўз олдига боланинг келажагини эмас, балки ҳозирги вақтнинг ўзида, яъни тарбия жараёнининг ўзида тартиб сақлаб туришини вазифа қилиб қўяди.

Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга жуда катта аҳамият беради. Тарбияда интеллектдан ташқари ҳис ва ирода ҳам жуда катта роль ўйнайди. Ҳис ва ирода инсон психикасининг мустақил кўринишларидир.

Гербарт таълим босқичлари назарияси ишлаб чиқди. Таълимнинг 4 босқичи мана шундан келиб чиққан. Бу босқичлар: 1.Равшанлик-(у осойишталик ҳолатидаги чуқурлашишдир). 2. Ассоциация-(бу ҳаракат ҳолатидаги чуқурлашишдир). 3. Система-(осойишта ҳолатдаги англашдир). 4.Метод-(ҳаракат ҳолатидаги англашдир).

Гербарт таълимни тасвирий таълим (чекланган тарзда қўлланилади, ўқувчининг тажрибасини аниқлаб олишни ва бу тажрибани тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди), аналитик таълим (айни бир вақтда атрофни ўраб турган нарсаларни айрим нарсаларга ва уларни белгиларга бўлиш вазифасини ўз олдига қўяди), синтетик таълим (ўқитувчи янги материални баён қилар экан, уни тасвирлаб бериш билан чекланиб қолмайди, балки умумий хулосалар), деб 3 турга бўлади.

Р.Оуэн

Роберт Оуэн Шотландияда, хунарманд оиласида туғилди. Оуэн, одам ўз аторфидаги муҳитнинг маҳсулидир, деган фикрига асосланиб, ишчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилашга қарор қилди. Оуэн очган таълим-тарбия муассасаларининг хусусияти шу бўлдики, унда анъанавий диний таълим йўқ эди. Оуэннинг динга қарши муносабати тобора кучайиб борди; у ақл-идрок дини керак, деган фикрдан бошлаб атеизмга қадар бориб етди. У 1817 йилда сўзлаган очиқ нутқида, дин одамни бебурд, аянчли бир маҳлуқ қилиб қўйди, деб айтди.

Оуэн халққа маърифат беришга интилиб умумий бошланғич таълимни жорий қилишни, руҳонийларни ва диний ташкилотларни, мактабга таъсир ўтказишдан четлаштиришни ва халқ маорифи тизимини давлат қўлига топширишни талаб этди.

Оуэн социалист-утопист эди. Унинг фикрлари дохиёна фаразлар характеридаги фикрлар эди. У болаларга 1 ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериш ғоясини биринчи бўлиб асослаб ва амалга оширган, жаҳонда биринчи бўлиб, пролетариат болалари учун мактабгача тарбия муассасаси барпо этди. Катта ёшдаги ишчилар учун Оуэн томонидан очилган оқартув муассасалари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. У жамиятни ўзгартириш ишида пролетариат синфи курашининг ролини тушунмади, фақат пролетар революцияси натижасидагина коммунистик тузумга эришиш ва коммунистик тарбияни амалга ошириш мумкинлигини англамади. Шу билан бир вақтда, Оуэн ва бошқа социалист-утопистлар бир қанча ажойиб ғояларни, шу жумладан, тарбия соҳасида ҳам ажойиб идеяларни илгари сурдилар.

Рус педагог олимлари М.В.Ломоносов, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.Р.Сухомлинскийларнинг педагогик таълимоти.

1. М.В. Ломоносов

М.В.Ломоносов (1711-1765) А.С.Пушкин: «Ломоносов мисли кўрилмаган ирода кучини мисли кўрилмаган тушунчалари билан бирга кўшиб туриб, маорифнинг бутун соҳаларини қамраб олди.Тарихчи, ритор, химик, минеролог, рассом ва шоир сифатида у ҳамма соҳани чуқур ўрганди», - деган эди. Ломоносов рус грамматикасини яратди ва Россияда бадий тилни таркиб топтирди, бу эса адабиёт, поэзия ва санъатнинг яна ҳам ўсишида зўр аҳамиятга эга бўлди. Фанлар академияси қошидаги университет ва гимназияга бошчилик қилиб юрган пайтларида гимназия билан университет ишларининг умумий қоидаларини белгилаб берди, гимназиянинг ўқув режасини ва университетнинг ўқув ишлари тартибини ишлаб чиқди, бу ўқув юртларида ўқитиш принциплари ва методларини кўрсатиб берди. Ломоносов 1758 йилда «Академия гимназияси тартиб-қоидалари»ни тузиб бу қоидаларда у ўрта мактаблар умумий маълумот берадиган ҳамда ҳамма табақа болалари ўқий оладиган бўлиши керак, деган фикрни қаттиқ ҳимоя қилди.

Ломоносов гимназия ва университетлар учун бир қатор дарсликлар тузди. Унинг «Риторика»(1748) ва «Рус тили грамматикаси»(1755) номли китоблари 50 йил давомида умумий маълумот мактаблари учун энг яхши дарслик бўлиб хизмат қилиб келди.

Москва университетининг ҳамда университет қошида гимназиянинг очилишида М.В. Ломоносовнинг хизмати каттадир. Бу университет ва гимназия Россияда фан, маориф ҳамда маданият тарихида катта аҳамиятга эга бўлди.

2. К.Д.Ушинский.

К.Д.Ушинский таълимотида тарбиянинг халқчиллиги ҳақидаги ғоя энг асосий ғоядир. Ҳар бир мамлакатда болаларнинг тарбиялаш тизими халқнинг ривожланиш шароитлари, унинг эҳтиёж ва талаблари билан белгиланган. Ҳамма учун умумий бўлган биргина туғма мойиллик борки, тарбия ҳамиша шунга таяниши мумкин: бу биз халқчиллик, деб атаган нарсадир. Халқнинг ўзи томонидан яратилган ва халқчиллик асосида қурилган тарбия шундай кучга эгаки, бундай куч абстракт ғояларга асосланган ёки бошқа халқлардан олинган энг яхши тизимларда ҳам йўқдир. Ушинскийнинг педагогика тизимида она тилининг тарбиявий ютуғи ва таълимий аҳамияти ҳам тарбиянинг асоси бўлган халқчиллик билан чамбарчас боғлиқлигидадир.

А.С.Макаренко

Макаренконинг бутун педагогик системаси «жиддийлик ва муҳаббат, эркалаш ва қаттиққўллик эви билан бўлиши керак» болаларга нисбатан «талабчан муҳаббат» керак деган ғояни қамраб олган. Макаренко одам қанча кўп ҳурмат қилинса, унга шунча кўп талаб қўйилади деб ҳисоблайди. Макаренко инсоннинг ижодий кучига, унинг ғоят катта имкониятларига қаттиқ ишонди. Макаренконинг педагогик назариясида инсонларни севиш билан оптимизм бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган, бу ҳар бир тарбияланувчидан ижобий кучни кўра билиш, инсоннинг энг яхши, янада кучлироқ, янада қизиқарли хислатлари «лойихаси»ни туза билишдир.

Макаренко педагогика назарияси тарбиянинг амалий тажрибаларини умумлаштириш асосида тузилишини талаб этди. У меҳнатда тарбиялашнинг аҳамиятига катта эътибор берди. Таълим тизимида предметларни системали ўқитиш тарафдори эди.

Макаренко ҳар бир кишининг якка ўзини, унинг ўзига хос хусусиятини кўра билиш лозим, шу билан бирга, у киши шахсини жамиятдан ташқари, жамиятдан ажратилган ҳолда кўриш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Шахсни ўз педагогик тизимида жамоада ва жамоа орқали тарбиялашга ғоят катта ўрин берди.

Макаренко оила тарбиясига ҳам жамоа сифатида қараб, унинг аъзолари бир-бирини севадиган бўлиши, бир-бирини ҳурмат қилиши лозим деб, ҳисоблайди; бундай оилада аниқ режим ва меҳнат фаолияти мавжуд бўлади дейди. Оиладаги ҳақиқий обрўнинг бош негизи ота-оналар ҳаёти ва иши уларнинг инсоний қиёфаси деб ҳисоблайди.

Макаренко - педагог санъаткор, у дунё аҳамиятига эга бўлган юксак бадиий педагогик асарларни ёзгани учунгина эмас, балки ўз қўл остидаги тарбияланувчиларга, тарбия жараёнида шаблон ва трафаретларга ҳеч бир йўл қўймасдан ижодий муносабатда бўла олганлиги учун ҳам санъаткор педагогдир.

В.А.Сухомлинский

В.А.Сухомлинский ижодий тажрибасидан касб-хунар фаолияти хусусиятлари ёки жиддий вазиятлар пайдо бўлганда фойдаланиш мумкин. В.А.Сухомлинский ёзувчи Г.Мединскийга ёзган хатларидан бирида: «Мен инсонга қатъий талабчан бўлиш, такомиллаштириш ва ўз-ўзини такомиллаштиришнинг қатъий қоидалари тарафдориман. Талабчанлик сахийликнинг, инсонпарварликнинг иккинчи томонидир». Ишонч ва талабчанлик Сухомлинскийнинг ижодий меросида тўлақонлигича очиб берилади. Масалан, фарқни биринчи ўринга нимани-яхшиликними ёки қатъийликни қўйишда, деб билади. У шахснинг фаолиятда шаклланишини назарда тутган ҳолда, тарбиячи ижод ҳақида ўйлаб, уни ташкил этар экан, бутун самарадорлик боланинг ички ҳолатини ҳисобга олиш маҳоратига боғлиқлигини ҳамиша эсда тутиши лозимлигини таъкидлайди.

Сухомлинский ўқитувчи фаолиятининг диққат марказида бола, уни янгичасига кузатиш, шогирдларнинг маънавий билим бойлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш туриши кераклигини таъкидлайди. Сухомлинский ўқитувчининг ўз устида ишлашига ҳам эътиборни қаратиб, таълим психологиясини ва ўқитувчи психологиясини билиб олишга интилиш, ўз малакаларининг ривожланишини кузатиш истаги, билим доирасини кенгайтиришга, адабиётни ўрганишга интилиши кераклигини таъкидлайди.

Сухомлинский ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик ишига қўшилиш жараёни шу қадар кўп қиррали ва индивидуаллигини эътиборга олиб, ўқитувчининг айни ўз устида ишлаши унинг ижодий кучларини ривожлантиради, ижодий изланишлар йўналишини белгилаб беришини ўқтиради.

Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги даврларда ривожланган хорижий мамлакатларда таълим - тарбия ва мактаб.

Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим – тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, мактабларда амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимларини янгидан ташкил қилишда, таълим – тарбияда, мактаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларидан тезроқ халос бўлиб, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ва манфаатлари акс этиши керак.

Америка Қўшма Штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1-8 – синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда болалар 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9-12 – синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка қўшма штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунларда амалга оширилади.

Америка Қўшма Штатларида тўлақонли ўрта мактаб сирасига 10,11,12-синфлар киради. 7,8,9- синфлар аксарият ҳолда қуйи ўрта мактаб деб ҳам юритилади. Бинобарин, қуйи ўрта мактаб курсини мувоффақиятли ўтаганлар юқори босқичга – тўлақонли ўрта мактабга қабул қилинадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб – кор, умумий йўналишларда билим берадилар. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда:қишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат, қурилиш бўйича хунар, касб – кор асослари ўргатилади.

Японияда ҳозирги замон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: Болалар боғчалари, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат.

Болалар боғчалари. Таълимнинг бу босқичида 3-5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

Мажбурий таълим. Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб, улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарслардан фойдаланадилар.

Японияликлар тўғри ва ҳалол турмуш тарзини тақдирлайдилар. 1-синфдан то 9-синфгача ахлоқ тарбияси мактаб фаолиятининг зарурий шартидир.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ, мактабгача тарбия ва бошланғич таълимга модуллаштириш болаларнинг билимга, у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилди. Бундай дарс жадваллари йиллик , ярим йиллик, чораклик асосида тузилиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабини тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади.

Германияда бошланғич мактабда ўқиш 6 ёшдан бошланади ва 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, дастлабки икки йил ўқиш давомида болаларга баҳо қўйилмайди, уларга умумий характеристика бериш билан кифояланади.

Бошланғич мактабда тўла 4 йиллик ўқишдан кейин ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5 – 6 синф босқичидаги йўналиш мактаб типига боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда махсус дастур асосида ўқитилади, бунда болаларнинг ота – оналари мактаб типини танлаш ёки ўзгартириш имкониятига эга бўладилар.

Кейин болалар навбатдаги мактаб типига ўтадилар.

Тўққиз йиллик гимназия (ўқиш 5-13 йиллик) Германиядаги юқори босқич, анъанавий мактаб ҳисобланади. Германияда махсус типдаги, масалан, иқтисодий, политехник ва бошқа гимназиялар ҳам мавжуд.

Текшириш учун саволлар:

1.

III БОБ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ. (18 СОАТ)
2.1.10. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ,
ПРИНЦИПЛАРИ. ШАРҚОНА ТАРБИЯНИНГ НАЗАРИЙ,
МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ. (2С)

Режа:

1. Тарбия жараёни ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар.
2. Ўз - ўзини тарбиялаш.
3. Тарбия тамойиллари.
4. Тарбия жараёнида миллий удумлардан фойдаланиш.

Тарбия жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари.

Ҳар қандай жараён муайян натижага эришишга қаратилган қонуний ва изчил ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлади.

Тарбия жараёнининг энг асосий натижаси – ҳар томонлама уйғун, ва камол топган, янги типдаги шахсни шакллантиришдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштиришни ва раҳбарликни ҳам, тарбияланувчи шахснинг ўзи ҳам активлик кўрсатишини, тақозо қилади.

Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга комплекс ёндашиш йўли билан энг мувоффақиятли тарзда илмий таҳлил қилиш мумкин.

Ўз табиатига кўра тарбия жараёни кўп факторли характерга эга. Бунинг маъноси шуки, бола шахсининг қарор топиши мактаб, оила, жамоатчилик, муҳит ва яқин атрофдаги вазиятнинг хилма - хил, бевосита ва билвосита таъсири остида рўй беради. « Ҳамма нарса: одамлар, ашёлар, воқеалар, аввало ота-оналар ва педагоглар тарбиялайдилар».

(А.С.Макаренко)

Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил характерда бўлмайди. Бу нарса кўпгина сабабларга, ўқувчиларнинг индивидуал - типологик тафовутларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибасига, шахсий позициясига боғлиқ. Шунинг учун, бир хил тарбиявий таъсирнинг ўзи «шахснинг эмоционал ларзага келишига» (А.С.Макаренко) сабаб бўлиши, айтиш вақтда бола маънавий дунёсининг ўзгаришига олиб келмаслиги ҳам мумкин.

Тарбия жараёнини ҳаракатлантирувчи кучлар.

А.С.Макаренко тарбия жараёнини характерлаб, атрофдаги воқеликдан иборат бутун мураккаб олам билан бола жуда хилма-хил муносабатларга киришади, деб таъкидлаган эди. Реал тарбия жараёнида бу ҳолатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Тарбия жараёни унинг зиддиятли эканлигида намоён бўлади. Аслида бу нарса тарбияланувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблар билан уларнинг тайёргарлик даражаси, ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама - қаршилиқни ҳал этишга қаратилгандир.

Тарбия жараёнининг ҳаракатланувчи кучи бўлган зиддиятлар ташқи ва ички бўлиши мумкин.

Ташқи зиддиятлар объектив мавжуд бўлган нормалар билан атрофдаги кишилар юриш-туриши ўртасидаги номувофиқликда, тафовутда намоён бўлади. Кўпгина мактаб ўқувчиси тенгдошлари ва катта ёшдагиларнинг ижтимоий нормаларга зид ҳатти-ҳаракат қилганликларининг гувоҳи бўлади. Тарбия жараёнининг ташқи зиддиятларидан бири – ташқи талаблар билан ўқувчининг ўз хулқ атвори ўртасидаги зиддиятдир.

Тарбия жараёнининг объекти бўлган боланинг характерли хусусияти – унинг реал имкониятлари билан жамият томонидан унинг хулқ атвори ва фаолиятига қўйиладиган талаб ўртасида, тарбияланувчининг позицияси билан унинг мустақилликка интилиши ўртасидаги зиддиятдан иборатдир.

Инсоннинг шахс сифатида камол топишидаги асосий манбалардан бири талаблар билан уларни қондириш усуллари (шароитлари) ўртасидаги зиддиятдир. Агар мактаб ўқувчисининг талаблари тегишли ашё ёки ҳаракат билан, зарур ҳажмда қондирилса, зиддият илк босқичдаёқ бартарф этилади. Амалда эса талаб дарҳол ва тўла ҳажмда қондирилмайди.

Ўз-ўзини тарбия ва қайта тарбия.

Тарбия жараёни болада ўз-ўзини тарбиялаш – ўз устида онгли, режали иш олиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилган тақдирдагина самарали ҳисобланади. Бола ўзини - ўзи тарбиялашга тайёрланган бўлса, у ўз истиқболи устида ўйлай бошлаган ва амалий ҳаётда муайян даражада мустақиллик кўрсата бошлаган бўлса, ўз-ўзини тарбиялаш истаги вужудга келади.

Болаларда ўз-ўзини тарбиялаш жараёни мактаб ва оиладаги бутун тарбиявий ишнинг таъсири остида рўй беради. Чунки, бола тарбия жараёнининг объектигина эмас, балки субъекти ҳамдир. Шу сабабли ўз-ўзини тарбиялаш ўз устида фаол иш олиб борадиган бир пайтда (ўз камчиликларини англаш, уларни ўз шахсидаги афзалликлар ва камчиликлар билан қиёслаш, ахлоқидаги, характеридаги нуқсонларни тузатиш истаги) шахс камолотидаги зарур босқичдир.

Ўз-ўзини тарбиялаш боланинг ўз олдидаги муайян вазифани қўя олишини, уни бажаришга ички иштиёқ бўлишини, бажариш жараёнида шу вазифани бажариш зарурлигини англашни, нима қилингани ва ҳали нималар қилинмагани ёки ёмон қилингани ҳақида ҳисобот беришни, ўзини назорат қилишни ва қўйилган вазифанинг бажарилиш натижаларига баҳо беришни ўз ичига олади. Ўқувчини ташқи таъсирлар ҳам (жамиятнинг идеологик ва маънавий талаблари, коллектив ва айрим шахснинг талаблари), ички таъсирлар ҳам моддий ва маънавий эҳтиёжлар, инсоннинг манфаатлари ўзини - ўзи тарбиялашга ундайди.

Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, меҳнатда тарбиялаш, жамоавийлик, таъсирларнинг узвийлиги, тизимлилиги.

Бу принципнинг моҳияти тарбияга жамиятнинг иқтисодий, маънавий муносабатларини, қадриятларини, ахлоқи ва эстетикасини тадбиқ этишдан иборат. Ҳозирги шароитда ёшларни, ўқувчиларни моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатга, касбни асосли тарзда танлашга тайёрлаш ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан чуқур англаб олиниши керак.

Баъзан тарбиянинг турмуш билан боғлиқлигини тарбиявий иш ҳамда ўқувчиларнинг унумли меҳнати ўртасида алоқа ўрнатишдангина иборат деб қаралади. Аммо ҳаёт унумли меҳнатга қараганда анча кенгроқ ва мазмунлироқ тушунчадир. Ўқувчиларни меҳнат фаолиятининг хилма-хил шаклларига жалб этилаётганида бу нарсани ўқувчилар жамиятга хизмат қилиш мактаби, моддий ва маънавий неъматлар мўл – кўллиги учун умумхалқ курашининг таркибий қисми деб, идрок этишлари ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Коллектив шундай «гимнастика зали» дирки, унда яхлит шахснинг хилма-хил фазилатлари машқ қилинади ва шаклланади. Биргаликдаги фаолиятда, бир мақсадни кўзлаб ташкил этилган коллектив ҳаракатларида ўзаро боғлиқлик ва ўзаро масъулият муносабатлари вужудга келади, болада коллектив турмуш тажрибаси ва малакалари тўпланади, шахснинг коллективчилик хислатлари шаклланади(Макаренко). Бу принципга амал қилиш педагогика тизимини шундай қуришни тақозо этадики, унинг таркибий қисмлари ва элементлари бир-бири билан ёнма – ён бўлмаса- да, яхлит бирликни ташкил этиши керак. Ўқувчиларга нисбатан талабларнинг турличалиги тарбияга энг кўп зарар етказди. Афсуски, амалда кўпинча шундай бўладики, оила мактаб талабини қўллаб – қувватлаши у ёқда турсин, балки қарама – қарши таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам баъзан талаблар бирлиги таъминланмайди.

Тарбия кўплаб кишилар иштирок этадиган узоқ муддатли жараёндир. Шу сабабли уларнинг ичида изчилликка ва давомийликка риоя қилиш, ўқувчиларнинг тарбияланиш даражасини, яқин орадаги ривожланиш зонасини ўз вақтида аниқлаш ниҳоятда муҳимдир.

Тарбияда миллий удум ва одатлар.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан – авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф – одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мафкуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрам ва маросимларимизнинг жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда миллий анъаналаримизни ўргатиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй – маракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бу урф – одат ва анъаналарнинг асосий қисми оилада ва оила аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади. Шунинг

учун ҳам ҳар бир оилавий анъана ва удум мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Масалан, инсонпарвар, юксак эътиқодли, бағрикенг, меҳр – оқибатли одамларни вояга етказишда кенг маънодаги толерантлик, оилавий муносабатлардаги инсонийлик тамойиллари муҳим ўрин тутadi. Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмоннавозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида махсус анъаналарнинг мавжудлиги, йил мавсумига кўра барча оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган ҳашарлар, чақалоқнинг дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар ҳамма – ҳаммаси эзгуликка, яъни соғлом мафкуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Тарбиянинг кучи, хусусиятлари.

Тарбия – кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг уч хил талқини мавжуд:

1. Болани боқиб, вояга етказиш.
2. Парвариш, қаров, тарбиялаб ўстириш.
3. Кишининг олган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш.

Масалан: одоб ва ахлоққа ўргатиш – ҳунар тарбияси: шариат қоидаларига ўргатиш – шариатга асосланган тарбия ва ҳоказо. Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим беришдан мақсад, унинг кетидан тарбия беришдир, яъни таълим орқали эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатиш. Таълим ва тарбия тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир.

Тарбияланганлик улуғ неъмат. Бу ҳақда улуғ педагоглар, шарқ алломалари .

Қадимий аجدодларимиз инсоний мезон қилиб олган, ҳар бир кишидан талаб қилинувчи бу ижобий хислатларни жамлаб, уларни тартибга солиб чиқсак, қуйидаги ижтимоий сифатлар тизими гавдаланади: биринчи ўринда жасурлик, кейин – билимдонлик, уддабуронлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик, ахлоқ ва одоблилик, дўстлик, тежамкорлик ва сарамжонлик хислатлари турган. Бундай хислатларни шакллантиришда ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар муҳим ўрин эгаллаган.

Бақара сурасининг билимга даъват этувчи 269 – оятини олиб кўрайлик: «У ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради.

Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққаки, унга кўп яхшилик берилибди» Ол-л Имрон сурасининг 92- оятини олсак: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ – эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка, жаннатга етмагайсиз» . Нисо сурасининг 85 – оятида: « Ким (одамлар орасида) чиройли – ҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир улуш тегур. Ким ноҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзи учун унинг гуноҳидан бир улуш тегур».

Шу суранинг 112 – оятида эса: “Кимки бирон хато ёки гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни бир пок одамга тухмат қилиб отса, муҳаққаки, у бўҳтон очик гуноҳни ўз зиммасига олибди», - дейилган.

Маънавий меросимиз ҳисобланган эпик ривоятларда, жумладан, «Авесто», “Тўрўғли”, “Алпомиш” дostonлари, Фирдавсийнинг

«Шохнома», Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк», ва катор бошқа асарларда аجدодларимизнинг ватанни, халқни севиш, ор-номус ва дўстларига садоқат каби сифатларига уларнинг асосий ижтимоий хислатлари, деб қаралган.

Зардуштийлик таълимоти талабларига: ўғрилиқ ва бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик, аёлларга, айниқса ҳомиладорларга ғамхўрлик қилиш, ер суғориш, дарахт экиш, ўз вақтида уйланиш ва болаларга ғамхўрлик қилиш каби масалалар киради. «Авесто» да яна ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланиб, уларга ҳурмат ва эҳтиромда бўлишга даъват этилган.

Шарқ илк жонланиш даври (9 – 11 асрлар) алломалари Ислом ақидаларида тарбияланиб, уларни ҳаёт да бир неча бор синовлардан утказиб, хикматли сўзлар орқали бизларга етказишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Абу Райхон Беруний: «Барча иллатларнинг асосий сабаби билимсизликда», - деган эканлар. Абу Али ибн Сино: «Ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиши керак, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келавермайди. Ўз билимининг ҳақиқийлигини билиш учун мантиқни билиш зарур», - деганлар. Ўрта асрлар Марказий Осиё алломалари ва 19 – асрдаги жадидлар ҳаракати намояндалари ҳам кишининг инсоний сифатларига алоҳида тўхталиб, комил инсон сиймосининг асосий белгилари (хислатлари) ни кўрсатганлар. Бу даврда яшаган мутафаккир олим, шоир ва донишмандларнинг асарларида, ижтимоий тараққиёт учун муҳим бўлган инсоний сифатлар – инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, маънавиятни юксалтириш, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби масалалар ёритилган.

2.1.11. ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ (2С)

Режа:

1. Тарбия методлари тўғрисида тушунча.
2. Ижтимоий онгни шакллантириш методлари.
3. Ҳулқ – аъвоқни шакллантириш усуллари.
4. Тарбия жараёнида методлардан тўғри фойдаланишни шакллантириш.

Тарбия методлари ҳақида маълумот. Тарбия методлари (юнонча йўл, усул) – тарбияланувчига таъсир кўрсатиш йўллари деган маънони билдиради.

Тарбиянинг мақсад ва мазмунига қараб методлар танланади. Улар шахсни тўғри шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилади.

Тарбия методларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шартлари:

1. Тарбияда ўқувчиларнинг индивидуал – психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

Тарбия жараёнида ўқитувчи турли хил бир – бирига ўхшамас темперамент, характер, қобилиятли талабалар билан шуғулланади. Маълум талабага нисбатан қўлланган методни бошқа бир талабага нисбатан қўллаб бўлмайди. Шунинг учун тарбия жараёнида индивидуал ёндашишдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Индивидуал ёндошишда тарбиячининг ўқувчиларга нисбатан ғамхўрлиги ва назокати, ўз ҳатти – ҳаракатларининг психологик оқибатларини олдиндан кўра олиши назарда тутилади. Индивидуал ёндашиш ўқувчи шахсининг хусусиятларига ва унинг муайян вақтдаги психик ҳолатига кўпроқ мос келадиган тарбиявий тадбирларни танлашни ва амалга оширишни талаб қилади.

Индивидуал ёндошишда , биринчи навбатда , шахсда бирор хислатнинг таркиб топишига таъсир этадиган индивидуал , махсус шароитларни билиш ва ҳисобга олиш назарда тутилади.

2. Тарбияланувчиларнинг ривожланганлик даражасини ҳисобга олиш;

Тарбияланувчи гуруҳидаги талабалар жамоаси юқори ривожланганлик даражасига етиб, уларда ахлоқ масалаларини ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлгандагина ахлоқий тарбия ишини амалга ошириш лозим. Ана шунда бу тадбирлар максимал даражада самара беради.

3. Аниқ педагогик шароитни ҳисобга олиш.

Ўқитувчи ўз ҳатти-ҳаракати талабалар томонидан тўғри қабул қилинаётганига, унинг талаблари талабалар томонидан бажарилишига ишончи комил бўлсагина, маълум методларни қўллаши мумкин.

Уларнинг гуруҳланиши.

Ижтимоий онгни шакллантириш методлари.

Ишонтириш. Талабалар билан мунтазам равишда ўтказиладиган суҳбатларда қўлланилади. Ўқитувчи томонидан айтиладиган ҳар бир фикр асосланган, исботланган бўлиши талабада барча нарсани тушунишга ва натижада тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Ишонтириш деганда факат фикрга эмас, балки ўз кучига, шахсига ишонишни тарбиялаш ҳам назарда тутилади.

Ўғит-насихат. Тарбия жараёнида азалдан қўлланиб келинадиган усул. Мисол қилиб, Кайковуснинг «Қобуснома» асарини олиш мумкин.

Кайковус ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гилоншоҳни тарбиялашни истайди ва бу панд – насихатларини ўғли учун энг қимматбаҳо мерос, деб таъкидлайди. У ўз асари «Қобуснома»да ўғли Гилоншоҳга мурожаат қилиб, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. Бу билан мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми, одати шундай : югуриб – елиб, қидириб – ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил қилади ва бу топган нарсасини ўзининг энг яхши кўрган кишисига қолдириб кетади. Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, сен эса менинг учун энг қимматбаҳолисан . Менга сафар вақти яқинлашди, дунёдан нима ҳосил қилган бўлсам, сенинг олдингга қўйдим, токи ўзингга бино қўймайгайсан ва ўзингга номуносиб ишларни қилмайгайсан, деган пандларни айтади.

Маслаҳат бериш: Бу усулни қўллашда (айникса ўсмирлик ёшида) буйруқ оҳангидан қочиш лозим. Такрор – такрор айтилган маслаҳатнинг фойдаси оз бўлади.

Устоз Ғайбуллоҳ Ас Салом ўзининг «Толибнома» асарида ушбу методдан жуда оқилона фойдаланганини қайд қилмоқчимиз. Асарнинг ҳар бир бобида ёш талабаларга ибратли маслаҳатлар берилади:

«Талаба, энг аввало, толиби илм демакдир. Бас, талабанинг эл – юртга садоқати, фидойилиги, ватанпарварлиги илм исташида, илм излашида, илм топишида, билим чўққиларини эгаллашида намоён бўлади. «Бугунги ишни эртага қўйма», - деган мақол толиби илмларга нисбатан ишлатиладиган бўлса : «Бугунги ўқишни эртага қўйма». «Шу топшириқни эртага бажарсам – чи?», «Ўқиб келинглар, дейилган китобни кейинроқ ўқисам-чи?», «Хонамни бошқа кун йиғиштираман, осмон узилиб ерга тушмас», «Чет тилини кейинроқ ўрганарман, худонинг куни кўп - ку»... Булар – ялқов одамнинг фалсафаси, ўзини – ўзи алдаши!

«Эртага» - «бугун»нинг зўр душманидир; «эртага» бизни бор – будумиздан айиради, - деган экан бир донишманд. Умр – етмиш йилдир, саксон йилдир, тўқсон йилдир, кўпдир, оздир – оқар дарё экан... Шарк донишмандлари ўртача умрни тўқсон йил деб, шундан ўттиз йилини – ўқиб – ўрганишга, ўттиз йилини саёҳат қилиш, дунёни кўриш, қолган ўттиз йилини илмга, ижод қилишга сарфлашни маслаҳат беришган».

Кўндириш: Бу метод изоҳини беришда Т.Содиқова фаолиятидан мисол келтирмоқчимиз.

Ўтган асримизнинг 70 – 80 йилларида «Светофор» номли ўқувчилар ўйини бўлар эди. Ўйин босқичма – босқич мактабдан то республика миқёсигача ўтказилар эди.

Номаълум сабабларга асосан Т. Содиқова раҳбарлик қилаётган 5 синф талабалари ўзларидан 1 йил катта бўлган 6 синф талабалари билан «Сфетофор» ўйинида беллашишади. Ҳайъат аъзолари 6 синф талабалари укаларига мағлуб бўлишса уят бўлишини ҳисобга олиб уларни ғолиб, деб эълон қилишади. Бундай ноҳақлик 5 синф талабаларига жуда қаттиқ таъсир қилади. Орадан бир оз вақт ўтиб республика миқёсидаги «Светофор» ўйинига мактабдан ўқувчилар таклиф қилинади. Мактаб директори Т. Содиқовани чақириб, болаларни тайёрлашни буюради. Хабарни эшитган талабалар «Ўйинга ғолиб чиққан синф борсин. Бизни мағлуб, деб эълон қилишди-ку», - деб қаттиқ эътироз билдиришади. Албатта улар ҳақ. Бироқ мактаб, қолаверса вилоят обрўсини кўтариш масъулиятини ҳис этган ҳолда Турсуной опа «Болаларим, республика миқёсида ўтказиладиган ўйинга вилоят мактаблари, синфлари ичидан бизни танлашгани ғолиблигимизни тан олишгани эмасми?», деб мурожаат этиши талабаларни сергаклантириб, кўнишга ундайди.

Тушунтириш: Талаба ножўя хатти – ҳаракатининг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини асосли тушунтириб бериш.

«Ҳаром нарсалардан сақланинг – одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. оллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг – одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг – тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг – саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп кулиш дилни ўлдиради». (Ҳадисдан)

3. Хулк атвори шакллантириш усуллари:

Миллий ўйинлар.

Ўйин тарбия жараёнининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ўйин болаларни фикр юритишга, фаолиятига тайёрлайди. Миллий ўйинлар болаларда миллий мафкура ғояларини шакллантиришда муҳим ўрин касб этади.

Одатлантириш – ҳар кунги оддий ўз – ўзини бошқариш кўникмаларини шакллантириш, яъни кун тартибини маълум режим асосида ташкил қилиш назарда тутилади. Одатлантириш шахс иродасини мустаҳкамлаш жараёнида асосий ўринни эгаллайди.

Ўргатиш методи ўқувчиларнинг ҳаётини, меҳнатини, дам олишларини батафсил ўйлаб чиқилган ҳолда ташкил этишни ҳамда дастлабки ахлоқ нормаларини таркиб топтириш мақсадида ўқувчиларни юриш – туриш қоидаларини бажаришга ўргатиб боришни назарда тутади.

Ўргатиш – ҳатти – ҳаракатларни танлаш, миллий қадриятларни билиш, этик нормаларни ўзлаштиришни ўргатиш ёрдамида амалга оширилади.

Машқ қилдириш – турли – туман машқлар тарбияда муҳим ўрин эгаллайди. Бу машқларнинг ўзи бевосита ўрганиш билан боғлангандир. Ўқув ишларида машқлардан ўқувчиларда малака ва кўникмалар таркиб топтириш учун фойдаланилади. Баъзи ҳолларда машқлар тарбияда бирор бир нарсани ўргатиш мақсадида қўлланилади.

Талаб - Ўқитувчи ўз талаби тарбияланувчилар томонидан бажарилишига кўзи етсагина, бу методдан фойдаланиш мумкин.

Ибрат-намуна - «Қуш уясида кўрганини қилади». Тарбияланувчиларга доим ёлғон гапириш ёмон эканлигини уқтирамиз – у, биров сўраб келганда, баъзан ўзимиз бўла туриб «мени йўқ деб айтгин», деб ёлғон гапиришни ўргатамиз.

Талабалар аксари ҳолларда сўзларимизга эмас, балки ҳатти – ҳаракатларимизга эътиборларини қаратадилар.

Тарбияда мусобақа, рағбатлантириш ва жазолаш методлари.

Талабаларда ўз касбига бўлган қизиқишни ривожлантириш мақсадида мусобақа методидан фойдаланилади. Мусобақа сифатида ўқув мавзулари билан бир қаторда тўғарак, жамоа ишларини ҳам олиш мумкин. Талабаларга олдиндан топшириқлар берилиб, тайёрланиш учун маълум муддат берилади ва гуруҳлар ташкил қилиниб мусобақа уюштилади.

Рағбатлантириш методи талабада ўзига бўлган ишончни оттиришга хизмат қилади. Бироқ, рағбатлантириш методидан усталик билан фойдаланиш лозим, яъни рағбатлантириш кетма-кет бўлмаслиги, ҳаддан ошириб мақтамаслик лозим.

Рағбатлантиришнинг қуйидаги тури мавжуд:

1.Талабанинг кучи етадиган, масъулиятли топшириқ бериш орқали бола ишонч билдириш; бунда талаба ўз кадр-қиммати билан фахрланади;

2.Мақташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида);

3.Эсдалик совғаси бериш (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар);

4.Мақтов ёрлиғи бериш;

5.Стипендия билан тақдирлаш;

6.Хурмат тахтасига фотосуратини қўйиш;

7.Қўллаб-қувватлаш;

8.Масъулият ва жамоанинг миннатдорчилиги;

Жазолаш. Жамоа ёки тарбиячи талабанинг ахлоқидан, унинг ишга муносабатидан, унинг муомаласидан мамнун бўлмаса талабага ўз хулқини тузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилади.

Рағбатлантириш сингари жазолаш методидан ҳам эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим.Чунки ҳаддан ташқари кўп жазолаш талабада «маъноли тўсиқ» ҳамда уни ўзини ноқулай сезишга уялишга мажбур қилади.

2.1. 12.ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШ АСОСЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ (2С)

Режа:

1. Илмий дунёқарашни шакллантириш педагогик жараённинг асосий мақсади сифатида.

2.Илмий дунёқарашни шакллантиришда ўқитувчининг ўрни.

3.Ўқув тарбия жараёнида диннинг ўрни.

4. Ўқув тарбия жараёнида фуқаролик тарбияси.

Илмий дунёқарашнинг моҳияти

Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш педагогик жараённинг асосий мақсадларидан биридир. Фан ва техниканинг жадал тараққиёти талабаларда табиий ҳамда ижтимоий йўналишларда маълум илмий тушунчаларга эга бўлишларини талаб қилади.

Йўналишлари, функцияси.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда фанлараро боғлиқликнинг изчиллик тамойилига амал қилиш лозим. Фанлараро боғлиқлик талабаларда маълум ҳодисани турли нуктаи назарда кўриб, воқеа тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда хусусан ўрганилаётган воқеа ёки ҳодисанинг барча хусусиятлари ва алоқаларини тўлақонлигича қамраб олиши имконини берадиган предметлараро боғлиқликнинг аҳамияти катта. Масалан, предметлараро боғлиқлик асосида талабаларда тирик ва ўлик табиат, жамият ва табиатнинг бирлиги тўғрисидаги методологик ғоялар шаклланади.

Ўқув тарбия жараёнида ўқувчиларга илмий дунёқараш асосларини шакллантириш.

Дунёқарашни шакллантиришда талаба тафаккури , иродаси, ҳиссиётлари ва фаоллигига таъсир қилиш ҳам муҳим ўрин касб этади.

Воқеа ҳодисаларни ўрганишда талабада маълум тушунча, тасаввурлар пайдо бўлиши лозим. Уларни ҳосил қилиш эса тафаккур жараёнининг фаол фаолиятидир.

Тушунча ва тасаввурлар маслакка айланиши, дунёқарашнинг маълум тизимига айланиши учун улар талаба ҳиссиётлари ва кечинмалари доирасига кира олиши керак.

Ижобий эмоционал ҳолат талабаларни илм чўққиларини эгаллашга ундайди. Албатта, эътиқод ва ҳиссиётлар билан уйғунлашган кучли ирода инсонни маълум ҳатти ҳаракатларга ундайди.

Булардан ташқари талабага бўлган ишонч унга маъсулиятни юклаш ҳам миллий дунёқарашни шакллантиришда маълум ўрин эгаллайди.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда ўқитувчи ўрни бекиёсдир. Ўқитувчининг билим савиясидан тортиб, муомаласигача талабаларда ишонч уйғота олса маълум натижага эришилади.

Диннинг тарбиявий хусусиятлари. Яхлит ўқув-тарбия жараёнида фуқаролик тарбияси.

Етмиш йил давомида атеист тарғиботчилар собиқ социализм жамиятида динга ўрин бўлмаслиги ҳақида жар солиб, уни ичкиликбозлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва порахўрлик сингари иллатлар билан бир қаторга қўйдилар, ҳамда динга қарши аёвсиз кураш олиб боришга ундадилар. Аслида кишиларни диний эътиқодига кўра бир – бирига қарама – қарши қилиб қўйиш жамият тараққиётида ўзининг ёмон таъсирини кўрсатади. Динга инсонлар онгини пасайтирувчи, майда буржуа психологиясини тикловчи, бюрократияни ва миллатчиликни тарғиб қилувчи куч деб қаралиши диндорлар ғашига тегди ва уларнинг онгида ўзининг салбий аксини топди. «Дин – халқ учун афюн»дир деган бўлмағур тушунча ва шиорлар омма орасида кенг тарқатилди. Шундай қилиб, дин жамият тарққиётига халақит берувчи бош тормоз, турмуш учун зарарли иллат деб, тан олинди. Динга жамият тарққиётининг тормози сифатида қаралиши хато эканлигини биз ҳозир кўриб – билиб турибмиз.

Шахсга сиғиниш, қатағон йилларида, турғунлик даврида кўплаб халқ оммаси жонли, унумдор ва ижодий меҳнат фаолиятдан чалғитилиб, бўлмағур сафсатабозлик : «Сен диндорсан, сен зиёлисан», деган тарғиб – ташвиқ билан шуғулланилди. Бу жараёнлар иқтисодимизга, сиёсатимизга, халқнинг маънавий ҳаётига ўзининг бузғунчи таъсирини ўтказди. Оқибатда халқ оммаси орасида норозилик келиб чиқиб ижтимоий иллатлар ривож топди. Ўша даврда атеистлар халқ оммасини лақиллатиб якин кунларда буюк ўзгаришлар бўлишини таъкидлаб эскиликни тугатишга чақирдилар, эскилик саркитлари қаторига дин ҳам киритилди. Ахир, дин бу – «капитализм қолдиғи» эди – да! Ҳамма оммавий равишда динга қарши курашга отлантирилди. Кўплаб масжидлар, ибодатхоналар вайрон қилинди. Жамиятнинг илғор, хур фикрли кишилари бўлмиш муллалар, домлалар, дин пешволари ўлдирилди ёки чет элга қувғин

этилди. Бу ишлар диндорлар орасида қарши кайфият пайдо қилди. Оддий диндорларга нисбатан ҳам ноҳақлик ҳоллари содир бўлиб турди. Мисол учун, диндор одам меҳнатда юксак даражага эришса ҳам у рағбатлантирилмасди.

Яқин йилларгача бизда дин «буржуа идеологияси», деб уқтирилар эди. Ахир, дин буржуа жамиятидан олдин ҳам бўлган – ку! Нега энди армияни ёки судни эски жамият шакллантирган ҳолларда ҳам тан оламиз? Динга эса бошқача муносабатда бўламиз?

Тарихга бир назар ташласак, жуда кўп дин пешволари халқ озодлик ҳаракати раҳбарлари бўлишганини кўрамиз. Ҳозирги замонга келиб уларнинг кўпчилиги ядро қуролларини йўқ қилиш учун ёки инсон ҳуқуқлари учун фаол курашяптилар. Бундан ташқари экология, атроф муҳит муҳофазаси масалаларида ҳам улар жонли фаолият олиб боряптилар. Шундай экан, биз динни жамиятга зарар келтирувчи, тинчлик ишига қарши жабҳада турувчи таълимот деб қарашимиз мутлақо нотўғри. Дин ҳеч бир тузумга – на социализмга, на коммунизмга қарши эмас. Акснча, у инсоният тарққиётига ўзининг катта ёрдамини бериб келмокда. Дин ичкибозликка, гиёҳвандликка, беҳаёликка, жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришда ўз ҳиссасини қўшмокда. Дин дунё маданияти тарққиётида бош ролни ўйнаган омилдир. Агар биз диндорлар билан бирга ишламас эканмиз, ҳеч қачон яхши ҳаёт қурилмайди.

Негаки, инсон – дунёқараши, эътиқодидан қатъий назар, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Дин давлатдан ажратилгани билан давлат ўз аъзоларидан воз кеча олмайди. Улар шу давлатнинг тўлақонли фуқароларидир. Демак, янгича фикрлашнинг вазифаси инсонларни бир – биридан узоқлаштириш эмас, балки жипслаштиришдир.

2.1.13. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ (2С)

Режа:

1. Ахлоқий тарбия тўғрисида тушунча.
2. Дунёвий ва диний тарбияда ахлоқ тарбиясининг ўрни.
3. Ахлоқий тарбияланганликнинг мезонлари.
4. Маънавий ахлоқий тарбияда миллий ўйинлар байрам ва маросимларнинг ўрни.
5. Маънавий ахлоқий тарбияда онгли интизомни тарбиялаш.

Ахлоқ - ижтимоий онг, инсон камолотининг муҳим томони сифатида.

Ахлоқ – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, бу тартиб қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг ҳатти – ҳаракатини тартибга солиш функциясини бажаради.

Ахлоқ бизнинг онгимизга таъсир қилиб яхшилик, адолат ва адолатсизлик, умуман ижобий ва салбий ҳатти – ҳаракатларни белгилаб беради.

Ахлоқ нормалари инсон ҳатти – ҳаракатини бошқариб туради. Инсон жамиятда яшар экан у маълум ҳуқуқларга амал қилади. Ана шу

хуқуқ нормаларига зид ҳатти – ҳаракат қилиш ахлоқсизлик ҳатти – ҳаракати деб аталади. Шунинг эътиборига олиш керакки, ҳуқуқий нормалар мажбурий бўлиб, ахлоқий нормалар бўлса ихтиёрийдир.

Ахлоқий тарбиянинг моҳияти, мазмуни, функцияси.

Ахлоқий тарбия инсонларда ижобий сифатларни шакллантиришга йўналтириш билан бир қаторда, салбий сифатлардан сақланишга ундайди.

Ахлоқий тарбиянинг мазмуни сифатида қуйидагилар қабул қилинган:

1. Жамиятга, ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш;
2. Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш;
3. Атрофидаги кишиларга ахлоқий муносабатни тарбиялаш;
4. Шахснинг ўз – ўзига ахлоқий муносабатни тарбиялаш.

Ахлоқий тарбияда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Ахлоқий тарбияни ўқитиш жараёни билан кўшиб олиб бориш.
«Яхши ўқита билган ўқитувчи яхши тарбиялайди ҳам» (немис педагоги А.В. Дистерверг).
2. Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлик фаолиятини тўғри ташкил қилиш, яъни аҳил, иноқ жамоа ташкил қилиш.
3. Тарбиявий ишларни маълум режа асосида олиб бориш.
4. Ижобий эмоционал шароит яратиш, яъни, байрамларни нишонлаш.
5. Талабаларни қонун – қоидага риоя қилишга ўргатиш.
6. Ижтимоий онгни шакллантирувчи тушунтириш, ўқитириш, суҳбат, мунозара, маъруза, рағбатлантириш, жазолаш усулларидадан фойдаланиш.
7. Ижтимоий ахлоқни шакллантиришда машқ, ўртак усулларидадан фойдаланиш.
8. Мулоқот соатлари савиясини ошириш.
9. Меҳнат илғорлари, илм – фан ходимлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, васийлар ва ҳомийлар билан учрашувлар ташкил қилиш.
10. Турли бадиий – адабий кечалар, тадбирлар, беллашувлар, олимпиадалар ўтказиш.
11. Шарқ қадриятлари ва миллий анъаналар акс этган асарларни мунтазам равишда мутоала қилиб, мунозаралар ўтказиб туриш.

Ўтмиш диний ва дунёвий билим эгалари, ахлоқий-маънавий тарбия тўғрисида.

Ахлоқий - маънавий тарбияга Шарқда азалдан эътибор қаратилган. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларни келтирамиз:

Ахлоқ – одобга оид ҳадис намуналари:

1. Илмнинг офати – эсан чикармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир.
2. Чақимчилик, нима, биласизми? У – одамларнинг гапларини (уларнинг ўзаро муносабатини бузиш ниятида) бир – бирларига ташимоқликдир.

3. Ҳаром нарсалардан сақланинг – одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Оллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг - одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг – тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг – саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп кулиш дилни ўлдиради.

4. Зиёратингизга келган одам ҳурмати жойига қўйинглар.

5. Бирор киши гапирган пайтда у ёқ – бу ёққа қараб қўйса, демак бу гап омонатдир.

6. Агар уч киши бўлсангизлар, иккиталарингиз алоҳида учинчи шахсга эшиттирмай пичирлаб гаплашманглар, чунки бу уни ранжитади.

7. Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинглар.

Қуръони Карим оятлари:

1. «Хумаза сураси»дан: «Одамларнинг обрўсини тўқувчи ва уларнинг айбини, камчилигини ахтариб, ғийбат қилувчиларга – жаҳаннам бўлсин».

2. «Қалам сураси»дан: «Ҳар бир қасамхўр, ёлғончи, кишиларни айбловчи, камситувчи, ғийбат қилувчи, чақимчи, яхшиликни ман қилувчи, зулмкор, сергуноҳ, хулқи бузук, отасининг тайини йўққа итоат қилма.

Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билик»дан

... Оч болам, очганинг китоб тенгсиздир,

Тенгсиз билим билан тўлуғ денгиздир.

Қадр ҳам қимматинг, билгин, билимдан,

Билим шукронаси тингла тилимдан.

Бу аввал то охир ҳар бир сўзим дур,

Донишманд парвариш топган ўзимдир.

... Сўзим кўнгил ювар, сув эса қўлни,

Ўқиб ўқиганга кўрсат бу йўлни.

... Бу китоб қадрини билимли билди,

Билимсиз билгани дилимни тилди.

... Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам –

Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.

Билимни буюк бил, ўқувни улуғ,

Шу икков улуғлар кишини тўлуғ.

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,

Билимли, ўқувли шодликка тўлар.

Билимсиз кишида касаллик бўлар,

Касал эмланмаса, яшамас, улар.

Келу касалингни тузатгин, нодон,

Билимсиз тубандир, билимдон шодон.

Киши айбин очма, то имкон яшир.

Тиламадим асло шараф – шону от,

Ўқиса бас дедим яқинми, ё ёт.

Мўъминлар ўқиса замонлар ўтиб,

Дуо килсамикан мени этиб ёд.

IV. С. Шерозий ҳикматларидан.

Ўтай яхши ном билан десанг агар
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.
Ота – онаси эркалатса нуқул,
Жуда кўп қийинчилик кўрар ўғул.
Ақл ўргату тўғрилиқ, поклик,
Севу эркалатма, қил идроклик.
Кичикликда таълимни мажбурий қил,
Уни кўрқиту ҳам ширин сўзлагил.
Агар сенда қорунча ҳам бўлса зар,
Ўз ўғлингни қолдирмагил беҳунар.
Суянма бу давлатгаким сенда бор,
Кетар балки у, ҳеч топмайин қарор.
Бўшаб қолгай олтин, кумуш осони,
Бўшалмас ҳунарманднинг ҳамёни.
На билгунг фалак гардиши айланур,
Ғарибликка келганда сарсон қилур.
Қўлида ҳунар бўлса, бўлмаслар гадо,
Тиланмас у, ҳожат бирла эл аро.
Мурод топди Саъдий қаерни кезиб?
На дарё кезиб топди, на кон қазиб,
Улуғларга бош эгди ёшлиқда ул.
Улуғ этди уни эл, ҳамда мақбул.

Ҳар кишида бўлса харид ҳам ҳунар,
Дунёда лозим анга икки умр.
Аввалида йиғса билим, тажриба,
Сўнггисида барчасин ишга солур.

Дарахт бўлса шох, халқ илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томирла дарахт дарахт ўлғаюр.
Элинг қалбин оғритма, берма зарар,
Қурур илдизинг ранжиса эл агар.

Ёмонлик қилувчи ситамгар ўтар,
Уни доим халқ лаънатлар этар.
Кўринганда очу ғариб нотавон,
Заҳар бўлгай оғзимда ҳар лукма нон.

Ҳарчанд ўқиб сен – илмдонсан,
Агар амал қилмадинг – нодонсан.

Устига китоб ортилган эшак,
На олим ва на донодур, бешак.

Одамни ёмонлаб келса ёнингга,
Ул кимсани яқин тутма жонингга.
Ким сенга бошқалар айбин гапирар,
Бошқалар олдида сени айбситар.

Йиллар ўтиб кетди тепангдан ғир – ғир,
Отанг мазорига бордингми бир дам.
Отанг хотирига нима эзгулик,
Қилдингки, ўғлингдан кутасан сен ҳам.

А. Навоий ҳикматларидан:

«Ҳайратул Аброр»дан:

Қаноат

«Кимки қаноатни ўзига касб қилган бўлса, билки; қаноат уни бой қилади. Олтин, кумуш билан зебу зийнатларни бойлик деб билма, балки ҳақиқий бойлик қаноат гўшасидир. Қаноат олтини ҳеч қачон йўқолмайди. Ана шу олтинни қўлга киритиб, шу орқали бойишга ҳаракат қил. Кулбада қаноат қилиб ўтирган дарвеш тамагир подшоҳдан афзалдир. Чунки тама қилиш гадоёларнинг ишидур. Билки, тама этган киши гадодир».

Тўғрилиқ

Кимки тўғрилиқ йўлини билмоқчи бўлса, билсинки, бу икки хил бўлади. Бири шуки, кишининг сўзи тўғри бўлса, унинг сўзи билан бирга, ўзи ҳам тўғри бўлиши керак. Яна бири шуки, ёлғон гапни баъзилар таассуф билан, уялганидан «тўғри!» дейди. Олдингиси, ҳеч шубҳасиз, яхши, лекин иккинчиси ҳам ёмон эмас. Киши ёлғонни гапирса ҳам кам гапирса! Қани шундай одам бизнинг замонда ҳам топилса.

Биз шундай қизиқ замон одамларига мубтало бўлганмизки, уларнинг олдида ростгўйликдан ёмон нарса йўқ. Улардан тўғрилиқни қидирган киши қошларидаги номи «Чин» кофирлар мамлакати бўлса ҳам, номи «Чин», яъни «тўғри» бўлгани учун, қара, ҳатто жаннатнинг ўзи ҳам унга рашк қилади.

Лекин одамларга худонинг ўзи ато қилган бу тўғрилиқ, қара, уларнинг олдида хато бўлиб кўринади. Сўзлашда хато гапиришга ўрганган одам нотўғри фикрни тўғри, деб гумон қилади. Кимки бу даврда тўғри гапиришга одатланган бўлса, у камбағаллик, етишмовчиликдан бошқа нарсани билмайди. Бу давр истаги эгрилик бўлгани учун, сен ҳақиқатни талаб қилсанг унга ёқмайсан.

Исм, Илм, Ота – она

Тарбиянинг бири болага яхши от кўйиш бўлиб, уни оти билан чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак. Исмда тафовутлар кўп пайдо бўлади: бирининг исми Ҳусайн, бўлса, бошқа бириники Язид.

Тарбиянинг яна бири унга илму адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир. Ит етук таълим олгани сабабли у тишлаб келган ов ҳалол ҳисобланади. Ювган билан тоза бўлмайдиган ит олим бўлган экан, ўғлинг билимсизлигича қолиб кетса, ажаб камчилик бўлади. Унга сенинг шафқат қилишинг фойдалидир, лекин бунинг ортиқчаси зарар. Воқеъ бўладиган болалардан уни ўз меҳринг билан асрашинг, олдида сендаги тавозуъни билдиради.

Тарбиянинг яна бири ота – онани ҳурмат қилиш ; буни бажариш унинг учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб , онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёга обод бўлишни истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туни кунингга нур бериб турганинг бирисини ой деб бил, иккинчисини куёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарсга ёзма, улар чизган чизикдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен адаб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» каби қоматингни ҳам қил.

А. Авлониининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»дан

Ахлоқ

Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин...ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илми, уламони, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билур, иқрор қилуб, тузатмакка саъй ва кушиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишудур.

Сўйласанг, сўйла яхши сўзлардин,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши,
Ўйласанг, яхши фикрлар ўйла,
Йўқса, гунг бўлмоқинг эрур яхши,
Ишласанг, ишла яхши ишларни,
Йўқса, бекорлигинг эрур яхши.

Ахлоқий тарбияланганликнинг мезонлари.

Ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлик шахснинг жамиятга, инсонларга, меҳнатга, ўз – ўзига ва нарсаларга бўлган муносабати билан белгиланади. Жумладан,

1. Жамиятга бўлган муносабат:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу, меҳрибон бўлмас эмиш
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса
Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш.

(А. Навоий)

2. Инсонларга бўлган муносабат:

Бир Қишлоқи Айиқ билан йўлдош бўлиб, иккиси бирга яшар эди. Ҳар вақт Қишлоқи ухласа Айиқ тепасида. дўстимга бир нарса зарар қилмасун, деб пойлаб ўлтирар эди. Бир куни Қишлоқи ухлаб ётганда, бир пашша келиб пешонасига қўнди. Айиқ ҳар қанча қувса кетмади. Охирда аччиғи келуб: «Бу золумни уруб ўлдирмасам бўлмас», - деб, бир катта тошни олуб, келуб, Қишлоқининг бошига чунон уридики, пашша учуб кетиб, Қишлоқи ўлуб қолди.

Ҳисса: Дўсти нодондан, душмани зийрак яхши.

(«Айиқнинг дўстлиги». А.Авлоний)

3. Меҳнатга бўлган муносабат:

Соқи бир куни мактабдан келуб, онасидан таом сўради. Онаси олдига бир коса шўрбо келтируб қўйди. Соқи шўрбодан бир қошук оғзига олуб: «Она ман бу маззасиз шўрбони ичмасман», - деди. Онаси: «Ичмасанг қўй, ўғлим, бошқа пишируб берурман», - деб, олдидан олуб қўйди. Соқини кечгача хазон тошитуб, ишлатди. Соқи ҳоруб, чарчаб, қорни очуб, ўлтирғон эди. Онаси яна шул шўрбони иситуб олиб келуб, олдига қўйди. Соқи шўрбодан бироз ичуб кўруб: «Мана, онажон! Бу қандай тотли шўрбо бўлмиш. Умримда асло мундоқ ширин шўрбони ичконим йўқ», - дейди. Онаси кулуб: «Эй, ўғлим, бу бояғи ўзинг ичмаган шўрбодур, Ҳозир сан ҳаракат қилдинг, ишладинг, қорнинг очди, иштаҳанг очилди. Шўрбо ҳам ширин бўлди», - деди.

Ҳисса: Ишламак иштаҳа очар,

Дангаса ишдан қочар.

Аёғ югуруғи ошга элтар,

Тил югуруғи бошга етар.

(«Соқи ила онаси». А. Авлоний)

4. Инсоннинг ўз-ўзига бўлган муносабати:

Бир ғоз сувда сўзиб юруб, ўзига ўзи мақтануб: «Оламда мандан ҳунарманд киши йўқдур. Ерда югураман, сувда сузаман, ҳавода учаман. Бир ўзимнинг уч хил ҳунарим бор», - деди. Ғознинг сўзини бир қурбака эшитуб: «Биродар, сан мунча мақтанмасанг ҳам бўлур эди. Чунки баликдек сузолмайсан, кийикдек югуролмайсан, лочиндек учолмайсан. Чала чулпа уч ҳунарни билгунча, бирини яхшилаб билганинг яхши эди», - деди..

Мақол. Мақтанма ғоз, ҳунаринг оз.

(«Мақтанчок ғоз». А. Авлоний.)

5. Инсонларнинг нарсаларга бўлган муносабати:

Бир донишманд, пири бадавлат кекса бор эди. У киши қариндош уруғлари, болалари, невараларининг оила тутишини синаб кўрмокчи бўлди. Атторлардан, баққоллардан сақич, хина, сирға ва яна турли – туман нарсалар сотиб олиб келди. Қараса, бир тўп қизалоқ «зум – зум» ўйнаётир. Кекса ўтириб, тугунини ечди:

- Бу нарсаларни қийқиндига алмаштираман, - деди.

- Қизлар дув этиб уй – уйларига кириб кетишди. Сўнг бирин – кетин бири бўз, чит, бири мовут, яна бири ипак қийқим олиб чиқаверди...

Лекин бир қизалок оёғининг учи билан ерни чизиб, бир четда тураверди.
Кекса унга қараб:

- Сенга ҳеч нарса керак эмасми, қизим? – деди.

- Биз қийқиндиларни унақа ташлаб юбормаймиз, бирор нарсага яратамиз, жуда бўлмаса улардан қуроқ тикамиз, - деди қизча.

Кекса эса бу гапдан хурсанд бўлиб:

- Балли, доно қиз экансан. Фаровонлик – тежамкорликдан деганлари шу – да, - деди.

Чол қизалокқа олиб келган нарсаларидан ҳадя берди.

(Донолар ҳикматидан)

Келтирилган мисоллар асосида қаҳрамонларимизнинг тарбияланганлик даражаларини белгилашни ўзингизга ҳавола қиламиз.

Ахлоқий-маънавий тарбияда миллий ўйинлар, байрам ва маросимларнинг ўрни.

Ҳар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий маданий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эга. Бу билан биз ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Бунинг учун ўша қадимий маданиятмизни, урф-одатимизни билишимиз, сақлашимиз ва кейинги авлодларга ҳам етказишимиз инсоний бурчимиздир, уларнинг талабалар ахлоқий - маънавий тарбиясида алоҳида ўрни мавжуд. Қуйида ёшлар тарбиясида ота – боболаримиз томонидан қўлланилиб келинган ўйинларни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

«Кес – кес»

Иштирокчилар 2 гуруҳга бўлинадилар: Биринчиси олдинда, иккинчиси орқада туради. Ўқитувчининг белгиси билан биринчи гуруҳ қочади, иккинчиси қувлайди. Қувловчи ўйинчилар етиб олса, ўзлари орқага қочадилар. Ўйин иштирокчилари ушланиб, оз қолгунча ўйналади.

«Оқ теракми, кўк терак»

Иштирокчилар 2 гуруҳга бўлинадилар. Ораларида 5 метр масофа қўйиб, бир – бирларига қараб, кўл ушлашиб (занжир сифатида) саф тортиб турадилар. Биринчи гуруҳ иштирокчилари биргаликда: «Оқ теракми, кўк терак, биздан сизга ким керак?» - деб, иккинчи гуруҳ иштирокчиларига мурожаат қилишади.

Иккинчи гуруҳ иштирокчилари: «Оқ терагу, кўк терак, сиздан бизга (гуруҳдаги бир иштирокчининг исмини айтишади) керак, - деб, жавоб қайтаришади. Исми айтилган иштирокчи югуриб келиб, занжирни узиши керак. Занжирни уза олса, шу иштирокчилардан бирини олиб, ўз гуруҳига қайтиб келади. Узиб билмаса, ўша гуруҳда қолади. Ўйин маълум гуруҳда иштирокчилар тугагунча ўйналади. Ҳолиб гуруҳ сафи кенгайган гуруҳ ва ҳолиб ҳисобланади.

«Чиллак»

Бу ўйин айниқса тоғлар этагидаги, тепаликлар бағридаги, кишлоқларда яшовчи болаларнинг сеvimли ўйинидир. Чиллакни подаю қўй боқиб юрганда ҳам ўйнайвериш мумкин. Унинг учун алоҳида жой, ўрин талаб қилинмайди. Икки учи йўнилган чиллак. уни «учириш» учун даста бўлса кифоя. Чиллакнинг дастаси ва ўзини ҳар қандай ёғочдан ясаш мумкин. Бироқ тол ёки теракдан бўлса, айти муддао.

Бу ўйинни икки киши бўлиб ҳам, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳам ўйнаш мумкин. Мусобақалар жуда авж олиб кетса, ҳатто маҳаллама-маҳалла, кишлоқма-кишлоқ бўлиб беллашадилар. Ўйин бошланишидан олдин кайвони куръа ташлайди. Ёхуд танга тирноқда ҳавога учирилиб, ерга қайси томони билан тушишига қараб, қайси томоннинг ўйин бошлаши аниқланади, тайинланади. Ўйин бошловчи томон жўрабошиси чиллакни махсус кавланган чукурча устига қўйиб, даста билан илиб, ҳавога кўтариб, сўнг зарб билан уни дастада уриб иложи борица узоққа учиради.

Чиллак ўйнаган болалар жисмоний бақувватлашган, зувиллаши (ўйин жараёнида болалар “зув”, деб овоз чиқариши шарт) билан нафас йўллари, кўкрак қафаси аъзолари, овози яхши ривожланиб ҳар хил дард касалликлардан фориғ бўла борган.

«Лапар»

Ўйин қадимдан мавжуд бўлган бештош, тўққиз тош сингари бир неча тош ўйинларидан бири бўлиб, бу ўйин ўғил болалар ўртасида кенг тарқалган. Ўйин кичкина тошчалар танланиб, иккинчи-нишон қилиб тикилган, худди шундай тош томон 10 қадам узоқликда улоқтирилади. Улоқтиришда нишон тошини уриб йиқитиш кўзда тутилади. Бу ўйин болани ақлий жиҳатдан ҳисоб-китобга ўргатади, чама, режа, тўғри мўлжал олиш қобилиятини оширади. Жисмоний жиҳатдан қўл-оёқ ҳаракатларини чакқонлаштириб, мускулларини ривожлантиради. Жамоада ўзини тутиш, муомала маданиятига ўргатади.

«Дандарак»

Ёғоч ўйини бўлиб, уни ҳам ўғил болалар ўйнашган. Ўйин 2 буюм ёрдамида ўйналган. 1-қалинлиги билакдай келадиган кетмондастан 4-5 энлик қисми арралаб олинади. Унинг бир учи йўниб қозиксифат қилинади ва бош ҳамда ўрта бармоқ орасига олиниб текис ерга айлантеририб юборилади. 2-қамчи ёрдамида айланиш йўналиши бўйлаб уриб ҳаракатлантирилаверади. Биринчи бўлиб ҳаракатдан тўхтаган дандарак эгаси ютказган ҳисобланади. Бу ўйин ҳам юқорида қайд қилинган хусусиятларни болаларда шакллантиради.

Байрам ва маросимлар.

«Наврўз» байрами. Шарқ халқлари орасида бир неча минг йиллардан буён яшаб келмоқда. Байрам кеча билан кундузнинг тенглашган пайти баҳор фаслининг 21-22 март кунларидан бошлаб бир ҳафта 10 кун давомида ўтказилган. Байрамга атаб махсус кийимлар тикилган, турли тадбирлар уюштирилган, сумалаклар пиширилган.

Наврўз байрамининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири- кексаларга ҳурмат, уларнинг ҳолларидан хабар олиш, кўмак бериш ва марҳумларни эслаш, етим-есирларга садақа қилишдир.

Ҳайитлар. Қадимий диний байрам бўлиб, уларнинг таркибига кирган кўпгина маросимлар исломдан олдин ҳам халқ таомилида бўлган. Ислом уларни омухталаб, ўз қонунларини қўшиб, ҳайит байрамларининг умрини узайтирган.

Ҳайитларнинг икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси-Қурбон ҳайити, катта ҳайит деб аталади. Унинг олдидан 2 кун қолганда, арафа кунлари нишонланади. Ёлғон арафа, 1 кун қолганда чин арафа, учинчи куни эса Ҳайит байрам қилинади. Ёлғон ва чин арафа кунлари ҳар бир хонадонда ис чиқарилиб чалпак, бўғирсоқ, талқон, палов қилинади. Қўшнилари бир-бирларини ҳайит билан муборакбод этиб, хонадонларга пишириклар чиқарадилар. Болалар ва ўсмирлар чопқиллаб яқин-узоқ хонадон, қариндош-уруғларни йўклашга бориб келадилар.

Кичик ҳайит бу “Рўзаи майи рамазон”, деб аталиб, одатда рўза ойи якунида ўтказилади. Ҳайитлар - ийдлар деб деб ҳам аталади. «Ҳайитингиз муборак бўлсин», «ийдингиз куллуқ бўлсин» табрикларининг маъноси бир хилдир. Катта ҳайит бутун дунё умумхалқ маросими-ҳаж, яъни Каъбага зиёратга бориб, ҳаж номози ўқиш давридан бошланиб, айрим жойларда 7 кунгача байрам қилинади. Бизнинг Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё халқлари орасида Қурбон ҳайити ҳозирги кунларгача нишонланиб келинади. Фақат бу маросим ислом маркази араб мамлактларидагидек етти кун эмас, балки уч кун байрам қилинади. Қурбон ҳайити-ийд-ал-адҳо, рамазон ҳайити-ал - фитр, меърож-ражаб ойи байрами, шунингдек имом Ҳусайнни хотирлаш куни-ашуро, тақдир кечаси-лайлатур-қадр, Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган кунлари-Мавлуд ислом динида асосий ҳайит-байрамлар саналади. Қурбон ҳайити зулҳижжа ойининг 10-13 кунларида (10-13 декабр) тантана қилинади. Баъзи мамлакатларда шу ойнинг (зулҳижжанинг) 7 куни. яъни ҳаж бошланган кундан 7 кун давом этади.

Рўза ҳайити эса рамазон ойи тугаб, янги шаввол ойининг 1-3 кунларида байрам қилинади.

Бизнинг ўзбек халқи Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа қардош халқлар сингари жуда қадим замонлардан буён тўй қилиб, элга ош бериб келган. Тўйлар, одатда, кичик байрамлардек ўтказилган. Тўйнинг ҳам турлари анча мунча. Бешик тўйи, хатна-суннат тўйи, никоҳ тўйи, пайғамбар тўйи (оши), ҳовли тўйи, ёш саналари билан боғлиқ тўйлар ва ҳоказолар.

Маънавий-ахлокий тарбия тизимида онгли интизом.

Албатта тарбияловчи қанча билимли, дунёқараши кенг бўлмасин, ўзининг ахлоқи билан талабаларда намуна бўла олмаса унинг тарбия жараёнидаги барча ҳатти-ҳаракатлари зое кетади. Маънавий-ахлокий

тарбия тизимида таълим ва билим экологик, миллий ғоя тушунчаларини тўғри шакллантиришга йўналтирилган бўлиши, шу билан бир қаторда меҳнат илғорлари, фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш, халқ педагогикасидан фойдаланиш талабаларда онгли интизомни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Онгли интизом тарбияси оиладан бошланади. Ўз вақтида фарзандига тарбия бермаган ота – она қуйидаги ҳикоядаги каби дили вайрон бўлиб жазосини тортади:

Уч – беш ёшли бир гўдак қўшнисининг уйидан тухум ўғирлаб онасига олиб келиб беради. Ҳаром, ҳалолни билмаган жоҳил она тухумни боласи қўлидан олиб унга:

- Менинг ақлли ўғлим, сенга офарин, - деб пешонасидан ўпди.

Бола шу кундан бошлаб ҳар кун ёки куноралаб қўшнисиникидан тухум ўғирлаб чиқа бошлайди.

Йиллар шу тарзда ўтди. Бола ёшига қараб ўғирлигини давом эттирди. Тухумдан товукқа, товукдан хўрозга, хўроздан қўйга ўғрилиқ қилиб, текинхўр бўлиб етишди. Аввалги тухум ўғриси бўлган бола ашаддий каззоб ўғрига айланди. Чидаб бўлмас бир ҳолатга келди. Ўғрилиқ, дайдилиқ билан юриб бир кун жуда қабих жиноят қилиб қўйди. Қонун уни ўлим жазосига маҳкум этди.

Ўғлининг ўлимга маҳкум этилганини эшитиб она адлия маҳкамасига келди ва фарёд қила бошлади. Юзини тирнаб, сочини юлиб йиғлади. «Менинг бу ҳаётда ўғлимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, унга омонлик беринг, озод этинг», - деб ёлворди.

Қамалган йигитдан сўрадилар:

- Сенинг охирги истагинг борми?

Аввалдан ҳукм этилганларнинг сўнгги арзларини эшитиш одат бўлган, шунинг учун ундан ҳам сўнгги арзини сўрадилар. Маҳкум бундай деди:

- Бир кичик тилагим бор. Суюкли онажонимнинг муборак тилларини ўпишни истайман, шул истагимни қондирсангиз. Маҳкумнинг истагини адо этиш учун онаси унинг олдига келиб:

- Суюкли ўғлим, сўнгги марта тилимни ўпганингни мен бир кўрай, - деди.

Ўғри йигит онасининг тилини тишлари орасига олди – да, қаттиқ тишлаб онасининг тилини қайчида кесгандай узиб олди, тил «тап»этиб ерга тушди.

Шу ерда тўпланганлар «вой - вой», деб юборишди. «Бу бола мунча қаттол, шунча жиноятларни қилгани етмаганидек, онасининг ҳам тилини узиб оладими?», деб ҳайратландилар. Ўлимга маҳкум бўлган йигит:

- Эй, бу ерда тўпланган инсонлар! Билмай, бекорга ажабланманг. Менинг ҳозир ўлимга маҳкум бўлишимга сабаб бу ёмон тилдир, у мени шундай қилди!

Ҳамма таажжубда, йигит давом этди:

- Мен гўдаклигимда қўшнимнинг уйидан тухум ўғирлаб келганимда онам менга “офарин”лар айтиб, пешонамдан ўпган эди. Агар ўшанда мени

тарбия қилиб , ўғирликдан қайтарганида, бугун бу ўлим жазоси берилмас эди, - деди.

Хисса: Ёмон иллатларнинг катта – кичиги бўлмайди. («Онасининг тилини ўзиб олган фарзанд». Юсуф Товаслий)

Мустақил фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялашда авваламбор, унинг онги, ахлоқий хислатлари гўдакликдан тўғри шакллантирилиши лозим.

Юқорида қайд қилганимиз каби талабаларда онгли интизомни шакллантиришда тушунтириш, суҳбат ва ҳикоя намуна усулларидадан фойдаланилади.

Суҳбат ва ҳикоялар мазмуни талабаларда жамиятдаги ахлоқий мезонлар, ўзини тутиш қоидалари, эстетик, мафкуравий тарбия билан боғлиқ бўлиши лозим.

2.1.14. ЮКСАК МАДАНИЯТЛИ МУТАХАССИС ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ЭКОЛОГИК ТАРБИЯСИ. (2С)

Режа:

1. Ҳуқуқий тарбия тўғрисида тушунча.
2. Таълим ва тарбия жараёнида иқтисодий ва экологик тарбиянинг ўрни.
3. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
4. Талабаларда ҳуқуқий билимдонлик, тежамкорлик ва табиатни асраш туйғусини тарбиялаш.

Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти, мақсад ва вазифалари.

Ҳуқуқий тарбия масалалари ва вазифалари. Ҳуқуқий тарбия инсоннинг жамиятдаги ўрни, фаолиятини танлашда йўл - йўриқ кўрсатади. Барча миллатлар сингари ўзбеклар ҳам азалдан ҳуқуқий маданиятга эга. Жумладан, «Қуръони карим», «Ҳадислар»да қонун-қоидалар асосида ҳуқуқий тарбия негизларини кўриш мумкин. Тарихдан ислом олими , фқих (қонун-қоида) Бурхониддин ал- Марғилоний (573-йили милодий 1170-йил) ҳуқуқий тарбия борасида «Ал-ҳидоя» асарини ёзгани маълум. Асар кўпгина оврупа тилларига таржима қилинган бўлиб, 1930 - йилгача Марказий Осиёда ҳуқуқий тарбияга доир энг йирик манба бўлиб ҳисобланган. Шўро ҳукумати ўзининг ҳуқуқий тузилишини барпо қилгандан кейин у шариат қонун-қоидаси сифатида бекор қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин кадриятлар тикланди Бебаҳо асарлар қайта-қайта ўрганилиб, ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Педагогларнинг ҳуқуқий тарбия борасидаги асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат, деб ўйлаймиз:

Мақсад:

Давлатимизнинг «Ягона демократик давлат барпо қилиш » вазифасини амалга ошириш учун қилаётган саъи-ҳаракатларига фаол иштирок этиб, ёш авлод онгига миллий ғоя ва мафкура асосларини тўғри сингдириш, мустақил фикрлай оладиган, юксак фуқаролик ҳис-туйғуларини мужассамлаштирган баркамол авлодни тарбиялаш.

Вазифалар:

1. Талабаларга ҳуқуқий тарбияга оид асар ва ҳужжатларни ўргатиш. Жумладан, “Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги муваққат Низом”(1865-йил), ”Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги Низом”(1867-йил), ”Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” (1886-йил). Чор Россияси Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги тузилган шартномалар, Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланиб, хонлик ва амирлик ҳудудидаги рус фуқароларининг ҳуқуқларини, мулкларини, шахсини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳужжатлар ва ҳоказо.

2. Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқитувчилар томонидан XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»ни ҳуқуқий тарбиянинг дастури сифатида ўрганиш.

3. Талабаларда ўз ҳуқуқ ва бурчини тўғри тушунишни шакллантириш мақсадида, таълим ва тарбия ишларида «Ҳуқуқий тарбиянинг йуналишини кучайтириш».

4. Оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган янгиликлар, қарорлар, Низомлар билан талабаларни таништириб, бу борада улар фикрини тўғри шакллантириш.

5. Давлат рамзлари маъносини пухта тушунтириш.

6. ”**Тарбияси қийин**” ўсмирлар билан алоҳида ҳуқуқий тарбиявий ишлар олиб бориш .

7. Жойларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қиладиган хоналар ташкил қилиш.

8. Талабаларнинг суд, прокуратура ва бошқа давлат ташкилотлари ходимлари билан мунтазам учрашувларини ташкил қилиш .

Иқтисодий тарбия талабаларда тежамкорлик , меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик хислатларини таркиб топтириш ва бу борада мустақил фикрлай олиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Яхлит ўқув-тарбия тизимида иқтисодий ва экологик тарбия.

Ҳуқуқий тарбия сингари иқтисодий тарбияга ҳам азалдан эътибор қаратилган. Масалан, Муҳаммад Ибн Ал – Хоразмий фикрича, бола ҳисоб илмини билиши ва ўз илмига пишиқ бўлиши керак, шундагина у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин. Абу Наср Ал – Фаробий инсон ўз ихтиёрларини қондириш учун жуда кўп одамлар билан иқтисодий алоқада бўлиши кераклигини таъкидлаган. Унинг фикрича, « Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш ҳасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса – инсонни бебошликка етаклайди.

Абу Али ибн Сино таъкидлашича, Иқтисодий тарбияни оиладан бошлаш керак. Талабаларга иқтисодий тарбия бериш мақсадида биз кенг ва тўғри йўналтирилган вазифаларни ўз олдимизга қўйишимиз зарур:

1. Иқтисодий география дарсларида иқтисодий тарбияга оид мавзуларни чуқурроқ тушунтириш.
2. Ҳозирги кунда ўқувчилар нутқидан ўрин олаётган атамаларни касбларга боғлаб ўргатиш.

Иқтисодий тарбия усуллари хилма - хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулотлар, саноат шахобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб – китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларни қай даражада иқтисодий тарбия топганликлари ўқитувчилар томонидан кузатилиб борилиши керак.

Ўқув-тарбия тизимида экологик тарбия ҳам маълум ўринни эгаллайди. Экология (юнонча) атамаси 1866 йилда немис зоологи Э. Теккель томонидан фанга киритилган бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теvarак атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фан.

Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Талабалар ўртасида экологик тарбияни олиб боришда аксари педагогик йўналишдан фойдаланилади, яъни экологик таълим ва тарбия берилади. Экологик таълим жараёнида талабаларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Экологик тарбия эса инсоннинг атроф - муҳитга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашдир.

Экологик таълим – тарбия умумий таълим – тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим – тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф – муҳит ва унга онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбия - бугунги куннинг долзарб масаласи.

?????????Экологик тарбияга нафақат бугун, балки ота-боболаримиз ҳам чуқур масъулият билан қарашган. Масалан, атроф – муҳитни ифлос қилмаслик мақсадида, ахлат ташлаш, чиқиндиларни ташлаш учун алоҳида чуқурлар қазилган, ҳожатхоналарни ариқ, сой, булоқ сувларидан узоқроқ жойда қовлашган, турли эҳтиёжлар учун фақат қуриб қолган дарахтларни кесишган, ҳайвонларни азоб бериш, қушлар уясини бузишни, гуноҳ санашган. Бу борада оилада «Сувга тупурма, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», «Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан», «Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли мўъминнинг насибаси бор» деб тарбия берилган.

Экологик таълим ва тарбиялаш тизими болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жамоаларида давом эттирилади. Бу ўринда ҳаётий мисоллар орқали ҳозирги пайтда оилаларда экологик саводхонликнинг пастлиги уқтирилади. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, боғларда ҳатто мевали ва манзарали дарахтларга боғлаб боқадиган бўлиб қолишмоқда. Ахир ўтмишда халқимиз қарамоғидаги ҳайвонларига махсус подачи сақланган – ку. Ёки моли бор кишилар навбат билан пода боққанлар – ку. Бунинг учун ҳозиргидек ҳайвонларни дуч келган ерда эмас, алоҳида ажратиб қўйилган яйловларда ўтлатишган. Ёки оилавий дам олишга чиқилганда ўт – ўланлар пайҳон қилинмаган, кир – адирларда шиша синиқлари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтларга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга зарар келтирилмаган. Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
- Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги;
- Ўз ноҳияси, шаҳари, қишлоқ ва мактаби ҳовлисини кўкаламзорлаштиришда, ҳатто синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларини ошириш;
- Атроф – муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;
- Табиатни муҳофаза қилишда ота – оналарнинг намуналари;
- Ёшларни экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.
- Оилада, мактабда табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш ;

Ўқувчи - ёшларда ҳуқуқий билимдонлик, тежамкорлик ва табиатни асраш туйғусини тарбиялаш.

Юқорида қайд қилинган фикрлар ўқувчи - ёшларда ҳуқуқий билимдонлик, тежамкорлик ва табиатни асраш туйғусини тарбиялаш бўйича қуйидаги натижаларни беради:

Ўқувчи ёшларда ҳуқуқий билимдонликни тарбиялаш уларда:

1. Ўзининг ҳуқуқ ва бурчларини тўғри тушунишга ўргатади.
2. Ватанпарварлик, бурч, масъулият сифатларни таркиб топтиради.
3. Мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашга имкон яратади.

Экологик тарбия:

1. Атроф – муҳитни, табиатни асраш инсоннинг саломатлиги, яхши яшаши учун асосий шарт – шароит эканлигини исботлайди.
2. Ўқувчиларда табиатга нисбатан ғамхўрлик ҳиссини тарбиялайди.
3. Экологик дунёқарашни шакллантиради.

Иқтисодий тарбия:

1. Барча фаолиятнинг самараси тўғри иқтисодда эканлигига ишонч туғдиради.
2. Талабаларни меҳнатни кадрлашга ўргатади.
3. Тежамкорлик ишбилармонлик сифатларини шакллантиради.

Педагоглар ўқувчи ёшларда ҳуқуқий билимдонлик тежамкорлик ва табиатни асраш туйғусини тарбиялашда қуйидаги амалларга эътибор қилишлари лозим, деб топдик:

1. Талабалар билан ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш.
2. Ҳар бир талабанинг индивидуал – психологик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш.
3. Талабаларни йўналишларга оид қадриятлар билан мунтазам равишда таништириш.
4. Ҳар бир машғулотнинг тарбиявий мақсадига ҳуқуқий, экологик ва иқтисодий тарбияни киритиш.
5. Дарсдан ташқари машғулотлар, тўғараклар, беллашувлар, мусобақалар ташкил қилиш .
6. Талабалар билан ўқув бинотида атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этиш.
7. Мутасадди ташкилотлар билан талабалар учрашувларини ташкил этиш.

2.1.15. ТАЛАБАЛАРНИНГ МЕҲНАТ, КАСБ-КОР, НАФОСАТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ. (4С)

Режа:

1. Меҳнат ва касбкор тарбиясининг мақсад ва вазифалари.
2. Касб танлаш тизими ва уларни ташкил қилишга қўйиладиган педагогик талаблар.
3. Шарк мутафаккирларининг нафосат ва жисмоний тарбияга муносабатлари.
4. Баркамол авлод тарбиясида нафосат ва жисмоний тарбиянинг тутган ўрни.

Меҳнат – инсоннинг моддий ва маънавий баркамоллигининг омили сифатида.

Инсон жамиятда яшар экан, маълум мақсад, эътиқод, дунёқарашга эга бўлади. Инсонлар ўзининг феъл – атвори, қизиқишлари умуман олганда психологик тузилиши билан бир – биридан фарқ қилади. Лекин барча инсонлар яхши яшашга интилиши, маълум ютуқларга эришиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши каби истаклари билан бир – бирларига ўхшашади. Ана шу ҳоҳиш истакларни амалга ошириш замирида тинимсиз меҳнат ётади. «Меҳнат инсон ҳаёти учун, унинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамиша асос бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади»

Меҳнат ва касб – кор тарбиясининг моҳияти, аҳамияти, мақсади ва вазифалари.

Меҳнат – бахт келтирар.

Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат.

Меҳнат билан топганинг, қанду – асал тотганинг.

Меҳнатнинг аҳамияти кадриятлардан ҳам маълум. Меҳнат асосий фаолият тури бўлиб, инсон ҳаёти давомида у билан шуғулланади. Шундай экан, болага ёшлиқдан меҳнатга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш лозим. Уларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, касб танлашга қизиқишни ошириш таълим ва тарбия жараёнининг асосий масалаларидан бири бўлиши лозим. Меҳнат тарбияси баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омилга айланиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада педагоглар ўқувчиларда қуйидаги сифатларни таркиб топтиришлари лозим:

1. Мактаб ўқувчиларида таълим жараёнида меҳнатга онгли муносабатни шакллантириш.

2. Меҳнат таълимида амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш, ўқувчиларни касб – ҳунар танлашга тайёрлаш.

3. Ўқувчилар қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш, меҳнатни кундалик эҳтиёжга айлантириш ва бошқалар.

Талабалар меҳнат тарбиясининг турлари.

Талабаларда меҳнат тарбиясини оиладан бошлаш - меҳнат тарбиясининг асосий шартларидан биридир...

Бир одамнинг ўғли ишқмас чикди. У фарзандини меҳнатсеварликка ўргатиш пайига тушди. «Ўз кунингни ўзинг кўргин», - деди. Бола иш ахтариб кетди, лекин меҳнатга бўйни ёр бермай кечгача саланглаб юрди-да, кечкурун бўшашиб қайтиб келди. Бечора онаизор раҳми келиб, унинг қўлига бир танга тутқазиб: «Отангга бер», - деди. Отаси у бир тангани ёниб турган олов ичига отди. Бола пинагини бузмай ўтираверди. Бу воқеа иккинчи куни такрорланди. Учинчи куни бировга мардикор тушди, кечгача қора терга ботиб ишлаб, атиги бир танга топди. Тангани кўярга жой тополмай, гоҳ липпасига қистирар; гоҳ қўлига олиб томоша қилар эди. Отаси унинг бу тангасини ҳам олди-да, ўчоққа улоқтиргандай бўлди. Қараса фарзанди ўзини оловга урмоқчи, тангани олмоқчи. Шунда ота:

- Ҳай, ҳай тўхта, ўчоққа тош отдим. Мана пулинг, - дея тангани ўғлига қайтариб берди.

- Ана кўрдингми, - деди ота гапида давом этиб, - пешана тери билан топилган нарса шунақа қадрли бўлади...

Ота – оналар болаларининг меҳнатга бўлган ижобий муносабатини тўғри шакллантириш учун қуйидагиларга амал қилишлари лозим :

1. Бола ота – онасининг даромади, иқтисодий муаммоларини билиши, уларни ҳал этишга иштирок этиши, оила аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун баъзан ўз эҳтиёжларидан воз кечишга ҳам ўрганмоғи лозим.

2. Моддий томондан камчиликсиз ўсаётган болалар бошқалардан устун эмаслигини тушунтириш.

3. Ростгўйлик, ҳалоллик ва назарбаландликка ўргатиш.

4. Тежамкорлик ва эҳтиёткорликка ўргатиш. Факат ўзининг эмас, балки ўзгаларнинг буюмига нисбатан ҳам тежамкорлик ва эҳтиёткорлик ҳиссини шакллантириш.

Албатта бу ҳислатлар қанча эрта тарбияланса, шунча талабга мувофиқ бўлади.

Таълим жараёнида меҳнат тарбиясининг турлари қуйидагилардан иборат:

Дарс ўқувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Бу меҳнат тури ўқувчидан қатъиятни, кунт ва ақлий зўр беришни талаб қилади. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстириб боради. Баъзи ўқувчиларга ақлий меҳнат қилиш меҳнатнинг бошқа турларига нисбатан оғирдек туюлади. Улар дарсда дарров зерикадилар, материалларни ўзлаштиришда сусткашлик қиладилар.

Лекин, ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўлган ана шу ҳолатни дарров пайкаб олиши, дарсни қизиқарли мазмунда, шаклда, усулда олиб бориши, бор билими, маҳоратини ишга солиши зарур.

Касб танлаш тизими ва уларни ташкил қилишга қўйиладиган педагогик талаблар.

Касбга нисбатан қизиқишни вужудга келтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Меҳнат таълимини турмуш билан боғлаш, уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал-типологик, ёш даврлари хусусиятлари, техник қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки, ҳар бир касб – ҳунар шахсдан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр – тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит - қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроқли, деб топилади. Меҳнат таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга.

Таълимни оқилона, оптимал йўл билан ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб – ҳунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

Уларни ҳар касбнинг профессияграммаси билан таништириш, унинг моҳиятини тушунтириш, шахс олдига қўйиладиган талаблар бўйича муайян тушунчалар бериш меҳнат таълими самарадорлигини оширишга муҳим замин ҳозирлайди.

Нафосат ва жисмоний тарбия тўғрисидаги буюк алломалар (Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур) нинг қарашлари.

Инсоннинг гўзалликни англаши, дидли, фаросатли бўлиши бирданига пайдо бўлмайди, балки жамият таъсири остида шаклланиб боради.

Ҳаётни гўзаллик қонунлари асосида кўра олиш – комил инсоннинг энг зарур фазилатларидан биридир. Нафосат (эстетик) тарбияси бўлса талабаларнинг воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, шахслараро муносабатдаги, турмушдаги гўзалликни ўргатиш, уларнинг бадиий дидини

ўстириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялашдир.

Бу ғоя азал – азалдан ота – боболаримиз маънавиятида акс этиб келмоқда. Жумладан, халқ ижодида, «Алпомиш», «Гўрўғли» каби достонларда ҳам ўз ифодасини топган. «Алпомиш» достонида Ҳақимбекнинг (Алпомишнинг) жисмоний машқ қилиши, табиат қўйнида вояга етгани, унинг алплиги эса қуйидагича тасвирланади: «Алпинбой бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳақимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Аскар тоғининг ката чўққиларини юлиб кетди, овозаси оламга ёйилди. Шунда барча ҳалойиқлар йиғилиб келиб айтди: «Дунёда бир кам тўксон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустам достон, охири бу - Алпомиш алп бўлсин».

Абу Али Ибн Сино ҳам инсон фазилатларидан қуйидагиларни санаб кўрсатган, чунончи: жасурлик – бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги, чидамлилиги, инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват. Ақллилик – бирор ишнинг бажаришда шовма – шоварлик қилишдан сақловчи қувват. Зийраклик – сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват... Дарҳақиқат жасурликда ҳикмат кўпдир.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг жисмоний қобилиятларини маътайди. Достонда ёзилишича, Фарҳод ақлий тарбия билангина чекланиб қолмасдан жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланиб чиниқа бошлайди. Сувда сузиш, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқалар унинг кундалик машғулотли бўлиб қолади. Унда 10 ёшида 20 яшар йигитнинг куч – қуввати бўлади. У ўзининг ақлий ва жисмоний куч – қуввати, маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм – маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилиш зарур.

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узок умр кўришига ёрдам беради. Спорт – ҳар қандай ёшда ҳам қадди – қоматни тарбия қилиш, куч – қувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу сабабли ҳам кишилик жамиятининг энг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги кунимизга қадар жисмоний тарбия авлодлар камолотини таъминловчи восита, деб ҳисобланган.

Нафосат ва жисмоний тарбиянинг баркамол авлод тарбияси тизимида ўрни. Жинсий тарбиянинг жисмоний ва ахлоқий-эстетик томонлари

Ўсмирлик ёши даврида қарама - қарши жинсга мойиллик ҳислари пайдо бўлади. Жинсий интилиш, ички дунёга берилиш, ёлғизликка интилиш, ишқий китоблар ўқиш, кино томоша қилиш, катта ёшдаги

одамлар сўзига қулоқ солиш табиий ҳол ҳисобланади. Шунингдек, бу ёшда ўғил қизлар ўзларининг ташқи қиёфаларига кўпроқ эътибор бера бошлайдилар. Ўғил болаларда дурустроқ кийиниш, ойнага қараш иштиёқи туғилади. Қизлар ҳам ойнага кўпроқ қарайди, ўзларига пардоз беришни, гўзал бўлишни истайди. Бу ҳам табиий ҳолдир. Чунки ўз ташқи қиёфасини тарбия қилиш инсонга хос муҳим ҳислатдир, шу боисдан уни инкор этиш мумкин эмас.

Балоғат даврида катталик ҳисси вужудга келади. Катталарга, уларнинг нима килаётганликларига, ўзларини қандай тутаётганлигига кўпроқ разм сола бошлайдилар. Катта ёшдагиларнинг уларга нисбатан аввалги ёш болага қилинган муносабатда бўлишлари нохуш ҳис-туйғу уйғотади. Ота – оналар, ўқитувчилар билан ўсмирлар муносабатидаги низонинг бош сабаби - уларнинг истак ва ҳоҳишлари билан катталарнинг ҳисоблашмаслигида содир бўлади. Афсуски, айрим катта ёшдагилар ўсмирнинг вояга етиб қолганлигига эътибор қилмайдилар, гоҳо унинг улғайганлигини сезмайдилар. Катталар томонидан ўринсиз танбех, кесатиш, ҳар бир нарсани буйруқ бериш орқали бажартириш ҳоллари ўсмирда ёмон кечинмаларни келтириб чиқаради.

Ваҳоланки, бу даврга келиб ўғилми ёки қизми унинг вояга етганлигини тан олиб катталардай муомала қилиш лозим бўлади.

Зеро, бола 5 ёшгача подшоҳ, 15 ёшгача ҳамма нарсаларни ўрганиши керак бўлган хизматкор – кул, 15 ёшдан кейин эса “ У ” сенинг тенгдошинг, дейилган.

Уларда туғилган катталардай кўнгил очиш, сайр қилиш, ҳордик чиқариш иштиёқини тўғри йўлга солиб юбориш, хушмуомалалик билан фойда ва зарар томонларини англашиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шундай пайтда ота – оналар, ўқитувчилар ўсмир ёшдаги ўғил ва қизларни моҳирлик билан қайириб олмасалар, улар нотўғри йўлга кириб кетиши, тарбияси қийинлар сафига қўшилиши мумкин. Кейинчалик бу йўлдан, нохуш хатти – ҳаракатлардан уларни қайтариб олиш мушкул бўлади.

Балоғат даврида ўсмирларнинг овқатланишига ҳам эътибор бериш керак, чунки организмдаги тинимсиз ҳаракатлар модда алмашинувини кучайтиради. Организм кўпроқ юқори куч – қувватга эга, витаминларга бой овқат талаб қилади, лекин аччик, шўр таомлар истеъмол қилиш зарарлидир. Тунги овқат енгил ва оз миқдорда истеъмол қилиниши зарур.

Балоғат даври мураккаб ва нозик давр ҳисобланади, шунинг учун ўсмирларга нисбатан бўлган муносабатларда қатъий оҳанг билан фармойиш ва буйруқ беришдан воз кечиб, ишонч, маслаҳат ёки илтимос оҳангида фикр алмашиб иш тутмок тарбиявий жараёнда самарали натижа беради. Аксинча, буйруқ, менсимаслик салбий қўзғалишларни юзага келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мустақил бўлишга интилаётган ўсмирлар бу даврга келиб катталарга ҳамиша тобе бўлиб яшашни истамай қоладилар. Шу сабабдан улар устидан доимо раҳбарлик

қилиш, арзимас ҳомийлик, ортиқча назорат қилиш, бачкана ва зериктирадиган ғамхўрлик қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани маъқул.

2.1.16. ОИЛА, ЎҚУВ ЮРТИ, МАҲАЛЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ.

2.1.17. (2С)

Режа:

1. Оила ва оилавий тарбия тўғрисида тушунча.
2. Оилавий тарбияга педагогик раҳбарлик.
3. Оилавий тарбияда миллий қадриятлардан фойдаланиш.
4. Оилавий тарбия воситалари ва методлари.

Ҳаётда оиланинг ўрни. Оила саодат сарчашмаси.

«Дунёда жамики нарса жуфт яратилган : Осмон ва Ер, Куёш ва Ой, кеча ва кундуз, она қорни ва қабр, ҳаёт ва ўлим, бешик ва тобут...»

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Инсон ўзининг умрини яшаб ўтар экан, учта нарсада хато қилмаслиги керак . Шулардан биттаси – оила қуришда. Қаранг – ки, шу даражадаги масъулияти катта оиланинг. Оила икки кишининг фақат қовушишигина эмас, балки хурсандлик ва қайғуда ҳам, бойлик ва камбағалликда ҳам, ёшлик ва қариликда ҳам ҳамнафас ва ҳамфикр бўлишидир.

Инсоннинг келажаги, оилага ва оилавий муносабатга боғлиқлиги.

Оилани таърифламаган файласуф, ёзувчи, шоир қолмаган бўлса керак. Файласуфлар оилани жамият ячейкаси дейишса, ёзувчи ва шоирлар гоҳ кемага, гоҳ Ватан остонасига қиёс қилишади. Уларнинг бари – ҳақдир. Оила қайси қитъа, қайси мамлакатга мансуб бўлмасин авваламбор буюк ва улуғвор вазифани – ном қолдиришни, инсон зотини давом эттиришни амалга оширади.

Оила қураётган ҳар бир инсон энг эзгу, энг соф ниятлар билан уни қуради. Фақат бу ниятларни амалга ошириш йўлида учрайдиган қийинчиликларга кўпчилик бардош бера олмайди. Натижада оила аталмиш муқаддас гўша вайрон бўлади. Вайрон бўлган оилада эса «қалби ногирон» фарзандлар вояга етади. Бу, албатта, нафақат бузилган оила аъзолари учун, балким бутун бошли давлат учун катта мусибат ҳисобланади.

Оила тарбиясининг мазмуни ва моҳияти.

«Оила янги авлоднинг вужудга келишини тақозо этади. Шу сабабли никоҳ ота – оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб, туради. Ижтимоий ҳодиса бўлган оила яшаган даври хусусиятларини ҳамиша ўзида акс эттиради».

Бугунги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар бўсағасида оила вазифаси, масъулияти янада ошди. Президентимиз И.Каримов айтганидек: «Республикада собитқадам билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш

– бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат маънавий етук ва маданиятли оила – шу жамиятнинг асосини ташкил этади».

Оила тарбиясига педагогик раҳбарлик. Педагогларнинг ота-оналар билан ҳамкорлиги.

Ҳозирги кунда мактабларда оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси фани ўтилмоқда. Бу фанда албатта оила ва никоҳ, ёшлар маънавий дунёсининг гўзаллиги, фарзанд, оилавий муносабатлар тўғрисида кўп ибратли таълим берилган. Педагоглар дарс жараёнида, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларда ҳам мунтазам равишда ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашга эътиборларини қаратишади, бироқ бу ҳаракат бир томонлама бўлиб етарли натижа бермайди. Чунки доим ҳам ўқитувчиларнинг дунёқараши ўқувчи ота-онасининг дунёқараши билан тўғри келмайди. Натижада бир хил мавзу бўйича пайдо бўлган қарама-қарши фикрлар талабада ишончсизлик туйғусини пайдо қилади. Шунинг учун ҳам оилавий тарбияга икки томонлама ёндашмоқ зарур. Халқ педагогикаси тажрибасига асосланган ҳолда педагоглар ва ота-оналар ҳамкорликда ўқувчиларга қуйидаги йўналишларда тушунча беришлари лозим:

1. Оила сўзининг асл моҳияти, вазифалари, жамиятдаги ўрни;
2. Ўзбек халқ оилалари анъаналари, удумлари, урф – одатлари;
3. Халқ педагогикаси тажрибалари;
5. Оилада ота ва она ўрни;
6. Оилада фарзандлар ўрни;
7. Қариндош - уруғчилик иплари;
8. Қўни – қўшни муносабатлари;
9. Яхшилик, яхшилик ва яна яхшилик, ҳақида;
10. Ватанга садоқат.

Юқоридаги тушунчаларни мукаммал ўргатсак, халқимиз маданияти ва маърифати илдинини мустаҳкамлаган бўлар эдик.

Оила – тарбия ўчоғи дедик. Бу ўчоқда баркамол фарзандлар пишиб етилиши учун буюк давлатимиз, ҳавас қилса арзигулик Президентимиз, жонкуяр халқимиз барча шароитларни яратиб бермоқда.

Бунга жавобан оз бўлсада ҳисса қўшишимиз шарт, деб ўйлайман.

Сўзимни президентимиз И. А. Каримов сўзлари билан якунламоқчиман. Ундан ҳам мазмунлироқ хулоса бўлмаса керак.

«Мендан энг катта бойлик нима деб сўраса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунни ўйлайдиган фарзанд ота – онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлур эдим. Бундай бойликга эга бўлганларни жамоа бой – бадавлат ота – она, бой – бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди».

Оилавий тарбияда миллий кадриятлар. Шарқ мутафаккирлари таълимоти.

Инқилобдан олдин, унинг дастлабки кунларидаёқ шарқона тарбияга юксак баҳо берилган эди. «Болага муҳаббат, болага диққат – эътиборни

русияликлар шарқ халқларидан ўрганишлари кераклиги», эътироф этилган эди.

Бир қанча рус этнографларининг Туркистон халқлари турмуш тарзи, оилавий муносабатлари, анъаналари билан қизиқишлари тарихдан маълум. Лекин, вақт ўтиши билан нимагадир миллий қадриятларга бидъат ва хурофот, деб ном берилди. Бизда эътиборга олинмаган Кайковуснинг «Қобусномаси», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул халойиқ»и жаҳонда тан олинди. Навоий бобомиз, Мунис Хоразмий, Абдулла Авлоний, Ҳожи Абдулло Ориф, Саъди Шерозий, Мирзо Бедил, Ҳамзалар ўз асарларида ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришган. Ўзбеклардаги ота – онага бўлган иззат – ҳурмат, биродарларга бўлган меҳр – шафқат, инсонийлик, маърифатга чанқоқлик, онани (аёлни) улуғлаш, фарзандга нисбатан фидойи бўлиш каби фазилатлар албатта улар қалами орқали дунёга танилгани шубҳасиз.

Ўзбек халқининг тарихи ҳақида гапирилганда инқилобдан олдин биронта олий ўқув юртининг бўлмаганлиги ҳақида кўп гапирилади. (Бу фактлар хатолигини тарих кўрсатмоқда). Ўзбекларда таълим – тарбия масалаларига эътибор ҳамма вақт асосий бўлган. Халқ педагогикаси уларнинг вазифасини аъло даражада ўтаб келган. Булар халқ оғзаки ижоди дурдоналари бўлмиш эртаклар, ривоятлар, мақоллар, топишмоқлар, она аллаларидир.

Болалик кунларимда,
Уйкусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўзлаб берарди бувим.

Ҳ. Олимжон

Замондошимиз, Ҳамид Олимжоннинг бу сатрларини ўқиган ҳар бир кимса аминмизки, кўз ўнгига ўзининг ёшлигини келтиради. Чунки, ҳар биримиз ёшлигимизда бундай эртаклардан баҳраманд бўлганмиз. Улар орқали кекса авлод вакиллари ёш авлодга ота – боболар тарихи, удумлари, анъаналарини сингдириш билан бир қаторда тарбиявий мақсадни ҳам кўзда тутганлар.

Эртак, афсона, ривоятлар ўзининг жозибадорлиги билан фақат болаларнигина эмас, балки катталарнинг онгига ҳам ижобий таъсир қилган. Улар инсонларни яхшилик қилишга, меҳнатни севишга, Ватанга нисбатан фидойи бўлишга асрлар давомида ундаган. Широқ, Тўмарис, Гўрўғли, Рустами – дoston, Алпомишларни ҳозир ҳам болаларимиз ҳайрат билан тинглашади. Бола қизиқдимми, демак у ҳақиқий нарса, чунки сал бўлса-да сохталикини боланинг беғубор кўнгли дарҳол сезади.

«Ёши бир ерга бориб, вақт эса умр биносини емириб тамом қилаётганини сезган кекса шоҳ бир кун икки кўзининг оқи қораси бўлмиш ягона ўғлини ҳузурига чақириб, унга давлатини топширмоқчи эканлигини айтибди. Ўғли ҳали ёшлиги, давлатни бошқаришни уddaлай омаслигини

важ қилиб отасининг гапини одоб ила рад қилибди. Ота ўғлининг одобидан хурсанд бўлиб унга меҳри яна ҳам товланибди ва унга юзланиб сўз қотибди :

- Мен тахтга ўтирганимда сендан ҳам ёш эдим. Яхшидан ўргандим ёмондан ҳазар этдим, эл кўнглини овладим, осойишталик учун курашдим. Асло зарар ва завола кўрмадим. Аҳли неъматлари ила умримни бахтли ҳаёт шукурларига чош этдим.

- Барибир, сиз билан тенглашмоқ – саҳрода туриб, денгизда сузишни орзу қилиш билан баробардир. Сиз – бошқасиз, хон ҳазрат ! – деди қобил ўғил табассум ила. – Қолаверса, кўпчиликка бош бўлган одам уларни нимага даъват этаётганини ўзи яхши тушуниши, узоқни мўлжаллаган аниқ бир дастури бўлмоғи керак – устозлар шундай таълим берадилар. Лекин мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Ўғлининг самимий гапларидан отасининг кўнгли тоғдай бўлиб уни сафарга жўнатмоқчи бўлди. Сафар олдидан :

- Ўғилгинам шартимиз шундай, дилинг оғримасин: навкарлар кўзингни боғлаб, маълум бир манзилгача сенга ҳамроҳ бўлиб борадилар. Сўнг улар сени аро йўлда қолдириб қайтишади. Отларнинг дупури олислаб кетгандан кейингина кўзингдаги боғични ечасан. Энди гапнинг буёғига кулоқ бер! Сенга бешта шарт айтаман. Ҳар қандай шароитда ҳам бу шартларни бажаришинг фарздир. Кўзингни очганда биринчи бор кўрган нарсангни еб – ютиб юборасан, иккинчи учраган нарсани яширасан, учинчи нарсага садоқат кўрсатасан, тўртинчи бўлиб учраган нарсани ноумид қилмайсан, бешинчи учраган нарсадан қочасан. Уқдингми?

- Уқдим, падари бузрук! – дебди, шахзода таъзим ила.

- Бу вазифаларни бажаргач, яна ортингга қайтасан. Оқ йўл ўғлим! Сафаринг беҳатар бўлсин.

Ота бола кучоқлашиб хайрлашибдилар. Шахзода навкарлар билан йўлга чиқибди, узоқ йўл юришибди. Манзилга етганларида кузатувчилар сарбони энди ортга қайтажакларини шахзодага айтибди. Отлар туёғи тиниб, ҳар ённи сукунат қоплагандан кейин шахзода кўзларини зим – зиё қилиб турган боғични кўзидан олибди. Кўзи равшанлашгач, бийдек даштда ёлғиз турганлигини кўрибди-ю, юраги увишибди «Ё алҳазар!» - деб юборибди. Ахир у биринчи кўрган нарсасини еб – ютиб юбориши керак эди – ку! Бир оз турди – да, иродасига сабр тилади, ўзини қўлга олиб, кейин худди ғам тоғини еб – ютиб юборгудай шахт ва шижоат билан тоғ томонга юра бошлади. Юриб тоққа яқинлашган сари шахзоданинг таажуби оша борди. Чунки, ғаройиб бир мўъжиза рўй бераётгандай эди: У тоққа яқинлашгани сайин ҳайбатли қора тоғ тобора кичрайиб борар ва ниҳоят шахзода тоғ этагига етиб келганида ундан ном – нишон қолмаган эди. Фақат тоғда бош бармоқдай келадиган қоп – қора бир тошчагина қолганди, холос.

Ғам тоғини елкасидан қулатган мўъжизадан кўнгли беҳад шод бўлган шахзода тоғдан намуна сифатида қолган кичкина қора тошни оғзига солибди –ю, ютиб юборибди. Шу пайт ҳайратдан яна донг қотибди. Чунки,

у шу пайтгача тотиб кўрган ширинликлари ичида бунақанги мазали ва тотли нарса асло томоғидан ўтмаган эди.

Мўъжизадан ҳаяжонланган шахзода яна йўлда давом этибди. Бир вақт қараса йўли узра ял – ял товланиб бир лаган олтин турган эмиш. Шахзода отаси айтган шартларни эслаб: «Иккинчи учратган нарсани яширишим керак», - дея хаёлидан ўтказибди. У дарҳол бир чуқур кавлаб, олтинли лаганни кўмиб ташлабди. Шахзода ўз ишидан хурсанд бўлиб яна йўлга тушибди. Бирок 5-6 одим юриб беихтиёр ортига қараса, олтинлар лагани билан яна ер бетида турган эмиш. У ҳайратдан ёқасини ушлабди. «Тавба!» - дебди шахзода ва ерни янада чуқурроқ кавлаб олтинли лаганни қайта кўмибди. Сал фурсат ўтмай, аввалги мўъжиза такрорланибди. Шахзода олтинларни учинчи марта ҳам маҳкамлаб кўмиб ташлабди. Сўнг бироз юрибди–ю, хотииржам бўлмабди – ортига қараса олтинлар яна ер бетига чиқиб олганмиш. Шахзода: «Энди, буларни беркитишнинг иложи йўққа ўхшайди. Шарт талабнинг фарзини адо этиб, уч марта бажардим!» - дебди –ю, йўлда давом этибди.

Анча йўл босибди. Бир вақт қараса, бир оппоқ чинни кабутар боши узра айланаётган эмиш. Кабутар одам каби гапириб, шахзодага ёлворибди:

-- «Эй, саховатли одамзот! Менинг ортимдан лочин қувлаб келяпти, ҳаётимни сақлаб қолишга сув бер, қўйнингга кириб яширинай!».

Шахзоданинг кабутарга раҳми келибди, ўйласа, отаси тайинлаган шартга кўра, учинчи учраган нарсага садоқат кўрсатиши ҳам зарур эди-ку! Шунини ўйлаб шахзода кабутарни дарҳол қўйнига яширибди, лекин лаҳза ўтмай шахзода боши устида чарх уриб пайдо бўлган лочин тилга кирибди:

--«Эй, соҳибқирон шахзода! Менинг ризқимни қўйнингга яшириб туриш сенга ярашадими? Тоғ қоясидаги уямда уч поллопоним очликдан чирқиллаб ётибди, бер улар насибасини!» - деб нола қилибди.

Шахзода нима қилишини билмай қолибди. Кабутарни лочинга бериб юборса, учинчи вазифа шартин бузилади, бермаса... Зеро, шахзодага лочин тўртинчи бўлиб учради – уни ноумид қилмаслиги шарт. Шунда шахзода кескин қатъий қарорга келиб ўз сонидан бир парча гўшт кесиб олибди–да:

-- «Мана поллопонингга олиб бор!» - деб, лочинга ўз гўштини тутиб юборибди. Жони оғриган бўлса ҳам лочинни ноумид қилмай, кабутарга садоқат кўрсатганидан шахзоданинг димоғи ниҳоятда чоғ бўлибди. Мухтарам ва мўътабар отаси олдида юзи ёруғ бўлганидан дили нурга тўлибди.

Йўлида давом этган шахзоданинг кўзига узоқдан қанақадир бир шаҳар кўрина бошлабди. Шаҳарга яқинлашиб қолай деганда, қандайдир бадбўй ҳиддан шахзоданинг кўнгли беҳузур бўлибди. Диққат билан қараса далада бир ўлимтик эшак бижғиб – сасиб ётган эмиш. Шахзода ўзини йўлдан четга олишга мажбур бўлибди. Шаҳарга анча наридан айланиб ўтиб кириб борибди. Кейин ўйлаб қараса, эшак ўлимтиги шахзода йўлида учраган бешинчи топшириғи шартини ҳам бажарганини англаб, хурсанд бўлибди. Шахзода дамани олиб шаҳарни айланаётган экан, кўз ўнгидан бўлиб ўтган мўъжизалар ечимини топишга уринар ва уни ечолмай гаранг экан. Бу

қисқа сафар шахзодада шундай катта таасурот қолдирибдики, у ўзини гўё ўн йилларга улғайгандай ҳис этибди. Ўзи шохид бўлган мўъжизаларни падарига сўзлаб бериш учун пойтахтга йўл олибди.

Кекса шох ҳам мукаррамида шахзодани хушвақтлик билан кутиб олибди.

- Қалай, сафаринг хайрли бўлдими, шартларимни бажардингму? – дебди шох табассум билан .

- Олий ҳазрат! Бу мўъжизавий сафар менинг бутун фикру заковатимни қамраб олмиш. Бунда не сир – синоатлар дариғ эканлигини билолмай гирёнман, - дебди шахзода ва сафарида кўрган кечирганларини ипидан – игнасиғача отасига сўзлаб берибди.

Шох жон-қулоғи билан ўғлининг ҳикоясини тинглагач анчагача сукут сақлабди, сўнг сўзлай бошлабди:

- Биринчи бор кўзингга кўринган қоп – қора тоғ, вақтийки, инсон бошига тушиши мумкин бўлган ғам – кулфатдир. Бундай пайтда инсонга бекиёс сабр – бардош керак бўладиким, унинг асносида ғам тоғи емирилиб, пировардида кишилар эзгу рўшноликларга эга бўладилар. Иккинчи кўринган нарсаси – олтинли лаган. Бу кишиларнинг бир – бирларига қиладиган яхшиликларидир. Яхшиликни ҳеч қандай куч беркита олмайди, йўқ ҳам қила олмайди. Зеро, ҳаётда яхшиликни йўқ қилувчи қудратли куч йўқдир. У йўқ бўлганда ҳам, вақт ўтиб, барибир бир кунда ўша лагандаги олтиндай намоён бўлаверади. Ваъда – энг муқаддас туйғудир. Ўз сўзларининг устидан чиқувчи садоқатли кишилар кўп бўлган мамлакатда ҳалоллик, жўмардлик ҳукмрон, эл – улус тўқ ва бадавлат давлат мустаҳкам бўлади. Ҳамма ҳам бахтиёрлик оғушида бўлади. Кабутарга кўрсатган садоқатинг ана шу эзгуликлар намунаси. Бошига тушган мушкулени осон этмоқ ниятида бир киши юз ўй ва истиҳола билан иккинчи киши ҳузурига қадам ранжида қилади. афтодаҳол кимсани ҳеч қачон ноумид қилмаслик зарур. Сенинг ўзингга аён, озгина азоб тортдинг, лекин лочинни ноумид қилмадинг. Меҳр – оқибатли ва меҳрибон одамлар мискин ва гадоларга нажот қўлини узатадилар. Меҳрибонлик қаршисида ҳар қандай бало – қазо ҳам ниятини ўзгартиради. Охиргиси агарда одам ўз умрини фисқу – фужур, ғийбат ва хусумат, тухмат ва иғво, дилозорлик ва хунрезлик билан ўтказса, бундай кишиларнинг қадр-қиймати ва етган мартабаси ўша сен кўрган ўлимтик эшак мисолида бўлади. Ундай кишилардан одам боласи қочади, кўрганда ҳазар қилади...

Тоғу – давлатимиз тақдири хусусида чақиртирганимда, сен дастур ҳақида сўзлаган эрдинг! Мана шу беш нарсаси ёдингда бўлсин! Агар халқимизни шу олий фазилатларга даъват эта олсанг, юрт тўқ ва бадавлат, эл осойишта, давлат мустаҳкам, кишилар хулқида эса поклик, ҳалоллик ҳислат фазилатлари барқарор бўлади. Зеро иймон деганлари ҳам худди мана шул фазилатларга эга бўлишдир.

Шахзода донишманд отасининг ақл – заковатига таҳсинлар ўқиди, ўрнидан туриб падари бузрукворига боши ерга текканча таъзим бажо

келтириб унинг ҳоки пойини ўпибди. Кейинчалик, ана шу дастур асосида юртга ҳукмронлик қилиб умрини фароғат ва рўшноликда ўтказибди».

Бу қадимий ҳикоятдан педагогика тили билан айтганда ижтимоий ахлоқни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Ёки икки мисрадан иборат бўлган мақол ва ҳикматли сўзларимизга бир назар ташласак:

«Ёридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар».

«Овул аймағи билан ,
Бўта тайлоғи билан ».

«Дарахтлардан мева оламан десанг
Ниҳоллигидан парвариш қил ».

«Қочоққа шафқат йўқ,
Қўрқоққа - ҳурмат»

«Давлатинг ота – онанг,
Савлатинг ўғил - қизинг».

«Одам ўз элига яхшилик қилиш билан уларнинг улуғига айланади», «Илм эгаллаш йўлида маҳкам туришдан кўра яхшироқ иш йўқ», Чунки, илм кишини иззат ва шарафга етказадиган воситадир», «Шарм ва ҳаё фазилатларнинг улуғи», «Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёруғ, дили шод бўлади».

Бу кичик мисраларда ҳам олам – олам маъно бор. Доно фикрни икки мисрага сингдира олиш инсондан жуда чуқур билим ва ўткир зеҳни талаб қилади. Халқимизда бундай инсонлар донишмандлар ёки донолар деб аталган. Улар қолдирган адабий мерос эса «Донолар бисотидан», «Донолар хазинасидан», деб айтиб келиниб, ёшлар тарбиясида кенг қўлланилади. Улардан баъзиларини мисол тариқасида келтирмоқчимиз:

Бир доно сўзи:

- Дунё азоби тўрт нарсадир. Биринчиси – қарилик, танҳолик ва кимсасизлик. Иккинчиси – беморлик ва бемадорлик, мусофирлик. Учинчиси – камбағаллик онларида қарздорлик. Тўртинчиси – йўлнинг узоқлиги ва пиёдалик.

Ҳар бир киши уйда ва жамоат орасида қуйидаги одатларга амал қилмоғи керак.

Юришда: кўзингга қараб юр, зарурат бўлмаса шошма, билмаган йўлга таваккал қилиб юрма, юриб кетаётиб нарса ема!

Дам олишда: бошни осилтириб ўтирма, ўзингни изтиробли кўрсатма, мажлис аҳлининг кўзу юзига кўп қарама, ёнбошлаб ўтирма, бадан аъзолари, соқол, устивош билан кўлингни ўйнатма, ўтиришда ухлама, ўзгалар ухлаётганда сен уйғоқ ўтирма, эрта туришни одат қил!

Одамларнинг равақ топиши уч нарсага – ўзгалар ҳақидан кўрқишга, порахўр бўлмасликка ва рост сўзликка боғлиқдир. Илм ва яхшилик бир бировисиз ҳеч нарсадир.

Кайковус насиҳати: «Хушфеъл одам доимо роҳатда бўлади, уйқусида ҳам кўркмайди. Чунки инсон бедорликда нимани одат қилган ўлса, уйқусида ҳам ўшани кўради».

Парвиз насиҳати: «Тамагир бўлмаслик зарурки, балоларнинг хилма – хили ана шу тамагирлик сабабли юз беради. Одам арзимас нарсаларга ҳам жаҳли чиқавермаслиги керакки, кишига жаҳлдан кучлироқ душман йўқ. Чунки жаҳли чиққан одам ўзини билмайди».

Ўзбек халқи тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари асосан шулардир. Албатта, бу тарбия воситалари замирида шахсий ўрнак муҳим ўрин эгаллаган. Бу ҳақда халқда: «Қуш уясида кўрганини қилади», - деган ибора кенг тарқалган. Оила бошлиқлари – ота ва она тарбияни ўзларидан бошлаганлар. Ҳеч қачон ота болалар олдида онани ҳақоратлаш у ёқда турсин, танбеҳ ҳам бермаган. Оналар ҳам отани болалар кўз ўнгида салкам даҳога айлантириб қўйишган. Оилаларда баланд овозда гапириш, қаҳ – қаҳ отиб кулиш уят саналган.

«Оила» йилининг Президент томонидан эълон қилиниши ва унинг тарбиявий аҳамияти.

Давлатнинг барқарорлигида оила ўрнини ҳисобга олган ҳолда ҳукуматимиз уни ўз ҳимоясига олган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг оила тўғрисидаги қарорлари, кўп болали, кам маош оладиган оилалар, ногиронлар, уруш қатнашчилари оилаларига қўшимча нафақа тўлаш, болалар соғлиғи тўғрисида қайғуриш, қолаверса 1998 йилнинг “Оила” йили, деб эълон қилинганлиги фикримиз далилидир.

Бунга жавобан оила ҳам давлатга етук фарзандлар етиштириб бериши мантиқан тўғридир.

Жамият ишига ва равақига садоқатли, ахлоқан пок инсонларни – мурасали, тотув, ҳалол, ҳурмат – иззатли оилалар етказиб беради. Бизнинг ўзбек оилаларимиз бу хусусиятлардан холи эмасдир. Бошқа халқлардаги каби ўзбекларда ҳам никоҳ – оиланинг негизи ҳисобланади. У асосан муҳаббатга асосланган бўлиб эркак ва аёлнинг бир умрли иттифоқидан иборат бўлади.

Оила тарбиясида ота-онанинг намунаси. Оилада педагогик таъсир кўрсатиш воситалари ва методлари.

Оилада ҳар бир аъзонинг ўз ўрни бўлиб, унга қаттиқ риоя қилиниши зарур. Шарқ оилаларида ота - оила подшоси, деб ҳисобланган. Бу сўз билан она ёки оиланинг бошқа аъзолари камситилган эмас, балки эркак кишига ҳурмат билан бир қаторда катта масъулият юкланган. Оиланинг моддий томонидан тортиб, то болалар тарбиясигача ота бош – қош бўлган. Қаранг – ки, бу борада ҳам ўзбек оилалари жаҳон оилаларидан қолишмас экан. Чунки, болаларни тарбиялашда оталарнинг бурчи ҳақидаги машҳур кишиларимизнинг фикрлари нафақат ўзбекларда, балки бошқа халқларда ҳам оилада отанинг масъулияти жуда катта эканлигини яққол кўрсатади:

«Ота бўлиш жуда осон. Аксинча оталик қилиш жуда қийин» (В.Буш),
«Ота донолиги болалар учун сабоқдир» (Демокрит).

Ҳақиқатдан ҳам ота оила фаровонлиги, болаларнинг баркамол тарбияси учун энг жавобгар шахсдир. Чунки болалар учун ота ҳамма нарсага қодир, идеал шахс ҳисобланади. Албатта, болалар ўз идеалларининг ширин суҳбатига, меҳрига, диққат – эътиборига доим муштоқ бўладилар. Афсуски баъзи бир оталар бу нарсани тушунмайдилар., тушунсалар-да, иш кўплигини важ қиладилар. Ваҳоланки, ярим соат телевизор баҳридан ўтиш. ярим соат кам рўзнома ва ойнома ўқиш, ярим соат камроқ дам олиш ёки ҳеч бўлмаганда шу машғулотларни болалар билан биргаликда баҳс уюштириб бажариш ҳам анча ижобий таъсир кўрсатади. Болаларнинг ўқиши, дўстлари, ҳаёти билан қизиқиш уларда оилада кадр – қимматлари борлигини ҳис қилдиради. Бу эса ўз навбатида болалар кўз ўнгида ота обрўсини оширади.

Ота ўзининг қизиқиши билан болаларда меҳрибонликни, босиқлиги билан матонатни. талабчанлиги билан интизомни, аёлига меҳрибонлиги билан оналарни эъзозлашни ўргатиш билан бир қаторда уларга оилада «эркак», «ота», «эр» ўрнини амалда кўрсатади. Оилада кўпроқ ўғил бола отага эргашади. Халқ кўшиқларида ўғил боланинг «отанинг думи» деб бекорга айтишмаган. Шундай экан, ота ўғил тарбиясига алоҳида эътибор бериши керак. Авваламбор ўзи ўрнак бўлиб (чунки ўғил бола доим отасига тақлид қиладди. Халқимизда «Қовун – қовундан ранг олади», деган нақл бор) биринчи навбатда уларда аёлга, қиз болага нисбатан ҳурмат-эҳтиромни шакллантириши керак. Тарихдан аёлларимиз уйда эркак бўлмаган пайтда сув тугаб қолган кезларда челақларни дарвоза олдида чиқариб қўйиши, уни кўрган йўловчи эркак ёки йигит челақни тўлдириб дарвоза олдида келтириб қўйиб, дарвозани тақиллатиб, ўзи кимлигини ҳам билдирмасдан кетиб қолиши ҳаммамизга маълум. Бу аёлни эъзозлаш эмасми?!

Иккинчи навбатда оталар ўғилларига бирор бир ҳунар ўргатишлари зарур. Чунки, бу нарса В.А. Сухомлинский таърифлаган ўғил болалардаги учта ҳислатни, яъни эркаклик бурчи, эркаклик масъулияти, эркаклик ғурури ва ҳамиятини шакллантиради.

Абу Лайс ас Самарқандий ўзининг «Бўстон ул Орифин» асарида отага шундай ўғитларни беради: «Нуридийдам, оилангда фарзанд туғилди. Агар ўғил бўлса, шамчироғинг сира ўчмагай, ҳолва бўлса, ўкинма, хонадонингга анинг ширин йиғиси билан бирга меҳр ва саодат киргусидир.

Фарзандни асло тоифага ажратма! Қизми, ўғилми ул сенинг зурриёдинг, аларни тарбиялаб, оёққа турғизиш вазифанг...

Ўғилга ортиқча меҳр кўрсатсанг, қизинг ранжир, қизга кўп эътибор қилсанг, ўғлинг ўксинур...

Сен оиланинг ҳокимисан... Хешларига адолат тарозиси ила муносабатда бўлмаган ҳукмдорнинг ҳоли не кечиши сенга аёндир...

Парвардигор сенга иқтидор, куч – қувват, мурувват берди. Бу неъматларнинг кадрига ет! Илло, ўғлинг сенинг изингдан борадур!"

Бир киши шайх ул – исломнинг қошларига келиб:

- Ҳазрат, илло яратгандан нолишга сира асосим йўқ. Аммо бир мушкулотга ечим беринг, - дейди.

- Айт, - дебди

- Ўғлим тарбиясига бир оз эътиборим бор. Ини сингилларини ҳақорат қилар, койирди. Энди эса онасига кўпол муомала қилаётганининг гувоҳи бўлдим...

- Бир саволимга жавоб беринг, балки бу жавоб сизни қийнаётган мушкулотга ҳам чора бўлар.

- Қулоғим сизда!

-Йигитлик чоғингизда фарзандларингизга ортиқча пўписа қилиб, сўқармидингиз? Болалар иштирокида аёлингизга кўпол гаплар айтиб, танбех берганмисиз?

Киши индамабди...

Оилада она ўрнини ҳеч бир зот боса олмайди. Доно халқимиз онани «оила устуни», деб бежиз айтишмаган. Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳи Алайҳиссалоснинг ўз ҳадису шарифларида «Аввало онангга яхшилик қил», ёки Ҳазрат Навоий бобомиз: «Онангга кафтингда тухум қовуриб берсанг ҳам ундан қарздорсан» деб, онаизоримизнинг меҳр-саховатда тенги йўқ, кечирувчан эканликларини назарда тутиб айтган бўлсалар керак.

Ривоят қилишларича, пайғамбар алайҳиссаломнинг қарамоғида бир йигит бор эди. Маст бўлиб, онасига бир шапалоқ урди. Онаси йиғлаб, пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига борди ва деди:

- Ё расулоллоҳ, ўғлим менга шундай азоб қилди!

Ўғил маст бўлиб, ухлаб қолган эди. Бирор соатдан кейин уйғониб, ўзига келди, унга: «Мастликда онангга бундай азоб бердинг!», дедилар. Йигит бу сўзни эшитиб, пичоқ билан ўз қўлини кесди ва бандидан жудо қилди. Бир қўлига пичоқ олиб, пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига борди. Онанинг назари ўғлига тушиб, кесилган қўлини кўргач, ўз оғриғини унутиб, ўғлининг оёғига йиқилди ва деди:

- Эй жигаримнинг пораси, вой кўзимнинг равшани, кўлингни ким кесди?

Ўғли онасининг оёғига бош қўйиб:

- Эй она, менинг кўлим сенга беодоблик қилгани учун кесдим, унинг жазоси шудир! – деди..

Онаси бу сўзни эшитиб, унга раҳми ва меҳри келиб, қучоғига олди ва юзини юзига қўйиб, йиғлай бошлади. пайғамбар алайҳиссалом буни кўриб, хаёлга чўмдилар. Шу пайт Жаброил Алайҳиссалом шундай ваҳий олиб келди:

- Ё Муҳаммад, шафкат вақтидир, сен булар учун дуо қил, мен уларнинг гуноҳидан ўтдим.

Пайғамбар алайҳиссалом йигитга:

- Қўлингни бандини – бандига қўй! – дедилар.

Йигит кўлининг бандини – бандига қўйган эди, пайғамбар алайҳиссалом дуо қилдилар. Шу онда унинг кўли асли ҳолига келди.

Эй одам, агар мўъмин бўлсанг, ота – онангни рози қил, то дўзах оловидан халос бўлгайсан.

Оила устуни бўлмиш она ўзининг барча вазифалари билан бир қаторда айниқса, кўпроқ қиз болалар тарбиясига бош – қош бўлган. Халқимиз ўзининг асрий турмуш тажрибаларига таяниб, қиз боланинг тарбиясини кўпроқ она зиммасига юклаган. Чунки қизлар кўпроқ онаси билан бирга бўлиб, унга тақлид қилишади. Халқимиздаги «Она қизига тахт эмас, бахт ясайди», деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Шунинг учун, она қиз боланинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, унга ҳаётнинг мақсади ва маъносини, турмуш икир – чикирларини, ҳар бир юмушнинг тўғри бажариш қоидаларини сабот билан ўргатмоғи даркордир.

Маҳалла оиладан, Ватан маҳалладан бошланади.

Маҳаллага, Ватанга бўлган муҳаббат оиладан бошланади. Фикримизнинг далили сифатида маълум цитаталар келтирмоқчимиз: «Ватан оналар кўзидаги покликдан, қўйлақларидаги сут ҳидидан бошланади» (З.Мўминова), «Биз болаларимизда Ватанни бегараз севмоқ ҳиссини тарбиялашимиз керак», (К.Баҳриев), «Ватан болаларимиз бешиклари ҳижоби ортидан оламга ташнажон термилган осмон тоқи. Бу бешик Ватан оstonасидир. Кимки бир марта ана шу бешикка беланса, Ватаннинг бир парчаси унинг жонига айланади. Бу «жоннинг жони» деб юритилади. У ҳатто жоннинг ўзи билан-да чиқиб кетмайди.» Демак, Ватан оиладан бошланади. «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган нақл халқимизнинг бола тарбиясига доим асосий эътиборни қаратиб, маҳалла мавқеи ҳамда мажбуриятини таъкидлайди. Маҳалла ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлиб, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Унда кексаларнинг пан-насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлилиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Айниқса миллий 0адриятлар меҳр-оқибат Ватан шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёс.

Ўқувчилар тарбиясида «Оила. маҳалла, мактаб» йуриқномасининг аҳамияти, тамойиллари, босқичлари.

Тарбия ўз табиатига кўра бир мақсадга қаратилган ягона, узлуксиз жараёндир. У ҳамма жойда мактаб ва оилада, ҳовли ва маҳаллада, жамоат тўпланадиган жойларда амалга оширилади.

Мактаб-тарбия фаолиятини бир мақсадга қаратган ҳолда ва педагогик жиҳатдан малакали амалга ошира оладиган тарбия ўчоғидир. Ота-она бола тарбиясида маҳалла ҳамда мактаб билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилиш керак.

Баъзи бола ўзини оилада бошқача, мактабда ва кўчада бошқача тутади. Бунга сабаб ота-онанинг бола тарбиясига, унинг қизиқишларига эътиборни қаратмаслиги, боланинг камчилиги ёки айби айтилган пайтда уни хаспўшлашга ҳаракат қилишидир. Натижада болада тарбия

омилларига қизиқиш сусаяди, билим ва ахлоқ-одоб қоидаларига бефарқлик вужудга келади ва тарбия воситаларининг таъсир кучи камаёди. Болада лоқайдлик, ўзбилармонлик, қайсарлик каби иллатлар пайдо бўлади. Бундай болаларни эса мактабнинг ўзи тарбиялай олмайди. Оила, маҳалла ҳамкорлигига зарурат туғилади.

Маҳалла - соғлом ижтимоий муҳит маскани бўлиб, унда кенг жамоатчилик ўртасида тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйиш имконияти мавжуд. Ўқувчи яшаб турган ижтимоий муҳитда ахлоқий қарашлар, юриш-туриш ва алоқа малакалари, тажрибаларини эгаллайди. Мактабда олган билимларини ҳаёт тажрибалари билан солиштиради, мустақилроқ бўлишни, ўзидан кичикларга ғамхўрлик қилишни, ўз ўртоқлари, тенгдошлари билан муносабатни ўрганади. Шунингдек у, оила доирасида кенг уй, кўча, маҳалла, шаҳар ёки қишлоқ ҳаётига мослашади.

Шундай экан ёшларни тарбиялашда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги энг муҳим ўринни эгаллайди.

Ўқув юртида ота-оналар, жамоатчилик қўмиталари ва уларнинг иш шакллари.

Ўқув юртида ота-оналар, жамоатчилик қўмиталарининг ҳамкорликдаги тарбиявий фаолияти қуйидаги шаклларда олиб борилади:

1.Педагогик маъруза. Ўқитувчилар томонидан ташкил қилиниб, уни ўтказишдан мақсад ота-она ва маҳалла аъзоларига таълим ва тарбиянинг илмий асослари тўғрисида маълумотлар бериш. Маърузалар мактаб, маҳалла қўмиталари, корхоналарда ва маданият саройларида ўтказилиши мумкин.

2.Илмий – амалий конференция. Синф раҳбарларининг ота-оналар иштирокида амалга ошириладиган, мафкуравий тарбияни ўз ичига қамраб олган, оилавий тарбиянинг илғор амалий тажрибасини қўшиб олиб боришни тарғиб қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Оилавий тарбиянинг етилган муаммолари юзасидан илмий –амалий конференция бир синф, параллел синфлар ота-оналари учун, қуйи, ўрта, юқори синф ота-оналари учун алоҳида ўтказилиши мумкин. Конференция мавзулари ҳам ҳамкорликда танланади. Жумладан, қуйидаги мавзуларнинг тарбиявий аҳамияти катта: «Болаларнинг меҳнат тарбияси», «Фуқарони камол топтирайлик», «Миллий мафкура ва ғоя моҳияти», «Оилада рағбатлантириш ва жазолаш шакли» ва ҳ.к.

Асосий тайёргарлик ишлари синф раҳбари раҳбарлигида амалга оширилади. У ота-оналар қўмитаси (мактаб ота-оналар қўмитаси президиуми) билан биргаликда конференцияни тайёрлаш ва ташкил этиш режасини тузади. Режада одатда қуйидаги масалалар кўзда тутилади:

- конференция дастурини тузиш;
- конференция мавзу юзасидан муҳокама қилиш учун аниқ масалалар ажратиш;
- конференция мавзуи юзасидан ота-оналар учун мавзули кўргазма ташкил этиш (адабиётларни, таниқли педагогларнинг фикрларини ва ҳ.к. ларни танлаш);

-ота-оналарнинг мўлжалланилаётган нутқларини тайёрлаш;
-мазкур муаммо юзасидан оилавий тарбия ижобий тарбиясини умумлаштириш;

-синф раҳбари (синф раҳбарлари методик хайати томонидан синф ота-оналар комитети президиуми) билан ҳамкорликда болалар тарбиясини яхшилаш юзасидан тегишли тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Конференцияни муваффақияти уларнинг фаоллиги, моҳирона сўзга чиқишларига боғлиқ.

Конференцияни ўтказиш тартиби:

1.Синф раҳбарининг конференцияни ўтказиш вазифалари ва тартиби тўғрисидаги кириш сўзи;

2.Болаларни тарбиялашнинг аниқ масаллари юзасидан ота-оналарнинг берган қисқача маълумотлари;

3.Тингланган маърузалар юзасидан фикрлар;

4.Мактаб директори ёки синф раҳбарининг конференция якунлари бўйича хулосаси.

3.Очиқ эшиклар куни ёки ота-оналар куни. Одатда мактаб таътиллари пайтида ўтказилади. Уни ташкил этиш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин. Бу таркиб топган анъаналарга ва синф раҳбарининг ижодкорлигига боғлиқдир. Бу байрам муносабатлари билан, болалар ясаган буюмлар кўргазмаси ва савдо ярмаркаси, спорт мусобақалари ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин.

Очиқ эшиклар куни одатда 2-3 ярим соат давом этади. ва ота-оналарга маслаҳат бериш билан тугаши мумкин, бунинг учун мактабга врач, ёзувчи, ҳуқуқшунос, оталиқ корхоналари мутахассислари таклиф этилади.

4.Очиқ дарс. Ота-оналарнинг ҳозирги таълим даражасида ташкил қилинган очик дарсларни кузатиши уларга фарзандларига ўқишда кўмаклашиш имконини беради.

5.Маслаҳатлар бериш савол-жавоб кечалари. Бундай кечаларга камида бир ой олдин ўқитувчи ва ота-оналар биргаликда тайёргарлик кўришади. Тайёргарлик жараёнида барча учун актуал бўлган муаммолар кўтарилади. Ота-оналарнинг эҳтиёжини янада тўлароқ кондириниш учун бундай кечаларга психолог, тиббиёт ходими, ҳуқуқшунос ва ҳ.к.ларни таклиф қилиш мумкин.

6.Ота-оналар йиғилишлари. Анъанавий таркиб топган шакл бўлиб, ҳал қилинаётган аниқ вазифаларга боғлиқ ҳолда синф йиғилишларини ташкилий, чорак, якуний йиғилишларга бўлиш мумкин.

7.Бирор мавзуга бағишланган йиғилишлар. Тарбиянинг энг долзарб муаммолари юзасидан ўтказилади, уларда ота-оналар кўмитаси ва синф раҳбарининг ўқувчиларнинг у ёки бу соҳадаги тарбияланганлик даражаси тўғрисида тўплаган материаллардан фойдаланилади.

8.Мажлис-мунозаралар. Ота-оналар эътиборини тарбиянинг бирор муаммосига жалб этиш мақсадида ўтказилади. Мунозара шаклидаги мажлис оилавий тарбиянинг энг ўткир масалаларини тилга олиш,

хатоларини кўрсатиш, бу хатоларнинг оқибатларини таҳлил этиш имконини беради.

9.Мажлис практикумлар. Ота-оналарнинг тарбиявий жараёнда иштирок этишини фаоллаштириш, унга иқсадга йўналтирилган тус бағишлаш мақсадида ўтказилади. Ота-оналар кўмитаси навбатдаги мажлисда ота-оналар олдида бир ой мобайнида болада муайян хусусиятлар намоён бўлишини кузатиш, масалан, унда меҳнатсеварлик даражасини белгилашдек аниқ тарбиявий вазифани қўяди. Ҳар бир оила учун аниқ саволлар тузилади ва кўпайтирилади: «Сизнинг фарзандингиз доимий топшириқларга эгами: уларни истар-истамас ёки қувонч билан бажарадими? Оиланинг бошқа аъзоларига улар меҳнатида кўмаклашадими?», ва ҳ.к.з. Мақсад оилада меҳнат тарбиясининг аҳволини ўрганиб, амалий маслаҳатлар бериш.

10.Ота-оналарнинг синфдаги умумий таълими режасига кўра мажлислар. Аввалдан белгиланган режа, муайян тизимга мувофиқ ота-оналарга педагогик билим беришнинг шакли бўлиб, унда оилавий тарбия тажрибаларини айирбошлаш, оммавий ахборот воситаларида босилиб чиқадиган мақолаларни муҳокама қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

2.1.17. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. (2С)

Режа:

1. Маънавий – маърифий тарбия тўғрисида тушунча.
2. Касб – ҳунар коллежларида маънавий – маърифий тарбиянинг тузилиши, мақсад ва вазифалари.
3. Маънавий – маърифий тарбия ишларини режалаштириш.
4. Тарбиявий ишларнинг асосий шакллари.

Маънавий - маърифий тарбия ҳақида маълумот.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий талаби бўлмиш баркамол авлод тарбияси, шубҳасиз маънавий – маърифий тарбиясиз амалга ошмайди. Бу ҳақда қатор фармойишлар, қонунлар чиқарилган.

Сессиялар, илмий анжуманлар, йиғилишлар, тадбирларда ҳам маънавий – маърифий тарбия аҳамияти тўғрисида такрор ва такрор фикрлар билдирилмоқда. Фикримиз далили сифатида президентимиз И.А. Каримов сўзларини келтирмоқчимиз: «Мен ХХІ аср – маънавият асри, маърифат асри, илм – фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъият аминман».

Хўш, маънавият ва маърифат деганда нимани тушунамиз?

Маънавият – араб тилидан келиб чиққан бўлиб, барча инсоний фазилатларининг йиғиндисидир. Маънавият инсон қалбининг ақл – заковати, дунёқараши, кадр – қиммати мезонидир. Маънавият ва маърифат бир – бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир – бирини тўлдириб боради.

Маънавият ва маърифат кишини ёруғликка, эзгуликка, озодликка ошно этади.

Маънавият ва маърифат кучи азалдан маърифатпарвар аجدодларимиз томонидан куйлаб, эътироф этиб келинган. Жумладан,

Мана мен демоқчи гапу ақида,
Сўз айтмоқ керакдир билим ҳақида.
Ўқув машъаладек қоронғу тунни,
Билим ёғду эрур, ёритар сени.

(Ю.Х.Ҳожиб)

«Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат - қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фандан ва маданиятдан маҳрум қилинган халқ жаҳолат панжараларининг орасида эзилади. Зероки, жаҳолат, энг қўрқинчли, фақир ва мухтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдир». (А.Авлоний)

Мустақиллик туфайли элимизга қайтарилган динимиз, эътиқодимизда ҳам инсон ҳаётида маърифат ўрни бекиёс эканлиги таъкидланган.

Қуръони Каримнинг биринчи нозил бўлган сураси ҳам «Икраъ» яъни, «ўқи», деб бошланади. Қуръоннинг 96 – «Ал - Алақ» сурасида эса: «Ўқи, Парвардигоринг беҳад қарамли, унинг ўзи қаламга ўргатган, инсонга унинг билмаганларини ўргатган», сўзлари битилган.

Муборак ҳадисларда ҳам илм, маърифатлилик улуғланади. Масалан, «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир», сўзлари муборак ҳадиси шарифда битилган. Илм туфайли кишилар ҳақ ва ноҳақни, ҳалол ва ҳаромни фарқлайдилар ва адолат қиладилар. Шундай экан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маърифатли, маънавиятли бўлмоғи лозимдир.

Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

Халқимиз азалдан касб-хунарга жуда катта эътибор берган. Таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши янги типдаги академик лицейлар ва касб – хунар коллежларини барпо қилди. Бу ўзгариш ўз навбатида эски таълим жараёнидаги узилишга барҳам берди, ўқувчиларни ўзлари ҳоҳлаган йўналишни танлашларига кенг имконият яратди.

Оилада болаларга жуда эрта хунар ўргатила бошланган, чунки халқимиз «Хунарли киши хор бўлмас», деган ақидага қаттиқ риоя қилишган.

Шарқ мутафаккирлари таълимотида ҳам ёшларга касб – хунар ўргатиш масалаларига жиддий қаралган.

Ўқув юртида маънавий - маърифий тарбия тизими, принциплари, мазмуни.

Бугунги кундаги касб – хунар коллежлари жаҳон таълим стандартларига жавоб берадиган маскандир. Касб-хунар коллежлари таълим-тарбия тизими умумтаълим мактаблари таълим-тарбия тизимидан маълум жиҳатдан фарқ қилади. Жумладан,

1. Касб – ҳунар коллежларида умумий таълим фанлари билан биргаликда мутахассислик фанлари қўйилади.

2. Касб – ҳунар коллежлари талабалари мактаб ўқувчиларига нисбатан кўпроқ педагогик таъсир остида бўладилар, яъни умумий таълим, мутахассислик дарсларидан ташқари ўқув устахоналари ва ишлаб чиқариш амалиётида дарсдан ташқари тадбирларда ва талабалар уйида ҳам педагоглар ишлаб чиқариш усталари билан мулоқотда бўладилар.

3. Мутахассислик кўникма, малакаларини шакллантиришга курсдан – курсга ўтишга эътибор кучая боради.

Касб –ҳунар коллежларида тарбия жараёни юқоридаги фарқларни эътиборга олиб, тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг қуйидаги тамойилларига асосан режалаштирилиши лозим:

1. Тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
2. Тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғланиши;
3. Шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
4. Тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;
5. Тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
6. Тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;
7. Шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш, талабаларни инсонга нисбатан эътибор, ғамхўрлик, жамоатчилик руҳини сингдиришга ёрдам қилади.
8. Талабани ҳурмат қилиш, унда ўзига бўлган ишончни орттиради.
9. Талабанинг индигтив, инқироз ёшларини билиш, уларнинг индивидуал – психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қобилиятлар) ни ҳисобга олиш уларга шахс сифатида шаклланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тарбиявий ишларни касб – ҳунар коллежларининг умумий тарбиявий режасига асосан маълум изчилликда олиб борилиши изчиллик тамойили бўлса, тизимлилик тарбиявий жараёни оила, ишлаб чиқариш, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати, ёшлар касаба уюшмаси, жамоатчилик, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилишидир.

Тизимлилик ва изчилликнинг асосий шарти тарбия соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда уйғунликка риоя этишдир.

Тарбиявий ишларнинг маълум мезонлари асосида олиб борилиши тарбиявий жараёнинг тўла қамровли бўлишига имкон яратади.

Давлатимизнинг демократик тизимга ўтиб, мустақил бўлиши бугунги кунда талабаларнинг фикрлаш жараёнига тўғри таъсир қилишни тақозо қилади. Демак талабаларда Мустақиллик тафаккурини тўғри шакллантириш биринчи мезон бўлиши керак. Мустақиллик тафаккурини тарбиялаш асосини ўз илдизларини чуқур билган, қадриятларни эъзозлайдиган, ватан равнақи ва тинчлиги учун қайғурадиган ёшларни

тарбиялаш ташкил қилади. Бу жараёнда талабаларнинг миллий мафкура тўғрисидаги тушунчасини тўғри шакллантириб, давлатимиз равнақиға, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий – маърифий жабҳаларида олиб борилаётган эзгу ишларига фаол иштирок этадиган, тинчлик ва мустақилликка хизмат қиладиган ёшларни тарбиялаш, уларда инсонпарварлик, дўстлик ҳисларини ривожлантириш билан бир қаторда тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳислатларини шакллантириб, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлигини кучайтиришга ва кенгайтиришга хизмат қиладиган ёшларни тарбиялашга асосий эътибор қаратилади.

Мустақил тафаккурни тарбиялашда қуйидаги йўналишларга эътиборни қаратиш лозим деб топдик:

1. Миллий истиқлол мафкураси – миллий ўзликни англаш.

Йўналиш мақсади: - ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

2. Талабалар билимини янги ахборотлар билан бойитиш.

Йўналиш мақсади: - талабаларда мустақил фикрлашни тўғри шакллантириш.

3. Маънавий меросни мустаҳкамлаш.

Йўналиш мақсади: - қадриятларни тиклаш, йўқолиб бораётган урф – одатлар, меҳр – мурувватни ёшлар онгига сингдириш.

4. Чин инсон тарбияси.

Бу мезонинг мақсади: - ёшларга инсоний тушунчаларни тўғри шакллантириш, юксак инсоний туйғуларни тарбиялашдир.

5. Ўзбекистон халқларининг тарихий меросларига ҳурмат руҳида тарбиялаш.

Йўналиш мақсади: - ўз тарихини билмаган инсоннинг келажаги бўлмайдиган, деган нақл ташкил этади.

Дунёга машҳур шарқ алломалари ҳаёти ва ижодини ўрганиш талабалар фикри онгининг тўғри шаклланишига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий тарбия.

Касб – ҳунар коллежини битирувчи ёш мутахассис бу йўналиш ёрдамида тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб – китоб тўғрисида тўғри тушунчага эга бўладилар.

Эстетик тарбия.

Талабаларнинг воқеликка, гўзалликка, инсоний муносабатларга бўлган қарашларини тўғри шакллантиришни назарда тутлади.

Жисмоний тарбия.

Бу йўналишнинг асосий мақсади: - талабаларнинг соғлом ўсишини таъминлаш билан бир қаторда уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, ватан муҳофафасига тайёрлашдир.

Маънавий - маърифий тарбия ишларини режалаштириш.

«Таълим тўғрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да қайд қилинишича, узлуксиз таълимни ислоҳ қилишда, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда маънавий ва маърифий ишлар асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки, ёш авлодни тарбиялашда маънавий – ахлоқий тарбия мезон қилиб олинмаса, тарбиявий ишлар самарадорлигига эришиб бўлмайди. Шундай экан, узлуксиз таълимнинг асосий мақсади, маънавий – ахлоқий талабларга жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш бўлиши керак. Мақсадни амалга оширишда маънавий - маърифий ишларни тўғри режалаштириш асосий ўринни эгаллайди. Қуйида, балки турли типдаги касб-хунар коллежларига мўлжалланган маънавий - маърифий тарбия ишлари режасидан намуна келтирилган. Режа ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Хусусий хонадон ва ижарада яшайдиган талабалар билан олиб бориладиган маънавий – маърифий ишлар режаси.

№	Ўтказиладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Масъул шахслар	Изоҳ
І . Ташкилий ишлар				
1.	Хусусий хонадонларда ва ижарада яшовчи талабалар яшаш жойини аниқлаб, улар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни алоҳида қайд қилиб бориш	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари	
2.	Хусусий хонадон ҳамда ижарада яшовчи талабалар ҳолидан хабардор бўлиш мақсадида, ҳар ойда бир марта улар истикомат қиладиган хонадонларга рейдлар уюштириш	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	
3.	Моддий жиҳатдан кам таъминланган кўп болали оилалардан чиққан талабаларнинг моддий аҳволини аниқлаш ва ёрдам бериш	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари, факултет талаба ёшлар касаба уюшмаси	
4.	Моддий жиҳатдан кам таъминланган талабаларни имкон борича рағбатлантириб туриш	Сентябр	Институт талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати Гуруҳ раҳбарлари	
5.	Хусусий хонадон ва ижарада яшаётган талабалар билан факултет раҳбарларининг учрашувини ташкил этиш	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари	
ІІ . Маънавий ва маърифий тарбия.				
1.	Талабаларни ўқув юртидаги	Ўқув йили	Гуруҳ раҳбарлари	

	мавжуд тўғаракларга жалб қилиш	давомида		
2.	Талабаларнинг турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда уларни қизиқтирадиган саволлар, муаммолар борасида алоҳида давра суҳбатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари билан учрашувлар ва мулоқот кечаларини ташкил этиш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
3.	Устоз-шогирд муносабатларини тартибга солиш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
4.	Турли жамғармалар томонидан ташкил қилинадиган кўрик – танловларга талабаларни жалб қилиш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
5.	Иқтидорли ва истеъдодли талабалар ишини мунтазам назорат қилиб туриш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
6.	Талабаларнинг ота – оналари билан мунтазам мулоқотда бўлиш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
7.	Йил давомида нишонланадиган байрамларга бағишлаб ўтказиладиган тадбирларга талабаларни жалб қилиш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари, талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	
III . Мехнат ва жисмоний тарбия				
1.	Талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун оммавий спорт ўйинларини ташкил қилиш	Ўқув йили давомида	Кафедра ўқитувчилари Гуруҳ раҳбарлари	
2.	Обондончилик ишларида мунтазам иштирок этиш	Ўқув йили давомида	Кафедра ўқитувчилари Гуруҳ раҳбарлари	
IV . Миллий тарбия				
1.	Талабаларнинг маънавий дунёсидан огоҳ бўлиб, улар онгига миллий ғоя ҳамда мафқурани сингдириш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
2.	«Бухорои шариф ва истиқлол даври» рубрикаси орқали саёҳатларни уюштиришни йўлга қўйиш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари, Талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	
3.	Талабалар яшайдиган жойларнинг миллий тарбияга бўлган муносабатларини	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари	

	аниқлаб, уларни яхшилаш йўлларини мукаммаллаштириш			
4.	Ўзбек халқининг миллий удумлари, анъаналарини аниқлаб, уларни яхшилаш йўлларини мукаммаллаштириш.	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари, Талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	
V . Ҳуқуқий тарбия				
1.	Демократик давлат тизимининг асосий тамойилларидан бири бўлган қонун устиворлигини талабалар онгига сингдириш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари, Талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	
2.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлардаги милиция ходимлари билан учрашув ўтказиш	Икки ойда бир марта	Гуруҳ раҳбарлари, Талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	
3.	Талабаларнинг экстремистик оқимлар таъсирига берилиб кетмасликлари мақсадида улар билан мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказиб туриш	Ўқув йили давомида	Гуруҳ раҳбарлари, Талаба ёшлар касаба уюшмаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати	

**Талабалар уйида олиб бориладиган маънавий ва маърифий ишлар ва
тадбирлар режаси.**

№	Ўтказиладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Масъул шахслар	Изоҳ
I . Ташкилий ишлар				
1.	Талабаларни ётоқхонадан фойдаланишнинг ички қоидалари билан таништириш	Ўқув йили давомида	Навбатчи ўқитувчи	
2.	Талабаларни яшаш шароитини доимий назорат қилиб бориш	Ўқув йили давомида	Навбатчи ўқитувчи	
3.	Ётоқхонада яшайдиган талабалар хоналарининг тозалигини санитария ва гигиена талабларига жавобини мунтазам равишда назорат қилиб боришни ташкил этиш	Ўқув йили давомида	Навбатчи ўқитувчи	
II . Маънавий ва маърифий тарбия				
1.	Талабалар билан ҳафтанинг асосий янгиликлари ҳақида мунозара ўтказиб туриш	Ҳар ҳафтанинг душанба куни	Навбатчи ўқитувчи	
2.	Талабаларнинг миллий мафкурасини тўғри шакллантиришга эътиборни	Ўқув йили давомида	Навбатчи ўқитувчи, Гуруҳ раҳбарлари	

	қаратиш			
3.	Кафедра кунларини ўтказиш:	Ўқув йили давомида.	Кафедра ўқитувчилари	
3.1.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни	1 - декабр	кафедра ўқитувчилари	
3.2.	«Ўчмас сатрлар» мавзусида Навойхонлик кечаси ўтказиш	1 - феврал	кафедра ўқитувчилари	
3.3.	Баҳор - фасллар келинчаги мавзусида мушоира ўтказиш	1 - март	кафедра ўқитувчилари	
3.4.	«Кулинг умрингиз узаяди» мавзусида кулги кечаси ташкил қилиш.	1 - апрел	кафедра ўқитувчилари	
3.5.	Хотира кунига бағишлаб «Унутмас осонмас бизларни» мавзусида адабий – бадиий композиция ўтказиш	1 - май	кафедра ўқитувчилари	
3.6.	«Бола азиз, одоби ундан азиз» мавзусида мулоқот ўтказиш	1 - июн	кафедра ўқитувчилари	
III . Меҳнат ва жисмоний тарбия				
1.	Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ётоқхона ҳудудидаги спорт майдонидан унумли фойдаланишни ташкил этиш	Ўқув йили давомида	Навбатчи ўқитувчи, Гуруҳ раҳбарлари	
2.	Ётоқхонада яшайдиган талабалар ўртасида спорт ўйинлари: шахмат, шашка, баскетбол, футбол, волейбол ўтказиш	Ўқув йили давомида	Навбатчи ўқитувчи, Гуруҳ раҳбарлари	
IV . Миллий тарбия.				
1.	Кафедра кунларини ўтказишда миллий тарбия мавзусида маърузалар, суҳбат, савол – жавоблар ўтказиш	Ўқув йили давомида	Кафедра ўқитувчилари	
2.	«Халким удумлари» мавзусида кўрик-танлов ўтказиш	Апрел	Гуруҳ раҳбарлари	
3.	Талабаларни қизиқтирган саволлар бўйича миллий тарбияга оид давра суҳбатлари ўтказиб туриш	йил давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
V . Ҳуқуқий тарбия.				
1.	Ётоқхона талабаларини мунтазам равишда қонунларни ўрганиш ва унга риоя қилишга одатлантириш	Йил давомида	Гуруҳ раҳбарлари	
2.	Ётоқхонада чекиш, ичиш ва гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида врач	Йил давомида	Гуруҳ раҳбарлари	

	маслаҳати, суҳбатларини ўтказишни ташкил қилиш			
3.	Талабалар ўртасида миллатлараро муносабатларни яхшилаш борасида суҳбат ўтказиш	Йил давомида	Гуруҳ раҳбарлари	

1. Тарбиявий ишларнинг асосий шакллари. Ўқиш ишларидан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг янги йўналишлари.

Тарбиявий ишларнинг шакллари турли-туман бўлиб, улар ҳар бир касб-хунар коллежи тузилиши, ихтисосига қараб танланади. Буларга турли мавзудаги суҳбатлар ўтказиш, меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш ходимлари, тадбиркорлар, васийлар ва ҳомийлар билан учрашувлар ташкил қилиш, турли мавзуларда кўрик - танловлар ва беллашувлар ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналарига, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш, театр, кино, концертларга қатнаб туриш билан бир қаторда маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил қилиш ва ўқитувчи ва талабаларнинг ҳоҳишига биноан турли тадбирлар ўтказиш киради. Қуйида баъзи тарбиявий ишлар шаклларига изоҳ беришга қарор қилдик.

СУҲБАТ. Талабалар билан дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда, тарбиявий соатларда қизиқарли мавзуларда суҳбатлар ташкил қилиш талабалар билан ўқитувчи ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, уларнинг эркин, мустақил фикрлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Тарбиявий ишларнинг барча йўналишлари бўйича суҳбатлар ташкил қилиш мумкин. Суҳбатни ташкил қилишдан бир неча кун олдин мавзу талабаларга вазифа сифатида тарқатилиши уни янада қизиқарли ва жонли, маълум жиҳатдан илмий ўтишига асос солади. Қуйида гуруҳларда ўтказилиши мумкин бўлган суҳбат мавзуларидан намуналар кўрсатамиз:

1. Мустақиллик тафаккурини тарбиялаш бўйича:

«Ватан остонадан бошланади», «Ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан, севишдан бошланади», «Мустақил Ватаним, сени куйлайман», «Ўзбекистон Ватаним маним», «Ёш авлодни Ўзбекистон мадҳияси, герби, байроғи, конституциясига, садоқат руҳида тарбиялаш», «Она Ватан, мустақил Ўзбекистонга содиқ бўлиш», «Мустақиллик берган буюк неъмат», «Алпомиш аждодларимиз», «Ўзбегим ўғлонлари» ва ҳ.к.

2. Миллий истиқлол мафкурасини тарбиялаш бўйича:

«Дунё бизни танимоқда», «Алломалар шаҳри азим Бухоро», «Дўст билан обод уйинг», «Йўлимиз олис - дилимиз яқин», «Инсонпарварлик.- ўзбек халқига мос энг яхши фазилатдир» ва ҳ.к,

3. Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш бўйича:

«Имом Ал-Бухорийнинг ҳадислари», «Амир Темур тузуклари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти», «Алишер Навоий даври ва ҳозирги замон» ва ҳ.к.

4. Экологик тарбия бўйича:

«Табиатни муҳофаза қилиш ҳамманинг бурчи» кўргазмаси ташкил қилинади. «Ўзбекистон қизил китобига киритилган ҳайвонлар», «Доривор ўсимликлар ва уларнинг аҳамияти», «Инсон табиат шайдоси», «Ўлкамиз табиати», «Ота – боболар табиатни асраш тўғрисида» ва ҳ. к.

5. Иқтисодий тарбия бўйича:

«Бозор иқтисодиёти», «Бизнес нима?», «Солиқ нима?», «Қимматбаҳо қоғозлар - акция», «Ўзбекистон иқтисодиёти», «Маркетинг нима, менежер ким?», «Ўзбекистон – жаҳон бозорида» ва ҳ.к.

6. Ҳуқуқий тарбия бўйича:

«Конституция менга нима берди?», «Сен ўз ҳуқуқларинг ва бурчларингни биласанми?», «Демократик давлат тузиш йўлида мен нима қилмоғим керак?» ва ҳ.к.

7. Ақл заковат тарбияси бўйича

«XXI аср маданияти ва маънавияти», «Ахлоқ- одоб сабоқлари», «Одоб олтиндан қиммат» ва ҳ.к.

8. Эстетик тарбия бўйича:

«Маданият нима?», «Жаҳон маданиятини ўрганамиз», «Гўзаллик нима?», «Кийиниш маданияти», «Муомала маданияти» ва ҳ.к.

9. Оила тарбияси бўйича:

«Ватан остонадан бошланади», «Оилада отанинг ўрни», «Оилада онанинг ўрни», «Оилада фарзандлар ўрни» ва ҳ.к.

10. Она тилига меҳр – муҳаббат руҳида тарбиялаш бўйича:

«Ўзбек тилининг келиб чиқиш тарихи», «Соф тил учун кураш» ва ҳ.к.

11. Диний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича:

«Ҳадисларни ўрганамиз», «Қуръони Каримда тарбия масалалари», «Нақшбандия таълимотининг бугунги кундаги аҳамияти» ва ҳ.к.

Тарбия йўналишлари ва улар бўйича суҳбатларни таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи ўз ихтиёрига биноан кенгайтириб танлаши мумкин.

УЧРАШУВ.

Касб – ҳунар коллежларида талабаларни касбга йўналтириш, уларнинг фикрлаш доирасини, дунёқарашини кенгайтириш, ҳаётда ўз ўрнини топган одамлар билан суҳбат қуриб, улардан ўрнатилган олишлари учун учрашувлар ташкил қилинади.

Учрашувга касб – ҳунар коллежи ҳомийлари, васийлари, меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш ходимлари (касб – ҳунар коллежи ихтисослиги бўйича), маҳаллий ҳокимият вакиллари, маданият ва санъат, фан арбобларини таклиф қилиш мумкин. Учрашувни ўтказиш тартиби ўқитувчи - педагоглар томонидан танланади. Бу «Адабий – мусикий композиция», «Бир пиёла чой устида суҳбат», «Сўранг, жавоб берамиз» ва ҳ.к.з.лар бўлиши мумкин.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Талабаларнинг касбига бўлган қизиқишини орттириш, мутахассислиги бўйича билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, уларнинг мафкуравий тафаккурини шакллантириш, мақсадида кўрик

танловлар ўтказилади. Кўрик –танловлар иншолар ёзиш, расмлар чизиш техник қобилиятни кўрсатиш ва ҳоказо шаклларда бўлиши мумкин.

БЕЛЛАШУВ

Талабаларнинг касбий ва мафкуравий билим, кўникма, малакаларини тўғри шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида «Қувноқлар ва зукколар», «Балли йигитлар», «Балли қизлар» ва ҳоказо мавзуларда ўтказилади.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРГА САЁҲАТ

Ахлоқий тарбия шакли бўлиб талабаларда ўз юртига бўлган муносабатни ижобий шакллантириш, миллий қадриятларни эъзозлаш, ота-боболари меросини қадрлашни ўргатиш мақсадида ташкил қилинади.

КОНЦЕРТ

Талабаларда санъатга, гўзалликка бўлган муносабатни тўғри шакллантириш муносабатида ташкил қилинади. Концертда талабалар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўз номерлари билан чиқишлари улар ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириб, тарбиявий ишларга, ёшларнинг маънавий қиёфасига ижобий таъсир кўрсатади.

«Мактабдан ташқари таълим» га қўйиладиган давлат талаблари.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган талаблар қўйилган:

«Болалар ва ўсмирларнинг яқин тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар - ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар –ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган талаба-ёшларнинг ўз-ўзини бошқаруви.

Талаба ёшларнинг ўз-ўзини бошқарув органларидан бири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топишини юртимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги катта воқелик деб баҳолаш мумкин. Юртбошимизнинг 2001 йил 24 январдаги бир гуруҳ ёшлар фаоллари ва ёшлар масалаларига алоқадор ташкилотлар раҳбарлари билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузишга бағишланган йиғилишда ёшларнинг бундай ҳаракатини ташкил этиш, навқирон авлодни истиқлол ғоялари, ватанга муҳаббат ва садоқат сингари эзгу тушунчалар атрофида янада жипслаштириш ҳаётий зурурат эканлиги таъкидланган эди. Ҳаракат

ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талабалари асосида тарбиялаш, ёш йигит - қизларнинг ўз ақл заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароит яратиб бериш сингари улугвор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳаракат - нодавлат нотижорат ташкилотдир. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, барча туманларда Ҳаракатнинг бўлимлари фаолият юритмоқда. Олий ва ўрта махсус билим юртлари, мактаблар, саноат корхоналари, қишлоқ хўжалигидаги Ҳаракатнинг 20 мингга яқин бошланғич ташкилотига 5 миллионга яқин ёшлар бирлашган. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган «Камалак» Болалар ташкилоти тузилган. Ҳаракат Дастурида ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад - вазифалари батафсил ёритилган бўлиб, у ташкилотнинг ёшлар тарбияси борасида сиёсий-ҳуқуқий, маънавий - маърифий, ижтимоий - иқтисодий, спорт ва жисмоний тарбия, халқаро фаолият соҳаларида амалга оширадиган асосий йўналишлари белгиланган бешта бобдан иборат. Ҳаракат Низомида ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш, унинг ички фаолияти тартибларини белгилайдиган асосий қоидалар XI боб, ўттиз саккизта бандда акс эттирилган.

Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган жинси, ирқи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қоида тариқасида, 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкин.

Ҳаракатнинг негизи бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар мамлакатдаги барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, Куролли кучлар, ҳуқуқ тарғибот органлари тизимларида ёшларнинг ҳоҳиш иродасига асосан тузилади. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида ташкил этилади. Ёшларнинг яшаш жойлари бўйича бошланғич ташкилотлар ташкил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати 33 та (давлат ва жамоат ташкилотлари) таъсисчилари йиғилиш қарори билан Ҳаракатнинг жамоатчилик асосидаги Маслаҳат Кенгаши институти (органи) жорий этилган. Маслаҳат Кенгаши таркибига ёшлар тарбияси билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партия, ҳомий ташкилотлар ва етакчи олий ўқув юртлари вакиллари киритилган. Ҳаракат тизимларининг барча йўналишдаги фаолиятини йўлга қўйишда илмий-услубий тавсиялар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда вужудга келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларни тезлик билан ечиш, бартараф қилишда кўмаклашиш масалалари Маслаҳат

Кенгашининг мақсад-вазифалари этиб белгиланган. Маслаҳат Кенгашига унинг аъзолари орасидан сайланган раис раҳбарлик қилади.

IV БОБ. ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ (ДИДАКТИКА) (26 СОАТ)

2.1.18. ДИДАКТИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ(2С)

Режа:

1. Дидактика ва унинг тузилиши тўғрисида тушунча.
2. Таълим мазмуни.
3. Таълим принциплари ва методлари тўғрисида тушунча
4. Таълим назариясининг асосчилари.

Дидактика - таълим назарияси тўғрисидаги фан.

Таълим жараёнини тасаввур қилар эканмиз, доимо кўз ўнгимизга икки киши – ўқитувчи ва ўқувчи келади. Ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар фан чўққиларини эгаллайдилар: ўқиш – ёзишга топшириқлар, масалалар ечишга ўтадилар, мавзу бўйича хулосалар қилишга, ўз фикрларини асослаб бериш, таққослашни ўрганадилар. Ўқитиш жараёнининг самарали бўлиши ҳам ўқувчиларга фаоллик, ҳамфикрликни талаб қилади. Хусусан бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг кенгайишини, ҳаётимизга компьютер, интернет тармоқларининг кириб келиши ўқитувчидан жуда катта меҳнатни талаб қилади.

Бугунги ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши билан бир қаторда ўқитишни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил қила олиши даркор.

Демак, ўқитиш – билимлар, малакалар, кўникмалар ҳосил қилиш ва ўзлаштириш жараёнидир. Ўқитишнинг асосий вазифаси – ёш авлодни билимлар билан қуроллантиришдир.

Ёшларга билим беришда нималарни асос қилиб олиш?, нимага ва қандай ўргатиш йўлларини педагогиканинг дидактика қисми ўрганади.

Дидактика грекча сўз бўлиб, «Дидайко» - ўқитиш, «Дидаско» - ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан бўлиб, таълим назарияси деган маънони англатади.

Қайси фан бўлишидан қатъий назар дидактика умумий қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ўтилади, чунки у ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактиканинг асосий категориялари: таълим принциплари, таълим мазмуни, методлари, ўқитишнинг ташкилий шакллари, ўқиш, ўқитиш.

Таълим принциплари:

Таълим қоидалари ўқитувчининг ўз фаолиятини режалаштириш ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашларида риоя қилишлари керак бўлган асосий қоида ва йўл – йўриқларни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси.
2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиш қоидаси.
3. Таълимнинг тарбияловчилик характери.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлик қоидаси.
5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси.
6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси.
7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси.
8. Таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси..
9. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси.

Таълим мазмуни:

Ўқув режаси – давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси – барча ўқув юртларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда курслар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Мактабнинг ягона ўқув режаси халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ҳар бир ўқув фани учун ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади.

Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Касб – ҳунар коллежлари дастурининг тузилиши уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда мазкур дастурга амал қилиш юзасидан йўл – йўриқлар – қисқача ўқитиш хати; иккинчи бўлимда – ўқув материалларининг мазмуни; учинчи бўлимда эса ўқувчиларнинг кўшимча равишда ўрганишлари лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

Дарслик ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Дарслик – ўқувчиларнинг иккинчи «муаллими». Чунки у, аввало, ўқувчи учун зарур қўлланмадир. Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Таълим методлари.

Ўқитиш методлари – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иш усуллари бўлиб, улар ёрдамида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришларига эришилади, уларнинг дунёқараши таркиб топтирилади ва қобилиятлари ривожлантирилади.

Ўқитиш методлари маълум воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Восита – маълум ўқитиш усулини амалга оширмақ учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва бошқа шу қабилардан фойдаланишдир.

Таълим тизимида қуйидаги анъанавий таълим методлари маълум:

1. Ўқитишнинг оғзаки усуллари.
2. Ўқитишнинг кўргазмали усуллари.
3. Ўқитишнинг амалий усуллари.
4. Ўқитишнинг муаммоли – изланишли ва репродуктив усуллари.
5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.
6. Мустақил иш усуллари.
7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш усули.
8. Ўқитишда назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш усули
9. Китоб билан ишлаш усули.

Ўқитишнинг ташкилий шакллари:

Замонавий ўқитиш тизимида ўқитишнинг янги педагогик технологияларини қўллаш билан бир қаторда, ўқитишнинг анъанавий – ташкилий шаклларида қўлланилмоқда.

Ўқитишнинг анъанавий – ташкилий шакллари:

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган дарслар.
2. Амалий ва тажриба шаклида олиб бориладиган машғулотлар қиради.

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган дарслар режа асосида, маълум тизимда, хилма – хил усуллар ёрдамида ўқув материални баён қилиш, талабаларда шаклланаётган билим, кўникма, малакаларнинг изчиллигига эътиборни қаратиш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишни ўз ичига олади.

1. Амалий ва тажриба шаклида олиб бориладиган машғулотлар ўқув устахоналари, тажриба ер участкалари, ишлаб чиқариш корхоналари, экин майдонларида амалиёт шаклида олиб борилиши ёки экскурсия шаклида ташкил қилиниши мумкин. Бундан ташқари семинар шаклида олиб борилади.

Амалий тажриба машғулотларининг синф – дарс шаклидаги машғулотдан асосий фарқи талабаларнинг маълум билим, кўникма ва

малакаларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, талабаларда мутахассисликлари бўйича назарий билимлар билан бир қаторда амалий билимга эга бўлиш ҳамда уни тадбиқ қила олиш имкониятини яратади. Чунки, талабалар амалий тажриба машғулотларида ўзларининг мутахассисликларига оид иш куроллари ва бошқа воситалар билан танишиб, улардан қандай фойдаланишни ўрганадилар. Шу билан бир қаторда санитария гигиена талаблари, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва ишни тўғри ташкил қилишни ўзлаштирадилар.

Таълим назариясининг асосчилари Фаробий, Ибн-Сино, Аз-Замахшарий, Беруний, Зарниджий, Ян Амос Коменский, Дистерверг, К. Д Ушинский.

Абу Наср Фаробий.

«Шом шаҳри мадрасаларидан бирида арабшунос олимларнинг йиғилиши давом этарди. Раислик қилувчи ёш бир йигитчага сўз берди. У араб тили шевасининг товуш хусусиятлари ҳақида маъруза қилди. Маъруза жиддий баҳсга сабаб бўлди. Охирида барча машҳур тилшунос олимлар бу йигитчани араб тили донишманди, деб тан олдилар. Бу толиби илм қомусий билим соҳиби, машҳур файласуф, шоир адабиётшунос ва мусиқашунос Абу Наср Фаробий эди. «Фаробий 70 тилни биларди» деган нақл ўшандан колган экан».

Таълим назариясининг асосчиларидан бўлган Абу Наср Фаробий антик юнон файласуфларидан Евклит, Афлотун ва Арасту асарларини таржима қилиб, шарҳлаб шарқда кенг тарқатилишига катта ҳисса қўшгани ва жуда кўп фалсафий масалаларни ўша олимлар даражасида талқин этгани учун «Муаллими соний – иккинчи муаллим», деб ном олган. Фаробий бутун умрини илм ўрганишга бағишлаб, араб мамлакатларидаги мадрасаларда дарс бериш билан камтарона, фақирона ҳаёт кечирган. Биргина Шом шаҳрида унинг мингдан ортиқ шогирдлари бўлган. Ибратлиси шундаки, Фаробий ҳам илм ўрганиб, ҳам муаллимлик қилган экан. Фаробий Ҳалаб шаҳрида яшаган пайтида шаҳар ҳокими илм – фан ҳомийси Сайфутдавла унга давлат ҳисобидан маош тўларкан. Шуниси қизиқки, олим бу пулдан кундалик тирикчилиги учун етадиганинигина олар экан.

Фаробий ҳикматларидан:

Ҳар бир киши касб – корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ – атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим.

Ҳар кимки илм – ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилсин, ахлокли – одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр – хийладан узоқ бўлсин.

Ибн-Сино

Донишмандлар устози номи билан машҳур қомусий билим эгаси Абу Али ибн Сино илмий ижодининг ибратли жиҳати шундаки, у билимлар чўққисига мустақил мутолаа натижасида эришган. У мустақил шуғулланиб

математика, астрономия, физика, араб ва форс тилларини пухта билиб олади. Машҳур табиб Абу Мансур Қамарийдан илми тибни ўрганади.

18 ёшида атоқли табиб сифатида танилади. Қўшниси Абулҳасан Арўзтога турли билимларни ўргатишга ёрдам берадиган «ал-Мажмуъ» («Тўплам») рисоласини, Абу Бакр Бақарийга 20 жилд келадиган «Саховат ва жиноят ҳақидаги китоб» қўлланмаларини ёзиб беради.

Ибн Синонинг ҳар бир асарида таълимий ғояларни кўриш мумкин. Жумладан, Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида инсон ҳаёти, унинг фаолияти фақат жамоада амалга ошиши ва ривож топиши мумкинлигини қайд қилади. Инсон уни ўраб олган табиат ва табиий ҳодисалардан ташқаридаги нарсаларга муҳтожлик сезадик, бу нарсаларни фақат меҳнат қилиш билан яратади, лекин бу нарсаларни фақат ўз меҳнати билан амалга ошира олмайди, уларни яратиш учун бошқалар ҳам иштирок этиши керак ёки жамоа ёрдам бериши лозим. Бунинг учун жамоа аъзолари ўзаро яхши муносабатда бўлишлари керак. Бу муносабат тил, маъноли овозлар орқали юзага келади. Яхшилик одамларни иноқликка, ёмонлик билан келишмовчиликка олиб боради. Ибн Синонинг таъкидлашича, яхши одат, яхши хулқ ва ёмон хулқ ҳақидаги тушунча, билимлар инсонда шу асосда шаклланиб боради.

Ибн Сино болаларни битта – битта, алоҳида ўқитишдан кўра, жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва унинг устунлиги ҳақида гапириб шундай ёзади: «Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар, ўз билимлари билан ғурурланадилар, бир – бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Ғурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир – бирларидан орқада қолмасликка ундайди.

Ўқувчилар бирга бўлганда, доим бир – бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар».

Ибн Сино болаларга Қуръонни ва грамматик қоидаларни ўргатиб, диннинг мақсадларини тушунтириб бўлгандан сўнг, уларни маълум ҳунарга жалб этишни, ҳунар асосларини эгаллашларига эътибор беришни, улар ҳунарни эгаллаб, ўз ҳаётларини таъминлай олишларига эътибор беришни тавсия этади. Ўқитувчи болани ҳунарга ўргатишда унинг қобилияти, истеъдоди, имкониятларини эътиборга олиши кераклиги, барчани бирданига бир ҳунарга ўргатиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрларни илгари суради.

Маҳмуд Замахшарий

«Ҳар галгидек бугун ҳам Маҳмуд ўрнидан кўзини укалаб турди – да, онасининг «юз – қўлингни ювиб, нонушта қил, ўйин қочмайди»,

- дейишига қарамай, варрагини олиб томга чиқиб кетди. Ҳур – хур эсаётган баҳор шабадаси бирпасда варракни осмонга кўтарди. Варрак ҳаволаб юқорилаган сари, Маҳмуд уни янада баландга чиқармоқчи бўлиб орқасига тисарилаверди. Ногаҳоний чинқириқ онани ҳушёр торттирди: не кўз билан кўрсинки, варрак аллақайларга учиб кетган, Маҳмуд эса томдан қулаб, инграб ётарди. Онанинг дод – войига қўни – қўшнилари тўпланишди. Болани кўтариб уйга олиб кирдилар. Бу орада отаси Абулқосим ҳам етиб

келди. Табиб чақирдилар. У оёқнинг синганини айтиб, албатта жарроҳлик муолажаси зарурлигини уқтирди. Жарроҳ келиб муолажа қилди: жароҳатни очиб, суяк заррачаларини олиб ташлади, асосий суякларни ўрнига солиб, малҳам қўйиб, тахтакачлади... Жароҳатлар тузалди – ю, аммо Маҳмуд оксоқ бўлиб қолди.

Бу шўх – шаддод бола кейинчалик Замахшарий тахаллуси билан ўзбек маданияти тарихига кириб, ўз замонасининг улкан ижодкорлари сафидан ўрин олади».

Замахшарий тил билими, тарих, география, адабиётшунослик, этнография, ахлоқ – одобга доир 50 дан ортиқ асар ёзган. У истеъдодли шоир ҳам бўлган, ғазал, қасида, нома, қитъаларни тўплаб, алоҳида девон тузган. Шеърларида Замахшарий кўпроқ дунёнинг моддийлиги ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади, китобхонга ахлоқий масалалар хусусида панд – насиҳатлар беради. Олим асарларининг 30 дан ортиғи турли даврларда кўчирилган нусхалари бизгача етиб келган. Олимнинг «Ал – кустос фил - арўз» («Арўз ўлчови»), «Насойих – ул - кибор» («Улуғлар насиҳати»), «Асос – ул - балоға» («Сўзамоллик асослари») китоблари Шарқ шеърляти назариясини, адабий – эстетик қарашлар тарихини, тил тарихини, ахлоқий – таълимий фикрлар такомилени ўрганишда ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Замахшарий «Муқаддиматул адаб» («Нафис адабиёт муқаддимаси») асарини хоразмшоҳ Аловуддин Абул Музаффар топшириғи билан ёзган. У араб грамматикаси, шевашунослигига доир ўнлаб рисоалар битган, луғатлар тузган. Олимнинг «Амоул авдия вал жибол» («Водий ва тоғ номлари») китоби қадимги Арабистон ва Ироқ мамлакатлари географияси ҳамда халқлари турмуш тарзларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Буюк ватандошимиз Замахшарийнинг асарлари барча замонларда Шарку, ғарб халқлари орасида шуҳрат қозонган. Шунинг учун уни илм – адаб аҳли «Хоразм фаҳри», «Жоруллоҳ», «Ажам ва Араб олимларининг устоди», («Устод – ул Араб ва Ажам») сингари номлар билан эъзозлашган. Абусаиди Самъоний – Марвазий (1113 - 1267), Ёқут Ҳамавий (1179 - 1227) каби олимлар «Насабнома», «Аджиблар ҳақида тўплам» асарларида Замахшарийни «адиблар пешвоси» деб таърифлаганлар. Буюк бобомиз Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» («Етти сайёҳ») достонининг устози Абдурахмон Жомий таърифига бағишланган бобида Замахшарийни эслаб ўтади:

Арабиятда дарс анинг вирди,
Ибни Ҳожиб камина шогирди,
Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ,

(арабчадан дарс бериш унинг доимий иши, Ибни Ҳожиб унга камтарин шогирд, Ибни Ҳожибгина эмас, ҳатто Жоруллоҳ ҳам араб грамматикасида унга тенглаша олмайди).

Замахшарийнинг адабиётшунослик, тилшунослик ва ахлоқ – одобга доир асарлари бизга ҳамиша ҳамдаму ҳамроҳдир.

Замахшарий ҳикматларидан

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара.

Агар тилингни тиймасанг, жоловингни душманингга бериб қўясан.

Беруний .

Бир куни Хоразмшоҳ от устида ичиб туриб Берунийни ҳужрасидан чақиришни буюрган. Нима сабабдандир Беруний бир оз кечиккан. Сабри чидамаган Хоразмшоҳ буни ўзича талқин қилиб, от жоловини Беруний томон бурган ва уловдан энди тушмоқчи бўлиб турганда Абу Райҳон ҳужрадан чиққан ва шоҳ олдида тез етиб келиб:

- Худо ҳаққи шоҳим, бундай қилмасинлар, - деб ялинган. Шунда шоҳ таслим тариқасида бундай деган:

- Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир. Барча унга қараб боради – ю, лекин келмайди. Илм ҳар нарсадан юксак, ҳеч нарса ундан юқори бўлолмайди.

«Мен болалик чоғимданоқ, - деб ёзганди Беруний, - ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борида кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш kifоя: биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб қўяр эдим». Демак, Беруний ёшлигиданоқ чидам ва матонат билан билим ўрганган, ҳатто юнон тилини ҳижжалаб эгаллаган. Ундаги ақл – заковат, теран билим Хоразмшоҳу Султон Маҳмудларни ҳайратга солган.

Берунийнинг 152 та асар ёзгани, 1036 йилгача битилган китоблари рўйхатини шахсан ўзи тузгани бизгача маълум. Афсуски бу асарлардан 30 тасигина бизгача сақланиб қолган. Бундан ташқари Беруний «Сайдананинг мукаддимасида «Вомиқ ва Ўзро», Урмўздёр ва Меҳриёр». «Бомийёнинг икки санами», «Додмоҳ ва Кирмондўхт», «Нилуфар» сингари қисса ва достонларни форсийдан араб тилига назм ва насрда таржима қилганлигини махсус қайд этган. Берунийнинг бизгача етиб келган аксари байтлари ҳасби ҳол (ўз дарди, кўнглини изҳор қилиш)ни эслатади.

Беруний асарлари Ўрта Осиё, умуман, Шарқ халқлари илм – фанининг кейинги асрлардаги тараққиёти учун бир замин бўлиб хизмат қилди. Унинг қадимги юнон олимларининг планетамиз шакли ҳақидаги фикрларини ўрганиб чиқиб, Шарқда биринчи бўлиб курраи арз (глобус) тузгани ҳам маълум. Кейинчалик, бу анъанани Улуғбек ва Ҳожи Юсуфлар давом эттирдилар. Олимнинг асарлари ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маданий, амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хусусан, «Ҳиндистон» асари ҳинд халқининг қадимги маданияти, тарихи, табиатини ўрганишда ҳиндшунослар учун ҳамон манба бўлиб келмоқда.

Беруний ҳикматларидан

Жонли мавжудоднинг барчаси, шу жумладан инсоннинг ўзи ҳам, табиий равишда пайдо бўлган ва у табиатнинг ривожланиши ҳамда ўзгаришининг натижаси ҳисобланади.

Киши кўнгли тартибли ва келишган нарсаларга мойил бўлади, тартибсиз нарсалардан нафратланади.

Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир.

К.Д.Ушинский ахлоқий тарбияга эътиборни қаратиб, уни шакллантиришда жисмоний ҳамда ақлий ўсиш билан мос келишини таъкидлайди. У тарбияни гармоник (ҳар томондан бир – бирига мосланиб) ўсган шахснинг таркиб топишда маълум мақсадга қаратилган онгли жараён, деб тарифлайди.

К.Д.Ушинский, Коменский, Песталоци, Дистерверглар яратган кўрсатмали таълим услубларини янги усуллар билан анча кенгайтиради ва бойитади. Масалан, у болаларга расмларга қараб сўзлаб бериш тўғрисидаги кўргазмани батафсил ишлаб чиқиш; суҳбат вақтида фойдаланилган расмларни, суҳбатлардан олинган маълумотларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш мақсадида синфнинг деворларига осиб қўйиш керак, деб кўрсатади.

К.Д.Ушинский.

К.Д.Ушинский таълимнинг дидактик жиҳатларини қуйидагича белгилайди:

1. Таълимнинг болалар кучига мослиги ва изчиллиги.
2. Таълимнинг кўрсатмалилиги, онглилиги ва пухта ўзлаштирилиши.

К.Д.Ушинскийнинг тарихий хизмати шундан иборатки, у дидактика – ўқитиш назариясининг психологик асосларини ўша вақтдаги илмий муваффақиятларга мувофиқ равишда баён қилиб берди. Ўқитувчининг меҳнати ва унинг тарбияланувчи шахсга таъсирини юқори баҳолади. Россияда биринчи бўлиб ўқитувчилар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқди.

Ўқитиш назариясининг миллий мустақиллик давридаги муаммолари.

Мустақиллик даврларида барча соҳалар каби педагогикада ҳам катор муаммолар пайдо бўлди. Муаммоларнинг ечимини топишдаги биринчи қадам давлатимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўлди. Қонунларда янги таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг мазмуни қуйидаги тамойилларга асосланиб, амалга оширилиши асосий мақсад қилиб олинди:

1. Таълим мазмунининг давлат ижтимоий - иқтисодий ривожланиши йўналишларига боғлиқлик тамойили.

2. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тамойили.

3. Фанлараро комплекс алоқалар тамойили.

4. Касбларга йўналтириш тамойили.

5. Таълим мазмунини танлашда устивор ва ўзгарувчан (динамик) қисмларга бўлиб танлаш тамойили.

6. Таълим мазмунини **унификациялаш** ва табақалаштириш тамойили.

Ўқитиш назарияси ва хусусий таълим методикаси.

Касбий маҳоратни шакллантиришда хусусий таълим методикаси алоҳида ўринни эгаллайди. Назарий билимларни турли мутахассисликларда қўллай олиш учун ўша мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларини билиш лозим. Хусусий таълим методикаси касбий педагогик кўникма ва малакалар тизимини яратади, танланган мутахассислик соҳасида шакллантиради. Талабалар керакли ишлаб чиқариш тажрибасига, касбий маҳоратга эга бўладилар. Шунинг учун, хусусий таълим методикасини ўтишда ўқитувчи ишлаб чиқариш жараёнининг, меҳнат фаолиятининг, ишчилар вазифаларининг тузилишини, мазмунини, характерини аниқ тасаввур этган бўлиши керак.

Олий, ўрта-маҳсус ва касб-хунар таълимида ўқитиш ва шахс тарбиясининг ўзаро боғлиқлиги.

Таълим жараёнининг мувоффақияти талаба қарашларининг мазмуни билан белгиланади. Талаба қарашларини билим ташкил этади. Бироқ, билим эътиқодга айланиши учун таълим ва тарбия уйғунликда амалга оширилиши керак.

Талабаларнинг билимларни пухта ва чуқур эгаллаши демократик дунёқараш асосларини таркиб топтиришнинг энг муҳим йўлидир.

Билимларни эътиқодга айлантиришда талабаларнинг ўқитувчи баён қилиб берадиган материалга муносабати, ўқитувчи мулоҳазаларининг далиллар билан исботлаб берилиши ва ишончли бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш ҳамда билимнинг ўқувчилар томонидан ҳис этилиши ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

2.1. 19. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ, ҚОНУНИЯТИ, ПРИНЦИПЛАРИ. (4С)

Режа:

1. Таълим жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари.
2. Таълим функциялари.
3. Таълим принциплари.
4. Ўқув жараёнида талабалар ўқув фаолиятининг психологик асослари.

Таълим жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари.

Бугунги кунда таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш, унда талаба фаоллигига эришиш, таълим методларини такомиллаштириш масалалари чуқур ўрганилмоқда.

Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлари, шу жумладан, табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, хулқи ва ҳаёти ифодаланиши лозим;

Таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкорлик компонентларининг бирлигини акс эттириши керак ;

Таълимнинг мазмуни муайян ёшга қаратилади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади ;

Таълимнинг мазмунидаги ажратилган тўрт компонент ҳажми ва мазмуни бўйича ўзаро мувофиқ бўлиши керак.

Мактаб ривожланишининг ҳозирги босқичида таълимни компьютерлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчиларни замонавий ҳисоблаш техникасидан фойдаланишга доир билим ва малакалар билан қуроллантириш, ўқув жараёнида компьютерларнинг кенг қўлланишини таъминлаш жамиятда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Мана шу вазифани амалга ошириш юзасидан педагогика фанида ўрта мактабга электрон – ҳисоблаш микропроцессор техникасини татбиқ этишнинг иккита асосий йўналиши ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг биринчиси – мактабдаги таълимнинг мазмунига ўқувчилар умумтаълимий тайёргарлигининг компоненти сифатида дастурлаштириш асосларини ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш; иккинчиси – мактабда электрон ҳисоблаш машиналаридан таъминлаш таълимининг воситаси сифатида фойдаланишдир.

Педагогика фани мактабларнинг ЭҲМлардан фойдаланишдаги тажрибаларини ўрганиши ва умумлаштириши: ялпи компьютер саводхонларига жавоб берадиган ягона дастурлаштириш умумтаълимий курсини яратиш; дастурлашни ўргатиш бошланадиган муддатни ва курснинг ҳажмини белгилаши, мактабда ўрганиладиган алгоритм тилини танлаши, таълимни машина базасидан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиши ва бошқа вазифаларни адо этиши керак.

Таълим жараёнининг маълумот берувчи, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларининг бирлиги.

Ҳар бир ўтиладиган дарс қайси мутахассислик, йўналиш бўлишидан қатъий назар **3 функцияни** амалга оширади. Улар маълумот берувчи ёки (дидактик баъзи адабиётнинг таълимий), ривожлантирувчи ва тарбиявий

1.Таълимий – ўрганилаётган мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

2.Ривожлантирувчи – талабалар онгли ақлий фаолиятига эришиш, педагогик жараёнга талаба ўқитувчи ҳамкорлигида ҳиссий алоқадорликни таъминлаш, талаба билиш фаолиятини мотивлаштириш, яъни талабага билимини намоиш қилиш, амалий фаолиятга қодир бўлиш ва бунинг учун билим олиш имкониятини таъминлаш, мустақил ва ижодий ишни ташкил қилиш.

3.Тарбиявий – муайян мақсадларга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият жараёнида эгалланилган хулқ – атвор нормасидир.

1. Таълим жараёнида ўқитувчининг талаба билим фаолиятига моҳирона таъсир кўрсата олиши натижасида амалга оширилади, яъни талаба билимларни идрок қилиб, (идрок – борлиқнинг одам онгида акс этишидир. Биз дарахт, одам, ҳайвон ва ҳ.к.з.ларни идрок қиламиз), тушуниб мустаҳкамлайди.

Тушунишнинг индукция (хусусий ҳоллардан умумий қоидага бориш), дедукция (умумийдан хусусийга қараб фикр юритиш) жараёнлари

амалга ошса, мустаҳкамлашда янги материал идрок қилинган вақт ҳосил бўлган муваққат боғланишлар мустаҳкамлайди.

Таълим принциплари:

Таълим қоидалари ўқитувчининг ўз фаолиятини режалаштириш ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашларида риоя қилишлари керак бўлган асосий қоида ва йўл – йўриқларни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмийлиги. Назарий қоидаларни тушуниш – материални илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида, ҳар бир синфда амалга олади. Илмийлик қоидаларининг вазифаларидан бири – назарий маълумотлар тизимини шу маълумотларда теварак – атрофдаги дунёни қанчалик акс этганлиги нуқтаи- назаридан билиб олишдир.

Мавзун илмий, назарий жиҳатдан тушуниш талабаларнинг дунёқарашини, фикрлашини, эътиқодини таркиб топтиради. Ёшларнинг илмий – тадқиқот ишларига қизиқишини шакллантириб, замонавий фан ва техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган билимлар билан қуроллантиради.

2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиш қоидаси. Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир. Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари замирида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир.

Тизимлилик ва изчиллик ўқувчиларда ҳар қайси ўқув фанларининг бир – бири билан узвий боғлиқ бўлишини кўрсатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг тизимли бўлиш қоидаси баён қилинаётган ўқув материалларини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришга хизмат қилишини; ўқувчиларнинг узлуксиз ва тизимли суратда мустақил иш олиб боришларини; ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни ҳам ўз ичига олади.

3. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси.

Таълим – тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма – хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп

жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

а) баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;

б) ўқитилаётган теманинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятининг яратилиши;

в) баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараённи вужудга келтириш, ўқувчиларнинг қизиқишлари, фаоллик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши;

д) таълим жараёнида ўқувчиларнинг уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминламоқ зарур.

4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлик қондаси.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қондасининг изчиллик билан амалга оширилиши оқибатидагина ўқувчилар ўқув материалларининг туб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар.

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қондаси.

Ўқитишнинг онглилик қондаси ўқувчилар янги материални идрок қилиш да таърифлар, теоремалар, адабиётдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишинигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолда билимларда юзакичилик авж олади, бунда материал қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Ўқувчилар уни қайта айтиб бера оладилар, лекин унинг моҳиятини тушунмайдилар ва амалий фаолиятларида қўллай олмайдилар.

6. Таълимда кўрсатмалилик қондаси.

Таълимнинг кўрсатмалилик қондаси дидактик қондаларнинг бири бўлиб, у ўқитиш жараёнининг сифатини орттиради, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Ўқитишнинг кўрсатмалилиги шуни тасдиқлайдики, агар ўқувчиларда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилишга боғлиқ муайян ҳиссий – амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадилар. Бу қоида ўқитиш жараёнида кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм – маза билиш, тери, мускул – ҳаракат каби сезги органларининг бир йўла объект устида сафарбар қилинишини талаб этади.

Таълимда кўрсатмалиликнинг самарали натижа бериши учун унинг маълум жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим. Жумладан,

1. Ишлатиладиган кўрсатмали қуроллар у ёки бу синф ўқувчиларининг ёши ва ўзига хос хусусиятлари, умумий тайёргарлиги – савиясига мос келиши лозим.

2. Фойдаланадиган кўрсатмали қуроллар ўтиладиган дарс мавзусининг мазмунини очиб беришга ёрдам берадиган материаллар бўлишини ҳисобга олмоқ, демак, унинг тўғри танланишига эътибор бермоқ лозим.

3. Дарс жараёнида фойдаланиш учун белгиланган кўрсатмали материаллардан унумли фойдаланмоқ учун зарур бўлган таълим усуллари тўғри танланган бўлиши лозим.

7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси.

Илғор классик педагогика намояндалари таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши юзасидан бир қатор қоидалар ишлаб чиққанлар. Улардан бири

8. «Осондан қийинга қараб» қоидасидир.

Ўтиладиган материалнинг ҳаддан ташқари енгил бўлиши болаларнинг қизиқишини сўндирганидек, уларнинг билимда олға қараб боришларини ҳам таъминлай олмайди. Аксинча, ўтилажак материаллар болалар савиясига нисбатан оғир, тушуниш қийин бўлса, қўйилган мисол ва масалаларни ечиш, ҳал қилишга ўқувчиларнинг қурби етмаса, уларда ўз кучига ишонмаслик кайфияти туғилади.

Мосликнинг иккинчи бир қоидаси «Маълумдан номаълумга қараб бориш»дир. Бу қоидага амал қилишда ўқувчиларда аввалдан мавжуд бўлган илмий билим ва тажрибалар замирида янги, ҳали ўқувчиларга маълум бўлмаган маълумотлар билан қуроллантиришни тушунмоқ лозим.

Мослик қоидасининг учинчиси «Соддадан мураккабга қараб бориш»дир.

Мослик қоидаси яна бир қатор талабларга амал қилишни тақозо қилади. Айниқса, дарсда бериладиган билимларни ўқувчилар пухта ўқиб олишларига имконият яратиш учун пухта ва мустаҳкам режага амал қилиниши, баён қилинадиган материаллардан лўнда хулосалар чиқариш талаб қилинади.

9. Таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси.

Таълимнинг пухта ўзлаштириш қоидаси муҳим дидактик талаб ва қоидаларни, яъни ўқувчилар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам, эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўллай олиш малакалари билан қуроллантиришни назарда тутди.

Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишнинг мустаҳкамлигига аввало ҳамма ўқитиш қоидалари: тушунарлилик, тизимлилик ва изчиллик, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, кўрсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги қоидаларини амалга ошириш билан эришилади. Пухта ўзлаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан такрорлаш ва машқ қилдиришга ҳам боғлиқдир.

Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш жараёнида фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материалларигина эсга туширилмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган янги – янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади.

Ўқитиш жараёнида талабалар ўқув фаолиятининг психологик асослари.

Ҳар бир ўқувчи ўзига хос жисмоний, ахлокий, руҳий ва бошқа хусусиятларга эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади.

Ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки ҳоҳиш эмас, балки мажбурий талабдир. Таълимнинг муваффақиятли бўлишида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга мос муомала қилишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Дарсда ва уй вазифаларида дифференциаллашган таълим элементларини қўллаши ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг муҳим воситасидир.

Ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўзлаштиришига қуйидаги психологик жараёнлар таъсир қилади:

1.Идрок. Мавхум тушунчаларга нисбатан яққол материаллар осон идрок қилинади.Таълим жараёнида яққол тасаввурлик,тасвирий кўрсатмалилик, «жонли мушоҳада» материалларининг ўрни муҳим. Психологик нуқтаи назардан кўрсатмалилик 3 га бўлинади:

1. Табиий предметли - тажриба участкалари, ўқув лабораториялари, жонли бурчакларда ўтказиладиган машғулотлар.

2. Тасвирий кўрсатмалилик – расмлар, муляжлар, кинокартиналар, чизмалар, жадваллар, схемалар, графиклар, диаграммалар...

3. Жонли нутқ – яққол тасвирлар ва образларни уйғотадиган жонли иборалар. («Ташвиш киши қоматини эрта букади», «Тўғри сўз наштардан ўткир»).

Идрокдан, ҳиссий органлардан меъёридан ортиқча фойдаланиш сунъий тормозланишга олиб келиб, мавхум назарий тафаккурга салбий таъсир кўрсатади.

2. Кузатувчанликни шакллантириш. Унинг ёрдамида тафаккур жараёнларига асос солинади.

3. Тушуниш. Тушуниш натижасида фикр юритилади., тафаккур жараёнлари амалга оширилади, яъни матнлар анализ, синтез қилинади, таққосланади, умумлаштирилади, системалаштирилади, ҳукм хулоса чиқарилиб, муаммоли вазиятлар пайдо қилинади. Муаммоли вазиятлар ўз навбатида ўқувчининг ақлий ривожланишини таъминлайди.

4. Хотира. Эсда олиб қолиш, сақлаш, эсга тушириш учун хотиранинг бир неча хил воситаларидан фойдаланилади. Жумладан, ассоциациялардан.

5. Установка. Ўқувчига тўғри установка бериш - таълимга бўлган кизиқишни тўғри шакллантиради.

6. Дикқат. Таълимнинг самарадорлигига ихтиёрий диққатдан кейинги диққатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

7. Қизиқиш. Ўзлаштирилаётган материалга талабани қизиқтира олиш унда мустақил таълим олиш истагини уйғотади.

8. Ирода. Барча жараёнларни тўғри бошқаришга, албатта, иродавий зўр бериш маълум ўринни эгаллайди.

Таълимни ҳаракатлантирувчи кучлар ва таълим жараёнида қарама-қаршиликлар.

Ўзлаштирилган билимларни амалиётнинг қўллаш жараёнида талаба ўзидаги бор билимлардан фойдаланади, уларни бошқа адабиётлар, (илмий адабиёт, газеталар, журналлар, мақолалар) ахборот воситалари (телевидение, интернет ...), маълумотлари билан таққослаш натижасида баъзан пайдо бўлган қарама – қарши фикрлар янги билимларни эгаллашга туртки бўлади.

2.1.20. ТУРЛИ ТИПДАГИ КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ. (4С)

Режа:

1. Ўзбекистондаги касб – ҳунар коллежлари таълим мазмунининг илмий асослари.
2. Таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатлар.
3. Ўрта махсус, касб – ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти.

Таълим мазмуни ҳақида маълумот ва унинг баркамол авлодни тарбиялаш тизимидаги ўрни.

Таълим мазмуни – талабаларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган, ҳамда маълум тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доирасидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида Ўзбекистон ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларида таълим мазмунининг илмий асослари.

Таълим жараёнининг ислоҳ қилиниши ундан қатор ўзгартиришларни тақозо этмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаб қилаётган қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

а) Мустақил демократик давлат курилиши эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

б) Ҳар бир билим юрти (мутахассислигига қараб) таълим жараёнини давлатнинг ривожланишига, унинг шу билим юртига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш;

в) таълим жараёнини талабаларнинг индивидуал – психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиб, мустақил фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялашга қаратиш.

Халқ таълими шу билан бир қаторда касб - ҳунар коллежларида таълим мазмунини қуйидаги қоидаларга асосан амалга ошириш давлат томонидан таъкидланган:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократлиги.
2. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.
3. Давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги.
4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятларнинг устиворлиги.
5. Давлат таълим стандартлари қоидасида ҳамманинг таълим олиш учун имконият яратилганлиги.
6. Таянч таълимининг мажбурийлиги
7. Маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларини тасдиқлаш.
8. Билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш.
9. Чет тилларини ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.
10. Сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳоли бўлиш.
11. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурмат қилиш.
12. Педагог шахсини унинг ижтимоий мавқеини ҳурмат қилиш.
13. Амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг мустақиллиги.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо этилади.

Таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатлар ва уларни такомиллаштириш йўллари.

Таълим мазмуни ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланади.

Ўқув режаси: давлат ҳужжати бўлиб, унда мутахассис тайёрлашнинг асосий мазмуни, умумий йўналиши, ўқув предметларининг маълум тизим, изчиллик ва жадалликда ўрганилиши ва унинг муддати, талабалар билим, кўникма, малакаларини назорат қилишнинг асосий шакллари ва муддатлари кўрсатилади.

Ўқув режасида ўқув предметлари ва асосий ишлаб чиқариш амалиёти соатларда кўрсатилган бўлиб, у мутахассисликнинг малакавий (квалификацион) характеристикасига мос ҳолда тузилади.

Ўқув режасида фанлар маълум циклларга бирлаштирилган: ижтимоий, умумий, махсус. Бундан ташқари «Ишлаб чиқариш амалиёти» бўлими мавжуд бўлиб, унда ишлаб чиқариш амалиётининг асосий босқичлари, ҳажми ва ўтказилишининг тахминий муддатлари кўрсатилади.

Ижтимоий циклга киритилган фанлар талабалардан миллий ғоя ва мафкурасини шакллантириш, миллий қадриятларга маънавиятга бўлган муносабатини тўғри тарбиялаш, мустақил демократик давлат барпо қилишнинг фаол иштирок этиш эҳтиёжини туғдириш .

Умумий циклга киритилган фанлар талабаларга фан асосларини чуқур ва мустаҳкам бериш, уларни амалиётга қўллай олиш кўникма ва малакаларини ишлаб чиқиш, илмий дунёқарашни шакллантириш ва баркамол шахс хислатларини таркиб топтиришга қаратилган. Талабалар гуманитар, табиий ва аниқ фанлар соҳасининг замонавий жамият ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган даражасига билимларни эгаллашлари лозим.

Ўқув юртининг йўналишига қараб фанлар соати танланиши мумкин. Масалан, техник касб – ҳунар коллежларининг физика ва математика соатлари кўпроқ, умумий фанлардан баъзи бўлимлари алоҳида предмет сифатида масалан, «Электроника ва электротехника асослари», қишлоқ хўжалик, касб –ҳунар коллежларининг биология курсидан мустақил фан сифатида «Генетика асослари» ни олиш мумкин.

Янги ўқув режаларини ишлаб чиқишда умумий қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўқув гуруҳлари мутахассислигига мос ягона ўқув режалари ишлаб чиқилади.

Талабаларнинг махсус тайёргарлиги умумкасбий ҳамда мутахассислик йўналишидаги ўқув фанлари ва ишлаб чиқариш амалиёти ҳисобида амалга оширилади.

Ўқув предметларининг умумкасбий блоки талабаларнинг касбий фаолияти бўйича фундаментал билимларни беришга қаратилган бўлиб, уларда ўз мутахассислиги бўйича тушунчага эга бўлиш, керак бўлган пайтда бошқа мутахассислик билан таққослаб ўзига маъқулини танлашда янги техника ва технологияларни эгаллашга қаратилган. Қоида сифатида

1 - касбий гуруҳ чегарасида ягона умумкасбий блоки шаклланиб, у ўқув предметларининг умумилмий, умумкасбий ҳамда бошқарув гуруҳларидан таркиб топади.

Умумилмий фанлар махсус ўқув предметларига таянган фанлар асосини беради. Педагогик касб – ҳунар коллежида бу педагогика ва психология, техник касб-ҳунар коллежларида техник механика чизмачилик ёки инженерлик графикаси, электроника асослари ва ҳоказолар.

Умумкасбий фанлар касбнинг асосини ташкил қилувчи билимларни беради. Масалан: қурувчилик мутахассислигида умумий фан «қурилиш материаллари ва деталлари», «қурилиш машиналари ва механизмлари» ва ҳ.к.

Бошқарув фанлари касбий гуруҳлар учун умумий бўлиб, «Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва иқтисодлаш», «Меҳнат жамоасини бошқариш», «Ижтимоий психология асослари», «Меҳнат қонунчилиги асослари» фанларидан таркиб топади.

Умумкасбий фанлар режалари турли мутахассисликларда ўқиётган гуруҳлар учун бир хил тузилган бўлсада, ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир гуруҳнинг мутахассислигига қараб, маълум қисмларга эътиборни кучайтиради ва аксинча ортиқча материални чиқариб ташлайди. Талабаларнинг касбга йўналтириш шу мазмунда олиб борилади.

Мутахассислик фанлар блокининг тузилиши мутахассис фаолиятининг ўзига хос мазмунини очиб бериб, аниқ функцияларни бажаришга тайёрлашга қаратилган бўлади. Турли мутахассисликларда меҳнат объекти турлича. Масалан, ТМЖ, ЕСМТ, БИК, ТСМТ мутахассисликларини оладиган бўлсак, уларнинг барчасида меҳнат объекти турлича. ЕСМТ – енгил саноат машиналарини жиҳозлаш, ТСМТ – тўқимачилик саноати машиналари таъмирлари ва ҳоказо, бироқ ҳаммасида умумий бўлган нарса машина ва механизмлар, қайчилар ёрдамида жиҳозлаш ишлари олиб борилади, янада умумийроқ машинасозлик технологиясидир.

Ўйнашнинг кенглигига қараб, ишлаб чиқариш ва соҳа эҳтиёжини қондириш мақсадида мутахассислик ўқув режасида вариатли қисмда берилиб, уни бевосита мутахассисликларга талабгор соҳа вазирликлари ишлаб чиқади.

Одатда мутахассисликлар ўз ичига меҳнат объекти ва технологиянинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олади.

Мутахассиснинг амалий тайёргарлиги ўқув режасида ўқув жараёнини ташкил қилиш сифатида қаратилган бўлиб, амалий машғулотлар, курс ва диплом лойиҳалари, ишлаб чиқариш амалиётида амалга оширилади.

Ўқув режасида ишлаб чиқариш амалиётининг асосий босқичлари кўрсатилади. Ишлаб чиқариш амалиётининг босқичлари мақсади тайинланиши олдиндан қўрилган тайёргарликнинг даражаси билан боғлиқ бўлиши лозим. Масалан : кўпгина техник мутахассисликларда амалий тайёргарликнинг биринчи босқичи ўқув устахоналарида ўтади. У талабани мутахассислик билан таништириш, ўз вазифасини бажаришда нималарни билиши кераклигини ўргатиш мақсадида тайинланади. Кўникма, малакавий ҳатти – ҳаракатлар шакллантирилади.

Билим ва кўникмалар 2 – босқич технологик амалиёт ўтиш даврида мукаммаллаштирилади. Бу босқич ҳам талабада мутахассислиги бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Таълим жараёнини ишлаб чиқишда назарий ҳамда амалий мавзуларнинг бир – бири билан боғлиқ бўлиши асосий шарт ҳисобланади.

Предметлар ўртасидаги амалий машғулотлар маълум фаолият, мавзунини ўрганиш билан боғлиқ цикл, комплекс масалалар, ишбилармонлар ўйини шаклида (машғулот 4 – 6 соатга мўлжалланган бўлса), юқори курсларда ўқув амалиёти сифатида ўқув лабораторияларда ўқитувчи раҳбарлигида тажриба ишлари сифатида киритилади.

Ўқув дастури – норматив ҳужжат бўлиб, унда аниқ ўқув предметига нисбатан талаблар кўрсатилган.

Дастур қуйидаги қисмлардан иборат.

1. Тушунтириш хати – ўқитувчи учун методик қўлланма. Унда мутахассис тайёрлашдан мазкур предметнинг ўрни тайинланиши дарс жараёнида ечимини топадиган таълимий, ривожлантирувчи, тарбиявий вазифалар, фанлараро боғлиқлик, ишлаб чиқариш амалиёти билан

боғлиқлик ва уларда ўқитувчи томонидан тушунтириш хатини ўрганиш ва ундаги тавсияларни қўллаш ўқув жараёнининг мақсадлилиқ ва тўғри ташқил қилишни таъминлайди.

2. Дастурда ўқув предметининг тузилишини очиб берадиган тахминий мавзуий режа келтирилган бўлиб, бўлимлар, мавзуларга ажратилган соатлар ҳажми кўрсатилади.

3. Ўқув дастурининг асосий қисми «Предмет мазмуни» бўлими бўлиб, унда ўқув материали тўғрисида ахборот берилади. Ахборот мазмунига ўқитувчи эътиборини қаратиши лозим. «Предмет мазмуни» бўлимида амалий ҳамда тажриба машғулоти мавзулари ҳам кўрсатилади. Бундан ташқари мустақил ўрганиш учун мавзулар, уйга вазифа сифатида топшириладиган мустақил топшириқлар бўйича тавсиялар кўрсатилиши мумкин.

Дастурнинг охирида адабиётлар, ўқув кинофильмлари ва диафильмлари, ўқув режаси кўзлаган курс лойиҳалари ва ишлари мавзулари рўйхати берилади.

Ўқув материалининг тўлиқ мазмуни бўлса ўқув дарсликларида берилади.

Дарслик ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Дарслик – ўқувчиларнинг иккинчи «муаллими». Чунки у, аввало ўқувчи учун зарур қўлланмадир.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қўлланмалари ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ўқувчиларнинг ўқув қўлланмаларидан фойдаланишлари уларнинг ўқув материаллари устида тизимли иш олиб боришлари, илмий билим, кўникма ва малакалар билан янада мукамалроқ қуролланишларига кенг имкониятлар яратади.

4. Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитларида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш ўқувчиларнинг ақлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ – одобнинг шаклланишига, тафаккури ва нутқининг, ишидаги мустақиллигининг ривожланишига ёрдам беради.

Ўрта-махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасида давлат таълим стандартлари қуйидагича таърифланади:

«Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир».

2.1.21. ТУРЛИ ТИПДАГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. (4С)

Режа:

1. Касб – ҳунар коллежларида ўқитиш методлари таълимнинг ташкилий шакллари ҳақида тушунча.
2. Ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари.
3. Билим, кўникма ва малакаларни тест рейтинг тизимида баҳолаш.

Ўқитиш методлари ва таълимнинг ташкилий шакллари ҳақида маълумот.

Таълим тизимида қуйидаги анъанавий таълим методлари маълум:

1. Ўқитишнинг оғзаки усуллари.

Ўқитишнинг оғзаки усуллари энг кўп қўлланиладиган усулларида бири бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчидан икки томонлама ҳаракатни талаб қилади, яъни ўқитувчидан, ўқув материалларини мохирлик билан оғзаки баён қилиб беришни ўқувчидан бўлса баён қилинаётган материалларни диққат билан тинглаб унга онгли муносабатда бўлишни. Ўқитишнинг оғзаки усулларида қуйидагилар киради:

Ҳикоя. Ҳажми нисбатан катта бўлган ўқув материални ажратилган вақт ичида баён қилиб улгуриш учун фойдаланилади. Ҳикоя қилиш-ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид омил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир.

Тушунтириш. Ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзунинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун-қоидаларни ўқитиришдир. Бу усул математика, физика, химия, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади.

Маъруза. Ҳикояга нисбатан ҳажмининг катталиги, мантикий тузилиши, образлари, исбот ва умумлаштиришларнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади ва одатда уларни тўла қамраб олади

Суҳбат. Бу усул савол-жавоб усули деб, ҳам юритилади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчилар суҳбатнинг қуйидаги турларини қўллайдилар:

1. Ўқувчилар илгари ўзлаштирганларини эслайдилар, тизимга соладилар, умумлаштирадилар, хулосалар чиқарадилар, улардан турмушда фойдаланишга доир янги мисолларни ахтарадилар.
2. Ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли саволларга жавобларни ўзлари ахтариб топадилар. Бундай суҳбатлар эвристик-изланиш, ахтариб топиш характерида эга бўлиб, ўқувчилар дарсга етарли даражада тайёр бўлса ўтказилади.

3. Ўқитиш жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади.
4. Миллий мафкурани бойитиш мақсадида маънавий суҳбатлардан фойдаланилади.
5. Тажриба ишларини бажаришда ўқувчиларнинг мутахассислиги бўйича билим, кўникма, малакаларини аниқлаш мақсадида методик суҳбатлар қўлланилади.

Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули, унинг ҳикоя қилиш, тушунтириш ва маъруза каби турлари қуйидаги бир қатор дидактик қоида ва талабларга асосан қўлланилади.

1. Баён қилинаётган материаллар ғоявий жиҳатдан мазмунли, илмий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлашга қаратилган бўлиши керак.
2. Баён қилинаётган материалларнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш орқали ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларини аниқлаш ва амалга ошириш лозим.
3. Баён қилишда ўқитувчининг нутқи ягона манба ҳисобланади, унинг равон, тушунарли бўлиши ҳал қилувчи омилдир. Шунинг учун, ўқитувчи ўқув материалини ҳис-туйғули ифода қилиб бериши ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

2. Ўқитишнинг кўргазмали усуллари.

Таълимда кўргазмалилик усули намоиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади.

Таълимда кўргазмалилик усули намоиш этиш усулидан фойдаланиш асосий материалларнинг характериға - мазмуни, шакли ва ҳажмига боғлиқдир. Кўргазмали материаллар характер эътибори билан икки турда бўлади:

1. Аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: ўсимликлар ва уларнинг таркиби, ҳайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳоказо.
2. Тасвирий - кўргазмали материаллар. Тасвирий - кўргазмали материаллар ҳам мазмуни ва тузилиш шаклига қараб икки турга бўлинади:

а) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар-расм, сурат, фотосурат, диафильм, кинофильмлар ва ҳоказо;

б) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схемали тасвирий материаллар-жуғрофий ва тарих карталари, чизмалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳ.к.

Тасвирий-кўргазмали материалларнинг ҳар икки тури иллюстрация материаллари деб юритилади.

3. Ўқитишнинг амалий усуллари.

Ўқитишнинг амалий усулларига ёзма машқлар, лаборатория машқ ишлари, амалий машғулотлар киради.

Машқ қилдиришда илмий билим ва маълум бир иш ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали суратда ташкил этилган такрорлаш назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдиришда:

1. Машқ учун берилган топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши;
2. Машқ топшириғида ҳар бир талабанинг индивидуал-психологик хусусиятини ҳисобга олиш;
3. Бутун гуруҳ талабаларининг фаоллигига эришиш талаб қилинади.

Лаборатория машқ ишлари ҳар томонлама тажрибалар, лаборатория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув қуроллари туридаги бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади.

Лаборатория усули машғулотнинг характериға қараб турлича ташкил қилинади:

1. Ўқувчилар билан ёппасига олиб бориладиган машғулотлар;
2. Гуруҳ ўқувчиларининг ҳар қайсиси билан алоҳида-алоҳида олиб бориладиган тажриба ишлари.

Амалий машғулотлар касб-ҳунар коллежи тажриба ва ер участкаларида олиб борилади. Мутахассисликка қараб топшириқлар гуруҳ билан ёки индивидуал тарзда амалга оширилади. Машғулотни якунлашда бажарилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинади.

4. Ўқитишнинг муаммоли – изланиш ва репродуктив усуллари.

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар яратиш улардан ҳар нарсани билишга ҳавас, фаҳм-фаросатлилиқ, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижод қилишга интилиш каби шахсий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Муаммони юзага келтиришда қуйидаги қонунларга амал қилиш керак.

1. Ўқувчилар учун билиш қийинчилигига эга, яъни ўрганилаётган муаммо устида фикр юритиш.
2. Ўқувчиларда билишга қизиқиш уйғотиш.
3. Таҳлил жараёнида ўқувчиларнинг аввалги тажрибаси ва билимга суяниш.

Репродуктив усул ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, амалий ҳаракатларнинг усуллари таърифласа, ўқувчиларнинг билимларни мустақил қидириб ола билишлари учун жуда янги ҳисобланса вазиятларни ҳал қилиш учун тайёр билимлар йўқ бўлса, самарали қўлланади.

Тафаккурнинг репродуктивлик характери ўқитувчи ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини фаол идрок қилиниши ва эслаб қолинишини назарда тутати. Бу усулларни ўзига хос моддий асоси бўлиб ҳисобланадиган ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий усулларида фойдаланмай қўллаш мумкин эмас.

5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.

Индуктив ёки дедуктив усулларини қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантиқини, хусусийдан умумийга, ёки умумийдан - хусусийга ўтишни танлашни аниқлатади.

Индуктив усуллар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физикага доир кўпгина масалалар, айниқса ўқитувчи ўқувчиларни айрим умумийроқ формулаларни мустақил эгаллашларига олиб келиш зарур, деб ҳисоблаган ҳолларда, индуктив усул воситасида ечилади.

Дедуктив усул ўқув материални тезроқ ўтишга ёрдам беради, тафаккурни бир мунча фаолроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда, анчагина умумий ҳолатлардан айрим оқибатларни аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив усул қўлланилади.

6. Мустақил иш усуллари.

Асосий мавзулар ўтилиб, талабалар учун қизиқарли ва ўзлаштириши нисбатан осон бўлган асосий мавзунини тўлдирадиган мавзулар мустақил иш сифатида топширилади. Мустақил иш усули талабаларда илмий изланиш, мустақил фикрлаш учун замин яратати.

7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва танбеҳ бериш усули.

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш – кишининг фаол фаолиятига бўлган ташқи майлидир. Бироқ рағбатлантириш кишининг фаолиятига бўлган ички майлига таъсир қилгандагина, реал мақсад сари ундайдиган кучга айланади. Шу билан бир қаторда талабанинг ўз – ўзига таъсири, унинг олдинги тажрибаси, эҳтиёжлари ва ҳ. к.лар таъсирида юзага келади.

Ўқишга қизиқишни рағбатлантириш турларидан бири – ўқишда маълум қийинчилик сезаётган ўқувчиларга мувоффақиятли вазиятларни яратишдир. Чунки, мувоффақият қувончини бошдан кечирмай, ўқишдаги қийинчиликларни бартараф қилмай туриб, яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Мувоффақиятга эришиш вазиятини ўқувчининг оралиқ ҳаракатларини рағбатлантириш, яъни уни янги зўр беришларига махсус ундаш йўли билан ҳам ташкил қилиш мумкин. Мувоффақият вазиятларини яратишда у ёки бу топшириқларни бажариш жараёнида қулай маънавий – руҳий муҳитни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўқиш вақтидаги қулай микро иқлим ишончсизлик, қўрқин ҳиссиётини камайтиради. Бундай хавотирлик ҳолати ўрнини ўзига нисбатан ишонч туйғуси эгаллайди.

Рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, баҳо билан рағбатлантириш, махсус танланган топшириқлар бериш йўли билан ўқишдаги мувоффақият вазиятини яратиш, тажриба ва лаборатория ишларини тайёрлашда қатнашиш, экранларни жиҳозлашлари орқали рағбатлантириш ва ҳоказо.

Ўқишга доир танбехлар: дарс пайтида оғзаки танбех беришлар, баҳосини пасайтириб қўйиш, иш дафтарига ёзишлар, хатоларни кўрсатиш ва бошқа усуллар орқали қўлланилади.

Койиш ҳамда жазолашнинг бошқа турларини қўллаш ўқитиш усулида истисно ҳол, чунки бу усул энг охирги иложсиз чора ҳисобланади.

8. Ўқитишда назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш усули

Назорат жараёнида ўқитишдаги ўзаро мулоқот, ўқитишнинг боришини жадал бошқариш ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш, янги дарсга аниқ вазифалар қўйиш имконини берувчи алоқа амалга оширилади; таълим жараёнининг самараси аниқланади; таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функциялар амалга оширилади.

Назорат турлари :

1. Оғзаки – якка ёки гуруҳий амалга оширилади. Аҳолида сўрашда ўқитувчи маълум вақт даврида ўқувчиларда тушунча, қонун, назария ҳамда далилларни қай даражада эгаллаганликларини аниқлайди. Алоҳида сўрашда маълум масалаларни, операцияларни ҳал қилиш кўникмаси, техник воситалардан фойдалана билишлари текширилади.

2. Ўқиш жараёнида математика, она тили, физика ва бошқа фанлар бўйича диктант, баён ва иншолар ўтказиш йўли билан ўқувчилар билимини ёзма назорат қилиб бориш амалга оширилади.

Ёзма ишлар турли давомийликка эга. Айрим ҳолларда улар дарснинг фақат кичик қисминига ташкил этади, илгари ўрганилган мавзунинг айрим бўлимлари бўйича қисқа муддатли ёзма назорат ишлари бўлади. Ўқув вақтини тежаш учун назорат ишларининг ҳар иккала турини бириктириш ва илгари ўрганилган муҳим масалаларни ўзлаштиришнинг қисқа муддатли текширилишини қўллашни кенгайтириш лозим.

Ёзма назорат ишларини ўтказишда, баҳоларнинг тўлиқ объективлигини таъминлаш билан бирга бўш ўзлаштирувчиларни илғорлар сафига тортиш, топшириқни уддалашларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида уларга масалаларнинг жавобларини, қўшимча расмлар ва ҳоказолар бериш керак.

3. Ўз – ўзини назорат қилиш ўқувчилари ўқув фаолиятининг муҳим элементларидан биридир. Ўқувчиларда ўз- ўзини назорат қила олиш маҳоратини шакллантирмоқ лозим.

Масалан, ўқувчиларга уй вазифаларини бажараётганда ўз – ўзини текширишнинг қуйидаги усуллари тавсия қилса бўлади: дарслик матнини ўқиб чиққандан сўнг унинг муҳим жойларини ифодаловчи қисқа режасини мустақил тузиш, режадан фойдаланиб, матннинг

асосий маъносини гапириб бериш, китобда шу мавзу юзасидан берилган саволларга жавоб бериш учун тайёргарлик кўриш. Бундай иш усулини юқори синфларда ҳам қўллаш мумкин.

Назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш услубларини ўзаро моҳирона бириктириш барча ўқув фанлари бўйича таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Билим, кўникма ва малакаларни тест рейтинг тизимида баҳолаш қулай назорат туридир. Бунда талаба ўтилатган фан ҳажмига қараб баҳоланади. Масалан : педагогика фани 60 соат ҳажмида берилган бўлса, «аъло» баҳо олмоқчи бўлган талаба 60 соатлик фаннинг 86 % - 100 % ини ўзлаштириши, «яхши» баҳо олмоқчи бўлган талаба 71 % - 85 % ини, «қониқарли» баҳо олмоқчи бўлган талаба 55% - 71 % ини ўзлаштириши лозим. Назорат бир неча босқичда олиб борилади. ЖБ, ОБ, ЯБ.

ЖБ – ўтилатган фан ҳажмига қараб ЖБ – 1, ЖБ – 2, ЖБ – 3 га бўлинади. Жорий баҳолаш талабада давомати, семинар конспектларининг мавжудлиги, дарс жараёнида фаол иштироки, мустақил топшириқларни бажаришига қараб оғзаки тарзда амалга оширилади. ЖБ баҳолашда талаба семестр давомида ўзлаштирилиши керак бўлган материалнинг 30 % и инобатга олинади.

ОБ – ҳам фан ҳажмига қараб, ОБ – 1; ОБ --2 га бўлинади. Назоратнинг бу турида ўқитувчи тестлар, оғзаки – савол – жавоблар, ёки таянч ибораларига асосланган ёзма ишлардан фойдаланиш мумкин. ОБ талаба семестр давомида ўзлаштирилиши керак бўлган материалларнинг 40 % и инобатга олинади.

ЯБ – таянч ибораларига асосланган ёзма иш бўлиб, унда 5 тадан 10 тагача бўлган саволлар киритилади. ЯБ талаба семестр давомида ўзлаштирилиши керак бўлган материалнинг 30 % и инобатга олинади. ЯБлашда қуйидаги мезонларга амал қилинади :

55 % - 71 % - 500 – 600 та элемент

71 % - 86 % - 700 – 800 та элемент

86 % - 100 % - 800 – 1000 та элементни ташкил қилиши керак.

2.1.22. ТУРЛИ ТИПДАГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ (4С)

Режа:

1. Ян Амос Коменский томонидан синф - дарс тизимининг илмий асосланиши.

2. Касб - ҳунар коллежларида таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари.

3. Ҳозирги замон ўрта махсус таълим юртларида ўқитишнинг факультатив, экскурсия, конференция каби турлари.

4. Дарс турларининг ўзаро боғлиқлиги.

Ян Амос Коменский томонидан синф-дарс тизимининг илмий асосланиши.

Коменский ўз даврида биринчи бор машғулотларнинг синф – дарс шаклида бўлиши зарурлигини асослаб беради. Бунда у ўқитувчининг бутун синф билан муайян ўқув мавзуи бўйича машғулот ўтказишни талаб қилади. Олимнинг фикрига кўра, ўқув йили ҳамма ўқувчилар учун бир вақтда бошланиб, бир вақтда тугалланиши, машғулотлар кетма-кет дам олиш билан алмашилиб туриши керак. Ўқув куни турли синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мувофиқ равишда қатъий тартибда бўлиши зарур.

Касб-хунар коллежларида таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари.

Касб-хунар коллежларида ўқув ишлаб чиқариш таълимининг энг асосий шакли, дарс ҳисобланади. Касб-хунар коллежларида умумтаълим дарслари билан бир қаторда таълимнинг ташкилий шакллари ҳам туради. Ишлаб чиқариш шакллари ташкил қилиш деганда, талабалар жамоасини ўқув – ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш, бу фаолиятни бошқариш ва ўқув машғулотларини тўғри тузиш тушунилади. Ишлаб чиқариш таълими ҳам турли шаклларда ўтказилади.

Ишлаб чиқариш дарслари ўқув устахоналари, ўқув полигонлари, ўқув хўжаликларида ўтилиб, синф-дарс тизими сингари гуруҳ аъзоларининг барчасини қамраб олади. Ишлаб чиқариш дарслари шакллари танлашда талабаларнинг касбий билим даражаси, кўникма ва малакалари ва индивидуал психологик хусусиятлари эътиборга олинади. Таълим шакллари тўғри танлаш талабаларни мутахассисликларини тезроқ эгаллашларига асос солади. Ўқув ишларини ташкил қилишда талабаларга мустақил ишлар топшириш, уй вазифаларини доимий бажарилишини назорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзан кичик гуруҳлар ёки алоҳида улгурмаётган талабалар билан қўшимча ўқув машғулотлари ташкил қилиш фойдадан ҳоли эмас. Ишлаб чиқариш дарслари 3 та даврга бўлиб ўтилади.

1. Бошланғич. (Бажарилиши керак бўлган иш моҳияти, унинг бажарилиш жараёни тўғрисида тушунча берилиб, маълум операциялар амалга оширилади.)

2. Операцион ёки жорий (Жараёнларни бошқариш даври бўлиб, бажарилиши керак бўлган иш 5-6 қисмга бўлиб амалга оширилади)

3. Назорат. Бажарилган иш қабул қилинади ва баҳоланади. Дарснинг охирида иш ўринлари тозаланиб, иш устасига топширилади.

Касб – хунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими дарси тизимидан ташқари қуйидаги шакллари мавжуд.

Экскурсия усули.

Экскурсия таълим ва тарбия ишларининг шундай туридирки, бу усул билан ўрганилаётган нарс ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, жамоа ва фермер хўжаликлари, табиатни кузатиш) га ёки махсус

муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳоказоларга) ташкилий равишда борилади.

Экскурсия усули асосан ўқитувчи ёки экскурсия ўтказишга масъул бўлган шахснинг кузатилаётган объектни баён қилиши, тушунтириш орқали олиб борилади. Ўқувчилар экскурсия давомида объект устидаги маълумотларни эшитиш ёки кузатиш билангина чегараланиб қолмай, зарур материалларни ёзиб оладилар, расмини чизадилар, ўлчаш, ҳисоблаш ишларини олиб борадилар.

Экскурсия давомида ўқувчилар турлича саволлар тузиши ва шунинг асосида суҳбат ўтказиши, объект устида тегишли хулосалар чиқарилмоғи лозим. Экскурсия охирида, албатта, якунловчи дарс ўтказилади ва унда ўқувчилар томонидан тайёрланган материалдан фойдаланилади. Ўқувчилар экскурсия давомида олган таасуротлари ҳақида ўзаро фикрлашадилар. Ўқитувчи мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, хулоса чиқаради ва машғулотни якунлайди.

Дарс - таълимни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.

Дарс – ўқув ишларининг асосий марказий қисми бўлиб, қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси гуруҳ ёшига ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти касб-хунар коллежларида 80 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

4. Дарсга қўйиладиган педагогик талаблар.

Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил қилиниши (илмий, ривожлантирувчи, тарбияловчи мақсадлар), ғоявий мафкуравий изланишга эга бўлиши, ўтилаётган фан, мутахассисликнинг амалиёт ва ҳаёт билан боғлиқ ҳолда талабалар фаоллигини ташкил қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Дарс жараёнида талабалар индивидуал – психологик хусусиятлари эътиборга олиниб, мустақил, эркин фикрлаш қобилияти шакллантирилиши лозим.

Ҳозирги замон ўрта-маҳсус таълим юртларида ўқитишнинг факультатив, экскурсия, конференция каби турлари.

Конференция. Таълим жараёнининг бу ташкилий шакли ўқитувчи ва талабалардан максимал даражадаги ҳамкорликни талаб этади. Ўқитишнинг бундай шаклидан доим фойдаланилмайди, бироқ иқтидорли талабаларни танлаш, уларда илмий изланишга қизиқишни орттириш, ўзига бўлган ишончни орттириш, касбий тафаккур, шахсий фикр, эътиқодларни шакллантириш, жамоада ўз фикри, позициясини тўғри ҳимоя қилишга ўргатиш мақсадида бу тадбирни амалга ошириши фойдадан холи эмас.

Чунки, тўғри ташкил қилинган конференциялар юқори қайд қилинган хусусиятларнинг шаклланишига асос солади. Конференцияга тайёргарлик, уни ўтказиш жараёнига асосий урғу талабалар мустақиллигини ошириш ва уларнинг ўз устида ишлашга тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилади. Бу натижага талабалар ўқув билиш фаолиятининг икки ёқлама мақсадлилиги билан эришилади :

1. Турли манбалардан янги билимларни мустақил топиш ;
2. Ўқув фаолиятининг янги шароитларида бор билимларни мустақил қўллай олиш .

Конференцияга тайёргарлик - мавзунини аниқлаш, мавзу бўйича саволлар танлашдан бошланади.

Амалиётда мавзуни, хулосаловчи ва обзор конференциялар қўлланилади.

Конференцияда муаммоли саволларнинг эркин, очиқ мушоҳада қилиниши асосий мезон ҳисобланади.

Конференция ўзининг хусусиятларига кўра семинарга яқин бўлиб, уни ривожланган шакли саналади, чунки, конференцияларни ўтказиш методикаси семинарларни ўтказиш методикасига ўхшаш бўлиб, фақат рефератлар ва маърузалар тайёрланиш талаблари семинарга қараганда анча юқори, чунки уларга талабалар ижодий фаолияти тажрибасини қўлланилиши талаб қилиниб, шакллантирувчи восита сифатида қаралиб, топшириқларнинг қийинлик даражасини кўтарилиши назарда тутилади.

Касб-ҳунар коллежларида конференциялар ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш муносабати билан ҳам ўтказилади. Бундай конференциялар талабаларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш, уларни маънавий жиҳатдан илҳомлантириш мақсадида ташкил қилинади. Унда талабалар амалиёт даврида бажариладиган ишлари билан танишадилар. Амалиёт жараёнида учрайдиган қийинчиликлар ҳақида билиб оладилар. Талабаларга жойлардаги техника хавфсизлиги қоидалари ҳам тушунтирилади.

Якуний конференцияда амалиёт натижалари якунланади. Талабаларнинг ўқув ишлаб чиқариш фаолиятлари якунланади, энг яхши тажрибалар тавсифи берилади. Амалиётчи талабалар ўз чиқишларида назарий ва амалий билимларини чуқур ўзлаштирганликларини, ишлаб чиқариш масалаларини ечишга тайёр эканликларини, касбий фикрлаш, воқеа ва ҳодисаларини ҳолисона баҳолай олишларини кўрсата олишлари керак.

Якуний конференцияга қуйи курс талабаларини таклиф этиш ижобий самара беради. Амалиётчи талабалар иши билан танишиш уларда эгаллаётган мутахассисликларига ижобий муносабатни тарбиялаб, назарий предметларни ўзлаштиришга стимул уйғотади.

Ўқитувчилар талабаларнинг конференцияга чиқишларига тайёргарлик кўришларида, яъни материал танлаш, реферат ёки доклад учун мисол ва фактлар тўплаш, чиқиш тизимини аниқлаш, намоиш этадиган материални

тўплаш ва расмийлаштиришда яқиндан ёрдам бериб, раҳбарлик қиладилар.

Факультатив.

Касб-хунар коллежларида дарсдан ташқари ташкил қилинадиган машғулотларга факультативлар киритилган. Факультативлар ўқитувчи томонидан талабалар танлаган мавзулар бўйича ўтказилади.

Дарс турларининг ўзаро боғлиқлиги.

Таълим жараёнида қўлланиладиган барча дарс турларининг асосий мақсади талабаларни назарий билимлар билан қуроллантириш, улардаги билим, қўникма, малакаларни ривожлантириш, миллий ғоя мафкураси руҳида тарбиялашдир. Қўйида синф-дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг қўлланилиши тўғрисида маълумот беришни лозим топдик.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари, деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қўйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва қўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши).

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу эса ўқитувчининг ўқув материални тўғри ва самарали тушунтиришига, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактаблар ва касб-хунар коллежларида энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири – янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарс тури қўйидагича тузилади:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимларни устида машқ қилиш;
- г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириш.

Демак, дарс бошдан – оёқ фақат бир хил турдан фойдаланиб олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш, иккинчи бир дарс тури элементи савол – жавоб ўтказиш, янги билимлар устида машқ ўтказиш, учинчи бир дарс тури элементи – масала ва мисоллар ечтириш, грамматик таҳлил, график ишлар олиб бориш, уйга вазифа, бошқа бир дарс элементи – тушунтириш, йўл – йўриқлар кўрсатиш ва ҳоказо каби бошқа элементлар бўлиши ҳам мумкин.

Демак, дарс урининг тузилишини, унинг қисмларини англатади.

Бироқ, дарс ва унинг турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қила олади. Яъни, дарс тузилишининг ўзгариши билан очик дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради. Демак, дарснинг шу қисмига келиб, унинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради, янгиланади.

Дарс тузилиши бирдан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларининг ўзгариши дарс босқичи, деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

- 1) уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
- 2) янги материалларни баён қилиш;
- 3) янги материалларни мустаҳкамлаш.
- 4) уй вазифалари топширишни ўз ичига олади.

Дарс турлари маълум босқичларга ҳам ажралади.

Бошланғич ва 5 – 9 синфларда кўпинча аралаш дарс, мустаҳкамлаш ва билим, кўникма, малакаларни текшириш каби дарс турлари қўлланилади. Юқори синфларда эса кўпинча янги билимларни баён қилиш, такрорий – умумлаштирувчи дарс турлари қўлланилади.

Синф – дарс шаклидаги машғулотларни ташкил этиш.

Ҳар бир дарснинг мувоффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Дарс машғулотдан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб ўқитиш билан бошланади. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади.

Дарсда режа бўйича мўлжалланган материал ўтиб бўлингач, у албатта яқунланиши, хулосалар чиқарилиши керак.

Дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсад – таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашдир.

2.1.23. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМЛАШГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (4С)

Режа:

1. Ўқитишнинг умумлашган технологиялари тўғрисида тушунча.
2. Ўқитишнинг кўргазмали технологияси.
3. Муаммоли таълим технологиясининг йўналишлари.
4. Дастурлашган ва дифференциаллашган таълим технологиялари.

Ўқитишнинг кўргазмали - тушунтирувчи, муаммоли, дастурлашган дифференциал, фаол, ривожлантирувчи каби умумлашган технологиялари.

Педагогик технология деганда, таълим-тарбия жараёнига мажмуи сифатида ёндошиш тушунилади. Педагогик технология асосини педагогик жараёнга мажмуили ёндошув тамойили ташкил қилар экан, у методика (услубиёт) деган тушунчадан ўзини воқеликка мажмуили ёндашув қонуниятларидан келиб чиққанлиги билан ажралиб туради.

Педагогик технологиянинг педагогик услубидан иккинчи фарқи, у бутун педагогик жараён элементларини ўзаро узвий алоқадорликда кўрган ҳолда жараёнинг лойиҳасини тузиб чиқади.

Унинг учинчи, анъанавий педагогик усул ва услублардан фарқи, у талабалар томонидан, уларга берилган билимни айтиб беришга эмас, балки таълим жараёнининг якунида қандайдир бир амалий ишни бажаришга йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг бошқа таълим услублардан тўртинчи фарқи, у дарс берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир. Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам, аъло бўлмаса-да, яхши дарс бера олади. Ҳар ҳолда, аввалгидек - «дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан дарс бузилди» ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин йўқ.

Педагогик технологиянинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг таърифини келтирамиз. Педагогик технология - таълим ва тарбия жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий - муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техникавий тафаккур асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ тушунчадир.

Фан ва техниканинг жадал ривожини, таълим тизимининг тубдан ислоҳоти касбий тайёргарликка бўлган эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. Кўргазмали - тушунтирувчи, муаммоли, дастурида таълим ва тарбия жараёнида мустақил ва эркин фикрлайдиган шахс тарбиясига эътиборни қаратиш таъкидланган. Шунга биноан ўқув жараёнининг умумлашган педагогик технологиялари мукамаллаштирилмоқда, педагогик жараёнда янги педагогик технологиялар кириб келмоқда. Аввалом бор умумлашган педагогик технологиялар нима? Бу ўқитишда қўлланиладиган услублардир. Улар ёрдамида ўқитувчи мавзунини талабаларга қизиқарли, тушунарли, ишонарли қилиб ёритиб беради. Умулашган педагогик технологияларни қўллашда ўқитувчи қуйидаги ҳолатларда эътиборини қаратиши лозим :

1. Энг муҳим объектив алоқа ва муносабатларни ниҳоятда тўла ва ишонарли қилиб ёритиб бериш; дарс давомида ўқувчилар фикрини аниқ воқеалардан мавҳумга ва аксинча мавҳум воқеалардан аниқ воқеаларга усталик билан жалб қилиш; бу жараён талабалар мавҳум тафаккурини ўсишига туртки бўлиб уларнинг таҳлил қила олишларини енгиллаштиради.

2. Дарс жараёнида талабаларнинг фаоллигини максимал даражага кўтариш, талабаларнинг эркин ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

3. Талабалар мустақил ишига эътиборини қаратиш. Бу улардаги мустақилликни оширади.

Юқорида қайд қилганимиз сингари таълим бериш технологияси – таълим бериш фаолиятида қўлланиладиган воситалар тизими ҳамда тизимнинг ишлаш усулидир. Қуйида улар тўғрисида маълумотлар берилган:

Ўқитишнинг кўргазмали технологияси.

Инсоннинг борлиқни идрок этишида сезги органларининг ўрни беқиёсдир. Биз кўриб, эшитиб, таниб, ҳидлаб предметларни англаймиз, ажрата оламиз. Инсоннинг шу хусусияти ҳисобга олинган ҳолда таълим жараёнида кўргазмали технология қўлланилади. Бу технология ўқувчи ўрганаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок қилишига, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ундайди. Бугунги кунда таълим жараёнига анъанавий кўргазма воситалари бўлган :

а) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар – расм, сурат, фотосурат, диафильм, кинофильм ва ҳоказолар.

б) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар – жуғрофия ва тарихий карталар, чизмалар, жадваллар, диаграмма ва ҳоказолар.

Кўргазма воситалари қаторига иккала турини, яъни а+б хусусиятларини ўз ичига олган электрон дарсликлар ва вертуал стендлар кириб келди.

Кўргазмали воситалардан фойдаланишдан олдин талабаларга воситани қўллаш мақсади қисқача тушунтирилиб, материал баёни пайтида намоёиш этилади. Кўргазмали восита ўқитувчи томонидан намоёиш этилади. Агар кўргазмали материаллар етарли бўлса талабаларга тарқатиш ҳам мумкин.

Тажриба шуни курсатмоқдаки, ўқувчилар кўпинча ўзларининг фикри аниқ буюмларнинг хоссалари ва белгиларидан ёки дарсда ўргатилаётган аниқ фактлар ҳамда воқеалардан аста – секин чалғитилган тақдирдагина абстракт тушунчаларни ўзлаштириб олишга қодир бўладилар. Бунда кўриб, ҳис этиб, идрок қилишдан абстракт фикрлашга, аниқликдан умумийликка, воқеадан унинг моҳиятига, воқеаларнинг хилма – хиллигидан уларнинг қонуниятларига аста – секин ўтиб бориш имконини берадиган кўрсатмалиликнинг махсус системаси муҳим аҳамият касб этади. Бир хил воқеалар ёки буюмларнинг ўзини акс эттирувчи кўрсатма қўлланмаларда мана шу воқеа ва буюмларнинг асосий муҳим томонлари ҳамда белгилари аниқ ажралиб туриши жуда муҳимдир. Ўқитувчи ҳам иш жараёнида ўқувчилар диққатини худди шу нарсаларга жалб этиши керак. Натура кадрларни схематик мультипликациялар билан бирга қўшишдан таркиб топадиган кино парчалар бундай ўқув қўлланмаларнинг энг такомиллашган туридир. Бундай ўқув қўлланмалар бўлмаган пайтда доскага чизиб кўрсатиладиган схемали чизмалардан кўрсатмалиликнинг тасвирлаш воситалари сифатида фойдаланиш мумкин. Дарсга кўрсатмалилик воситаларини ҳаддан ташқари кўпайтириб юбориш ярамайди. Бу ўқувчилар диққатини тарқатиб юбориб, уларга асосий нарсани аниқлаб олиш имконини бермайди-ки, бунингсиз қонуниятларни тўғри тушунтириб, умумлаштириб ва улардан тўғри хулосалар чиқариб бўлмайди.

Муаммоли таълим технологиясининг йўналишлари. Муаммони яратиш технологияси.

Йигирманчи йиллардаёқ методистлар ўқитишнинг янги методларини излашди. Улар ўқувчилар фаннинг турли соҳаларидан иложи борица кенгрок маълумотларни ўзлаштириши билан бирга уларда мустақиллик, ҳаётга ижодий муносабат малакаларини таркиб топтириши керак, деган хулосага келдилар. Ана шу мақсадда ўқитишни ўқувчиларнинг у ёки бу шаклдаги таълимий фаолияти тадқиқотни эслатадиган, ўқувчилар учун “кашфиётлар” билан тугайдиган, яъни улар мустақил ҳолда хулоса чиқарадиган ва қандайдир амалий вазифани ҳал қиладиган методларга асосланиш таклиф этилади.

Жуда кўп дидактлар, ўқитувчилар ва методистлар (Бабанский, Лернер, Матюшкин, Махмутов, Пишкало, Оконь, Флеминч, Марков, Сани ва бошқалар) муаммоли таълим масалалари бўйича тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Муаммоли таълим методлари орасида қуйидаги бештаси асосий методлар сифатида фарқланади.

1.Тадқиқот методи

Бу метод, биринчидан, билимларни ижодий қўлланишини таъминлашга, иккинчидан, илмий билиш методларини излаш жараёнида мазкур методларни ва уларнинг қўлланишини ўзлаштиришга қаратилади. Учинчидан, ижодкорлик фаолияти хислатларини шакллантиради, тўртинчидан, ана шундай фаолиятга қизиқиш ҳамда эҳтиёжни таркиб топтиришнинг шарти ҳисобланади.

Ана шу хусусиятларни назарда тутиб методни ўқувчиларнинг ўзлари учун янги муаммони ҳал қилиш бўйича ижодкорлик фаолиятини ташкил этиш йўли сифатида таърифлаш керак. Ўқувчилар ўзлари учун янги саналган муаммоларни ҳал қиладилар. Тадқиқот методида топшириқларнинг шакли ҳар хил, масалан, синфда ва уйда тез бажариладиган топшириқлар, дарс жараёнини тақозо этадиган ишлар, маълум, лекин чекланган муддатга мўлжалланган уй вазифаларидан иборат бўлиши мумкин. Чунончи жамоа хўжалигининг, заводнинг, мазкур аҳоли пунктидаги ташкилотнинг тарихини ўрганишга доир топшириқлар фоят фойдали ва самарали тадбирлардир.Тадқиқот методининг босқичлари:

1. Фактлар ва ҳодисаларни кузатиш ҳамда ўрганиш.
2. Тадқиқотга доир тушунарсиз ҳодисаларни ойдинлаштириш.
3. Гипотезани олға суриш.
4. Тадқиқотнинг режасини тузиш.
5. Режани амалга ошириш.
6. Ечимни тузиш.
7. Ечимни текшириш.
8. Амалий хулосалар.

Тадқиқот методида ҳам оғзаки ва матбуот сўзлари, кўрсатмали воситалар, амалий ишлар, ёзма ва график ишлар, лаборатория иши ва ҳоазолардан фойдаланилади.

2.Қисман изланиш ёки эвристика методи

Ўқувчиларни аста - секин муаммоларни мустақил ҳал қилишга яқинлаштириш учун уларга аввало ечимнинг айрим босқичларини бажаришни ўргатиш, уларда аста - секин кўникма ҳосил қилиш зарур. Тадқиқот методининг биринчи вариантида ўқувчиларга кўрсатилган расмга ва сўзлаб берилган мазмунга саволлар тузишни тавсия этиш орқали муаммоларни кўра олиш, айтилган фактлардан хулоса чиқариш ўргатилади.

Мазкур методнинг бошқа бир варианты мураккаб масалани тушунилиши осон ва ҳар қайсиси асосий масалани ечишга яқинлаштиришни енгиллаштирадиган кичик масалаларга ажратишдан иборатдир.

Ўзаро боғлиқ саволлардан ташкил топадиган эвристик суҳбатни тузиш тадқиқот методининг учинчи варианти бўлиб, мазкур саволларнинг ҳар бири муаммони ҳал қилиш йўлидаги қадам ҳисобланади ва кўплари ўқувчилардан фақат ўз билимларидан фойдаланишни эмас, балки изланишларни амалга оширишни ҳам талаб қилади.

3.Тушунтириш, намоёниш этиш методи.

Бу методнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этишдир. Уни ахборот – рецептив метод, деб ҳам аталади. (рецепция - идрок) ва унда ўқитувчи билан ўқувчи фаолияти давом этади.Бу фаолият шундан иборатки, ўқитувчи тайёр ахборотни турли воситалар билан беради, ўқувчилар эса ана шу фаолиятни идрок этадилар ва эслаб қоладилар. Ўқитувчи ахборот беришни оғзаки сўз (ҳикоя), матбуот (дарсликлар, кўшимча қўлланмалар) даги иборалар, кўрсатмали қуроллар ва ҳоказолар ёрдамида амалга оширади.

Ўқитувчилар билимларни ўзлаштириш учун зарур ишларни бажарадилар – янги ахборотни тинглайдилар, кўрадилар, ўқийдилар, кузатадилар ва уни илгариги ўзлаштирилган ахборот билан таққослайдилар, хотираларида олиб қоладилар. Улар синфда ўтириб ўсимликнинг қандай униб чиқишини, гуллардан мевалар ҳосил бўлишини, баланд тоғларда, чуқур денгизларда жониворлар қандай яшашларини кузатишлари ҳам мумкин.

4. Муаммоли баён қилиш

Ушбу методнинг моҳияти ўқитувчи муаммони қўйиб, уни ўзи ҳал қилиши ва ечимнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунарли зиддиятлар орқали кўрсатишдан иборатдир.

Ўқувчилар ечимга олиб борадиган йўлнинг мантиғини, тавсия этилган гипотезаларнинг ҳақиқатга ўхшашлигини, исботларнинг ишончлилигини кузатадилар. Улар дастлабги пайтларда хулосаларга ишонмасалар ҳам, лекин кейинчалик муаммоли баён билан муаммоларни мустақил ҳал этиш жараёни аста – секин мувофиқлашуви натижасида хулосалар чиқарадиган, эҳтимол ўз муҳокамаларининг мантиғини туза оладиган бўлиб қоладилар.

Шунга кўра ўқитувчи мустақил ҳал эта оладиган муаммолардан мураккаброқ муаммоларни танлаш мумкин.

5.Репродуктив метод

Ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллаши, шу билан билимларни ўзлаштиришнинг иккинчи даражасига эришиши учун ўқитувчи топшириқлар тизими орқали уларнинг ўзларига берилган билимларни бир неча марта эслатади. У топшириқлар беради, ўқувчилар эса топшириқларни бажарадилар – ўхшаш масалаларни ечадилар, намунага қараб турлайдилар ва туслайдилар. Ўқитувчининг неча марта ва қандай оралиқларда такрорлаши ўзининг қобилиятига, топшириқнинг қийин ёки осонлигига боғлиқ.

Муаммоли бошлаш билан баён қилиш.

Ўқитувчи янги билимларни баён қилишни бошлашда муаммоли вазиятни яратса, кейин ўқув материални анъанавий, ахборот усулида тушунтиради.

Муаммоли вазият фақат тушунтиришнинг бошида вужудга келтирилади, ўқув материалнинг ўзи муаммони ҳал қилиш сифатида баён этилмайди. У энг оддий ҳисобланади ва муайян вақт давомида қўлланилади. Умуман олганда муаммоли вазиятни қандай тушунтириш ўқитувчининг иқтидори, тажрибасига чамбарчас боғлиқдир.

Муаммоли таълим талабаларнинг фикрлаш жараёнини ишга солиб, уларнинг мавҳум тафаккури, аналитик-синтетик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, чунки, бу технология талабадан муаммо асосида баён этилган ўқув материалнинг ечимини топишни тақозо қилади. Ўқувчилар материални тайёр ҳолда эмас, балки, ўзлари учун янги фактлар ва ҳодисаларни уларга илгари маълум бўлган билимларга таяниб таққослаш йўли билан тушунтириб боришлари керак бўлади. Ўқув жараёни талабалар тафаккурининг юксак фаоллигига эришиб, уларнинг мустақиллигини аста – секин ўстириб бориш йули билан ўтади.

Муаммоли вазият қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

1.Ўқувчиларнинг билимлари билан улар янги ўқув вазифаларини ҳал қилаётганларида уларга қўйиладиган талаблар ўртасида номувофиқлик сезилиб қолган пайтда муаммоли вазият пайдо бўлади. Ўқувчи ўз билимининг етарли даражада чуқур эмаслигига ёки ниҳоятда юзаки эканлигига ишонч ҳосил қилганида унда янги назарий ва амалий билимлар ҳамда кўникмалар ҳосил қилишга, улардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириб олишга эҳтиёж туғилади.

2.Ўқувчи ўз билимлари системасидан фойдаланганда вазифани тўғри ҳал қилиш имконини бера оладиган бирдан – бир зарур билимларни танлаб олишни билолмай қолган пайтда муаммоли вазият пайдо бўлади. Агар вазифани тўлиқ бўлмаган маълумотлар билан ҳал этиш ўқувчини мустақил билим олиш йулига солса, ўқувчи олдига ортиқча маълумотлар билан ҳал этиладиган вазифалар қўйиш- ўқувчини билимларни танлаш ва баҳолашга мажбур этади, яъни унинг мустақил изланиш фаолиятини фаоллаштиради.

3.Ўқувчи ўз билимларидан фойдаланишнинг янги амалий шарт – шароитларига дуч келиб қолганда муаммоли вазият вужудга келади. Аслида бу ўз билимларини амалда қўллаш йулларини излашдан иборат бўлади.

4.Вазифани ҳал этишнинг назарий йули билан танланган усулнинг амалиётда амалга ошириб бўлмаслиги ўртасида, шунингдек вазифани ҳал этишнинг амалда эришилган натижаси билан уни назарий жиҳатдан асосланганлиги ўртасида зиддият юзага келганда муаммоли вазият пайдо бўлади. Машина ва механизмларни ҳамда технологик жараёнларнинг конструктив масалаларини ҳал этиш, уларни техника жиҳатидан моделлаштириш ҳамда рационализация қилиш вазифаларини ҳал этиш вақтида бу каби муаммоли вазиятлардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитувчи қўйган ва ўқувчилар қабул қилган муаммоларни ҳал этиш муаммоли вазиятни таҳлил қилишдан, ундаги қарама – қаршиликларни тушуниб олишдан ва ҳал этилиши талаб қилинаётган конкрет назарий ва амалий масалани аста – секин ифодалаб беришдан бошланади. Оқибат натижада ҳар бир ўқувчи бир қанча шундай саволларга дуч келиб қолади-ки, бу саволлар ундан гипотезалар қилишни, уларни асослаб бериш ва танлашни, текшириш ҳамда олинган натижаларни баҳолашни талаб этади.

Муаммони ҳал этиш йўлини топиш учун шунчаки қўшимча фактлар тўплашнинг ўзи етарли бўлмайди. У ўқувчиларнинг ўз тажриба ва билимларини қайта ишлаб, қўллашга қаратилган шахсий фикрлаш қобилиятлари билан албатта боғлиқ бўлади. Ўқувчилар муаммони ҳал этар эканлар, ўзлари учун гўё бир янги оламни, у пайтгача ўзларига номаълум бўлган оламни янгидан очгандай бўладилар. Натижада бундай жавобларни мустақил қидириш уларнинг билимга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришга ҳамда ўстиришга олиб келади, ўқув меҳнатини қувончга айлантирадиган ижобий шахсий ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишига олиб боради.

Олға сурилган муаммонинг ҳал этилиши муаммо асосида таълим беришнинг асосий моменти бўлиб, у ўқитувчидан ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини маҳорат билан бошқаришни талаб қилади. Ўқитувчи материални тушунтириб бермасдан, фақат ўқув муаммосини илгари суриши учун ўқувчилар у муаммони мустақил тушуниб олишлари, уни ҳал қилиш усулларини қидириб топишлари ҳамда бу соҳада муайян хулосалар чиқаришлари лозим. Бунинг учун, улар ўқитувчи раҳбарлиги остида муаммони ҳал этиш устида мустақил ишлаш малакаларини аста –секин ҳосил қилиб боришлари керак. Шу мақсадда ўқитувчи биринчи босқичда муаммо қўйиб ўқувчиларга ҳал этиш йўлини кўрсатиб беради, шу тариқа ўқувчиларни билиш методлари билан қуроллантиради.

Иккинчи босқичда ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммо қўйиб бўлганидан кейин ўқувчиларни бу муаммони ҳал этиш йўлларини қидириб топишга даъват қилади. Ёки ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини

мақсад сари йўллайдиган ҳамда уларни изчиллик билан қўйилган муаммони ҳал этиш томон етаклайдиган жузъий саволлар беради.

Кейинчалик, ўқувчиларда мустақил ишлаш малакалари ўса борган сари, ўртага қўйилган муаммони ҳал этишда ўқитувчининг берадиган ёрдами аста – секин қисқариб бориши лозим ва оқибат натижада ўқитувчи қўйилган муаммони ўқувчиларнинг мустақил ҳал қилишларига эришади (3- босқич). Жумладан, бу босқичда ўқувчиларга муаммони ҳал этишнинг шундай бир хилини тавсия этиш мумкин. Муаммоли вазият вужудга келтирилгандан кейин ўқитувчи намойиш қилиб кўрсатиладиган тажриба ўтказди, тажриба вақтида тушунтириб ўтирмайди. Ўқувчилар ўз кузатишлари асосида ва илгари ҳосил қилган билимларидан фойдаланиб, тажрибадан ўзлари хулоса чиқарадилар.

Қўйилган муаммони ҳал этиш жараёнини ҳам ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси ва ҳаётий кузатишларидан фойдаланиб, худди мана шу тарзда ечиш мумкин. Ўқувчилар ўқув устахоналарида ёки корхоналарда ишлар эканлар, ҳар куни турли машиналарга, асбоб – ускуналарга, материаллар ва аппаратларга дуч келадилар, уларнинг ишлаб чиқаришда қандай қўлланилишини кузатадилар, бир қанча техника ҳодисалари билан уларни ҳали синфда ўрганишга киришмаслариданок амалда танишиб оладилар. Мана шу ҳодисалардан ва ўқувчиларнинг ҳаётий кузатишларидан фойдаланиш ўқувчиларни дарс вақтида қўйилган ўқув муаммоларини ҳал қилишга жалб этиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш таълими дарсларида айрим мураккаб ишларни бажаришнинг технологияси жараёнини белгилашда, бракнинг сабабини таҳлил қилишда, айрим аппаратлар, машиналар, электр ва радио схемалари ишидаги камчиликларнинг сабабларини аниқлашда ва ҳоказоларда муаммоли вазиятни вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш таълими дарсларида материални муаммоли вазиятни вужудга келтириш йўли билан ўрганиш мастердан одатдаги тайёргарликдан ташқари яна қўшимча равишда катта ва мураккаб ишларни бажаришни ҳам талаб қилади. Биринчидан, мастер юқорида айтиб ўтилган талабларни ҳисобга олиб, ўқув - ишлаб чиқариш материални тўғри танлаши керак; иккинчидан, у изланиш характерида бўлган топшириқнинг мазмунини ва уни бажаришнинг ташкилий формаларини ўйлаб кўриши лозим; учинчидан, таълимда муаммони вужудга келтирадиган масалалар мазмунини ва уларни ифодалаш характериini белгилаб олиши зарур.

Дастурлашган ва дифференциялашган таълим технологияларида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти.

Дастурлашган дифференциал.

Дастур асосида таълим беришдан мақсад таълим жараёнининг асосий қонуниятларига таяниб таълим бериш ва бу ишни бошқариш учун энг қулай шарт – шароит яратишдир.

Таълим жараёни индивидуаллаштирилади. Ҳар бир ўқувчи ўз индивидуал имкониятларига яраша мустақил иш олиб боради. Таълим мазмуни, билим бериш ва уни ўқиб олиш, малака ҳамда кўникмалар ҳосил

қилиш жараёнлари дастурлаштирилади. Таълимни дастурлаштиришда аввало ўқувчилар мазкур темани ўрганиш натижасида қандай билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишлари кераклигини, мазкур тема материалларини ўқиб олиш учун ўқувчилар илгари олган билимлари ҳамда ҳосил қилган малака ва кўникмаларидан қайси бири бевосита мазкур фанни ва аралаш бошқа фанларни ўрганиш учун зарур бўлишини аниқ белгилаб олиш назарда тутилади.

Мана шундан келиб чиқиб, мавзу мазмуни қисмларга тақсимланади, бу қисмлардан ҳар бири ўқиб олиш ва назорат қилишни тақозо этадиган янги материалнинг тугалланган бир бўлаги ҳисобланади.

Билим ҳосил қилиш ва малакалар таркиб топтириш жараёнини дастурлаштиришда ўқув материалини ўқиб олиш учун ўқувчининг қандай ақлий ва жисмоний ишлар қилиши лозимлигини белгилаб олиш назарда тутилади. Буни ишлаб чиқариш таълимига тадбиқ этиш – меҳнат усуллари, операция ва жараёнлар, машқларни бажариш методикаси талабларига риоя қилинган ҳолда танланган ва бажариладиган жараёнлар, шунингдек, ўз олдига қўйилган саволларга жавоб топиш, жавобларни таърифлаб бериш учун ўқувчи бажарадиган таққослаш, анализ, турли ҳисоблаш – ўлчаш сингари билим олиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар юқорида айтиб ўтилган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жумласига киради. Қўйилган масалалар ўрганилаётган меҳнат усуллари, операциялар ва жараёнларнинг тахминий негизини ўқувчилар томонидан фаол равишда ва тўла ўқиб олинишини таъмин этиш керак.

Ҳар бир элементнинг ўқиб олиниши устидан назорат ўрнатиш ва бундан аввалги элементни муваффақият билан билиб олгандан кейингина навбатдаги элемент устида ишлашга киришиш – дастур асосида таълим беришнинг энг зарур таркибий қисмидир.

Дастур асосида таълим бериш ўқувчиларнинг ўқув материалининг ҳар бир элементи соҳасидаги топшириқларни бажаришлари ва уларни ўқиб олишлари устидан назорат ўрнатиш сингари ишлар ўқитувчининг бевосита иштироки билан амалга оширилишини тақозо қилади.

Дастур асосида босилиб чиққан ўқув қуроллари ва ўқитиш учун ясалган машиналар дастур асосида таълим беришнинг асосий воситаларидир.

Дастур асосида таълим бериш профессионал – техника билим юртларида назарий таълим соҳасида нисбатан анча кенг, ишлаб чиқаришда эса анча торроқ кўламда олиб борилади.

Агар назарий таълимни дастурлаштириш пайтида босма қўлланмалар ва энг оддий механик электрон машиналари ёрдамида ўқув материалининг ҳар бир элементини ўрганиш ва уни ўқиб олиш устидан назорат ўрнатишга, яъни бу ишларни ўқитувчининг бевосита иштирокисиз амалга оширишга эришилса, ишлаб чиқариш таълимини, айниқса ҳаракат ҳамда ҳунар малакаларини таркиб топтириш жараёнларини дастурлаштиришда қуруқ сўзлардан иборат матннинг ўзи ва график усулда тайёрланган энг оддий кўргазма воситаларининг ёлғиз ўзи камлик қилади.

Бу ерда навбатдаги элементни автоматик тарзда намоён қилиш учун ўқитадиган машиналар лозим бўлади, уларда кинофрагментлардан, автоматик назорат ўрнатиш учун эса электрон аппаратура билан жиҳозланган машиналардан фойдаланилади. Ҳозир мана шундай машиналар мавжуддир, бироқ улар қиммат ва мураккаб машиналар бўлганлигидан ҳозирча улардан оммавий равишда фойдаланиб бўлмайди.

Ўқув устаси аслида ишлаб чиқариш таълими юзасидан дастурлаштирилган ўқув қўлланмаси ҳисобланган ўқув карталари – топшириқлари ёрдамида бериладиган муқаддима тарзидаги йўл – йўриқни зарур бўлиб қолган ҳолларда махсус асбоблар ва тренажёрлардан фойдаланган ҳолда анъанавий методлар билан олиб боради. «Қадам-бақадам» назорат қилиб, топшириқ қандай бажарилаётганлигини текшириб боради. Баъзи ҳолларда ўқувчиларнинг бир – бирларини назорат қилиш методидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ақлий функцияларни, яъни технология жараёнларини режалаштиришда, бузилган жойларни қидириб топишда ва ҳоказоларда дастур асосида таълим бериш жуда яхши самара беради. Бунинг учун дастурлаштирилган босма қўлланмалар ҳам, унча мураккаб бўлмаган ўқитиш машиналари – тренажёрлар ҳам қўлланилади.

Профессional – техника таълими системасидаги ўқув юртларида турли хил ўқитиш дастурлари ва техника воситалари яратиш ҳамда жорий иш юзасидан ҳам катта амалий ишлар қилинган. Касб-хунар коллежларида ўқитишга хизмат қиладиган машиналарнинг ҳар хил типлари кўплаб ишлаб чиқилган, уларнинг расмий жорий қилинган дастур (линияли ва шаҳобчали) турлари, қарши алоқани йўлга қўйиш (тайёр жавобларни конструкция қилиш ёки танлаш) характери, қандай мақсадда фойдаланилиши (тренажёрлар, экзаменаторлар, репетиторлар) турлари билан бир – бирларидан фарқ қилади.

Дастур асосида таълим бериш техникавий воситалари эҳтимол тутилган турлари ҳамда типларининг шунчалик кўп бўлишига қарамасдан, амалда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариб туриш, уларнинг билимини назорат қилиш ва амалий кўникмаларини ўстириш учун фақат бир неча машиналарнинг асосий типлари бўлиши kifоядир. Бундан ташқари, кейинги вақтларда маслаҳат ва назорат қилиш функцияларини, шунингдек, назорат ҳамда машқ қилиш функцияларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб машиналар кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун машиналарни уларнинг самарадорлик даражасига қараб танлаш лозим.

Педагогикада ЭХМдан фойдаланилган ҳолда таълим бериш.

Юқорида қайд қилганимиз сингари таълим бериш технологияси-таълим бериш фаолиятида қўлланиладиган воситалар тизими ҳамда тизимнинг ишлаш усулидир. Бундай воситаларга фақат идеал воситалар (масалан ўқув ахбороти) эмас, балки моддий воситалар (хусусан компьютер ҳам киради) бунда мазкур воситаларнинг ҳар бири

технологияга риоя қилинган ҳолда фойдаланишини, ҳамда улар белгилаган таълим бериш функцияларининг бажарилишини таъминлай олиши лозим.

Таълим бериш технологияси - зарур бўғин бўлиб, амалий фанлар ва таълим бериш жараёнида ижодий кўникмаларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилади.

Бундай ўзига хос муаммоларни (компьютернинг ўқув жараёнидаги ўрни ва вазифаси, ўқитувчининг иш шароитидаги аҳамиятидан тортиб, ўқув жараёнини компьютер ёрдамида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, талабаларнинг ЭХМ билан мулоқотни йўлга қўйиш, таълим беришни индивидуаллаштириш...муаммоларини) ечишга тўғри келади.

АТТ - автоматлашган таълим тизими - ўқув-методик, ахборотли, математик ва педагогик таъминотнинг ҳисоблаш техникаси воситалари негизидаги ўзаро боғлиқ тизимлардир. АТТ ЭХМ ёрдамида ўқув ахборотларини қабул қилиш учун қулай шаклда тақдим этиш функцияларини, ўқув фаолиятини турли методларини қўллаган ҳолда индивидуал тарзда бошқаришни, билимларни назорат қилишни, ўқув жараёнига оид маълумотларни тўплаш ва статистик ишлов беришни амалга ошириш мўлжалланган. Унинг ўзига хослиги - мослашувчанлиги, мустақил ўқув фаолиятини бошқариш (назорат қилинадиган ўзини-ўзи ўқитиш) га ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилганлигидир.

Фаол ва ривожлантирувчи таълим технологияларининг элементлари ва механизмлари.

Бу методга баҳс ва мунозаралар киритилади :

Баҳс ва мунозаралар кичик гуруҳларда уюштирилиб, эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийлари диспут (фикрляпман, тортишяпман) турларига бўлинади.

Ҳар қандай мунозара мавзуси талабаларга олдиндан айтиб қўйилади. Талабалар руҳий ҳолатини бошқариш учун психогимнастик (енгиллаштирувчи) машқлар тавсия этилади.

Оғзаки баҳслар билан бир қаторда ёзма машқлар ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади :

1. Ўқитувчи гуруҳни 2 га бўлади ва уларни алоҳида қаторларга ўтқазади. Ҳар бир гуруҳ мавзу бўйича қайси нуктаи назардан ҳимоя қилишини маълум қилади. Масалан, 1 - гуруҳ болаларнинг ақлий даражаларини мунтазам ўлчаб туриш ва шу орқали таълим муассасаларига жалб этишни ҳимоя қилса, 2-гуруҳ бу фикрни асосли инкор қилади.

2. Шундан сўнг ўқитувчи қарама-қарши гуруҳ аъзоларини жуфтлайди ва уларга номери ёзилган варақларни тарқатади. Ҳар бир иштирокчига бирор фикрни ёзма асослашга 5 дақиқадан берилади. Ёзма далиллар равон тушунарли тилда, асосли тарзда ёзилиши керак.

3. Ёзилган варақчалар қарама-қарши шерикларга берилади. Улар ўз «рақиблари» фикрига қарши фикрни 8-10 дақиқа мобайнида ўйлаб, ёзишлари керак бўлади ва нариги томондаги шеригига беради.

4. Ёзма далиллар алмашинувининг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади, ҳар сафар ҳар бир ўқувчи шеригининг далил-исботини диққат билан ўрганиб чиқиб, жавоб қайтаради. Охирги раундда ўқувчиларнинг ўзларига яқунлаш имкони берилади ва ёзма ишлар йиғиб олинади.

5. Ўқитувчи ёзма баҳоларни яқунлашда томонларга «Қарши томоннинг энг яхши далил - исботи қайсилар бўлди?», деб сўрайди ва ўқувчилар билан олдиндан келишган ҳолда улар билимларини якка-якка ёки гуруҳий баҳолайди.

2.1.24. ТУРЛИ ТИПДАГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ВА ТЕСТ УСУЛЛАРИ. (4С)

Режа:

1. Модулли ўқитиш тўғрисида тушунча.
2. Ўқув фанларини ўқитишда модуллардан фойдаланиш.
3. Модулли ўқитиш самарадорлигини ошириш усуллари ва принциплари.
4. Модулли ўқитишни касб-ҳунар коллежларида тадбиқ қилиш технологияси.

1. Модулли ўқитиш тизимининг моҳияти ва мақсадлари.
2. Ўқув фанларини ўқитишда макромодулар.
3. Модулли ўқитиш самарадорлигини ошириш усуллари ва принциплари.
4. Когнитив визуаллик, хатоларга таяниш, ўқув вақтини тежаш, мотивация (қизиқишни уйғотиш) модул тизимининг муҳим принциплари сифатида.
5. Модулли ўқитишни касб-ҳунар коллежларида тадбиқ қилиш технологияси.

V БОБ. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ. (14С) 2.1.25. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ- ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. (2С)

Режа:

1. Бошқариш ва раҳбарлик ҳақида умумий тушунча.
2. Касб – ҳунар коллежларига раҳбарлик қилишнинг педагогик асослари.
3. Шарқ мутафаккирлари талқинида бошқарув масалалари.
4. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунда бошқариш масалалари.

Бошқариш ва раҳбарлик ҳақида умумий тушунча.

Бошқарув ҳар қандай жамиятга хос бўлган, ҳаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир. Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради. Бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу аснода барча ижтимоий муносабатларни тараққий эттиришдан иборат.

Бошқариш турлари ва вазифалари.

1) Иқтисодий бошқарув. Республикамиз мустақилликка эришган ҳозирги даврда иқтисодни бошқаришга жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зотан миллий тикланиш иқтисодни қайта қуришдан бошланади. Иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатларга етиб олиши иқтисодий бошқарувни тўғри йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

2) Ғоявий – мафкуравий бошқарув. Кишиларнинг турли жамоалари (ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, элатлар, жамоалар ва ҳоказолар) ана шу жамоалар ичида кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқаришдир. Бошқарувни бу турининг асосий моҳияти – турли гуруҳлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш ва тараққий этишдан иборат. Бу турдаги бошқарувдан кўзланган мақсад ижтимоий тафовутларни бартараф этиш, жамиятнинг ижтимоий бир хиллилига эришиш, давлат бошқарувини такомиллаштириб, ижтимоий ўз – ўзини идора қилишга айлантиришдир.

3) Маънавий – маърифий бошқарув. Биз яшаётган жамият тараққий этмоғи учун у юксак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маиший – маданий хизмат қўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади. Илмий техника инқилоби асрида маънавий ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш ғоят катта аҳамият касб этади. Бу шаклдаги бошқариш, умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълими органлари, хунар – техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни, фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади. Юқорида зикр қилинган фикр ва мулоҳазалар халқ таълими тизимини бошқариш, чунончи, умумий таълим мактабини бошқариш ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисми эканини тақозо этади.

Миллий мустақиллик шароитида касб-хунар коллежларининг ўзига хос хусусиятлари ва унга раҳбарлик қилишнинг педагогик асослари.

Касб-хунарга бўлган эҳтиёж халқимизда азалдан мавжуд. Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, бу эҳтиёж янада ортди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилган маълум жиҳатлар фикримиз далилидир. Бугунги таълим ва тарбия жараёни миллий касб-хунаримизни тиклаш билан бир қаторда замон талабига мос келадиган касбларни эгаллашни режалаштиради.

Касб – ҳунар коллежлари таълим жараёни умумтаълим фанлари билан бир қаторда мутахассислик фанлари, ишлаб чиқариш таълимини ўз ичига олганлиги сабабли бу жараёнга раҳбарлик қилишнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуддир. Касб -ҳунар коллеж талабалари асосан ўсмир ва ўспиринлар бўлганлиги сабабли, раҳбар ходимлар фаолиятларининг ёш давларида энг қийин инқироз ёшида бўлган талабалар билан ташкил қилинишини унутмасликлари асосий шартлардан биридир.

Таълим жараёнига ишлаб чиқариш корхоналари, васийлар ва ҳомийликларни жалб қила олиш, ишлаб чиқариш амалиёти ва касбга йўналтириш ишларини ташкил қилиш учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаб қилган мустақил эркин фикрлай оладиган шахсни тарбиялаш, раҳбарнинг диққат-эътиборида бўлмоғи лозим.

Талабалар жамоаларига раҳбарлик қилишда қуйидаги муҳим қоидаларга эътиборни қаратиш лозим.

1. Талабалар мустақиллигини тўғри йўналтиришда ҳамкорликка эришиш.
2. Жамоа (жиқслашган) ташкил қилиш. Педагогик жамоани ташкил қилиш жараёнида демократия, ўз – ўзини бошқаришга эришиш.
3. Касб – ҳунар коллежлари педагоглари, ота – оналар, васий, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.
4. Расмийчиликдан қочиш.
5. Шахслараро муносабатни тўғри йўлга қўйиш.
6. Тарбияни демократиялаш.

Буюк мутафаккирлар талқинида бошқарув масалалари: Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Амир Темурнинг «Тузуқлари»да бошқариш.

Юсуф Хос Ҳожиб 1069 йили «Қутадғу билиг» (саодатга элтувчи билим) асарини Болосоғунда ёза бошлайди ва 1070 йили Қашқарда тугатиб, ҳоким Буғраҳонга тақдим этади. Китоб Буғраҳонга маъқул бўлади ва у Юсуфга «Хос Ҳожиб» унвонини беради. Ўшандан бошлаб, шоирни Юсуф Хос Ҳожиб, деб аташ бошлайдилар.

«Қутадғу билиг» туркий тилда ёзилган илк дидактик дoston, пандномадир. Муқаддима ва хотимадан ташқари 73 бобдан иборат бўлган бу асарда шоир ахлоқ – одоб, илм – маърифат, бола тарбияси, жамоа жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилик қоидаси, турмуш тарзи, инсон маънавий оламининг кўп масалалари хусусида бир маърифат жарчиси сифатида фикр юритади. Юсуф Хос Ҳожиб dostonда марказлашган давлат учун кураш, донишманд, адолатли ҳукмронлик ғоясини илгари суради, халқ , давлат, давлат бошлиғи ва фуқаро, олимлар ва ҳоким, кўшни давлатлар билан иқтисодий маданий алоқалар, ҳукмрон табақаларнинг ҳокимият халқ олдидаги бурчи ҳақида даври учун ғоятда прогрессив бўлган ижтимоий – фалсафий мушоҳадалар юритган: деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорларни жамиятнинг моддий неъматларини яратувчи тоифалар сифатида алоҳида таърифлаган. Фирдавсий, Ибн Сино, Беруний, Носир Хисрав,

анъаналарини давом эттирган Юсуф Хос Ҳожибнинг мазкур асарида математика астрономия, география, фалсафа, мантик, сиёсат, тиббиёт, туш таъбирини айтиш, хуллас ўша замоннинг барча билимларига доир фикрларни учратиш мумкин. Бу эса Юсуфнинг чуқур ва кенг билимли бир инсон эканлигини кўрсатади.

Асарнинг айрим бобларидаги мулоҳаза ва қайдлар синчиклаб кузатилса, Юсуф Хос Ҳожиб умрининг сўнгги йилларини хор – зорликда ўтказганлигини илғаб олиш қийин эмас. Жумладан, «Китоб эгаси Юсуф Улуғ Ҳожиб ўзига панд беради», «Замона бузуқлигини, дўстлар жафосини айтади» бобларида шоирнинг моддий аҳволи, яшаган ижтимоий ҳаёт ҳақида жиддий фикрлари бор.

«Темур тузуклари» - Амир Темурнинг «Раҳбар ходимлар авлодларига ижтимоий – сиёсий фаолиятларида асосий қўлланма бўлсин», - деб ёзилган ўта муҳим асаридир. Унинг шундай асар эканлигига кўп йиллар синчиклаб ўрганиш натижасида тўла ишонч ҳосил қилдик. Асарда юқорида айтилганидай, Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан ташқари, давлат ва қўшинининг тузилиши, шунингдек, Чиғатой улусининг эллик йилдан ортиқ давр (1342 - 1405) даги тарихи ҳақида ўта қимматли маълумотлар келтирилади.

Амир Темур зукко, тажрибали ва сиёсатдон давлат арбоби эди. У ўзи тузмокчи бўлган давлатнинг марказий аппарати ва маҳаллий ҳокимиятнинг қандай, қайси ижтимоий тоифаларга таяниши, мансабдор шахслар ва уларнинг сифатлари ҳамда бурч ва вазифаларини олдиндан белгилаб берган. «Тузуклар» муаллифининг фикрича, ҳар бир соҳиби тож давлат ва жамиятни маълум ижтимоий – сиёсий гуруҳларга таянган ҳолда бошқариши лозим.

Давлатни идора қилишда вазирлар, амирлар ва вилоятларда ўтирган ноибларнинг роли ниҳоятда катта бўлган. Шунинг учун Амир Темур уларни танлаш ва вазифаларга тайинлаш ишига алоҳида аҳамият берган. Улар ҳазрат соҳибқироннинг фикрича, садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускор одамлар бўлиши керак. Тузуклар муаллифининг фикрига кўра, масалан, вазирлар тўрт сифатга эга бўлишлари шарт;

- 1) аслиқ, тоза наслиқ ва улуғворлиқ;
- 2) ақлу фаросатлилик;
- 3) сипоҳ билан раият аҳволидан бохабарлиқ ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш, улар билан яхши муомалада бўлиш;
- 4) сабру бардошлилик, мулойимлик.

«Тузуклар»да келтирилган маълумотларга кўра, Амир Темур ўз давлатини, бир учи Чину Мочин ва иккинчи учи Шом ҳудудида бўлган улкан мамлакатни бор – йўғи етти нафар вазир ёрдамида бошқарган.

Ҳазрат соҳибқирон тож-тахт ворисларини ортиқча сийлаб, талтайтириб юбормаслик зарурлигини ҳам уқтиради. Бузуқи, золим ва зоти паст одамларни вазирликдай олий мансабга тайинламаслик керак, деб огоҳлантиради : «Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга

кулоқ солса, жабр – зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Насли ва зоти паст, ҳасадчи, кина – кек сақловчи, қора қўнгилли одамларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин, (чунки) бузуқи, қора қўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез фурсатда завол топади». Ҳазрат соҳибқирон вазирлардан ножўя иш содир бўлса ёки улар эгаллаб турган мансабини суистеъмол қилса, ундайларни конун бўйича қаттиқ жазога тортган. Масалан, 1404 йил 9 октябр куни ўз мансабини суистеъмол қилган икки вазирни : хожа Маҳмуд Довуд билан Муҳаммад Жалдани қатл эттирган. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Кастилия элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ёзади : «Сеньор Темурбекнинг биринчи кўрган жазоси бош альколд устидан бўлди. Уни дина (вазир) деб аташар эдилар. У бутун Самарқанд империясида энг мўътабар киши ҳисобланган. Темурбек олти йилу ўн бир ой олдин ҳарбий юришга кетаётганда, уни ушбу шаҳарда бош альколд қилиб қолдирган эди. Айтишларича, у ана шу муддат чоғида ўз мансабини суистеъмол қилган.»

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғри сида»ги Қонунда бошқариш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 25,26,27,28,29 - моддаларида таълим тизимини бошқариш тўғрисидаги масалаларга эътибор қаратилган.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларининг 4.6 пунктида таълим тизимини бошқариш тўғрисида қуйидаги фикрлар билдирилган.

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия - хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация яқунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакиллари ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

2.1.26. КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ, ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ. (2С)

Режа:

1. Бошқариш принциплари тўғрисида тушунча.
2. Бошқариш усуллари тўғрисида тушунча.

Бошқариш принциплари ҳақида маълумот.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга оширишнинг асосий омилларидан бири барча таълим муассасаларида бошқариш фаолиятини тўғри йўлга қўйишдир. Бошқариш масаласи энг мураккаб масалалардан бири бўлиб, у маълум принципларга амал қилади:

1. Демократиялаш принципи – мустақил демократик давлатни барпо қилишда жамиятни демократиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжаликни бошқариш тизимининг энг асосий шарти бўлган демократик қонданинг ғоят мақбул шаклларини излаб топиш бугунги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Демократик ақида вазифаларини ҳал этишдаги шунчаки андозачиликка ҳам, шунингдек, кўпчиликнинг ҳоҳиш – иродасини менсимасликка ҳам, маҳаллий органларни меҳнат жамоаларининг манфаатларига қарама-қарши қўйишга ҳам тоқат қила олмайди. Унинг амалга оширилиши ташаббус ва изланишнинг жамият қонунлари ва нормаларига бекаму – кўст риоя этишга асосланган мустахкам интизомлилик, намунали уюшқоқлик билан узвий бирлигини тақозо этади.

2. Илмийлик принципи.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий тараққиёт қонунларини тобора тўлароқ билиб бориш билан белгиланади. Хўжаликни илмий асосда бошқариш қондасини амалга оширишнинг учта асосий шарти мавжуддир:

а) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий негизларини бутун чоралар билан ривожлантиришни, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли муаммоларини ишлаб чиқарувчи илмий - тадқиқот муассасалари тармоғини , жумладан маорифнинг илмий тадқиқот тармоғини барпо этиш;

б) бошқарувчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш, ҳамда уни янада такомиллаштириб бориш;

в) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг, жумладан, мактаб – маорифни бошқаришнинг энг яхши (илғор) тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш. Ҳар бир раҳбар ходим ўзи бошқараётган хўжаликда ёки ўқув юртида ана шу учта шартга тўлиқ риоя қилиши керак.

Касб- ҳунар коллежларида педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи – тарбиячиларнинг ижтимоий топшириқларни тартибга солишидан иборат деб қаралади. Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этиш мазмуни анча кенг тушунча бўлиб, унга, аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва қизиқишларини

ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри танлаш ва жой – жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қўлланилаётган усуллар тизимини узлуксиз тақомиллаштириш ва таълим – тарбия жараёнига техника воситаларини жорий этиш масалалари киради. Унда педагогик иш режимини ўқув юртининг(мактаб, коллеж, лицей) кунлар, ҳафталар, ойлар ва чораклар бўйича иш тартибини тақомиллаштириш, педагогик характердаги конференциялар, йиғилишлар, кенгашлар каби тадбирларни ўтказиш ва бу ишни моҳирона режалаштириш ҳамда бошқаришни тақомиллаштириш назарда тутилади.

3. Бошқаришнинг жамоатчилик қоидаси ва масъулият – тўғри бошқариш ва раҳбарлик қилишнинг олий босқичидир. Бу қоида бошқариш тизимида салмоқли ўринни эгаллаши билан бирга омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, жамоа ва унинг маслаҳати тўғри раҳбарликнинг гаровидир. Жамоа йўли билан ҳўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, энг муҳим қарорларни биргаликда, маслаҳатлашиб ишлаб чиқиш тўғри бошқарувни ташкил қилишнинг муҳим шартидир. Шунинг таъкидлаш лозимки, касб-ҳунар коллежларида барча бошқариш масалалари ўзаро муҳокама қилиш асосида ҳал этилади. Касб-ҳунар коллежларида ҳар бир шахснинг муайян ўрни бўлиши лозим, шунингдек, у аниқ қатъий белгиланган режа ҳамда топшириқ орқали амалий ишларни бажариши керак. Буларнинг барчаси, албатта, таълим – тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва мустақиллик мафкураси манфаатларидан келиб чиқиши зарур.

4. Бошқаришда ижронинг текшириш принципи.

Бу бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқариш тизимида ташкилотчилик жуда катта аҳамият касб этади. Ташкилотчилик ижро билан диалектик бирликни ташкил қилади. Зотан, ижрочини текширишдан кўзда тутилган асосий мақсад (текширишнинг асосий вазифаси) белгиланган иш режаси ва тадбирларни амалга оширишни барбод этиш эҳтимолининг олдини олишдан, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат бўлиб, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида у ёки бу қарорга зарур тузатишлар киритиш, бундан буёнги вазифаларни аниқлаш, мақсадга эришишнинг шакл, метод ва янги усуллари белгилаш имконини беради.

Қарор билан ижронинг бирлиги тўғри раҳбарлик услубининг негизини ташкил этади. Ишнинг кўзини билиб ташкил этилган назорат қарор ва ижро ўртасидаги ишчан бирликни таъминлайди. Ишнинг бу хилда ташкил этилиши ўқитувчи ва тарбиячиларда ўзига ҳамда бошқаларга нисбатан юксак талабчанлик фазилатларини тарбиялайди, ишга нисбатан масъулият ҳиссини кучайтиради, интизомни мустаҳкамлайди ва шу қабили.

5. Бошқаришнинг режалилик принципи - бошқариш тизимидаги ақидаларнинг энг муҳими ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, касб - ҳунар коллежлари бошқарувида муайян тизим бўлиши керак. Бунинг маъноси аввало шундан иборатки, бу иш тасодифий бир – бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмай, балки аниқ

шарт – шароитни, муайян вазият хусусиятларини ҳамда бутун педагоглар жамоаси олдида, шунингдек, унинг айрим гуруҳлари олдида турган вазифаларнинг ўзига хос томонларини қайий суратда тартибга солинган, бир – бири билан узвий боғланган ва чуқур ўйлаб кўрилган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлиши керак. Бошқаришнинг режалаш тамойили халқ таълимига, жумладан, касб - ҳунар коллежларига раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш соҳасидаги режаларни ҳукуматимизнинг халқ таълими соҳасидаги сиёсатини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Шунингдек, халқ таълими органларининг, жумладан, мактабнинг режасини аниқ тадбирлар мавзуси асосида мақсадга қаратилганлик, аниқ, мунтазам ва изчил иш олиб бориш каби хусусиятларга эга бўлиши, унда у ёки бу тадбирни бажариш учун жавобгар шахслар аниқ кўрсатилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

6. Бошқаришнинг самарадорлик ва тежамкорлик қондаси эса жамоа олдида кўйилган мақсадга мумкин қадар қисқа муддат ичида жуда кам маблағ ва ишчи кучи сарфлаб катта ютуқларга эришиш вазифасини кўяди.

Вақтни тежаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бобидаги мазкур тамойил тўлиқ маънода мактабнинг ички бошқарув тизимида бевосита алоқадор. Касб - ҳунар коллежлари раҳбарлари ўзларининг иш бошқарувида ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчиларнинг вақтини тежаш масаласига алоҳида эътибор билан қарашлари лозим.

Бошқариш усуллари тўғрисида тушунча.

Бошқариш усуллари – жамоага таъсир кўрсатиш йўллари бўлиб, у кўйилган мақсадлар жараёнида жамоа фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутди.

Бошқаришнинг ташкилий - маъмурий, социал - психологик, ҳуқуқий, бевосита кўрсатма бериш, рағбатлантиришдан фойдаланиш, кадрларни маънавий жиҳатдан ривожлантириш, кузатиш, суҳбат, ҳужжатларни таҳлил қилиш каби усуллари.

Ташкилий – маъмурий усуллар - бошқариш усуллари тизимида алоҳида ўрин тутди. Бу усулларга:

- бошқариш аппаратининг муайян структурасини тузиш;
- ҳар бир бошқарув бўғинининг функцияларини белгилаш;
- кадрларни тўғри танлаш;
- буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- топшириқлар ва директив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш киради.

Ташкилий маъмурий усуллар юқори органлар ҳокимиятига ва қуйи органларнинг бўйсинишига асосланади. Шунинг учун, уларни кўпинча маъмурий усуллар, деб юритилади. Юқори маъмурий органлар бошқарилувчи объектнинг бажариши мажбурий бўлган тартиб –

қоидаларни ишлаб чиқади, шунингдек, бўйсунувчи органларга фармойишлар беради.

Социал – руҳий усуллар асосий мақсади жамоаларга соғлом ижтимоий – руҳий муҳитни яратишдир. Бу усул ижтимоий – маънавий вазиятда таъсир этиш йўли билан кишиларнинг феъл – атвори, руҳиятини ҳисобга олиб уларнинг ижтимоий (социал) талабларини қондириш орқали бошқаришни билдиради.

Ўз моҳиятига кўра бошқариш усулларининг бу гуруҳи жамоанинг шаклланиш ва юксалиш жараёнига, кишиларнинг онгига, маънавий манфаатларига жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъсир қилувчи воситаларнинг мажмуидир.

Социал – руҳий усуллар «Бошқариш социалогия»си ва «Бошқариш психологияси»га асосланади.

Бошқаришнинг социал – руҳий усуллари қуйидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган:

1. Кишиларнинг социал – руҳий хусусиятлари, чунончи, қобилиятлари, мижозлари, ҳаракатлари ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат жамоаларини ташкил топтириш. Бунинг натижасида жамоани ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорликда ишлаш учун қулай шарт – шароитлар яратилади.

2. Социал юриш – туриш меъёрларини ўрнатиш ва ривожлантиришга яхши ва намунали анъаналарни қўллаб – қувватлаш ва миллий урф – одатларни жорий этиш ҳамда жамоа онгини ўстиришга ёрдам беради.

3. Социал ривожлантиришни ва кишиларнинг интилишини, ташаббусини рағбатлантириш, умумий таълим даражасини ошириш, маданий – маънавий ва маърифий ўсиш, малака ошириш, эстетик раванг ва меҳнатга ижодий муносабатни таъминлайди.

4. Кишиларнинг маданий ва социал – маиший эҳтиёжларини қондириш, чунончи, уй – жойлар, болалар боғчалари, клублар, профилакторийлар, спорт иншоотлари ва ҳоказоларни қуришга шароит туғдиради.

5. Меҳнат жамоаларида талабчанлик, ўзаро ёрдам, интизомни бузувчиларга мурасасозликдан иборат соғлом – психологик муҳитни вужудга келтириш ва уни қўллаб – қувватлашга шароит туғдиради.

6. Одамларнинг ўз меҳнатида, танланган мутахассислиги ва касбидан қониқишлари учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун шарт – шароитларни вужудга келтиради.

Бошқаришнинг ҳуқуқий воситалари деганда, ижтимоий муносабатларга юридик, қонуний таъсир ўтказиш жараёнида қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар мажмуи тушунилади.

Ҳуқуқий нормалар давлат (турли ташкилотлар орқали) ёки жамоат ташкилотлари томонидан чиқарилади ва тасдиқланади.

Ҳуқуқий нормалар турли қонуний ҳужжатлар, низомлар, буйруқлар, фармойишлар ва ҳоказолар шаклига эга бўлади. Бошқариш амалиётида

тенг ҳуқуқли бошқарув субъектлари ўртасида, масалан: корхоналар бирлашмалар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар бўлади. Бундай ҳолларда ҳуқуқий мувофиқлаштирувчи (кординацион) ҳужжатлар ёки келиштирувчи ҳужжатлар нашрдан чиқарилади.

Кўрсатма – бу ижрочиларга ёки аниқ иш юзасидан берилидиган бошқариш қарорларининг ташкилий ҳуқуқий шаклидир. Кўрсатмаларда шахсга буйруқни амалга ошириш учун қандай иш олиб бориш, қандай натижаларга эришиш зарурлиги тушунтирилади ва маслаҳат берилади.

Кўрсатма буйруқнинг ўзида, ҳужжатлардаги резолюцияда, ёзма ҳолатда ёки оғзаки тарзда берилиши мумкин.

Ходимларни рағбатлантириш ва уларни қўллаб – қувватлаш:

- Ходимларнинг ғоя ва таклифларини, уларнинг қайси бирини жорий қилинишини, қайси бирини рағбатлантириш лозимлигини таҳлил қилиш.

- Юқори малакали мутахассислар иштирокида жамоа кенгашини ўтказиш.

Кузатиш усули: - Жамоа фаолиятини шахсан кузатиш, одамлар билан учрашиш ва мулоқотда бўлиб, объектив ва батафсил ахборот йиғиш, шунингдек, ҳар бир жамоа ролини баҳолаш имконини беради.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш усули – бунда зарур маълумотлар статистик тўпламлардан, бошланғич ҳисобга олиш ҳужжатларидан олинади.

Турли масалалар юзасидан кишиларнинг ўз қўллари билан ёзиладиган нарсалар: ариза, шикоят, қариндош – уруғ ва танишларга ёзилган хатлар, таржимаи ҳол, тушунтириш хатлари ва ҳоказолар; турли гуруҳдаги кишиларнинг ҳаётий мақсади, юриш – туриш сабаблари, талаблари, эҳтиёжлари, ташвишлари тўғрисида фикр юритиш имкониятини берувчи муҳим социологик ахборот бўлиши мумкин.

Сухбат усули: Бунда муаммони ўрганиш учун ходим билан бевосита сухбат ўтказилади. Раҳбар ёки тадқиқотчи сухбат давомида масалаларни аниқлашлари, чуқурлаштиришлари, шу йўл билан ишончли ва мукаммал маълумотлар олишлари мумкин.

4. Бошқариш принциплари – бу бошқарув амалиётининг объектив қонунларидан онгли фойдаланиш қобилияти бўлса, усуллар қонунларни ҳар хил ёндашувлар, йўсинлар ёрдамида амалга ошириладиган турли – туман бошқарув ишларининг мажмуидир.

Масалан: бошқарувнинг демократия принципи деганда:

- инсоннинг ўз хоҳиш – иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi;
- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги;
- давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши;

- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.
- тушунилса, уни амалга оширишда ташкилий – маъмурий усулнинг ташкилий таъсир кўрсатиш, социал – психологик усулларида фойдаланилади.

2.1.27. КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ИЧКИ НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ - ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ (2С)

Режа:

1. Касб –ҳунар коллежлари ички бошқарув тизими.
2. Ички бошқарув тизимида раҳбарлик фаолияти тўғрисида тушунча.
3. Коллеж директори, ўринбосарининг ички назорат тизимидаги вазифалари.
4. Таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилишда педагогик таҳлилнинг ўрни.
5. Ўқув юрти педагоглари кенгаши таълим – тарбия ишлари ва жамоа раҳбарлигининг юқори органи сифатида.

Ўқув юрти ичидаги бошқарув ҳақида маълумот.

Билим юрти ичидаги бошқарувнинг бугунги кундаги мақсади «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да кўрсатилган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бўлмоғи лозим.

Касб-ҳунар коллежлари таълим жараёнига умумтаълим предметларидан ташқари мутахассис фанлари, ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти киритилганлиги туфайли у ердаги бошқарув объекти ҳам ўз-ўзидан кўпаяди.

Коллеж раҳбарлари етук мутахассис тарбиясини эътибордан четга қолдирмасликлари лозим.

Ўқув юрти ички бошқарув тизимининг манбалари.

Ўқув юрти ички бошқаруви албатта авваламбор таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бундан асосий эътибор методик ишларга қаратилиши керак. Бу борада ўқув юрти методик кенгашлари маълум ишларни олиб боришади.

Жамиятимиз миллий ғояси ва мафкурасини талабалар онгига сингдириш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий тарбиянинг асосини ташкил қилиши керак.

Дарс жараёнини ўрганиш, назорат қилиш, педагогик таҳлил қилиш ва ўқув юрти педагогик кенгашида натижаларни муҳокама қилиш ҳам бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ички бошқарув тизимида раҳбарлик фаолияти ва маданияти.

Раҳбар фаолиятининг асосий йуналишлари:

1. Бўйсинувчилар фаолиятининг ташкилоти.
2. Режалаштириш.
3. Қарор қабул қилиш.
4. Ахборотни юқоридан қабул қилиш.
5. Буйруқни амалга ошириш.

6. Бўйсинувчиларга талабчанликни намоён қилиш.
7. Бўйсинувчиларнинг фикрлаш қобилиятини рағбатлантириш.
8. Бўйсинувчиларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш.
9. Бўйсинувчиларга таъсир кўрсатиш
10. Бўйсинувчиларни тарбиялаш.
11. Бўйсинувчилар билан муносабат.
12. Бўйсинувчилар билан муомала қилиш.
13. Жазолаш воситаларини қўллаш.
14. Мукофотлаш тадбирини қўллаш.
15. Ўз – ўзини назорат қилиш.
16. Ўз устида ишлаш.
17. Ўз фаолиятига муносабат.
18. Шахсни баҳолаш.

Коллеж директори, ўринбосарининг ички назорат тизимида вазифалари.

1. Коллеж директорининг вазифалари: Коллеж таълим-тарбия жараёнини режалаштириш. Режада жамоанинг янги ўқув йилидан ҳал қилиниши керак бўлган асосий масалалар назарда тутилади. Жумладан, ишлаб-чиқариш таълими мастерининг тарбиявий ишларини такомиллаштириш, дарсларнинг самарадорлигини оширувчи методларни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш, перспектив – тематик режалаштиришни жорий қилиш ва бошқа масалалар кириши мумкин.

Кўпчилик ўқув юртларида «директор куни» ўтказилади. Шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш директор ва унинг ўринбосарлари ишида такрорийлик бўлишининг олдини олишга ёрдам беради, чунки бунда улардан ҳар бирининг ўтган ҳафта мобайнида қилган ишларининг аниқ режалари тасдиқланади.

2. Директорнинг педагог кадрлар билан олиб борадиган методик ишлари.

Педагоглар жамоаси билан олиб бориладиган методик ишлар жамоанинг жипслашувига, педагоглар жамоасининг ҳаракат бирлигини таъминловчи талабларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Билим юрти директори билим юртидаги методик ишларга умумий раҳбарлик қилади. Директорнинг ўқув – ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари методик ишларнинг бевосита ташкилотчиси дир. Билим юртининг барча ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўқитувчилари ва бошқа педагогик ходимларининг методик ишларда қатнашиши мажбурий бўлим, бу уларнинг педагогик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Педагог кадрларнинг савиясини ошириш, ёш мутахассисларга ёрдам бериш, ходимларнинг устунлик ва камчиликларини билиш, илғор тажрибани ёйиш, коллеж таълим-тарбия жараёнини мунтазам текшириб назорат қилиш, ўқитувчиларнинг дарсларни, тадбирларни, очик дарсларни

текшириб, ишлаб чиқариш таълими ва амалиётдан бохабар бўлиш назарда тутилади.

3. **Инженер – педагог кадрлар билан индивидуал методик ишлар олиб бориш** - билим юрти директорининг энг муҳим вазифаларидан биридир.
4. Директор ўқув устаси ва ўқитувчиларга улар мустақил методик ишлар режасини тузаётганда маслаҳат беради, шунингдек, дарсларга тайёрланишда ва уларни юксак педагогик савияда ўтказишда ёрдам кўрсатади, бу ёрдам дарс режасини тузишда дастур мавзусини ўрганишнинг перспектив режасини ишлаб чиқишда, ўқувчилар билимини текшириш ва дарсларда уларнинг мустақил ишларини ташкил этиш соҳасидаги тавсиялар билан ишлаб чиқариш таълими билан назарий таълимнинг боғлиқлигини амалга ошириш принциплари билан таништиришда ва илғор педагогик тажрибани ўқув жараёнига жорий қилишда ифодаланади.

Коллеж директори ўринбосарининг вазифалари:

1. Ўқув режалари ва дастурларининг бажарилиш сифатини назорат қилиш;

2. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг, айниқса кам тажрибали, шунингдек, ишида камчиликлар аниқланган усталарнинг дарсларини системали равишда кўриш (дарсларга киришнинг бошқа мақсадларини, масалан, энг яхши ўқитувчи ёки усталарнинг тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришни ҳам назарда тутиш мумкин), лекин асосий мақсад – назорат қилишдир, перспектив - тематик режалар ҳамда ўқитувчи ва усталарнинг дарсга тайёргарлик даражасини текшириш; дарснинг боришини, ўқитувчи ёки устанинг гуруҳни бошқара олиш ва баҳолаш, айрим ўқувчиларнинг ва умуман синфнинг ўзлаштиришини кўтариш учун амалий чоралар кўриш маҳоратини текшириш, ўқитишни фаоллаштиришга имкон берувчи методларни қўллаш; назарий таълим билан ишлаб чиқариш таълимини ўзаро боғлаш асосида ўқув жараёнини режалаштириш; ўқув жараёнига меҳнатни илмий асосда ташкил этиш принципларини, энг янги техникани, илғор технологиyani жорий этиш; илғор педагогик тажрибани оммалаштириш; ўқув ишлари натижасини ҳисобга олиш, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни тузиш.

Ички бошқарув тизимида дарс, маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларни кузатиш ҳамда педагогик таҳлил қилишнинг ўрни.

Коллеж директори ишлаб чиқариш таълими ва назарий таълим дарсларини доимо текшириб туриши лозим.

Дарсларни кириб кузатишни режалаштираётганда педагоглар жамоаси барча аъзоларнинг иш сифатини текшириш зарурлигини, анча малакали ишлаб чиқариш таълими мастери ва ўқитувчилари иш тажрибаларини ўрганишни, етарлича педагогик тажрибага эга бўлмаган ёш мутахассис ва ходимларга ёрдам кўрсатишни назарда тутиш керак.

Билим юрти директори бирор дарсни кириб кузатганидан кейин бу дарс тегишлича таҳлил қилиниб, унинг ҳамма ижобий томонлари ва камчиликлари махсус журналларда қайд қилиниши, дарсларни кузатиш натижалари бўйича ўқитувчи ва мастерлар билан суҳбат ўтказилиши керак. Айрим дарсларни билим юрти раҳбар ходимларининг биргаликда кириб кўришларини қўллаш тавсия этилади. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётининг аҳволини текшириб туришни таъминлаш зарур. Бунинг учун билим юрти раҳбар ходимларининг корхоналар цехларидаги ўқувчиларнинг иш жойларини графикка мувофиқ бориб кўриб туришларини ташкил этиш керак.

Ўқувчиларнинг корхоналардаги иш жойларини бориб кўришда аввало иш шароитининг хавфсизлигига, бажарилаётган ишнинг ишлаб чиқариш топшириқлари билан бандлигига, иш ҳақининг тўғри ҳисобланишига, ўқувчилар малакасини ошириш ва уларнинг иш объектларини ўзгартиришга, ўқувчиларнинг ишга муносабатига, меҳнат интизоми ва ҳоказоларга эътибор бериш, барча ўқув гуруҳларида ишлаб чиқариш таълимини ҳисобга олиш журналларини текширишга ва текшириш яқунларини умумлаштиришга эътибор бериш керак.

Ички бошқарув тизимида ўқув юрти инспекцияси, унинг иш мазмуни, шакли ва усуллари.

Коллеж педагоглар кенгашининг иши ҳақидаги низомга мувофиқ кенгаш ўқув юртининг давлатнинг бўлажак малакали ишчилар тайёрлаш ва уларни тарбиялаш ҳақидаги қарорларини, профессионал – техника таълими юқори органларининг буйруқ, низом ҳамда кўрсатмаларини бажариш соҳасидаги тадбирларини; ёшларни касб танлашга йўллаш ва коллежни комплектлаш масалаларини; коллежнинг иш режасини; ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълим ва назарий таълим беришни яхшилашга қаратилган тадбирларни; ўқув режалари ва дастурларининг бажарилишини; демократик тарбия бериш масалаларини; уларнинг соғлигини сақлаш ҳамда ўқувчиларнинг ўқиши ва меҳнати учун қулай санитария – гигиена шароитлари яратиш; билим юртидаги хавфсизлик техникаси, спорт ишларининг аҳволи масалаларини; коллежда методик ишларни ташкил этиш ва уларнинг аҳволи масалаларини; методик ҳайъатлар, методик кенгашлар, семинарлар ва педагогик конференцияларнинг натижаларини; ишлаб чиқариш таълими мураббийлари, ўқитувчилар ҳамда тарбиячиларнинг малакасини ошириш тадбирларини; коллежда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш юзасидан кўриладиган тадбирларни; ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг янги самарали услубларини; мураббий ва ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини; коллеж тараққиётининг истиқболли режасини; ўқув устахоналари, лабороториялар, кутубхоналарнинг жиҳозланиши ва ишини, ўқув ишларини режалаштириш ва ҳисобга олиш масалалаларини; ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш мураббийларининг гуруҳлардаги ўқув ишлари аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларини; ишлаб чиқариш амалиётини

ташкил этиш ҳақидаги ахборотлари билан боғлиқ бўлган масалаларни тинглайди ва муҳокама қилади.

Ўқув юрти педагоглари кенгаши таълим-тарбия ишларига жамоа раҳбарлигининг юқори органи сифатида.

Коллеж ишининг умумий принципал масалалари педагоглар кенгаши (совет) да муҳокама қилинади. Педагогик кенгаш таълим-тарбия жараёнининг асосий масалаларини қараб чиқишда коллежнинг доимий ишловчи органидир. Унинг таркибига коллежнинг барча ўқитувчилари, таълим усталари, кутубхоначи, талабалар уйи тарбиячилари, ота-оналар кенгашининг раиси киради. Педагогик кенгаш коллеж ҳаёти ва ишига тааллуқли муҳим масалаларни: дарсларда талабаларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, синфдан ташқари иш шакллари ташкил этиш, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати, касаба уюшма ташкилотининг фаолияти, талабаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг турли масалаларда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажариш юзасидан кўрилган тadbирлар, ота-оналар билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш ва бошқа масалаларни муҳокама қилади. Коллежнинг ярим йиллик ва йиллик давомида қилган ишининг якунларини муҳокама қилиш ҳам педагогик кенгаш ишида муҳим ўрин эгаллайди. Кенгашнинг қарорига биноан ўқитувчилар учун махсус семинарлар ўтказилиши мумкин.

2.1.28. КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖИ РАҲБАРИНИНГ ИШ УСЛУБИ ВА МАВҚЕИ. (2С).

Режа:

1. Касб – ҳунар коллежи раҳбарининг шахсий сифатлари ва фаолият услуби.
2. Раҳбарнинг шахслараро муносабатдаги ўрни.
3. Раҳбарнинг педагогик хислатлари.
4. Раҳбарликнинг психологик хусусиятлари.

Касб - ҳунар таълими тизимида раҳбарлик санъати.

- у фақат бошлиқ эмас, балки ёш ишчиларнинг мураббийси ҳамдир;
- кутилмаган ҳолларда ўзини ишончли, ишчан ва эпчил хизматчи сифатида намоён этади;
- хайрихоҳлик билан ҳамсуҳбатини тинглай олиши, ўзининг сабрсизлигини, айниқса, бепарволигини ва ёқтирмаслигини сездирмаслиги керак;
- ишчилар билан хайрихоҳлик муносабатини ўрната билиш, аммо маълум ижтимоий масофа сақлаш, бетакаллуфлик ва ошна оғайнигарчиликка йўл қўймаслик лозим;
- ҳар доим ўз қўл остидагиларининг ҳаёт кийинчиликларини ечишга ёрдам бериши;
- молиявий масалаларда ҳақгўй ва беғараз бўлиши шарт;
- юқори лавозимдаги раҳбарлик билан мулоқотда хушмуомала ва одоб билан иш тутишга интилиши жоиз;

- танқидга ва шароитнинг ўзгаришига эпчиллик билан тезкор жавоб қайтара олиши мақсадга мувофиқ;
- ишчиларга арзирли шахсий намуна кўрсатишга интилиши керак;
- психологик муҳит(илиқ руҳий иқлим)ни ярата олиши ва жамоада ҳамкорликни йўлга қўя олиши айтилган муддаодир.

Раҳбарнинг иш услуби: омилкорлиги, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги.

Раҳбар ҳар қандай шароитда биринчи навбатда аниқ бир соҳа бўйича ташкилотчилик фаолиятига, профессионал омилкорлик, билим ва тажрибага эга бўлиши керак. Қатъий (юқори даражада) талабларда раҳбар учун одатий, ҳаттоки энг юқори профессионал андозалардан фойдаланиш ҳам етарли бўлмайди, ундан ташаббускорлик, қарор қабул қилишда мустақил иш тутиш, энг муҳими – ижодий фикр юргизиш қобилияти талаб қилинади.

Ҳаракатнинг ҳар қандай шароитида раҳбардан педагогик одоб, тадбиркорлик, жамоа аъзоларидан ҳар бир шахснинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ўз талабчанлигини ифода эта олиш, аммо шу билан бирга қийин вазиятларда у принципли, қатъий, мустаҳкам характерли эканлигини кўрсата олиши зарур. Ўзаро чигал муносабатларда бу фазилатлар раҳбарда, алоҳида ўзига хос қобилият туғдиради. Бу педагогик принциптилик бўлиб, у шахсга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни, тарбияловчи мақсадни ва талабнинг изчиллигини ўз ичига олади.

Раҳбарнинг фазилатлари: юксак билим, сиёсий онг эгаси бўлиш; адолатли ва камтарин бўлиш; сезгир ва эътиборлилик; педагогик жамоа, ота-оналар, жамоатчилик фикрини илғай олиш, кенг дунёқарашли изланувчан, илғорликка ижобий баҳо берувчи шахс бўлиш малакаларини эгаллаш.

Раҳбар ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар бир одамнинг ёки жамоанинг фикр йуналишини қандайдир даражада олдиндан ўқий олиши лозим. (кўра билиши).

Оддий ҳолларда раҳбар фаолияти жараёнида бошқаларни ишонтира олиши, чигал вазиятларда одамларни ўзига бўйсиндира олиши жуда муҳимдир.

Алоҳида қийинчиликлар туғилганда раҳбардан тарбиянинг энг олий инсоний принципларини инсоннинг яхши томонларини кўра олиши жамоада ҳатти – ҳаракати муҳофафа қилинаётган, орқада қолаётган ўртоғини қўллаб – қувватлай олиши, уни ўзига ишонч туғдириш қобилиятини намойиш қилиш талаб қилинади.

Раҳбар ҳар қандай вазиятда ҳам шахснинг кадр – қимматини ҳимоя қилиши, бу принципни бўйсинувчилар билан ўзаро муносабатда амалга оширишга эришишида мансабдор шахслар томонидан бўйсинувчилар билан ўзаро муносабатда, ўзига нисбатан ва жамоанинг раҳбарларига нисбатан амалга ошириши лозим.

Нормал психологик муҳитнинг мажбурий шартларидан бири – раҳбарнинг ўзаро фикр алмашинувидир.

Раҳбарнинг расмий ва норасмий мулоқотлари.

Раҳбарнинг расмий мулоқоти энг кўп учрайдиган мулоқот тури бўлиб, унда раҳбар жамоа ва унинг айрим ходимлари билан мулоқотда бўлади. Жонли алоқада раҳбар фақат ўз қарорини билдирибгина қолмай, бўйсинувчиларга таъсир кўрсатиши, уларда қарорни яхшироқ бажариш учун ташаббус ва хоҳиш уйғотиши мумкин. Раҳбарнинг кўпол гапириши, бақириши, сўкиниши қатъиян ман қилинади, чунки унинг шахсий обрўси кўп жихатдан у ўз фикрини қай тарзда билдиришига, қандай сўзлашига боғлиқ.

Норасмий мулоқот раҳбар атрофидаги шов-шувлар, раҳбарнинг хизматга доир бўлмаган шахсий алоқалари, норасмий каналлар билан мулоқоти киради. Бундай мулоқот чегара доирасида бўлиши керак.

Педагогик интуиция, одоб, назокат эгаси бўлиш.

Педагогик интуиция.

Одоб - ақлнинг суянчиги, барча фазилатларнинг мезони. Беҳудага халқимизда «Ақл билан одоб-эғизак» дейишмайди. Одоб-яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Одоб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлардан безайди.

Одоб раҳбарни энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада ақл эгалари бундай раҳбардан ҳар ишда рози бўладилар. Одобли раҳбар эса кундан-кунга обрў топади, нуфузи ошади, ишлари раванқ топади.

Баъзи ҳакимлар одобни энг масъум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабих одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, раҳбардаги одобнинг борлиги, бу ноёб неъматнинг мавжудлигидир.

Умуман одоб икки хил бўлади:

1. Ҳикмат одоби - поклик ва тўғри йўлга етаклайди.
2. Хизмат одоби - бадавлатлик ва обрўга етказди.

Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади.

Одоб раҳбарни ақл ва ахлоқ эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субутли бўлишга даъват этади.

5. Раҳбарликнинг психологик хусусиятлари.,,.,????????

(давом эттиринг!!!)

2.1.29. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖОЙ-ЖОЙИГА ҚЎЙИШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ. (2С)

Режа:

1. Касб - хунар коллежида кадрлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Касб – хунар коллежи педагоглари, тарбиячилари ва ўқув усталарининг малакасини ошириш.
3. Ёш ўқитувчилар ишини ташкил қилиш.
4. Устоз – мураббийлик мактаби.

Ўқув юртини педагог ходимлар билан таъминлаш ҳақида тушунча.

Тажриба шуни кўрсатадики, кадрлар ўзларига қўйиладиган талабларга мос бўлган, ходимлар тез – тез алмаштириб турилмайдиган, кадрлар билан доимий аниқ бир мақсадга қаратилган методик ишлар олиб бориладиган коллежларда ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган барқарор раҳбарлик қўл остида юқори малакали педагоглар жамоасини барпо қилиш мумкин бўлади.

Педагог ходимларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш.

Коллеж директорининг энг муҳим вазифаларидан бири ягона педагоглар жамоасини вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат бўлиши керак. Бунини ўқув усталари, ўқитувчилар тарбиячилар, инженер – техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни танлаш ва тайинлашда ҳамда айрим ходимларни ишдан бўшатиш масаласини ҳал қилишда назарда тутиш керак. Ходимларни иш соҳаларига тақсимлашда уларнинг қобилияти, маълумоти, малакаси, маҳорати, характер хусусиятлари, ишга ва ўз тарбияланувчиларига меҳр қўйганлигини эътиборга олиш зарур. Бунда, аввало ишлаб чиқариш таълими мастерларини ўқув гуруҳларига тайинлаш, ўқитувчиларни танлаш ва улар ўртасида фанлар бўйича педагогик юкламаларни бўлиб чиқиш, муҳандис – техник ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва ҳоказолар кўзда тутилади.

3. Ўқитувчилар ва тарбиячилар педагогик маҳорати ҳамда малакасини ошириш.

Педагогик маҳорат - профессионал малакалар ривожланишининг юқори даражаси ва касбий таълимнинг мутлақ мақсадидир. Унга амалиёт орқали эришилади. Маҳорат - бу мураккаб ишни тез ва аниқ бажаришнинг енгиллиги, бу меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор кечиши учун кафолат берувчи ишдаги ишончлилиқдир.

4. Педагог ходимлар ўз устида ишлашни ташкил қилиш, малака ва маҳоратни оширишнинг муҳим шарти сифатида.

Педагог ходимларнинг юқори малакали бўлишида биринчи ўринда фанни билиши, маънан камол топган бўлиши, миллий мафкура ғояларини

тўғри тарғибот қила олиши, қатъий, талабчан, хушмумомала бўлиши туради. Педагогик фаолиятни тўғри ташкил қилишда, талабалар ўртасида обрў-эътибор қозонишда, педагог ходимлар ўз билим ва маҳоратини оширишда мунтазам равишда ўз устларида ишлашларига тўғри келади.

5. Педагог ходимлар малакасини, туман (шаҳар) методик комиссиялар, малака ошириш институтларида такомиллаштириш.

Педагог ходимлар малакасини оширишнинг турли шакллари кенг тарқалган бўлиб, республикамизнинг барча ҳудудларида туман (шаҳар) методик комиссиялари, малака ошириш институтлари бу борада фаолият кўрсатишмоқда. Педагогик йўналишдаги техникумларда таҳсил олган педагог ходимлари учун институтлар қошида махсус сиртқи бўлимлар ташкил қилинган. Вилоят малака ошириш институтларидан ташқари Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошида «Касб-ҳунар коллежлари педагог ва ишлаб чиқариш усталари малакасини ошириш» маркази фаолият кўрсатмоқда. Барча турдаги малака ошириш муассасаларининг асосий мақсади Республикамиз қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаб қилган баркамол авлодни тарбиялай оладиган мутахассислар тайёрлаш ва малакасини оширишдир.

6. Ёш ўқитувчилар ишини ташкил қилиш.

Ўз тажрибасини биринчи марта ташкил қилишга киришаётган педагог, малакали раҳбар, ва ёрдамга муҳтож бўлади. Ёрдамнинг бўлмаслиги ёш ўқитувчида маълум қийинчиликларни туғдиради. Жумладан, унга ҳамма нарса муҳимдек кўриниб, натижада у ўзи қўллайдиган барча иш усуллари ва методларини бирма-бир санаб ўтади, уларнинг моҳияти эса маълум даражада очилмай қолади. Ёки аксинча, у фақат янги усулларни ўз ишининг умумий тизими билан боғламасдан кўрсатишга ҳаракат қилади. Баъзан бўлса, ўз фаолиятида муайян ютуқларга эришган педагог ўз мувоффақиятлари сабабини ўзича дарров аниқлашда қийналади ва ўрганиб чиқиладиган мавзунини аниқ белгилай олмайди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш мастери ва ўқитувчининг ўз тажрибаларини умумлаштириш соҳасидаги ишларига раҳбарлик қилиш нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ўқув юртларида устоз - мураббийлик мактабларининг ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

6. Устоз-мураббийлик мактаби. Ўқитувчи –тарбиячиларнинг маънавий-маърифий ўқувларини ташкил қилиш, педагог ходимлар аттестацияси (касбий синф)ни ўтказиш малака оширишнинг муҳим таркибий қисми.

2.1.30. Ўқув юрти ишини режалаштириш, методик ишлар, дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш (2С)

Режа:


1. Касб-ҳунар коллежи ишини режалаштириш таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг муҳим омили.
2. Ўқув юрти ишини режалаштиришнинг мақсади ва аҳамияти.
3. Касб-ҳунар коллежи иш режасининг турлари ва унинг тамойиллари.
4. Ўқув юртида методик ишларни (методик кенгаш, фан-методик бирлашмалари) гуруҳ раҳбарлари, ўқув юрти раҳбарлари фаолиятида амалга ошириш.

Ўқув юртида методик ишларни (методик кенгаш, фан-методик бирлашмалари) гуруҳ раҳбарлари, ўқув юрти раҳбарлари фаолиятида амалга ошириш.

Педагог ходимларнинг методик кенгашлари билим юртларида энг кўп тарқалган методик иш шаклларида биридир.

Методик кенгашларда таълим – тарбиявий ишлар савиясини ошириш учун аҳамиятга эга бўлган педагогик ва методик характердаги айрим муаммолар, шунингдек, шошилиш равишда муҳокама қилиб, қарор қабул қилишни талаб этадиган кундалик методик масалалар муҳокама қилинади. Лекин, методик кенгашлар педагоглар кенгаши билан алмаштирилиши мумкин эмас. Методик кенгашлар ахборот, инструктор, ҳисобот ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Билим юртларида методик ишлар олиб боришнинг хилма – хил шакллари мавжуд. Уларни икки турга ажратиш мумкин: барча педагог ходимлар ёки ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўқитувчиларнинг айрим гуруҳлари учун ўтказиладиган жамоа шакллари ва айрим ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган индивидуал шакллар. Жамоа ва индивидуал методик ишларнинг асосий шакллари қуйидаги схемада кўрсатилган:



Методик кенгашлар. Педагог ходимларнинг методик кенгашлари билим юртлирида энг кўп тарқалган методик иш шаклларида бириди.

Методик кенгашларда таълим – тарбиявий ишлар савиясини ошириш учун аҳамиятга эга бўлган педагогик ва методик характердаги айрим муаммолар, шунингдек, шилинч равишда муҳокама қилиб, қарор қабул қилишни талаб этадиган кундалик методик масалалар муҳокама қилинади. Лекин, методик кенгашлар педагоглар кенгаши билан алмаштирилиши мумкин эмас. Методик кенгашлар ахборот, инструкторив, ҳисобот ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Ахборот кенгашлари эса билим юртининг раҳбарлари педагоглар жамоасини олинган директив кўрсатмалар, янги низом ва инструкторивлар билан таништирадидлар, буларни бажариш юзасидан амалга ошириладиган тадбирларни кенгаш қатнашчилари муҳокамасига кўядидлар, касбий таълим юқори ташкилотларининг йўл – йўриқлари ва уларнинг ўқув юрти олдида кўйган вазифалари ҳақида ахборот берадидлар, ўқувчилар қабул қилиш режалари, ўқув юкламаларини тақсимлаш ва ҳоказолар билан таништирадидлар.

Инструкторив кенгашлар - педагоглар жамоасига унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун тўғри йўл – йўриқ беришга даъват этилган. Билим юрти раҳбарлари инструкторив характердаги кенгашларда бу вазифаларни бажариш йўллари ва методлари ҳақида кўрсатмалар берадидлар. Инструкторив кенгашларда, масалан, қуйидаги масалалар ўқув – ишлаб чиқариш ишларни режалаштириш, бу ишларнинг рўйхатини тузиш, гуруҳдаги тарбиявий ишларни режалаштириш, ўқув - ишлаб чиқаришни нормалаштириш ва ўзлаштириш натижаларига яқун яшаш ва журналларни расмийлаштиришда ўтказиш коэффицентларини қўллаш ва ҳоказо масалалар муҳокама қилиниши мумкин.

Ҳисобот кенгашларида - уста ва ўқувчилар айрим топшириқларнинг бажарилиши ҳақида, гуруҳлардаги ўқув ишлари ва ўзлаштиришнинг аҳволи тўғрисида, ўқув кабинетларининг жиҳозланиши, ишлаб чиқариш фаолияти режаларининг бажарилиши ва ҳоказолар ҳақида ахборот берадилар.

Кенгаш характерига қараб унда педагог ходимларнинг барча категориялари ёки уларнинг айримлари (масалан, фақат ишлаб чиқариш таълими усталари ҳамда ўқитувчилар, муайян ихтисослик усталари ҳамда ўқитувчилари ва бошқалар) иштирок этишлари мумкин.

Методик ҳайъатлар. Касб – ҳунар коллежларидаги ҳайъатлар билим юрти педагоглар кенгашининг қарорига биноан ўқув юртида ўрганиладиган бир ёки бир неча (ўхшаш) мутахассисликдан ва фандан дарс берувчи уч ва ундан кўпроқ ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш таълими устаси бўлган тақдирдагина мутахассислик ва ўқув фанлари бўйича ташкил этилади.

Барча ихтисосдаги усталар учун ва алоҳида ҳамма фан ўқитувчилари учун методик ҳайъатлар тузилишига йўл қўймаслик керак, чунки, бу уларни аниқ мутахассисликни ўқитиш методикаси билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум қилади, янги техникани ва илғор ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганишни қийинлаштиради, ишлаб чиқариш таълимининг назарий таълимдан ажралиб қолишига олиб келади.

Ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрлаш билан шуғулланувчи деярли барча билим юртларида низомда назарда тутилган: физика ва электротехника, математика, химия ва биология, рус ва она тиллари, адабиёт ва эстетик тарбия, чет тиллари, тарих, жамиятшунослик ва география, умумий – техникавий фанлар, махсус фанлар ва бир ёки бир неча ўхшаш бир – бирига яқин фанларга оид ишлаб – чиқариш таълими бўйича методик (фан) ҳайъатлари тузиш учун имкониятлар мавжуд.

Умумий таълим фанлари ва профессионал – техник циклдаги фанларни ўрганишда фанлараро алоқаларни амалга ошириш учун баъзи ўқув юртларида, бундан ташқари, бундай алоқалар бўйича методик ҳайъатлар тузилади.

Фан (цикли) методик ҳайъатининг раиси умумий таълим фанлари бўйича илмий бўлим мудирини тавсиясига биноан билим юрти директорининг буйруғи билан тайинланади.

Коллеж ишини режалаштиришнинг бугунги кун талабларини амалга оширишда ўрни.

Коллеж ишларнинг шакллари хилма – хил эканлиги сабабли, улар мазмуни ва ўтказилиш муддатига кўра аниқ режалаштирилиши керак. Ўтказиладиган тадбирларни режалаштириш айрим методик кенгашлар ишининг такрорланишини истисно қилади, педагоглар жамоасида ишнинг режа асосида олиб борилишини, педагоглар жамоасида ишнинг баробар тақсимланиши таъминлайди.

Методик ишлар ўтказиш учун ҳафтанинг маълум бир кунини ажратиш тажрибаси ўзини оқлади. Айтайлик, агар бу мақсад учун сешанба

куни ажратилса, шу кун жамоа равишдаги методик ишларнинг бир шакли ўтказилади: масалан, ҳар ойнинг биринчи сешанда куни педагоглар кенгаши мажлисига, иккинчи сешанба – методик ҳайъатлар мажлисига, учинчиси – методик кенгашлар учун, тўртинчиси – педагог ходимларнинг малакасини ошириш учун ажратилади. Худди шу кунлари семинарлар, практикумлар, методик материалларни ўрганиш ишлари ва ҳоказолар ўтказилади. Методик ишлар учун ажратилган кунда бошқа ҳеч қандай тадбирлар ўтказилмаслиги лозим.

Бир қатор ўқув юртларида ўқув йилининг ярми учун ишлаб чиқилган «Методик ишларнинг умумий режаси» методик тадбирларни такрорлашнинг олдини олишга ёрдам беради. Бундай режа одатда қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади: «Педагоглар кенгашининг иши», «Методик ҳайъатларнинг иши», «Инструктив – методик кенгашлар, «Ғоявий – сиёсий савияни ошириш», «Умумий ва педагогик маълумотни ошириш», «Янги педагогик технологияни ва илғор педагогларнинг иш методларини ўрганиш», «Очиқ дарслар, семинарлар ва практикумлар», «Методик ишларнинг умумий режаси» ҳар ойда турли хил тадбирлар ўтказишини назарда тутди.

2.1.31. ЎҚУВ ЮРТИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УМУМЛАШТИРИШ ВА ЁЙИШ. (2с)

Режа:

1. Илғор педагогик тажрибалар ҳақида маълумот.
2. Замонавий фан-техника ютуқларини таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш.
3. Касб-ҳунар коллежи ўқитувчи-тарбиячиларнинг педагогик-психологик тадқиқот ишларига жалб қилиш .
4. Илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ёйишга оид ҳужжатлар.

1. Илғор педагогик тажрибалар ҳақида маълумот. Илғор педагоглар тажрибасини шакллантириш, умумлаштириш ва ёйишнинг ўқув юрти таълим - тарбия тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.

Ҳозирги замон талаблари даражасида туриш учун ҳар бир педагог ходим ва ишлаб чиқариш устаси ўз билим доирасини домий равишда кенгайтириши лозим. Ишлаб чиқариш таълими устаси учун ўз мутахассислиги бўйича илғор меҳнат методларини амалий тарзда эгаллаб олиш, ҳар бир педагог учун эса илғор педагогик тажрибани, педагогика ва психология ютуқларини мунтазам равишда ўз иш амалиётига тадбиқ этиб бориш айниқса муҳимдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиб, ўқув муассасаларимизга тарғиб қилиш зарурияти бер неча бор таъкидланган.

Педагог ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари илғор ишлаб чиқариш тажрибалари, замонавий техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда танишиб боришмаса, янги технологияни эгаллашга қодир мутахассисларни тайёрлай олишмайди.

2. Замонавий фан техника ютуқларини таълим-тарбия жараёнига тадбик этиш. Илғор ўқитувчилар, тарбиячилар тажрибаларини шакллантириш, умумлаштириш, ёйишнинг мазмуни шакллари ва методлари.

Таълим ва тарбия жараёнининг илғор методларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда оммавий тарзда тадбик этиш юзасидан қилинадиган барча ишларнинг самарадорлиги бу ишларни амалга оширишнинг аниқ тизимига, уларнинг ҳар босқичини амалга оширишда мақсадга энг мувофиқ методларни қўллашга, тўпланган тажрибани ўрганишни илмий-тадқиқот ишларининг элементлари билан, эксперимент қилиш билан, ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг янги йўллари ва воситаларини излаш билан оқилона қўшиб олиб борилишига боғлиқдир.

Аниқ тизим ҳақида гапирилганда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Педагог ўз ишининг методларини илмий тарзда англаб етиши, тизимлаштириши, таҳлил қилиб, умумлаштириши ҳамда шулар ёрдамида ижобий натижаларга эришишига оид ишларни ташкил этишдир.
2. Талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш юзасидан бутун педагогик жамоа тўплаган илғор тажрибани умумлаштириш ва жорий этиш соҳасида билим юртлари раҳбарлари қиладиган ишлар.
3. Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошидаги ўрта махсус ва касб - ҳунар таълими бош бошқармаси, ўқув - методика кабинетлари, вилоятлардаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик марказлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълими тизими учун муаллим ҳамда муаллим –мухандис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи институтларнинг илғор педагогик тажрибани режали равишда ўрганишлари ва ёйишлари.

Ўқув юртларида мутахассислик фанлари билан бир қаторда умумтаълим фанлари бўйича цикллар мавжуд бўлиб, уларнинг иш дастуридан илғор педагогик тажрибаларни ёйиш бўйича семинарлар ташкил қилиш бўлими ўрин олиши лозим. Бундай семинарлар ёш ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг фаолияти давомида пайдо бўлаётган муаммоларни ечишга ёрдам беради. Уларга педагогик фаолиятни тўғри ташкил имкониятини беради.

4. Касб - ҳунар коллежи ўқитувчи - тарбиячиларнинг педагогик-психологик тадқиқот ишларига жалб қилиш.

4. Ўқитувчи-тарбиячиларнинг илмий-амалий конферециялари.

5. Илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ёйишга оид ҳужжатлар: кўзатиш, таҳлил дафтарлари, ижро қарор ва бошқа назорат ишларини руйхатга олиш, ижронинг назорат қилиш дафтарлари.

Ўқитиш принциплари.

Ўқув жараёнининг ташкил этишда маълум бир қоидаларга таяниш керак бўлади. Ана шу қоидалар ўқитиш принциплари деб аталади.

Я.А.Коменский, Ж.Ж. Руссо, И.Г. Песталоцци дидактика принципларини асос қилишди. Улар принциплардан бирини етакчи принцип билиб, дидактика принципларининг бутун системасини шу асосда қурганлар.

Немис демократ – педагоги Фридрих Адольф Вильгельм Дистерверг (1790-1866) ва К.Д. Ушинский ўқитиш принципларини ишлаб чиқишга катта аҳамият берганлар. Баъзи принциплар йўқотди ўз аҳамиятини баъзилари бор.

Принциплар:

1. Ўқитишнинг тарбиявий хусусияти.

а) материал мазмунинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан , меҳнатдаги ютуқлар, фан ва техника ютуқлари билан боғлаш.

б) оламни ва унинг қонунларини илмий нуқтаи назардан тушунишнинг шакллантирилиши.

в) маънавий ғазилатлар, тартиб-интизомни меҳнатсеварликни тарбиялаш.

г) ўқув жараёнида ҳосил бўладиган ҳиссиётлар, кечинмалар, таассуротдан ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш.

д) ақлий қобилиятларнинг ривожлантирилиши ва шакллантирилиши.

IV. Тушунарлилик принципи.

Тушунарлилик принципига таъсир қиладиган асосий омиллар:

1. Янги билимлар мазмунининг мавжуд билимлар билан боғлиқлиги.

2. Янги билимларни ўқувчининг фикрлаш тартиби билан қай даражада боғлиқлиги.

3. Ўқувчининг қизиқишига, лаёқатига, шаклланган ўқув меҳнати қўникмаларига боғлиқ бўлади.

4. Ўқувчиларнинг ақлий, маънавий ва эстетик ривожланиш даражаси меҳнат ва жисмоний тарбия олиш лозимлиги билан боғланади.

Ўқитувчига талаблар.

1. Янги билимларни ўқувчида мавжуд бўлган билимлар билан боғлаш керак.

2. Билимнинг психик жараёнларини билиш керак.

3. Билимга қизиқиш уйғотиш.
4. Билимнинг шахсни ҳар томонлама ривожлантиришини тушуниб етиш.

V. Кўргазмалилик принципи.

Ўқитувчига талаблар.

1. Ўқув материални ўрганиш жараёнида ҳиссий образларнинг зарурлигини тушуниш керак.
2. Ҳиссий образлардан дарсда ўқувчилар ривожланишининг мустақил жихати сифатидан ёки мавжудликни шакллантириш воситаси сифатида фойдаланиш хусусиятини аниқлаш муҳим.
3. Дарсда ҳиссий образлар қайси бўр ЎТВ ёки кўргазма куруллар ёрдамида шаклланишини ҳал қилиб олиш керак.
4. Тасаввур тенденциясини вужудга келтириш.
5. Ҳодисаларнинг қанақа йиғинди эканлигини тушуниб етиш.

VI. Ўқитишнинг онглилиги ва активлиги принципи.

Бу принцип ўқитишда ўзига асос қилиб 3 қонидани олади.

1. Ўқувчилар томонидан ўқув материалининг онгли равишда тушунилиши.
2. Ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлиш.
3. Билиш фаолиятда шаклланиши. Фаоллик.
 - а) энг юксак
 - б) юксак раҳбарлик остида
 - в) ўртача
 - г) паст
 - д) энг паст

Талаблар:

1. 1-2-3 ни билдирадиган белгиларни билиш керак.
2. Онгли равишда тушунишга ёрдам берадиган ақлий ҳаракатларни, фикрлаш жараёнларини шакллантириш учун шарт – шароит яратиш керак.
3. Ўқиш сабабларини ўрганиш ва ўқитиш жараёнида ўқув машғулотларига, мактабга, ўқитувчиларга; ўртоқларига нисбатан ижобий муносабат пайдо бўлишига самарали таъмир кўрсатадиган омилларни назарда тутиш керак.
4. Ўқув машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида билиш фаоллигини ошириш воситалари ва усуллари махсус планлаштириш, барқарор диққат – эътиборни, ишга қобилиятликни шакллантириш керак.

VII. Ўқитишнинг пухталилиги принципи.

Ёдда сақлаш, такрорлиш.

Талаблар:

1. Ўқув материални беришда асосий фикрни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Тушунтириш, мустаҳкамлаш, такрорлаш.
2. Асосий фикр негизида группалаш
3. Материалнинг нуқтаи назарлар, эътиқодлар, дунёқараш билан боғлиқлиги билимларнинг пухталигини анча оширади. (Ўқувчилар томонидаги нуқтаи назардан)
4. Ҳёт билан боғлай олиш.

VIII. Ўқитишни индивидуаллаштириш

Ўқувчи диққат эътибори, хотираси, иродаси ҳиссиётини билиш керак.

Дифференциялаш зарурати келиб чиқади:

1. Ўқувчи мойиллигига мувофиқ ҳолда дифференциялашган тарзда ёндашув (изланишли мактаблар)
2. Синфдан қобилиятлар ва ўқитиш даражаси бўйича бир неча группаларга бўлиниш.

Талаблар:

1. шахснинг индивидуал хусусиятларини доимий равишда ўрганиб бориш.
2. Ўқув жараёнига индивидуал хусусиятлардан қайси бири ижобий, қайси бири салбий таъсир кўрсатишни, қайси бири холис эканлигини аниқлаб олиш шарт.
3. Муайян ўқувчи учун индивидуал ёндошиш керак бўлган конкрет вазифани белгилаш.
4. Индивидуал ёндошиш воситаларини ва индивидуал тарзда педагогик таъсир ўтказиш системасини топиш керак.

2 – мақола

М: Ҳозирги замон хорижий мамлакатларида таълим ва тарбия

РЕЖА:

1. Умумий таълим тушунчаси изоҳи.
 2. Таълим мазмунининг қайта кўриб чиқиш зарурати.
 3. Ўқув жараёнларининг қиёсий тавсифи.
- Аксари мамлакатларда болалар матабга 5,6 ёшдан қабул қилинади.

Ўқув режасининг ҳафталик ҳажми (ҳафта). Синфлардаги машғулотлар сони ҳар хил. Дарслар давом этиши: Японияда 45 ва АҚШда 40 дақиқа. Англияда дарслар танаффуссиз кетма – кет ўтилади.

Буюк Британия

Ўқув йили IX ойдан бошланиб, XII ойи охирида тугайди. Ўқув ҳафтаси 5 кун. ягона мактаб дастурлари ва дарсликлари йўқ. Ўқув дастурлари мактаб директори ва катта ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилиб, маҳаллий маорий органлари билан 1986 йил қабул қилинган 2 – қонунга асосан маҳаллий маориф органлари билан келишади.

Ўқув дастурини тўзишда ўқув эҳтиёжлари ва ҳаёт талаблари инобатга олинади. Табақаланган дастурлар таълим имкониятларининг кенгайишидан давлат маълум манфаат кўради.

Англия ва Уэльсдаги бошланғич ҳамда бирлашган ўрта мактабда умумий – илмий ўқув дастурини жорий этиш мўлжалланмоқда. Дастурга асосан ўқув вақтидан 70%, асосий предметлар маориф ва фан департаменти тавсия этган ҳажмда ўрганилиб, қолган вақтлар хохиший предметлар ўрганилади. Режалаштирилаяпти:

7,11,14,ва 16 ёшли болалар учун асосий предметлар бўйича имтиҳонлар жорий этиш мактабдаги ўқувчилар сони маориф ва фан департаменти тайинлаган норма асосида белгилаш;

тайёргарлик ва қобилиятидан қатъий назар барча болаларни (белигиланган норма асосида) қабул қилиш;

200 дан ортиқ ўқувчилари бўлган мактабларга ўзининг молиявий, кадрлар масаласини мустақил ҳал қилиш маҳаллий маориф органлар назорати остидан чиқиш ва бевосита маориф ва фан департаментига бўйсунуш ҳуқуқини берилади.

Шунга ўхшаш жараёнлар Шотландия ва шимолий Ирландиядаги мактаб таълимида ҳам рўй бераётир.

Англияда беш ёшга тўлган болалар бутун ўқув йили давомида қабул қилиниб, синфда 5,6,7 ёшли болалар ўқийди. Бир неча ой ўқигандан кейин, болалар яхшироқ ўсган ва сустроқ ўсган болалар гуруҳига бўлинади. Дарс тайёрлаш, ўйнаш, расм чизиш, елимлаш.... синф хоналарида ўтказилади. Кичик кутубхоналар мавжуд. Ўқитувчи битта. Кўп вақт очиқ ҳавода.

Хитой:

Эраимиздан олдинги V – IV асрда Конфуций ўқишга асос солган. 1946 йил – ривожланишнинг энг юқори босқичи. 290 мингдан ортиқ мактаблар мавжуд бўлиб, 23 мингдан ортиқ ўқувчилар таълим олган. 1958 йил Маоцзе – дун «катта сакраш» ривожланиш суръатини сунъий равишда тезлаштириб таълим ва тарбияни инқирозга учратди. 1966 йилда инқироз кучайди.

Таълим ислохотлари бошланди: ХКП МК нинг 1985 йил 27 май «таълимни ислоҳ қилиш тўғрисидаги» қонун. 1986 йил 12 апрел. Мажбурий таълим тўғрисидаги қонун. У 1 – июлдан кучга кирди. Шунга асосан тўлиқсиз ўрта мактаб 3 йил.

Ҳозир хитойда бошланғич мактабларнинг 2 тури мавжуд. Бирида ўқиш муддати 5, иккинчисида 6 йил.

Бир қисм болалар мактабдан олдин боғчага қатнайди. Сўнгги йигирма йилда оилага 1 тадан болага эга бўлиш сиёсати юритилиши сабаб ўқувчилар сони анча камайди.

Бошланғич мактаб ўқув режасига 9 та предмет: ахлоқий тарбия, она тили, арифметика, «жамият» (тарих, география), табиатшунослик, жисмоний тарбия, меҳнат таълими киритилган. Булардан ташқари ҳафтада 6 – 8 соат ҳар хил машғулотлар:

мустақил тайёрланиш (1 – 2) соат

синф мажлисларига (1 с)

спорт ўйинларига (2 – 3 с)

қизиқишлар бўйича машғулотларга (2 с) ажратилди.

Лотин Америкаси 1961 йил АҚШ таклиф этган иқтисодий ёрдам дастури «Тараққиёт йўлидаги иттифоқ» дастурини қабул қилиб адашди. 60 - 70 - йиллар лотин Америкасидаги маориф органлари фаолияти кучайди.

Барбасдан ташқари ҳамма мамлакатларда 14 ёшгача; перуда 16 ёшгача ўқитиш жорий этилди. давлат секторига қарашли мактаблар бепул қилинди.

Базавий туркум ташкил этилди. 1965 йил Чилида 8 йилга; 70 йилларда Боливия ва Бразилияда 8 йил, Перу, Сальвадор ва венесуалада 9 йил, Аргентинада 6 йил, Ямайка ва Колумбияда 5 йил, Перу, Панама ва бошқа қатор мамлакатларда мажбурий таълим фақат бошланғич эмас, балки бутун базавий туркумга ҳам татбиқ қилинади. Лотин Америкаси минтақаси 1975 йил болаларни бошланғич таълимга жалб этиш бўйича дунёда 1 – ўринга чиқди.

*

Апа Султон, сканер қилинган мавзуларни тўғрилаб чиқдим. Қаерга
ташлашни билмадим. (162- 201 – бетлар)

35 - бетга ташлаш керак.?

**9 - мавзу: XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср
бошларида
таълим ва педагогик фикрлар**

(Анбар отин, Фуркат, Саид Аҳмад Сиддиқийларнинг таълим-тарбия
таракқиётида тутган ўрни)

**10 - мавзу: Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»
асарида таълим-тарбия масалалари**

Режа:

1. А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ва унинг яратилиш тавсифи.
2. Асардаги асосий ғоя.
3. А.Авлонийнинг таълим-тарбия ҳақидаги таълимоти ва тарбия йўналишлари ҳақидаги фикрлари.
4. Асарнинг таълимий-тарбиявий аҳамият.

1. А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ва унинг яратилиш тавсифи.

Таниқли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи бор нашр қилинган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир. Бу асар мазмун томонидан муаллифнинг бошқа ижтимоий ва педагогик асарлари билан узвий боғлиқдир.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни «яхшиликка чакирувчи, ёмонликдан қайтарувчи» илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатдан қараганда бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Кайковуснинг «Қобуснома», Носир Хусравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб», Аҳмад Донишнинг «Фарзандларга васият», Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир. Шунинг таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида бундай асарни яратиш, миллий ғоя, миллий рух: сингдирилган таълим-тарбиявий ишларнинг татбиқ этилиши педагогика оламидаги йирик кашфиётдир.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб «Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, оллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ, ердан туриб юлдузларга қўл узатмоқ кабидур», - дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар катта аҳамиятга эга.

~~~~~  
~~~~~  
~~~~~  
~~~~~

Мавзу: Иқтисодий ривожланган хорижий давлатларда таълим

тизими

Режа :

- 1. Ривожланган хорижий давлатларда таълим— тарбия, мактаб ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари.**
- 2. АҚШда таълим тизимининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Японияда таълим—тарбия ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 4. Францияда таълим тизими.**
- 5. Германияда таълим тизимининг ривожланиши.**
- 6. Ривожланган хорижий давлатлар ва мустақил. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ўзаро уйғунлик масалалари.**

1. Ривожланган хорижий давлатлардаги таълим тарбия, мактаб ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари.

Жахоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, мактабларда амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимларини янгитдан ташкил қилишда, таълим тарбияда, мактаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларида тезроқ халос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ва манфаатлари акс этиб туриши керак.

Илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим-тарбия беришда энг илғор педагогик воситаларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг энг мақбул тизимларини яратиш каби чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда кенг кўламдаги ислохотларни ўз бошидан кечираётган бизнинг таълимимиз учун бу катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда чет эл таълими бўйича кўпгина маколалар, брошюралар, қўлланмалар чоп этилди, унга бағишлаб семинарлар, анжуманлар, ўқувлар, учрашувлар ўтказилди.

Бу бизнинг таълим тизимларимизда, чет элларда ўқув тарбия ишларининг қўйилишига этибор ва қизиқишнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Халқ таълими тизимларида чет эл таълимини ўрганиш билан шуғулланувчи муассасалар ҳам ташкил топмоқда. Халқ таълими вазирлигидан ташқари бу масала билан Республика ўқув-методика марказида, педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таркибида махсус бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, малака ошириш марказий институтида бир қатор кафедралар иш билан шуғулланмоқдалар.

Чет эл таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф

килишда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, элчихоналар, АҚШнинг Тинчлик Корпуси мутахассислари, Германия халқаро ривожланиш фонди, АКСЕЛС маркази, Аденауер жамғармаси, Франция маданият маркази, Британия Кенгаши, Гёте институти, «Силм А. Ш.» фирмаси, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермокдалар.

Дарҳақиқат ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларида мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормокда.

Японларда, масалан, «мактаб муваффақият ва фаровонлик тимсоли»гина бўлиб қолмай, «у инсонларни яхшилади», деган фикр ишонч ва эътиқодга айланган.

Таълим тўғрисидаги ғамхўрлик таниқли сиёсатчиларнинг ҳам хаамиша диққат эътиборида бўлган. Шунинг учун ҳам АҚШнинг собиқ Президенти Р. Рейгани, Буюк Британия Бош вазири М.Теччерни, Франция Президенти Ф. Миттеранларни мактаб ислохотининг ташаббускорлари деб, бежиз айтишмайди. Ф.Миттеран мактабни «Жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» деб ҳисоблаган.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турибди. Германияда уларнинг сони 2 мингдан ортиқ. Франция, АҚШ, Япония таълим-тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, университетлар, педагогик тадқиқот марказлари шуғулланмокдалар. Улар фаолиятини эса халқаро таълим марказлари, масалан, АҚШда халқаро таълим институти мувофиқлаштириб бормокда. Кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такомиллаштириш ва қайта қуришга қаратилган.

80 - йиллардан бошлаб Буюк Британияда ҳам АҚШдаги сингари ўрганилиши мажбурий бўлган фанлар доираси кенгайтирилди. Инглиз тили ва адабиёти, математика ва табиий фанлар ўқув сеткасининг ядросини ташкил этадиган бўлди. Қолган предметларни танлаб олиш ўқувчилар ва ота — оналар ихтиёридадир.

«Янги дунё»нинг педагогик ғоялари Франция ва Германия таълимига ҳам сезиларли таъсир этаётир.

Германия тўлиқсиз ўрта мактабларида асосий предметлар билан бир қаторда танлаб олинадиган химия, физика, чет тиллари киритилган ўқув Дастурлари ҳам амалга оширилаётир. Бу ўқув дастури тобора тулиқсиз ўрта мактаб доирасидан чиқиб, ўрта мактаблар ва гимназияларни ҳам қамраб олмокда.

Франция бошланғич мактабларида таълим мазмуни она тили ва адабиёти ҳамда математикадан иборат асосий, тарих, географн, аҳолишунослик, табиий фанлар, меҳнат, таълими, жисмоний ва эстетик тарбия каби ёрдамчи предметларга бўлинади.

Япония мактаблари иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ Америка

таълими йўлидан борди. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакат ўқув дастурида бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Японияда ўқув дастурлари жиддий мураккаблаштирилган, асосий фанлар мажмуи анча кенг, бир қатор янги махсус ва факультатив курслар киритилган. Масалан, умумий таълим мактабларининг янги мусиқа таълими ўқув дастурига миллий ва жаҳон мумтоз мусикасини ўрганиш ҳам киритилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланган давлатларда 80-йилларда табиий илмий таълим дастури таркибига физика, химия, биология, баъзи ҳолларда астраномия, геология, минералогия, физиология» экология элементлари киритилиб, у АҚШ ва Францияда 4 йил, Буюк Британияда 6 йил, Германияда 2 йил ўқитилади. Ўқув предметларини интеграциялаш жараёнида янги-янги курслар пайдо бўла бошлади. Францияда 70-80-йилларда тўлиқсиз ўрта мактаблар ўқув дастуридаги табиий-илмий ва гуманитар туркумига экспериментал, иқтисодий гуманитар курслар киритилади.

Ҳозирги пайтларда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялаштирилган курсларни киритиш тўла амалга оширишди. Франция мактабларида уларга 6-10 фоиз, Буюк Британия мактабларида 6-10 фоиз ўқув соатлари ажратилди.

Мактабларда амалга оширилаётган ислохотлар таълим ишини табақалаштириш муаммоларини келтириб чиқарди.

Иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларда таълимни табақалаштириш энг долзарб масалага айланган. Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш хорижий мамлакатларда асосан бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади. Масалан, француз педагоглари таълим жараёнида синф ўқувчиларини уч табақага ажратиб ўқитишнинг афзал кўрадилар. Булар қуйидагилар :

1. Гомогенлар — математика ва гуманитар йўналишда иш олиб борса бўладиган ўқувчилар.
2. Ярим гомоген — табиий туркумдаги фанларни ўзлаштира олишга мойил ўқувчилар.
3. Гегерон — барча предметларни ҳар хил савияда ўзлаштирадиган ўқувчилар ва ҳоказо.

Табақалаштириш жараёнининг янги муҳим йўналиши тўлдирувчи таълимни ривожлантириш бўлиб қолмоқда.

Тўлдирувчи мактаблар пайдо бўлишининг сабаби, АҚШ ва Ғарбий Европада ўзлаштирмовчи ҳамда улгурмовчи ўқувчиларнинг кўпайиб бораётганлиги, функционал саводсизлик авж олаётганлигидир.

80 - йилларда АҚШ ўқувчиларининг 50 - йилларга нисбатан рейтинг кўрсаткичи 973 дан 893 га тушди. Францияда ҳар уч лицейчидан бири бу салбий ҳолатни бартараф этиш тўлдирувчи таълим зиммасига тушади.

Тўлдирувчи таълим мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб ва лицейларда амалга оширилмоқда. АҚШ да бу хизматга оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари ҳам сафарбар этилган, Миллий телекомпания махсус ўқув канали орқали 130 соатлик ўқув кўрсатувлари ташкил этилди.

Ўқув жараёнларини табақалаштириб олиб бориш бўйича чет мамлакатларининг кўпчилигида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Ривожланган давлатларда иқтидорли болаларга эътибор тобора ортиб бормоқда.

Кейинги даврларда ўз тенгдошларига нисбатан қобилиятда бир неча баробор илгарилаб кетган болалар кўплаб топилмоқда. Улар ўқувни жуда эрта бошлаб таълим курсларини ўзлаштиришда катта шов - шувларга сабаб бўладиган даражада муваффақиятларга эришадилар.

Шундай иқтидорлар мактаби Ғарбда 60 - йиллардаёқ пайдо бўлган эди. Бундай мактабларнинг ўқув дастурлари болалар қобилияти ва имкониятини тўла рўёбга чиқаришни таъминлаб бериш даражасида мураккаб тузилган.

Қобилиятли болалар билан ишлаш дастурлари АҚШда кенг қулоч ёйган. Айрим шаҳарларда олий тоифали болалар боғчалари очилган бўлиб, уларда 4-5 ёшли ўқувчилар мактаб дастурида ўқитиладилар. АҚШда «Мерит» дастури асосида ҳар йил юқори синфлар ва колледжлардан энг қобилиятли болалардан 600 мингтаси танлаб олинади. Улар ўртасида тест синовлари ўтказилиб энг қобилиятли 35 минг ўқувчи танлаб олинади ва ўқитилади. Уларга турли имтиёзлар, стипендиялар, яхши шарт - шароитга эга бўлган тураржой, энг олий даражадаги университетларга қабул ва бошқалар амалга оширилади.

Лекин иқтидорли болаларга қарама - қарши қутбда турган ақли заиф ўқувчиларнинг тақдири ҳам чет эллик ҳамкасбларни тобора ташвишлантирмоқда, бундай ҳолни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, олдини олиш бўйича кўпгина профилактик ишлар олиб борилмоқда ва улар учун махсус мактаблар очилмоқда. Лекин статистик маълумотлар бундай болалар сони тобора ошиб бораётганлигини кўрсатаётир.

70 - йилларда АҚШ да келажак мактаби умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Бу эксперимент мазмуни ўқитувчи буйруғи билан иш тутиш, кўпроқ ўқувчиларга мустақил ишлаш имкониятини беришдан иборат. Таълим таркиби синфда ишлаш, мустақил машғулот, ўқитувчи консультациясини ўз ичига олади.

Германия мактабларида синфда ўқувчилар сонини қисқартириш сари йўл тутилган. Бундай ўқувчиларни - ҳар бирига индивидуал пакетлар (топшириклар) тарқатилади. Тоширикларни ўқувчи мустақил бажаради, лозим бўлганда у ўқитувчидан консультация олади.

Юқорида баён қилинганлардан кўзда тутилган мақсадлари :

- мактабларнинг инсонпарварлик, умуминсонийлик йўналишларини кучайтириш.

- ўқувчи шахсини шакллантиришнинг энг самарали йўллари кидириб топиш.

- тарбиянинг янги формаларида - ўқувчилар кенгаши, мактаб кенгашларидан, тарбиявий ўйинлардан фойдаланиш.

- Мактаб ўқув дастурларини ихтисослаштириш, фанларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш.

- Мактабни меҳнат, инсоний фаолият билан яқинлаштириш, касбга йўналтириш ишларини қайта ташкил этиш.

- Табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш, махсус ўқув муассасаларини (ҳам, талантлар, ҳам ақлий, жисмоний заиф ўқувчилар учун) ривожлантириш.

- Янги, яъни ўқув техник воситаларини таълимдаги салмоқни ошириш, ўқитувчилар корпусида компьютер таълимини йўлга қўйиш.

- Педагогик ғояларни амалга оширишда кенг қамровли эксперимент — тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Чет эл таълимидаги бундай ибратли жиҳатларни Ватанимиз таълим тизимларида қўллаш ёш, мустақил Ресубликамизда ўқув — тарбия ишларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштиради.

2. АҚШда таълим тизимини тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари.

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиш қуйидагича:

— болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

-9 - 12- синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШ да мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусийлар тасарруфида ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Уч ёшдан 5 ёшгача хусусий ёки давлат боғчаларидан фойдаланиш мумкин, лекин болалар боғчалари кичик ва бу тизим кам ривожланган. Энага ёнлаш бир ҳафтада 200 долларга тушади. Болаларда ягона бир дастур мавжуд эмас. Керак бўлувчи ҳамма жихозлар ва кунлик овқатни ота-оналарнинг ўзи олиб келади. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан - синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғарақлар, учрашувлар, шовлар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Урта мактабларда

тўрт йўналишда касб - кор асослари бериб борилади.

1 - касб-хунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими, 4-қурилиш таълими. Олий таълим 4 асосий боокичда амалга оширилади.

1- кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади. 2- бакалавр 4 йиллик коллежларда, 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириш мумкин, бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4 - босқич аспирантура, докторантура. Мактабларда, таълим телевидинияси, электрон тил лабораторияси, видеоаппаратура, компьютер ва ҳоказоларни қўллаш йўлга қўйилган. Мактаблар таътил вақтида ҳам ишлаб туради. Тўғараклар, қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш, 2 - талабанинг мустикал ишлашини амалга ошириш. Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интелектини машқ қилдириш, мантикий фикрлашга ўргатишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-кор, умумий йўналишларида билим берадилар. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат, қурилиш бўйича хунар, касб~кор асослари ўргатилади.

АҚШда хар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида хужжат топширган ўқувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил - қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар), таълим телевидинияси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинди.

Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дасгурда 2000 йилда барча америкалик кичкинтойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари: аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши, ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз шктидорларини намоиш эта олишлари; талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларига чиқишлари; хар бир вояга етмаган америкаликнинг идтисодиёт соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлари; мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликка барҳам бериш, ўқиш учун барча шарт - шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Бу АҚШ таълим истиқболларини белгилаб берувчи муҳим дастурдир.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ

жахон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан, 50 фоизини фирма, концерн, синдикатлардан ундирилади, колганларини олий ўқув юртларининг манбаларлари ташкил қилинди.

3. Японияда таълим- тарбия ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Япония таълимининг шаклланиши 1867 - 1868 йилларда бошланган. Япония ўз

олдига икки вазифани: биринчи — бойиш, иккинчи - Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айtilди.

1872 йили «Таълим ҳақидаги қонун» қабул қилинди. Бунда Япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилда Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари белгилаб қўйилган.

Японияда ҳозирги замон таълим тизимларининг таркиби куйидагича: Болалар боғчалари, бошлангач мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат.

Болалар боғчалари. Таълимнинг бу босқичига 3 — 5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

Мажбурий таълим. Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб, улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар.

Юқори босқич ўрта мактаби. Бу мактаблар таълим йўналишининг 10.11.12. синфларини ўз ичига олади. Японияда бундай босқич мактабларининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари мавжуд. Кундузги юқори босқичли мактабларида ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчиларнинг 95 фоизи кундузги мактабларда таълим оладилар. Бу тарздан мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Унда қуйи ўрта мактабларни битирган юқори босқич ўрта мактабларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар қабул қилинадилар. Унда умумий таълим (академик) фанлари, техник билимлар, тижорат, маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, кемасозлик ва бошқа мактабларда умумий ва хусусий тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 95 фоиз ёш билим олади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил

этади.

Японияда бошланғич, ўрта ва олий ўқув юртларидан ташқари, бир — биридан фарқ қилувчи «Ихтисос мактаблари» ва «турли» мактаблар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб, турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа вақтли курсларда тикувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур тузувчилар ва бошқа зарурий касблар ўргатилади. Японияда ҳам турли хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаштирилган мактаблар мавжуд.

Бошқа мактаблардан фаркли ўлароқ, Япония мактабларида ўқиш 1 апрелдан бошланиб, келаси йилнинг 31 мартида нихоясига етади.

Бошланғач ва кичик ўрта мактабларда ўтқув йили уч семестрга бўлинади: апрель — июль, сентябрь — декабрь, январь — март. Катта ўрта мактабларда эса ўқув йили 2 ёки 3 семестрга бўлинади.

Ўқув йили Японияда 240 кун ёки Америка Қўшма Штатларидан 60 кун кўпдир. Дарслар 7 соат. Кўпчилик мактабларда дарслар эрталаб соат саккиз яримда бошланиб, учдан кейин тугайди.

Ўқувчилар ҳафтасига 2—3 соат синфдан ташқари клуб ишларида, 7 соат ихтисос бўйича машғулотларда ёки репетиторлар ихтиёрида бўладилар.

Юқори босқич ўрта мактабларида бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хохишларига кўра инглиз тили, техник таълим ва махсус синовларга жалб этиладилар.

Япония таълимининг асосий мақсади ва мазмуни аҳолини замонавий техник ҳамда технологик жараёнлар билан жихозланган ҳозирга замон саноатида самарали ишлашга мослаштиришдир. Мамлакатда мактабга муҳим ижтимоий вазифани бажарувчи, жамиятнинг олға силжишини таъминловчи даргоҳ деб қаралади ва халқ томонидан эъзозланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Японияда таълим тизими ҳам шаклан, ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этган. Ибрат олса, ўрганса арзийдиган жиҳатлари кўп. Эътиборли яна бир томони — Японияда фақат миллий анъаналар билан чекланиб қолмай, жаҳондаги Америка, Франция, Германия каби тараққий этган мамлакатларнинг нлғр педагогик иш тажрибалари ҳам ижодий ўзлаштирилган.

4. Францияда таълим тизими.

Францияда жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақидаги» қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга катор ўзгартиришлар киритилган.

-Франция давлатининг ҳозирги даврда амал ҳилинаётган «Таълим ҳақидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар,

мамлакатнинг ички ташки сиёсатидаш ислохотлар, юзага келган Иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидага илғораяфибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблар;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлига эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталабки ва тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар.

Математика, она тили ва адабиёти база предмети, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданок мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар куйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи — 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, мусиқа ва меҳнатга ўргатилади.

- Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб, бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар

бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади.

- Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида «Гражданлик таълими», «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа, тасвирий санъат, спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан, унинг услуб танлашига, мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ, мактабгача тарбия ва бошланғич таълимига модуллаштириш, болаларнинг билимига, у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳукуқи берилади. Бундай дарс жадваллари йиллик, ярим йиллик, чораклик асосида тузилиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда :

Биринчи босқичда қуйидаги предметлар ўргатилади:

француз тили ва адабиёти, чег тили (инглиз, немис, испан.итальян тиллари), тарих, Франция географияси, математика , тиббий фанлар.

Шундай қилиб 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради: 4-3-синфларда ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич якунлагач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2- синф кичик, 1- синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иш учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳукуқини қўлга киритадилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгокхларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутди.

Сиртқи таълим шохабчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб рахбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга рахбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар рахбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жихатларни ўрганади, ўқишни яқунлагач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар.

5. Германияда таълим тизимини ривожлантириш.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Германиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизнинг Республикамиздагига ўхшаб кетади. Икки Герман давлати бирлашгандан кейин собиқ Германия Демократик Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бизнинг шароитимизга мақбул келади.

Германиянинг ҳозирги давр маорифидаги асосий муаммоси собиқ ГДРдаги таълимни бир хил миллий меъёрга солишдан иборатдир.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, Германияда таълим давлат ва жамият томонидан ардоқланаётган соҳа бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатлар ичида кучли олтилика кирган.

Германия таълим тизимларининг баёни қуйидагича: Германияда таълим тизими: Мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланади. у Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбияланганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгачатарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда, оилада бўлади. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли. Бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар текин таъминланади. Хусусий мактаблар озрок. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар:

Булар: -асосий, махсус мактаб, реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуксонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлар асосий мактаб ва юқори мактаб

ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-13 синфгача) ва тўла маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги хунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўхқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълими тизимида хунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79%) тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% хунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий хунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга таалуқли махсус фанлардан назарий асослаш берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус хунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиш синов имтиҳонлари ўтказилиб ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус хунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, фидерал ерлардаги саноат палатаси, хунаrmандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Хунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошка ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидага федерал қонунга кўра улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга кўшиб берилса, иккинчиги ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимни ислох қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини кискартириш таклиф қилинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат, фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, Герлкания таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга.

6. Ривожланган хорижий давлатлар ва мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ўзаро уйғунлик.

Ривожланган хорижий давлатлардаги таълим – тарбия ва мактаб ҳақида юқорида баён қилинган энг яхши тажрибаларни ўз таълим тизимимизда жорий қилиш Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бошланди.

Бу соҳда бизга ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби Халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари амалий ёрдам бермоқдалар. Республикамиздаги таълим муассасалари таълимни такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг барча шаклларида фойдаланаётирлар.

РеспубликаМИЗ Олий мажлисининг 1 - чакириқ 1X-сессиясида - таълимга оид икки муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши мамлакат таълимини жаҳон андозаларига, ривожланган хорижий давлатлардаги таълим-тарбия ва мактаб савиясига олиб чиқишда улкан воқеа бўлди.

Бизнинг мактабимиз жаҳонда энг илғор мактаблар бўлиб қолишига Республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан ҳамма шарт шароит яратилмоқда. Бизнинг таълим тизимларимиз ҳам жаҳонда эътироф этилган таълим тизимларидан биридир. Шу туфайли ҳам АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар таълимининг усталари билан ўтказилган учрашувлар ва мулоқотларда Республикамиз таълими тизимига юқори баҳо берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамиз халқ таълими ходимлари олдида ҳозирги кунда энг муҳим вазифа - мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги таълим тизимларини истиқлол руҳи билан такомиллаштириш, уни ўзимизнинг мумтоз педагогика анъаналари билан бойитиш, чет эл педагогикасидаги илғор жиҳатларни ўзлаштириш, янги - янги самарали ўқув предметларини таълим таркибига киритиш билан жаҳон давлат стандартлари даражасига олиб чиқишдир. Бунинг учун эса бизнинг иқтисодий ривожланган хорижий давлатлардаги қуйидаги илғор тажрибаларни таълим тизимимизда қўллай билишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунончи :

Агар биз АҚШ педагогикасидаги:

- а) болани ўз кучи имкониятига ишонч руҳида тарбиялаш;
 - б) ўқувчининг энг кичик шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кураш;
 - в) болани камситмаслик, инсоний кадриятларни ва ғурурини ерга урмаслик;
 - г) ўқувчининг илк давриданок касб-корга йўналтириш;
 - д) Ватанига фахр ва ифтихор руҳида тарбиялаш ва х.к
- Япония таълимидаги:
- а) боляни мактабга пухта тайёрлаш

- б) кичкинтойлар таълим ва тарбиясига ота-оналар масъулиятини кучайтириш;
- в) ўқувчиларни нафосат, жисмоний камолатига берилаётган эътибор;
- г) ўқитувчи кадрларга юксак талабчанлик;
- д) ёш талант соҳиблари билан олиб борилаётган изчил ишлар.

Германия таълимидаги:

- а) табақалаштириб ўқитишга берилаётган жиддий эътибор;
- б) ўқувчиларнинг меҳнат, таълимини мустаҳкамлаш;
- в) касбга йўналтириш.

Франция таълимидаги:

- а) мактабгача тарбияданок ўқувни предметлаштириб ташкил этиш;
- б) бошланғич таълимни уч боскичда пухта амалга ошириш;
- в) ўқувни дидактик воситалар билан таъминлашга берилаётган катта эътибор;
- г) ўқув муассасаларининг турли фирмалар, концернлар, корхоналар мустаҳкам алоқалари ва бошқа ибратли жиҳатлар бизнинг таълимга ҳам кўчса, бизнинг педагогамиз олга қараб дадил қадам босган бўлар эди.

Албатта, таълимга ҳар қандай янгилик, ўзгартириш жиддий таҳлиллар, тажрибалар асосида кириб келади. «Зўрлаб тикиштириш» бизнинг услубиёт эмас. Айни пайтда таълимни бир савияда қотиб қолишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам, ҳар бир педагог, ҳар бир тадқиқотчи маорифимиз учун жон куйдирадиган, элим деб, юртим деб қуйиб ёнадиган бўлмаса, «ўз шахсий манфаатларим учун давлат менга нима берди эмас, балки меи давлат равнақи учун нима қилдим» деган мулоҳазалар юритадиган иқтидорли кадрларни тайёрлашимиз керак.

35- бетга ташлаш керак

Анбар отин (1870-1915) ўзбек шоираси ва маърифатпарвари, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. У 1870 йил Қўқонда фармонқул деган илғор киши оиласида туғилган. Маълумотни Дилшод отин (Барно)дан олади. У мактабда тарих, адабиётни ўрганади, шеърлар ёзади. Сўнг ўзи ҳам дарслар беради. У қизларга одоб қоидалари, шеър тузилиши, юксак ахлоқий малакалар ҳосил қилиш қоидаларини ўргатади. Унинг бутун ҳаёти шеърият билан боғлиқ. Уларда маърифий ғоялар илгари сурилади. Анбар отин маърифатгина шахс эркинлигини шакллантиришини билади. Унинг Фурқатга ёзган шеърий мактубида янги усул мактабларини очиш ҳақидаги таклифлари баён этилган. Анбар отин девон ҳам тузган. Анбар отиннинг дунёкарашини, фалсафий тафаккурини ўзида мужассамлаштирган асари - «Қаролар фалсафаси»дир. Асар кириш ва 4 қисмдан иборат. Ҳар бир фаслда шоира ўзининг ижтимоий-қарашларини баён қилади, аёллар тақдири ҳақида ёзади.

Махмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) ёзувчи, журналист, жамоат арбоби, маърифатпарвар. У мактабни битиргач, мадрасада ўқийди. Лекин битирмасдан меҳнат фаолиятини бошлайди. Арабистон, Миср, Туркия,

муассасаларнинг анъанавий тизими. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида рус чоризми Ўрта Осиёни забт этди ва у ерда тарбиявий мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш билан бирга маориф матбуот, адабиётни юксалтиришга қарши қаратилган тадбирлар кўрди, озодлик, эркинлик, шунингдек дунёвий билим ғоялари билан суғорилган тараққийпарварлик оқимиغا қарши курашди.

Мазкур даврда Ўзбекистон ҳудудида умуман, 400 дан ортиқ, яъни Туркистон ўлкасида 313, Бухоро амирлигида 103, Хивада 8 та мадраса ишлаган.

Ҳар бир қишлоқда эса мачит бўлиб, ҳар бир мачит қошида албатта мактаб бўлган. Шаҳарнинг ҳар бир мақалласида, ҳар бир қишлоқда мактаб бўлиб, мачит домласи болаларни ўқитган. Мактабда аввал "Ҳафтияк", кейин «Қуръон» ёдланарди, сўнг «Чор китоб»га тушиларди.

«Чор китоб» 4 бўлимдан иборат бўлиб 1- бўлим ҳақ худонинг номлари тушунтириларди, дин қоидалари, таҳорат, намоз баён этилади, иккинчиси бидон-эътиқодни англаш, учинчи бўлимда каломи наби - ривоятлар баҳс этилган. Бу китоб назм ва насрда форс тилида ёзилган. Мактабларда Ҳофиз, Алишер Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр ўрганилар эди. Мактабни битиргандан сўнг бир қисм талабалар мадрасага кира олардилар.

Мадраса - Ўрта Осиёда IX асрда пайдо бўлган олий диний мактаб. Унинг ўқув режалари вақт ва шароитга қараб ўзгариб турган. Масалан XV асрнинг 30 —40 - йилларида - Самарқанд ва Ҳирот мадрасаларида дунёвий билимлар: математика, астрономия, муסיқа ва ҳоказолар ҳам ўқитилган.

Мадраса уч бўлимдан иборат бўлган: 1- бўлимда мусулмон дини ақидалари баён қилинган китоб - араб тили ва қонунчилик ўргатилар эди. Бў бўлим талабаси 9-10 йил ўқиган.

2 - бўлимда қонунчилик, илоҳиёт, мушқилот - мантик, араб грамматикаси, нотиқлик маҳорати ўргатилган. Унда 7 - 8 йил ўқишган.

Учинчи бўлимда илоҳиёт, қонунчилик, калом ўқитилган. Қонунчилик курсида география ва арифметикадан баъзи маълумотлар берилган. Мадрасадан мударрислар, мутаваллилар, қозилар, имомлар етишиб чиккан.

1900-йидда Туркистон ўлкасидаги 313 мадрасада 7052 киши ўқиган. (Бухоро (103) ва Хивадаги (8) мадрасадан ташқари). Қуръон билан бирга шариат ҳам кенг ўрганилади.

Шариат - диний юридик қонун бўлиб, шахсий, оилавий, ҳуқуқ жиноий ва давлат ҳуқуқи ўрганилган.

Ўша даврда ҳар бир ҳунар учун 40 дан ортиқ рисола - низом ишлаб чиқарган. Бу ҳунар ўрганувчилар учун қонун эди.

[illegible]

Мавзу: Иқтисодий ривожланган хорижий давлатларда таълим тизими

Режа :

- 1. Ривожланган хорижий давлатларда таълим— тарбия, мактаб ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари.**
- 2. АҚШда таълим тизимининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Японияда таълим—тарбия ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 4. Францияда таълим тизими.**
- 5. Германияда таълим тизимининг ривожланиши.**
- 6. Ривожланган хорижий давлатлар ва мустақил. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ўзаро уйғунлик масалалари.**

1. Ривожланган хорижий давлатлардаги таълим тарбия, мактаб ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари.

Жахоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, мактабларда амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимларини янгитдан ташкил қилишда, таълим тарбияда, мактаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларида тезроқ халос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ва манфаатлари акс этиб туриши керак.

Илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим-тарбия беришда энг илғор педагогик воситаларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг энг мақбул тизимларини яратиш каби чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда кенг қўламдаги ислохотларни ўз бошидан кечираётган бизнинг таълимимиз учун бу катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда чет эл таълими бўйича кўпгина маколалар, брошюралар, қўлланмалар чоп этилди, унга бағишлаб семинарлар, анжуманлар, ўқувлар, учрашувлар ўтказилди.

Бу бизнинг таълим тизимларимизда, чет элларда ўқув тарбия ишларининг қўйилишига этибор ва қизиқишнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Халқ таълими тизимларида чет эл таълимини ўрганиш билан шуғулланувчи муассасалар ҳам ташкил топмоқда. Халқ таълими вазирлигидан ташқари бу масала билан Республика ўқув-методика марказида, педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таркибида махсус бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, малака

ошириш марказий институтида бир қатор кафедралар иш билан шуғулланмоқдалар.

Чет эл таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф килишда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, элчихоналар, АҚШнинг Тинчлик Корпуси мутахассислари, Германия халқаро ривожланиш фонди, АКСЕЛС маркази, Аденауер жамғармаси, Франция маданият маркази, Британия Кенгаши, Гёте институти, «Силм А. Ш.» фирмаси, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Дарҳақиқат ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларида мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Японларда, масалан, «мактаб муваффақият ва фаровонлик тимсоли»гина бўлиб қолмай, «у инсонларни яхшилайти», деган фикр ишонч ва эътиқодга айланган.

Таълим тўғрисидаги ғамхўрлик таниқли сиёсатчиларнинг ҳам хаамиша диққат эътиборида бўлган. Шунинг учун ҳам АҚШнинг собиқ Президенти Р. Рейганни, Буюк Британия Бош вазири М.Теччерни, Франция Президенти Ф. Миттеранларни мактаб ислохотининг ташаббускорлари деб, бежиз айтишмайди. Ф.Миттеран мактабни «Жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» деб ҳисоблаган.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турибди. Германияда уларнинг сони 2 мингдан ортиқ. Франция, АҚШ, Япония таълим-тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, университетлар, педагогик тадқиқот марказлари шуғулланмоқдалар. Улар фаолиятини эса халқаро таълим марказлари, масалан, АҚШда халқаро таълим институти мувофиқлаштириб бормоқда. Кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такомиллаштириш ва қайта қуришга қаратилган.

80 - йиллардан бошлаб Буюк Британияда ҳам АҚШдаги сингари ўрганилиши мажбурий бўлган фанлар доираси кенгайтирилди. Инглиз тили ва адабиёти, математика ва табиий фанлар ўқув сеткасининг ядросини ташкил этадиган бўлди. Қолган предметларни танлаб олиш ўқувчилар ва ота — оналар ихтиёридадир.

«Янги дунё»нинг педагогик ғоялари Франция ва Германия таълимига ҳам сезиларли таъсир этаётир.

Германия тўлиқсиз ўрта мактабларида асосий предметлар билан бир қаторда танлаб олинадиган химия, физика, чет тиллари киритилган ўқув Дастурлари ҳам амалга оширилаётир. Бу ўқув дастури тобора тулиқсиз ўрта мактаб доирасидан чиқиб, ўрта мактаблар ва гимназияларни ҳам қамраб олмоқда.

Франция бошланғич мактабларида таълим мазмуни она тили ва адабиёти ҳамда математикадан иборат асосий, тарих, географн,

аҳолишунослик, табиий фанлар, меҳнат, таълими, жисмоний ва эстетик тарбия каби ёрдамчи предметларга бўлинади.

Япония мактаблари иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ Америка таълими йўлидан борди. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакат ўқув дастурида бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Японияда ўқув дастурлари жиддий мураккаблаштирилган, асосий фанлар мажмуи анча кенг, бир қатор янги махсус ва факультатив курслар киритилган. Масалан, умумий таълим мактабларининг янги мусиқа таълими ўқув дастурига миллий ва жаҳон мумтоз мусикасини ўрганиш ҳам киритилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланган давлатларда 80-йилларда табиий илмий таълим дастури таркибига физика, химия, биология, баъзи ҳолларда астраномия, геологя, минералогия, физиология» экология элементлари киритилиб, у АҚШ ва Францияда 4 йил, Буюк Британияда 6 йил, Германияда 2 йил ўқитилади. Ўқув предметларини интеграциялаш жараёнида янги-янги курслар пайдо бўла бошлади. Францияда 70-80-йилларда тўлиқсиз ўрта мактаблар ўқув дастуридаги табиий-илмий ва гуманитар туркумига экспериментал, иқтисодий гуманитар курслар киритилади.

Ҳозирги пайтларда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялаштирилган курсларни киритиш тўла амалга оширишди. Франция мактабларида уларга 6-10 фоиз, Буюк Британия мактабларида 6-10 фоиз ўқув соатлари ажратилди.

Мактабларда амалга оширилаётган ислохотлар таълим ишини табақалаштириш муаммоларини келтириб чиқарди.

Иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларда таълимни табақалаштириш энг долзарб масалага айланган. Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш хорижий мамлакатларда асосан бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади. Масалан, француз педагоглари таълим жараёнида синф ўқувчиларини уч табақага ажратиб ўқитишнинг афзал кўрадилар. Булар қуйидагилар :

1. Гомогенлар — математика ва гуманитар йўналишда иш олиб борса бўладиган ўқувчилар.
2. Ярим гомоген — табиий туркумдаги фанларни ўзлаштира олишга мойил ўқувчилар.
3. Гегерон — барча предметларни ҳар хил савияда ўзлаштирадиган ўқувчилар ва ҳоказо.

Табақалаштириш жараёнининг янги муҳим йўналиши тўлдирувчи таълимни ривожлантириш бўлиб қолмоқда.

Тўлдирувчи мактаблар пайдо бўлишининг сабаби, АҚШ ва Ғарбий Европада ўзлаштирмовчи ҳамда улгурмовчи ўқувчиларнинг кўпайиб бораётганлиги, функционал саводсизлик авж олаётганлигидир.

80 - йилларда АҚШ ўқувчиларининг 50 - йилларга нисбатан рейтинг кўрсаткичи 973 дан 893 га тушди. Францияда ҳар уч лицейчидан бири бу салбий ҳолатни бартараф этиш тўлдирувчи таълим зиммасига тушади.

Тўлдирувчи таълим мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб ва

лицейларда амалга оширилмоқда. АҚШ да бу хизматга оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари ҳам сафарбар этилган, Миллий телекомпания махсус ўқув канали орқали 130 соатлик ўқув кўрсатувлари ташкил этилди.

Ўқув жараёнларини табақалаштириб олиб бориш бўйича чет мамлакатларининг кўпчилигида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Ривожланган давлатларда иқтидорли болаларга эътибор тобора ортиб бормоқда.

Кейинги даврларда ўз тенгдошларига нисбатан қобилиятда бир неча баробор илгарилаб кетган болалар кўплаб топилмоқда. Улар ўқувни жуда эрта бошлаб таълим курсларини ўзлаштиришда катта шов - шувларга сабаб бўладиган даражада муваффақиятларга эришадилар.

Шундай иқтидорлар мактаби Ғарбда 60 - йиллардаёқ пайдо бўлган эди. Бундай мактабларнинг ўқув дастурлари болалар қобилияти ва имкониятини тўла рўёбга чиқаришни таъминлаб бериш даражасида мураккаб тузилган.

Қобилиятли болалар билан ишлаш дастурлари АҚШда кенг қулоч ёйган. Айрим шаҳарларда олий тоифали болалар боғчалари очилган бўлиб, уларда 4-5 ёшли ўқувчилар мактаб дастурида ўқитиладилар. АҚШда «Мерит» дастури асосида ҳар йил юқори синфлар ва колледжлардан энг қобилиятли болалардан 600 мингтаси танлаб олинади. Улар ўртасида тест синовлари ўтказилиб энг қобилиятли 35 минг ўқувчи танлаб олинади ва ўқитилади. Уларга турли имтиёзлар, стипендиялар, яхши шарт - шароитга эга бўлган тураржой, энг олий даражадаги университетларга қабул ва бошқалар амалга оширилади.

Лекин иқтидорли болаларга қарама - қарши қутбда турган ақли заиф ўқувчиларнинг тақдири ҳам чет эллик ҳамкасбларни тобора ташвишлантирмоқда, бундай ҳолни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, олдини олиш бўйича кўпгина профилактик ишлар олиб борилмоқда ва улар учун махсус мактаблар очилмоқда. Лекин статистик маълумотлар бундай болалар сони тобора ошиб бораётганлигини кўрсатаётир.

70 - йилларда АҚШ да келажак мактаби умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Бу эксперимент мазмуни ўқитувчи буйруғи билан иш тутиш, кўпроқ ўқувчиларга мустақил ишлаш имкониятини беришдан иборат. Таълим таркиби синфда ишлаш, мустақил машғулот, ўқитувчи консультациясини ўз ичига олади.

Германия мактабларида синфда ўқувчилар сонини қисқартириш сари йўл тутилган. Бундай ўқувчиларни - ҳар бирига индивидуал пакетлар (топшириклар) тарқатилади. Тоширикларни ўқувчи мустақил бажаради, лозим бўлганда у ўқитувчидан консультация олади.

Юқорида баён қилинганлардан кўзда тутилган мақсадлари :

- мактабларнинг инсонпарварлик, умуминсонийлик йўналишларини кучайтириш.

- ўқувчи шахсини шакллантиришнинг энг самарали йўллари кидириб топиш.

- тарбиянинг янги формаларида - ўқувчилар кенгаши,

мактаб кенгашларидан, тарбиявий ўйинлардан фойдаланиш.

- Мактаб ўқув дастурларини ихтисослаштириш, фанларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш.

- Мактабни меҳнат, инсоний фаолият билан яқинлаштириш, касбга йўналтириш ишларини қайта ташкил этиш.

- Табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш, махсус ўқув муассасаларини (ҳам, талантлар, ҳам ақлий, жисмоний заиф ўқувчилар учун) ривожлантириш.

- Янги, яъни ўқув техник воситаларини таълимдаги салмоқни ошириш, ўқитувчилар корпусида компьютер таълимини йўлга қўйиш.

- Педагогик ғояларни амалга оширишда кенг қамровли эксперимент — тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Чет эл таълимидаги бундай ибратли жиҳатларни Ватанимиз таълим тизимларида қўллаш ёш, мустақил Ресубликамизда ўқув — тарбия ишларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштиради.

2. АҚШда таълим тизимини тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари.

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиш қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9 - 12- синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШ да мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусийлар тасарруфида ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Уч ёшдан 5 ёшгача хусусий ёки давлат боғчаларидан фойдаланиш мумкин, лекин болалар боғчалари кичик ва бу тизим кам ривожланган. Энага ёнлаш бир ҳафтада 200 долларга тушади. Болаларда ягона бир дастур мавжуд эмас. Керак бўлувчи ҳамма жиҳозлар ва кунлик овқатни ота-оналарнинг ўзи олиб келади. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни камраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан - синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғарақлар, учрашувлар, шовлар ва саёҳатлар

уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ваюқори босқилардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Урта мактабларда тўрт йўналишда касб - кор асослари бериб борилади.

1 - касб-хунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими, 4-қурилиш таълими. Олий таълим 4 асосий боокичда амалга оширилади.

1- кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади. 2- бакалавр 4 йиллик коллежларда, 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириш мумкин, бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4 - босқич аспирантура, докторантура. Мактабларда, таълим телевидинияси, электрон тил лабораторияси, видеоаппаратура, компьютер ва ҳокозоларни қўллаш йўлга қўйилган. Мактаблар таътил вақтида ҳам ишлаб туради. Тўгараклар, қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш, 2 - талабанинг мустикал ишлашини амалга ошириш. Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интелектини машқ қилдириш, мантиқий фикрлашга ўргатишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-кор, умумий йўналишларида билим берадилар. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат, қурилиш бўйича хунар, касб~кор асослари ўргатилади.

АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган ўқувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил - қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар), таълим телевидинияси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳокозолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинди.

Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дасгурда 2000 йилда барча америкалик кичкинтойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари: аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши, ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз шктидорларини намоиш эта олишлари; талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларига чиқишлари; ҳар бир вояга етмаган америкаликнинг идтисодиёт соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлари; мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликка барҳам бериш, ўқиш учун барча шарт - шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Бу АҚШ таълим истикболларини белгилаб берувчи муҳим дастурдир.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан, 50 фоизини фирма, концерн, синдикатлардан ундирилади, колганларини олий ўқув юртларининг манбаларлари ташкил қилинди.

3. Японияда таълим- тарбия ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Япония таълимининг шаклланиши 1867 - 1868 йилларда бошланган. Япония ўз

олдига икки вазифани: биринчи — бойиш, иккинчи - Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилди.

1872 йили «Таълим ҳақидаги қонун» қабул қилинди. Бунда Япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилда Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари белгилаб қўйилган.

Японияда ҳозирги замон таълим тизимларининг таркиби куйидагича: Болалар боғчалари, бошлантач мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат.

Болалар боғчалари. Таълимнинг бу босқичига 3 — 5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

Мажбурий таълим. Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб, улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар.

Юқори босқич ўрта мактаби. Бу мактаблар таълим йўналишининг 10.11.12. синфларини ўз ичига олади. Японияда бундай босқич мактабларининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари мавжуд. Кундузги юқори босқичли мактабларида ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчиларнинг 95 фоизи кундузги мактабларда таълим оладилар. Бу тарздан мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Унда қуйи ўрта мактабларни битирган юқори босқич ўрта мактабларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар қабул қилинадилар. Унда умумий таълим (академик) фанлари, техник билимлар, тижорат, маҳаллий sanoat, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, кемасозлик ва бошқа мактабларда умумий ва хусусий тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 95 фоиз ёш билим

олади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил этади.

Японияда бошланғич, ўрта ва олий ўқув юртларидан ташқари, бир — биридан фарқ қилувчи «Ихтисос мактаблари» ва «турли» мактаблар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб, турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа вақтли курсларда тикувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур тузувчилар ва бошқа зарурий касблар ўргатилади. Японияда ҳам турли хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаштирилган мактаблар мавжуд.

Бошқа мактаблардан фаркли ўлароқ, Япония мактабларида ўқиш 1 апрелдан бошланиб, келаси йилнинг 31 мартда нихоясига етади.

Бошланғач ва кичик ўрта мактабларда ўтқув йили уч семестрга бўлинади: апрель — июль, сентябрь — декабрь, январь — март. Катта ўрта мактабларда эса ўқув йили 2 ёки 3 семестрга бўлинади.

Ўқув йили Японияда 240 кун ёки Американин Кўшма Штатларидан 60 кун кўпдир. Дарслар 7 соат. Кўпчилик мактабларда дарслар эрталаб соат саккиз яримда бошланиб, учдан кейин тугайди.

Ўқувчилар ҳафтасига 2—3 соат синфдан ташқари клуб ишларида, 7 соат ихтисос бўйича машғулотларда ёки репетиторлар ихтиёрида бўлади.

Юқори босқич ўрта мактабларида бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хохишларига кўра инглиз тили, техник таълим ва махсус синовларга жалб этилади.

Япония таълимининг асосий мақсади ва мазмуни аҳолини замонавий техник ҳамда технологик жараёнлар билан жихозланган ҳозирга замон саноатида самарали ишлашга мослаштиришдир. Мамлакатда мактабга муҳим ижтимоий вазифани бажарувчи, жамиятнинг олға силжишини таъминловчи даргоҳ деб қаралади ва халқ томонидан эъзозланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Японияда таълим тизими ҳам шаклан, ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этган. Ибрат олса, ўрганса арзийдиган жиҳатлари кўп. Эътиборли яна бир томони — Японияда фақат миллий анъаналар билан чекланиб қолмай, жаҳондаги Америка, Франция, Германия каби тараққий этган мамлакатларнинг нлғр педагогик иш тажрибалари ҳам ижодий ўзлаштирилган.

4. Францияда таълим тизими.

Францияда жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақидаги» қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

-Франция давлатининг хозирги даврда амал хилинаётган «Таълим хакидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички ташки сиёсатидаш ислохотлар, юзага келган Иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидага илғораяфибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга килишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблар;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлига эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталабки ва тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар.

Математика, она тили ва адабиёти база предмети, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданок мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар куйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи — 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга,

муסיқа ва меҳнатга ўргатилади.

- Навбатдаги боскич — элементар курс бўлиб, бу боскичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади.

- Бошланғич мактабнинг 3 - боскичи — чуқурлаштириш боскичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар боскичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич боскичида «Гражданлик таълими», «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига муסיқа, тасвирий санъат, спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан, унинг услуб танлашига, мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ, мактабгача тарбия ва бошланғич таълимига модуллаштириш, болаларнинг билимига, у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳукуқи берилади. Бундай дарс жадваллари йиллик, ярим йиллик, чораклик асосида тузилиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки боскичда :

Биринчи боскичда қуйидаги предметлар ўргатилади:

француз тили ва адабиёти, чег тили (инглиз, немис, испан.итальян тиллари), тарих, Франция географияси, математика , тиббий фанлар.

Шундай қилиб 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради: 4-3-синфларда ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи боскич якунлагач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2- синф кичик, 1- синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иш учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳукуқини қўлга киритадилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, маиший хизмат

кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутди.

Сиртки таълим шохабчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жихатларни ўрганади, ўқишни яқунлагач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар.

5. Германияда таълим тизимини ривожлантириш.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Германиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизнинг Республикамиздагига ўхшаб кетади. Икки Герман давлати бирлашгандан кейин собиқ Германия Демократик Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бизнинг шароитимизга мақбул келади.

Германиянинг ҳозирги давр маорифидаги асосий муаммоси собиқ ГДРдаги таълимни бир хил миллий меъёрга солишдан иборатдир.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, Германияда таълим давлат ва жамият томонидан ардоқланаётган соҳа бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатлар ичида кучли олтилика кирган.

Германия таълим тизимларининг баёни қуйидагича: Германияда таълим тизими: Мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига қирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбияланганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгачатарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда, оилада бўладилар. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

•

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли. Бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар текин таъминланади. Хусусий мактаблар озрок. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдага мактаб типига кўчадилар:

Булар: -асосий, махсус мактаб, реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлар асосий мактаб ва юқори мактаб ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-13 синфгача) ва тўла маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўхқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълими тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79%) тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга таалукли махсус фанлардан назарий асослаш берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиш синов имтиҳонлари ўтказилиб ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, фидерал ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидага федерал конунга кўра улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчиги ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимни ислох қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қискартириш таклиф қилинмоқда.

Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат, фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, Герлкания таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга.

6. Ривожланган хорижий давлатлар ва мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ўзаро уйғунлик.

Ривожланган хорижий давлатлардаги таълим – тарбия ва мактаб ҳақида юқорида баён қилинган энг яхши тажрибаларни ўз таълим тизимимизда жорий қилиш Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бошланди.

Бу соҳда бизга ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби Халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари амалий ёрдам бермоқдалар. Республикамиздаги таълим муассасалари таълимни такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг барча шаклларида фойдаланаётирлар.

Республикамиз Олий мажлисининг 1 - чакириқ 1X-сессиясида - таълимга оид икки муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши мамлакат таълимини жаҳон андозаларига, ривожланган хорижий давлатлардаги таълим-тарбия ва мактаб савиясига олиб чиқишда улкан воқеа бўлди.

Бизнинг мактабимиз жаҳонда энг илғор мактаблар бўлиб қолишига Республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан ҳамма шарт шароит яратилмоқда. Бизнинг таълим тизимларимиз ҳам жаҳонда эътироф этилган таълим тизимларидан биридир. Шу туфайли ҳам АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар таълимининг усталари билан ўтказилган учрашувлар ва мулоқотларда Республикамиз таълими тизимига юқори баҳо берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамиз халқ таълими ходимлари олдида ҳозирги кунда энг муҳим вазифа - мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги таълим тизимларини истиқлол руҳи билан такомиллаштириш, уни ўзимизнинг мумтоз педагогика анъаналари билан бойитиш, чет эл педагогикасидаги илғор жиҳатларни ўзлаштириш, янги - янги самарали ўқув предметларини таълим таркибига киритиш билан жаҳон давлат стандартлари даражасига олиб чиқишдир. Бунинг учун эса бизнинг иқтисодий ривожланган хорижий давлатлардаги қуйидаги илғор тажрибаларни таълим тизимимизда қўллай билишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунончи :

Агар биз АҚШ педагогикасидаги:

- а) болани ўз кучи имкониятига ишонч руҳида тарбиялаш;
- б) ўқувчининг энг кичик шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кураш;
- в) болани камситмаслик, инсоний кадриятларни ва ғурурини ерга урмаслик;

- г) ўқувчининг илк давриданок касб-корга йўналтириш;
- д) Ватанига фахр ва ифтихор руҳида тарбиялаш ва ҳ.к

Япония таълимидаги:

- а) боляни мактабга пухта тайёрлаш
- б) кичкинтойлар таълим ва тарбиясига ота-оналар масъулиятини кучайтириш;
- в) ўқувчиларни нафосат, жисмоний камолатига берилаётган эътибор;
- г) ўқитувчи кадрларга юксак талабчанлик;
- д) ёш талант соҳиблари билан олиб борилаётган изчил ишлар.

Германия таълимидаги:

- а) табақалаштириб ўқитишга берилаётган жиддий эътибор;
- б) ўқувчиларнинг меҳнат, таълимини мустаҳкамлаш;
- в) касбга йўналтириш.

Франция таълимидаги:

- а) мактабгача тарбияданок ўқувни предметлаштириб ташкил этиш;
- б) бошланғич таълимни уч босқичда пухта амалга ошириш;
- в) ўқувни дидактик воситалар билан таъминлашга берилаётган катта эътибор;
- г) ўқув муассасаларининг турли фирмалар, концернлар, корхоналар мустаҳкам алоқалари ва бошқа ибратли жиҳатлар бизнинг таълимга ҳам кўчса, бизнинг педагогакамиз олга қараб дадил қадам босган бўлар эди.

Албатта, таълимга ҳар қандай янгилик, ўзгартириш жиддий таҳлиллар, тажрибалар асосида кириб келади. «Зўрлаб тикиштириш» бизнинг услубиёт эмас. Айни пайтда таълимни бир савияда қотиб қолишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам, ҳар бир педагог, ҳар бир тадқиқотчи маорифимиз учун жон куйдирадиган, элим деб, юртим деб қуйиб ёнадиган бўлмаса, «ўз шахсий манфаатларим учун давлат менга нима берди эмас, балки меи давлат равнақи учун нима қилдим» деган мулоҳазалар юритадиган иқтидорли кадрларни тайёрлашимиз керак.